

**ТАЪЛИМ
ХИЗМАТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 37.091.113

КБК 74.6

Т 39

Т 39

Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. (Монография). – Т.: «Иновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 260 бет.

ISBN 978–9943–6495–9–0

Монографияда таълим хизматларини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва уни амалга оширишнинг концептуал йўналишлари, таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш ва ракобатбардош кадрларни тайёрлаш масалалари, фан ва таълим интеграцияси мамлакат тараққиётининг муҳим омили, таълим хизматларининг инсон капитали ва интеллектуал мулкни шакллантиришдаги роли, таълим хизматлари тизимида узлуксиз таълимнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболлари қараб чиқилган.

Таълим соҳаси ходимлари, таълим хизматлари билан шуғулланувчи мутахассисларга, докторантларга, мустақил тадқиқотчиларга мўлжалланган. Ундан таълим билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 37.091.113

КБК 74.6

Авторлар:

М.Қ.Пардаев, С.А.Бабаназарова, З.Б.Кўзиев, Ҳ.Н.Очилова.

Такризчилар:

М. Муҳаммедов – СамИСи профессори, и.ф.д.;

О. Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, и.ф.д., профессор.

Монография Самарқанд иқтисодий ва сервис институти илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил 30 мартдаги 8-сон қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978–9943–6495–9–0

© «Иновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» 2020.

КИРИШ

Бугунги дунё билимлар дунёси. Дунё миқёсида инсонлар тамаддун тантана қилган, интеллектуал мулк қадрланган, билимларнинг мавқеи ошиб турган, билимли инсон эъзозланадиган даврда яшамокда. Бугунги жамиятда таълимнинг аҳамияти беқиёс даражада ошиб бормокда. Зеро, таълим инқирози, миллат, халқнинг инқирозига олиб келади. Таълим ўлган жойда миллат ўлади. Қайси бир давлатнинг тараққиётини сўндириш керак бўлса, таълимни сўндиришнинг ўзи етарли. Таълим синса, тараққиётнинг қўш қаноти иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам синади. Қаноти синган қуш учалмаганидек, бундай ҳолатда жамиятга фақат битта йўл қолади: моддий ва маънавий инқироз. Бунинг нималарга олиб келиши хусусида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Мамлакатимизда 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб номланишининг ўзи Давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далолатдир. Мамлакатимизда таълим тизими ўзининг бошидан тарихий даврни ўтказмокда. Мазкур соҳага катта эътибор қаратилмокда.

Мазкур монография кириш, саккизта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, барча бобларда масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари бир-бири билан мантикий боғлиқ ҳолда ёритилган.

Монографиянинг биринчи боби “Таълим хизматларини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва уни амалга оширишнинг концептуал йўналишлари”га бағишланган. Унда шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари ва уларнинг ҳозирги авлодни тарбиялашдаги ўрни, таълим хизматларини ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи ёритилган.

“Таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масалалари” монографиянинг иккинчи бобида кўриб чиқилган. Ушбу бобда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртиларида таълим

SAVAKKAD JOTSCODAN
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKA

№ 59968

хизматлари самарадорлигини ошириш ва рақобат муҳитини яратиш масалалари тадқиқ қилинган.

Монографиянинг учинчи бобида “Фан ва таълим интеграцияси мамлакат тараққиётининг муҳим омили” билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Ушбу бобда фан ва замонавий таълим интеграциясининг интеллектуал мулкнинг шаклланишидаги роли, таълимнинг ривожланишида илмий мактабларнинг роли ва ўрни, алоҳида Самарқанд иқтисодиёт мактабининг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришдаги хизматлари ёритилган.

Тўртинчи бобда “Таълим хизматлари инсон капитали ва интеллектуал мулкни шакллантириш омили” тадқиқ қилинган. Бунда ўта долзарб масалалардан бири таълим хизматлари ўзининг қиймати ва бозорига эга бўлган интеллектуал мулкни шакллантириш омили эканлиги исботланган. Шунингдек, ушбу бобда таълим хизматлари орқали инсон капитали ва маънавиятини юксалтириш йўллари ҳам кенг ёритилган. Келажақда интеллектуал мулкнинг бозори ва баҳоси бўлиш кераклиги хусусида тегишли тавсиялар берилган.

Монографиянинг бешинчи боби “Таълим хизматлари тизимида узлуксиз таълимнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари”га бағишланган. Унда узлуксиз таълимнинг босқичлари, умумий ўрта таълимни ривожлантириш муаммолари, ўрта-махсус касб-хунар таълимининг ҳолати, олий таълимнинг ривожланиш босқичлари ва ундаги бугунги кун муаммолари ёритилган.

Олтинчи бобда “Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари”, шунингдек, унда олий ўқув юртлари самарадорлигини оширишда таълим хизматларини оптималлаштириш масалалари, таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш истикболлари батафсил кўриб чиқилган.

Монографиянинг еттинчи бобида “Олий таълимни такомиллаштириш борасидаги ўзгаришлар хусусида айрим мулоҳазалар” келтирилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида олий таълимни такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалари, “Коррупциясиз олий таълим” модели ва уни шакллантириш омиллари, олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар келтирилган.

Монографиянинг саккизинчи боби “Олий таълим тизимини бошқариш билан боғлиқ айрим масалалари”га бағишланган. Ушбу бобда олий таълим тизимини бошқариш механизминини такомиллаштириш бўйича тавсиялар, олий таълим тизимини бошқаришда таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

Монография таълим соҳаси ходимларига, таълим хизматлари билан шуғулланувчи мутахассисларга, докторантларга, мустақил тадқиқотчиларга мўлжалланган. Ундан таълим хизматлари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Кириш қисми, 1.2, 3.2., хулоса ва тақлифлар. – М.Қ.Пардаев

1.1., 2.1., 2.3., 2.4., 4.3., 4.4. – С.А.Бабаназарова

6.1., 6.2. – З.Б.Қўзиев

2.2., 4.1., 4.2. – М.Қ.Пардаев, С.Бабаназарова, З.Б.Қўзиев

3.1., 7-боб. – М.Қ.Пардаев, С.Бабаназарова

6.3., 6.4. – М.Қ.Пардаев, З.Б.Қўзиев

8-боб – М.Қ.Пардаев, С.Бабаназарова, Х.Н.Очилова.

I 606. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб таълим тизимига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Дастлабки йилларда таълимни социалистик мафкурага асосланган мазмунидан қутулиб, ўзимизга хос миллий қадриятларимизга ва жаҳон тамаддунига мос таълимни шакллантириш устида қизғин ишлар амалга оширилди. Чунки, тарихдан маълумки, давлатчилигимизнинг юксалишида, илм-фаннинг роли бекиёс. Аждодларимиз дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшиб, бугунгача қадрланиб келинмоқда. Айнан шу даврларда илм аҳлига катта эътибор қаратилган даврлар бўлган. Мамлакатнинг изчил тараққиёти ва мўътадил ривожланиши кузатилганлиги ҳам фан ва таълимнинг юксак қадрланганлиги билан боғлиқ. Шу туфайли мустақилликнинг биринчи кунларидан ушбу соҳага катта эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз олимлари, айниқса, ёш тадқиқотчилар ўзларининг истеъдодини ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги Қонун¹ ва айнан шу кунда «Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»² ҳам қабул қилинди. Бундан ташқари «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»³ ҳам қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда кўрсатилган тартиб тамойилларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги №464-й-сон қонуни.

² Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси 29.08.97й. Қонуни билан тасдиқланган. Мазкур Дастурга ЎзР 09.04.2007 й. ЎТҚ-87-сон Қонунига мувофиқ ўзгаришлар киритилган.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»¹ қарори қабул қилинди 2004 йил 21 май ПФ-3431-сон Фармони «2004-2009 йилларда мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида».

ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Ушбу моделнинг таълим соҳасида самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча ташкилий-иқтисодий чоралар кўрилди. Таълим тизимида ўзимизга ва замон талабига мос бўлган мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ҳам янги талаблар асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ўзининг сўнги китобида: “Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз хал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”⁴, деб таъкидлаган эди. Маълумки, жамият тараққиётининг барча муваффақиятларига фақат таълим тарбияни мустаҳкамлаш йўли билангина эришилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги ислохотларни ўрта босқичга бўлиш экан. Бу қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ўзбекистонда таълимдаги ислохотларнинг босқичлари

Т/р	Ислохот давлари	Таълим ислохоти ҳар бир даврининг мазмуни
1.	Биринчи босқич 1991-1997 йиллар.	Мафкуралашган таълимдан воз кечиб, янги узлуксиз таълимга тайёргарлик кўриш босқичи.
2.	Иккинчи босқич 1997-2016 йиллар.	Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастурида ҳўзда тўтилган узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши ва амал қилиши.
3	Учинчи босқич 2016 ва ҳ.в.	Узлуксиз таълимнинг кенг қамровли сифат босқичига ўтиши ва унинг такомиллашиб бориши.

⁴ Каримов И.А. Оня юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.. “Ўзбекистон” ИМНУ, 2015. – 235 бет.

Дунёда тан олинган ҳақиқат бор, яъни таълимга қўйилган капитал инсонга, унинг камолотига, халқнинг келажагига қўйилган капиталдир. Бу борада Ўзбекистоннинг биринчи Президенти “Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш демакдир”⁵, деб таъкидлаган эди. Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш – изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Таълимни ривожлантириш бу бир йиллик ёки беш йиллик иш эмас. Ушбу масала узоқ муддатларга мўлжалланган стратегик аҳамиятга молик тадбирлардандир. Шу туфайли таълимни ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Давлат дастурлари ишлаб чиқилиши бежиз эмас.

Таълим тараққиётининг иккинчи босқичида узоқ муддатга мўлжалланган кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури ишлаб чиқилган бўлган бўлиб, унда кўзда тутилган узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тадбирлари қўйилган бўлса, 2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони эълон қилинди. Ушбу концепция ҳам 10 йилга мўлжалланган. Ушбу концепцияда “Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш”⁶ мақсад қилиб белгиланган. Мазкур концепцияда кўзда тутилган тадбирлар таълимни бутунлай янги босқичга олиб чиқиш масаласига қаратилган. Бунда жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “олий таълим соҳасида

⁵ Ушбу жойда – 235 бет.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш”⁷ каби стратегик йўналишлар назарда тутилган. Бунга эришиш учун таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Шунингдек, олий таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш масаласига ҳам изчиллик ва узлуксизлик билан эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга мустақиллик йилларида катта инвестиция сарфланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон манфаатидан келиб чиққан ҳолда, дунё тажрибаси ҳам ўрганилди. Бу борада мамлакатимизнинг биринчи раҳбари: “Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса – бу Жанубий Корея ёки Япония бўладими, Европа давлатлари бўладими – буларнинг барчасини ўрганиш керак. Бу борада биз учун ҳеч қандай мафкуравий чеклашлар йўқ. Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир”⁸, деб таъкидлаган эди.

Таълим соҳасини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида ҳам мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун уларни жисмоний соғлом, маънавий етук ва интеллектуал салоҳиятли қилиб тайёрлашни тақозо қилади. Ушбу жараёнда ёшларнинг билим даражасини ошириш билан бирга, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига ҳам катта эътибор қаратилди. Натижада ёшларимизда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш борасида анча муваффақиятларга эришилди. Ушбу ишлар доирасида 2007-2016 йиллар давомида ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш ишлари ҳам изчиллик билан давом эттирилди.

Таълим тараққиётининг иккинчи босқичида устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича узлуксиз таълимни ривожлантиришга

⁷ Ўша жойда. – 1-бет.

⁸ Каримов И.А. Она юртимиз бахту инболи ва бузук келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон” ИМИУ, 2015. – 235 бет.

қаратилган бир қанча Давлат дастурлари қабул қилинган эди. Ушбу дастурларда жисмонан соғлом, маънан етук – баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Бу масала мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудудида изчиллик билан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганидек: “Юртимизда таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2014 йилда ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди”⁹. Шунингдек, бир қанча мусиқа ва санъат мактаби, кўплаб болалар спорт объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Чунки баркамол, янги, ўз дунёқараши бўйича янги авлоднинг шаклланишида ушбу масалалар муҳим аҳамиятга эга эди.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ишларнинг асосий йўналишлари бизнинг мамлакатимиз учун тажриба эди. Бу тажриба ўзини тўлиқ оқламади, бизнинг яшаш тарзимиз ва ижтимоий аҳволимизга тўлиқ мос келмади. Шу туфайли қанчалик кенг кўламли ишларнинг амалга оширилишига қарамасдан таълим соҳасида айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Булар қуйидагиларда намоён бўлди.

Биринчидан, таълим соҳасида, айниқса, олий таълим тизимида коррупция элементлари аста-секинлик билан кириб борди ва айрим ўқув юртларида мустаҳкам ўрнашиб ҳам олди.

⁹ Ўша жойда. – 216 бет.

Иккинчидан, коррупция бор жойда адолат мезонлари бузилади ва мос равишда таълим сифати пасайиши рўй беради. Таълим ислохотларининг иккинчи босқичида бу яққол кўзга ташланиб қолди.

Учинчидан, интеллектуал мулк соҳибларининг, айниқса, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнати муносиб баҳоланмади. Натижада жуда кўплаб иқтидорли профессор-ўқитувчилар таълим тизимидан бошқа соҳага ўтиб кетишди.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларига кадрларни танлаб олиш имконияти қисқарди. Соҳада ишлаш учун иқтидорли ёшларнинг иштиёқи бўлмаганидан кейин, танлов асосида профессор-ўқитувчиларни шакллантириш имконияти бўлмади ва мос равишда олий таълим тизимида етук кадрлар шакллантириш масаласида бироз чекланишлар бўлди.

Бешинчидан, мактабни битирувчиларни олий таълимга камраб олиш даражаси жуда паст бўлиб, ҳатто 10 фойздан ҳам кам эди. Бу ҳолат кўпгина ёшларимизни “қора меҳнатга маҳкум” қилишга олиб келди.

Олтинчидан, олий ўқув юртларига камровнинг камлиги туфайли, талабалик сафига кириш масаласи бироз мураккаблашиб қолди. Ушбу ҳолат айнан коррупциянинг авж олишига ҳам сабаб бўлди. Коррупция бор жойда кириш қанчалик қийин бўлмасин, талабанинг ўқиши ва олий ўқув юртини битириши осонлашди. Оқибатда талабалар етарли даражада билим олмасада, асосан диплом олишга муваффақ бўлишди.

Еттинчидан, кириш ва ўқиш жараёнларида синов асосан тест орқали амалга оширилганлиги туфайли, талабалар тестни ёдлаб баҳо оладиган бўлишди. Бу уларнинг ёзма ва оғзаки нутқининг ўсишига, ривожланишига маълум даражада тўсик бўлди.

Мавжуд камчиликларнинг ҳаммаси таълим тизимини ислоҳ қилишни тақозо қилди ва мазкур соҳада ислохотларнинг учинчи босқичи 2017 йилдан бошланди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилган сиёсат бугунги кунда янги мазмун билан бошланди. Соҳадаги барча ютуқ ва камчиликларимиз сарҳисоб қилиниб, таълим соҳаси янги поғонага кўтарилиши борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзи-ёев

томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ва кейинги бир қанча фармон ва қарорларда мазкур соҳа тубдан такомиллаштирилган ҳолда давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг пировард мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ўнглаш, уларни бугунги кунда бахтлиликни таъминлаган ҳолда ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашдан иборатдир. Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ҳам айнан шуларга қаратилган. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таълимга оид қатор фармон ва қарорлари ушбу хайрли ишларнинг нафақат мантикий давоми, балки таълим соҳасини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш йўли сифатида баҳоланмоқда.

Ҳозирги кунда таълим тизими янги сифат йўналишига қадам қўйди. Ушбу янги йўналишлардан бири узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилгандир. Хусусан, мактабгача таълимни такомиллаштириш, болаларнинг ушбу таълим билан қамраб олишини кенгайтириш каби масалалар билан бирга, ўрта махсус касб-хунар таълимини ҳам янгича тараққий эттириш, олий таълим билан қамраб олиш даражасини кўпайтириш, олий таълимдан кейинги таълимгача бўлган босқични ҳам қамраб оладиган ишларнинг ҳаммаси такомиллашган тарзда давом эттиришнинг концептуал йўналишлари ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан буён бозорларимизнинг тўлалиги фақат қора меҳнат эвазига амалга ошмайди. Агар шундай ҳолат давом этадиган бўлса, бугунги кескин ва шиддат билан ривожланаётган дунёдан орқада қолиб кетишимиз мумкинлигини қайд этиб, эндиликда илм-фанни ривожлантирмасак, кўзланган маррага ета олмаслигимиз, юртимиздаги тўқинликни сақлаб тура олмаслигимиз тайинлигини таъкидлади. Юртимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш учун жуда катта ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Айнан ана шу вазифалар таълим ислохотларининг учинчи босқичининг мазмунини ташкил қилади.

Мамлакатимизда таълим ва илм-фан тараққиётини таъминлаш, бу борадаги бир қанча муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш учун фан дарғалари билан бирга иқтидорли ёш олимларга ҳам муносиб эътибор қаратиш, уларга муносиб шароитларни яратиб бериш лозимлиги таъкидланмоқда. Шунинг учун Президентимиз мамлакатни ривожлантириш дастурларида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қаторида таълим, илм-фан соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу туфайли, таълим, илм-фанни ислоҳ қилишнинг ушбу босқичида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармонлар ва қарорларида, шулар асосида ишлаб чиқилган Давлат ва ҳудудий дастурларда бир қанча ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари ҳам аниқ дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва унинг биринчи иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”ни келтириш мумкин. Мазкур фармон ва концепция бетақдор ва тарихий ҳужжат ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз олий таълим муассасалари олдида узок муддатга мўлжалланган ўта долзарб вазифаларни 2030 йилгача ва ундан кейинги истикболли режаларни ҳам белгилаб берди. Булардан ташқари мазкур тарихий ҳужжатлар 2030 йилгача мамлакатимизда мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига қамраб олиш даражасининг босқичма-босқич оширилиши ҳамда 50-60 фоизгача етказилиши, янги-янги олий таълим муассасалари, мутахассисликлар, йўналишларни очиш масаласини ҳам белгилаб берди.

Мамлакатимизда узок муддатга мўлжалланган таълим ва илм-фанни ривожлантириш дастурнинг асосий йўналишлари қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, таълимнинг ривожланишида мактабгача таълимнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Ушбу тадбир бутун мамлакат бўйлаб болаларнинг боғчаларга қамраб олиниш даражасини кескин ўзгарди. Эътиборли

жиҳати, мактабгача таълимни шаҳар билан бирга алоҳида кишлоқларда ҳам ривожлантиришга катта аҳамият берилди.

Иккинчидан, мамлакатимизда ўзини оқламаган касб-хунар таълими тизими ҳам муносиб ислоҳ этилди. Уларда ўқиш муддати 3 йилдан 2 йилга қисқартирилди. Ўрта умумтаълим мактабларида таълим муддатининг 9 йилдан 11 йилга ўзгартирилди. Натижада таълим тизимидаги ички узилишларга барҳам берилди.

Учинчидан, устозларнинг жамиятда тутган ўрни ва нуфузи тикланиб, обрў-эътибори, мавқеи, нуфузи ва мотивацияси оширилди. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва мураббийларидан тортиб, ўрта умумтаълим мактаблари ўқитувчи-ҳодимлари ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ойлик маошлари сезиларли миқдорда кўтарилди, уларнинг хизматларига яраша тегишли устамаларни белгилаш тартиби ҳам янги йўналишда жорий қилинди.

Тўртинчидан, барча университетлар ва институтларда қабул квоталари олдинги йиллардагига нисбатан 2 маротага оширилди. Жамиятимиз учун зарур бўлган кечки ва сиртки таълим тикланди. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олиш учун тегишли имкониятларни яратди.

Бешинчидан, чет мамлакатлардаги нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот муассасаларининг филиаллари очилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 116 та олий таълим муассасаси фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 21 таси чет давлатларнинг нуфузли университетлари ва институтлари филиалларидир. Улар билан ҳамкорликда мутлақо янги ўқув режалари ва дастурлар, шунингдек, 2+2 тизими асосида ташкил этилмоқда. Бунинг жуда катта аҳамият шундаки, бир томондан, ёшларимиз чет тилларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади ва иккинчи томондан, уларнинг замонавий инновацион билимларни янада чуқурроқ эгаллашларига ҳам имконият яратилади. Бунда битиручиларнинг чет мамлакатлар корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш натижасида улардаги мавжуд илғор амалий тажрибаларни ҳам ўрганади.

Олтинчидан, олий таълимга нисбатан мутлақо янгича муносабатлар шакллантирилди. Уларга мустақиллик берилмоқда, нодавлат таълим муассасалари фаолияти учун ҳам кенг имкониятлар очиб берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимини ҳам худди

иктисодиёт каби давлат монополиясидан чиқариш имкониятини яратмоқда. Мамлакатимизда хусусий боғчалар ва мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда, ўрта умумтаълим мактаблари, кўплаб олий таълим муассасаларининг очилиши давлат таълим муассасаларига муқобил рақобатчиликни юзага келтириш имконини берди. Бу тадбирлар, ўз навбатида, таълим муассасаларининг кўпайишигагина эмас, таълимнинг сифатига ҳам катта ижобий таъсир этиши муқаррар.

Еттинчидан, хорижий таълим муассасаларида таълим олиши йўлга қўйиш ва ўзимизда илғор тажрибаларни жорий қилиш эвазига ўқитишни ташкил қилиш натижасида мамлакатимизда ҳам янги авлод ўқитувчилари ва илмий ходимларини тайёрлаш тизими шаклланади. Шунингдек, тажрибали ва юқори малакали хорижлик профессор-ўқитувчилар, мутахассислар мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ишлаш учун таклиф этилиши ва уларга ҳам тегишли шароитлар яратиб берилиши, соҳани сифат босқичига олиб чиқиш учун ташкилий асослардан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

Саккизинчидан, ҳозирда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг юқори савияда маъруза ва амалий машғулотлар ўтиш ва маҳорат дарслари ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилганлиги ҳам уларни ўз касбига бўлган муносабатини ва масъулиятини оширишга олиб келди. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини замонавий талаблар асосида шакллантиришга жиддий эътибор қаратилаётганлиги ҳам соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор каби кўплаб инновацион марказларнинг ташкил этилмоқда. Булар орқали ёшларимиз замонавий билимларга эга бўлиш билан бирга илғор тажрибаларни ҳам ўзлаштириб боради.

Тўққизинчидан, қатор йиллардан буён мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Бундан ташқари ягона ахборот-кутубхона ишга туширилди. Мазкур ишга туширилган тизимига 400 мингга яқин дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган.

2018-2020 йилларда ушбу базани яна 40 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилган. Бу борада ҳам ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўнинчидан, ўқув жараёнига жаҳон талабларига мос ҳолда кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш, мамлакатимиз олий таълим муассасаларини дунё рейтингининг 1000 талик рўйхатига киритиш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ёшларини чет элларда ўқитиш билан бирга, чет эллик талабаларни ҳам ўзимизнинг олий ўқув юр்தларимизда ўқитишни йўлга қўйишга эришиш орқали, жаҳон интеллектуал меҳнат бозорида рақобатбардош юксак малакали кадрлар тайёрлаш ишларига мустаҳкам пойдевор қўйилишини таъминлаш ҳам бугунги ислохотларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўн биринчидан, олий ўқув юр்தлари академик мустақилликни қўлга киритиш билан бирга 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажрибасинов тариқасида мамлакатимиздаги 10 та олий таълим муассасасининг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди. Ушбу тадбир мамлакатимизда олиб борилаётган ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир муҳим кўриниши бўлади, дейиш мумкин. Ушбу йўналиш ҳам келажакда босқичма-босқич ривожланиб боради.

Ўн иккинчидан, мамлакатимизда олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожланган чет мамлакатларнинг олий таълим муассасалари даражасига кўтариш, замон талабларига жавоб берадиган янги авлод ўқув адабиётлар яратиш ва бу ишларни изчил давом эттириш зарур. Бунда катта эътибор дарсликларга қаратилган бўлиб, ушбу ишни замон талабига мос тарзда шакллантириш ҳам ислохотларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Олий таълим муассасаларининг ресурс-ахборот марказлари фонди ўқув адабиётлари, янада замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар билан бойитилиши лозим. Бундан ташқари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаган профессор-ўқитувчилар ҳам муносиб тақдирланишлари лозим. Чунки бу уларнинг интеллектуал мулки бўлиб ҳисобланади. Интеллектуал мулк ўзининг бозори ва баҳосига эга бўлиши керак.

Ўн учинчидан, ҳозирги талабдан, ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассислар томонидан замонавий

билим, қобилият ва кўникмаларни тизимли асосда ўзлаштириш лозимлигидан келиб чиқиб, замонавий талабларга жавоб берадиган педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини узлуксиз такомиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Олдинги йилларда педагоглар малакасини ошириш уч йилга белгиланган бўлса, энди ушбу муддатни қисқартириш лозим бўлмоқда. Чунки, бугунги шиддат билан ўзгараётган замон шуни тақозо қилмоқда. Бироқ малакани ошириш ишдан ажралмаган ҳолда иш жойида тезкор тарзда амалга ошириш механизминини ишлаб чиқишни талаб этади. Ҳозирги кунда олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувчилари қатъий дастур асосида ўз малакаларини янги тартибда амалга оширмоқдалар. Аммо уч йил ҳозирги шиддат билан ўзгараётган пайтда кўплик қилади.

Ўн тўртинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини масофадан туриб ошириш тизимини янада ривожлантириш лозим, зеро ушбу тизим бугун мамлакатимизнинг барча узоқ ҳудудларини ҳам қамраб олган. Булардан ташқари, олий ўқув юртлиарининг қатор магистрантлари, илмий ходим ва ўқитувчилари илғор хорижий таълим муассасаларида тажриба алмашиб келмоқда. Бу иш келгуси йилларда ҳам давом эттирилади. Буларнинг барчаси таълим жараёнига замонавий инновацион педагогика технологияларни кенг татбиқ этиш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Ўн бешинчидан, Ўзбекистонда амалга ошириляётган таълим билан боғлиқ барча тадбирлар шаклланган миллий таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Бу эса, нафақат узлуксиз таълим олишни, балки ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг муттасил ривожланиб боришини ҳам кафолатлайди. Масалан, таълимни ривожлантириш концепциясида мактабда, айниқса, қишлоқ жойларда биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабгача таълим тизимига ҳам алоҳида аҳамият берилган ва унга янги мазмун-моҳият бағишланган. Барча мактабгача таълим муассасаларида мактабга тайёрлайдиган босқич мавжуд бўлиб, унда болалар ҳарфларни ўқиш санаш каби элементар нарсаларни ўрганиб мактабга тайёр бўлиб борадилар. Шу тариқа самарали таълимнинг мустахкам пайдевори кўйилади. Ушбу пайдеворнинг мустахкамлигини таъминлаш учун Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабгача таълим муассасаси (MTM)

SAMARQAND INSTITUT
VA SERVIS INSTITUT
EXPORT RESURS MARK
59968

болаларнинг интеллектуал ва мантикий фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмали қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминлаш йўлга қўйилган. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмий қўлланмалар тўпламини нашр этилди. Аммо охириги пайтгача мактабгача таълим муассасида шу ёшдаги болаларни қамраб олиш даражаси етарлик эмас эди. Бу борада ҳам ишлар тизимли равишда давом эттирилмоқда. Бу борада янгидан ташкил қилинган Мактабгача таълим вазирлиги сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда МТМ етарли даражада эмаслигини инобатга олиб, айнан шу жойларда хусусий секторга рухсат бериб, хусусий таълим муассасаларини, айниқса, МТМни кўпайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ифтихор ва ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун жуда кўп тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда таълимни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган сиёсат мамлакатимизда барча аҳолини айниқса, болаларга етарли даражада шароит яратиб бериш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга доир ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилиб яшаган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди ва унга мунтазам равишда эътибор қаратилиб, узлуксиз таълимнинг барча босқичларини такомиллаштириш ва сифат босқичига ўтказишга ҳаракат қилиб келинди ва унга босқичма-босқич эришилиб келинмоқда. Жисмонан соғлом, маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазибаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда аҳолининг нафақат фаровон ҳаётини, янаша даражаси ва сифатини оши-

риш, балки унинг буюк келажагини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

1.2. Таълим хизматларини ривожлантириш аҳоли яшаш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим омили

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш истиклол йилларида Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсадидир. Биринчи Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ушбу хайрли ишларнинг нафақат мантиқий давоми, балки таълим соҳасини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш йўли ҳамдир.

Таълимга қўйилган капитал инсонга, унинг камолотига қўйилган капиталдир. Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш – изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг ҳосиласидир. Жорий йилга белгиланган Давлат дастурида ҳам бу масалага катта эътибор берилди. Бунда жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган. Бунга эришиш учун таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими белгиланган. Шунингдек, жорий йилда таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун уларни жисмоний соғлом, маънавий етук ва интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашни тақозо қилади. Ушбу жараёнда ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий гурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатиши ҳам кўзда тутилган. Шу йилдан бошлаб болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш ишлари янада юқори даражага кўтарилади.

Буларни инобатга олиб, Давлат дастурининг тўртинчи бўлимида жисмонан соғлом, маънан етук — баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомил-лаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадор-лигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча чоралар кўрилди. Таълим тизимида мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ушбу ижобий жараёни янада ривожлантириш мақсадида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси компютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан тўлиқ таъминланади. Шунингдек, 55 мусиқа ва санъат мактаби, 116 болалар спорт объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Чунки баркамол авлоднинг шаклланишида ушбу масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Бундан ташқари ягона ахборот-кутубхона ишга туширилди. Мазкур ишга туширилган тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув

адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. Қатор йиллардан буён ушбу базани минглаб электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириб кеелинмокда.

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод ўқув адабиётлар яратилди ва бу ишлар давом этмокда. Бунда катта эътибор дарсликларга қаратилган. Ҳозирги пайтда дарсликларини яратиш тизими ҳам замон талабига мос тарзда шакллантирилди. Айни пайтда уларнинг ҳиссаси жами ўқув адабиётларининг 99,4 фоизини ташкил қилади. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади. 2013 йилда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 номдаги 600 мингта ўқув адабиётлари, яъни дарслик ва ўқув қўлланмалар билан бойитилади. Бундан ташқари, бир қисм ўқувчилар дарсликлар ҳамда қўлланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган. Булар жумласига умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини киритиш мумкин. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига кишки кийим-кечак, биринчи синф ўқувчиларига эса 12 номдаги ўқув анжомлари бепул берилади. Кўриниб турибдики, бирор киши ўқув жараёнидан қандайдир камчилик ёки етишмовчилик туфайли четда қолмайди.

Ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассислар томонидан замонавий билим, қobiliят ва кўникмаларни тизимли асосда ўзлаштиришни тақозо этмокда. Шунга мувофиқ ва мос келадиган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими узлуксиз тақомиллаштирилмокда. Ҳар йили халқ таълими тизимидан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидан, олий таълим тизимидан минглаб ўқитувчиларнинг малакаси ва тажрибасини ошириш ташкил этилиши кўзда тутилган. Ҳозирги шароитда ушбу ишлар масофавий тарзда ҳам амалга оширилмокда.

Алоҳида эътибор умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малакасини оширишга қаратилган. Уларнинг малакасини масофадан туриб ошириш тизими янада ривожлантирилади. Ушбу тизим бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олган. Булардан ташқари, олий ўқув юргларининг қатор магистрантлари, илмий ходим ва ўқитувчилари илғор хорижий таълим муассасаларида

тажриба алмашиб келмоқда. Бу узлуксиз давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси таълим жараёнига замонавий инновацион педагогика технологияларини кенг татбиқ этиш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим билан боғлиқ барча тадбирлар шаклланган миллий таълим моделини янада такомиллаштиришга қаратилган. Бу эса, нафақат узлуксиз таълим олишни, балки ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг муттасил ривожланиб боришини ҳам кафолатлайди. Масалан, Давлат дастурида мактабда, айниқса, қишлоқ жойларда биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабгача таълим тизимига ҳам алоҳида аҳамият берилган ва унга янги мазмун-моҳият бағишлаш кўзда тутилган. Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабгача таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал ва мантикий фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмали қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминланади. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмий қўлланмалар тўпламини нашр этиш режалаштирилган. Ҳар йили улар мактабгача таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларга бепул тарқатилади. Аммо ҳали мактабгача таълим муассасасида шу ёшдаги болаларни камраб олиш даражаси етарлиқ эмас. Бу борада ҳам ишлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури» ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида қишлоқ хўжалиги, саноат, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш учун мақсадли курслар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Мазкур дастурда кўзда тутилганидек, ёш тадбиркорларга моддий ва услубий ёрдам кўрсатилади, ҳудудий махсус маслаҳат марказлари фаолияти такомиллаштирилади. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш имкониятларидан хабар-дорлигини ошириш мақсадида

бўш иш ўринларининг ягона интерфаол базасини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Жорий йилда ёш иқтидорли талабаларни қўллаб қувватлашга катта эътибор берилади. «Таълим грантлари дастури», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» танловларини ўтказиш давом эттирилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ва олий ўқув юртларида ўқиётган 100 нафар иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантириш учун ушунга касба уюшмаси стипендиялари ҳам таъсис этилади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб болалар ва ёшларнинг истеъдоди ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттирилади. Кўп йиллардан буён «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик ва эстрада ижрочилиги бўйича республика танлови, «Иқтидорли ёшлар — Ватан равнақи йўлида» шиори остида ўқувчиларнинг «Йилнинг энг яхши ихтироچиси» танлови ўтказилиб келинмоқда. Мазкур танловларнинг аксарияти анъанага айланган. Шу йўл билан мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг ижодини ривожлантириш имкониятини яратмоқда. Бу эса ўз навбатида, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юқори салоҳияти ва иқтидорини намойиш этмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни янада кенгрок оммавийлаштириш мақсадида қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида «Алпомиш» ва «Барчиной» ҳудудий мусобақалари, «Миллий қадриятлар — бекиёс бойлигимиз» шиори остида миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган умуммиллий марафонлар ташкил этилади. Бешта ташаббуснинг битта йўналиши доирасида турли спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси баркамол авлодни тарбиялаш миллий тизимини яратиш имконини бермоқда.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ифтихор ва ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан

ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида жорий йилда ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун жуда кўп янги тадбирлар режалаштирилган. Мамлакатимизда таълим оромгоҳлари, ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳлар, турли йўналишлар бўйича мунтазам ўтказиладиган семинарлар, тренинг ва маҳорат сабоқлари ташкил этилган. Бунда йигит-қизларнинг серкирра истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш билан бирга, улар орасидан энг иқтидорлиларини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Булардан ташқари, болалар ва ёшларнинг фойдали дам олишини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар режалаштирилганки, уларда шу йўл биланфаол дам олиш кўникмаси ҳам шакллантирилади.

“Обод турмуш йили”га бағишланган Давлат дастурида «Биз баркамол авлодмиз» ўн кунлиги, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Ҳар бир болага меҳр ва эътибор» ҳафталигини ўтказиш кўзда тутилган. Мазкур тадбирларнинг вақти жуда қисқа бўлсада, унга тайёргарлик ва танлаб олиш жараёнида жуда кўплаб ёшларнинг иштироки таъминланади. Бу эса, ҳар бир тадбирнинг оммавийлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда барча болаларни ривожлантириш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга доир ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, 2013 йилда инклюзив таълим тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бундай таълим турига имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларни жалб қилиш, шунингдек, улар учун спорт мусобақалари ҳамда оилавий марафонлар ўтказиш тадбирлари ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида, ҳозирча икки вилоятда, яъни Фарғона ва Самарқандда Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг филиаллари очилади.

Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилиб яшаган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди ва унга мунтазам равишда эътибор қаратилиб, узлуксиз таълимнинг барча босқичларини такомиллаштириш ва сифат босқичига ўтказишга ҳаракат қилиб келинди ва унга

эришилди. Бунга эътибор «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам қаратилган. Мазкур дастурда жисмонан соғлом, маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда аҳолининг нафақат фаровон ҳаётини, балки обод турмушни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

1.3. Таълимни ривожлантиришнинг халқаро миқёсдаги қиёсий таҳлили

Ушбу мавзунини аҳолиси мусулмон ва бошқа дин вакиллари билан бўлган мамлакатлар таълим тизимининг қиёсий таҳлили билан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, дунё тамаддуни пойдеворини қўйган, тараққиёт бешигини тебратган аслида мусулмон мамлакатлари бўлганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Аммо бугунги кунда мусулмон оламида таълимнинг аҳволи қандай? Бошқа дин вакиллари билан қиёслаганда нималар кўзга ташланади? Айнан бу каби саволга жавоб беришда асосий эътиборни, бугунги кунда халқаро экспертларнинг ҳамда айрим дунё миқёсидаги олимларнинг фикрларига қаратамиз.

Яқинда Исломобод университетининг профессори Фаррух Салимнинг ислом олами ва бошқа диндаги халқларнинг таълим соҳасидаги аҳолининг қиёсий таҳлили интернетда эълон қилинди. Унда эътиборга молик жуда муҳим таҳлилий маълумотлар келтирилган экан. Шунга асосланиб, бу борадаги айрим фикрларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Бугунги кунда ислом дунёси мусулмонлари 1 млрд. 476 млн. 250,0 минг кишини ташкил қилмоқда. Уларнинг 1,0 миллиарди (67,7 %) Осиёда, 400,0 миллиони (27,1 %) Африкада, 44,0 миллиони (3,0 %) Европада, 6,0 миллиони (0,4 %) Америкада. Қолган 26250,0 мингтаси (1,8 %) бошқа ҳудудларда яшайди. Кўриниб турибдики, мусулмонлар асосан Осиёда яшар экан. Аслида тарихда ҳам шундай бўлган¹⁰.

Бугунги кунда Дунё аҳолисининг ҳар 5 тасига 1 нафар мусулмон тўғри келади. Ҳар бир буддистга 2 нафар, ҳар бир хиндуга

¹⁰ Пардаев М., Бабаназарова С. Дунёни илм қутқаради. "XXI-ASR" газетаси. 2020 йил 11 июнь. – 7 бет.

ҳам 2 нафар, ҳар бир яҳудийга 100 нафар мусулмон тўғри келади. Ушбу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, дунё микёсида ҳар бешта йирик ихтиродан биттаси мусулмонларга тўғри келиши керак¹¹. Аммо аҳвол бу кўрсаткичга яқинлашмаяётганлиги ачинарли ҳол. Бунга асосан таълимдаги камчиликлар сабаб бўлмоқда. Бир пайтлар дунё тамаддуни бешигини тебратган мусулмонлар охириги асрларда таълим соҳасида анча пасайиб кетди.

Халқаро Ислом Ҳамкорлик ташкилотига 57 та давлат аъзо бўлиб, уларнинг жамида 500 та университет мавжуд экан. Бу дегани ҳар уч миллион мусулмонга битта университет тўғри келишини ($1476250/500 = 2952,5$ минг) билдиради. Ушбу кўрсаткич бошқа давлатларда 4-5 баробар юқори. Масалан, АҚШда 5578 та университети бор экан. Бу ерда ҳар 57 минг аҳолига битта университет тўғри келар экан¹². Мамлакатимизда бугунги кунда битта олий ўқув юртига 330,0 мингта аҳоли тўғри келади. Бундан уч йил муқаддам ушбу кўрсаткич 550,0 мингтани ташкил қилар эди. Бу борада ривожланган мамлакатлардан 5-6 марта орқадамиз. Аммо мусулмон мамлакатларга нисбатан аҳволимиз 9,1 марта яхшироқ. Президентимиз таълим соҳаси бўйича ривожланган мамлакатлар сафига киришимиз лозимлигини бир неча бор таъкидлаб келмоқда¹³. Шундай экан, биз мазкур соҳада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўплигини ҳар бир киши кўнгилдан ҳис қилса керак, деб ўйлайман.

Дунё рейтинг буйича 500 та илғор университетларнинг ҳаммаси христиан ва бошқа диндаги давлатлар университетлари экан. Шуниси ташвишлики, буларнинг таркибига профессор Фаррух Салимнинг маълумоти бўйича бирорта ҳам мусулмон мамлакатлари университетлари кирмаган экан.

Аҳолиси христианлардан иборат давлатларда ўртача саводхонлик даражаси 90 фоизни ташкил қилар экан. Мусулмон давлатларда ушбу кўрсаткич ўртача 40 фоизга тенг экан, холос. Аҳолиси фақат христианлардан иборат бўлган 15 та давлатда саводхонлик даражаси 100 фоизни ташкил қиладди. Аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган давлатларнинг бирортасида 100 фоизлик саводхонлик даражага эга бўлган давлатлар йўқ экан. Натижа аниқ. Мусулмон мамлакатларида, хусусан, Покистоннинг экспорти тар-

¹¹ Ўша жойда.

¹² Ўша жойда.

¹³ Ўша жойда.

кибида юқори технологияга асосланган товарларнинг улуши 1 фоизни ташкил қилади. Саудия Арабистони, Мараккош, Кувейт, Жазоир, Мараккош каби мамлакатларда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,3 фоизни ташкил қилади. Яна шуни қайд этиш жоизки, асосий мусулмон мамлакатларида экспортнинг асосий қисми 60-65 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлса, аҳолиси христиан бўлган давлатларда худди шундай ҳажмда саноат маҳсулотлари ташкил қилади¹⁴.

Аҳолиси христианлардан иборат давлатларда 98 фоиз аҳоли ўрта мактабни тугатади, мусулмон мамлакатларида бу кўрсаткич 50 фоиз. Аҳолиси христиан давлатларда мактабни битирганларнинг 40 фоизи олий ўқув юртларида ўқийди. Мусулмон давлатларда ушбу кўрсаткич бор йўғи 2,0 фоизни ташкил қилади¹⁵.

Натижада ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган олимларни ҳам қиёслаш мумкин. Ҳозир дунё миқёсида ҳар бир миллион аҳолига 230 та олим тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 4000 та, Японияда эса, 5000 та тўғри келади. Ғарб давлатларида мамлакат ЯИМнинг 5,0 фоизи таълимга сарфланади. Мусулмон мамлакатларида атиги 2,0 фоизи шу соҳага йўналтирилади¹⁶. Булардан ҳам кўриниб турибдики, таълимга эътибор мусулмон мамлакатларида нисбатан кам.

Аҳоли жон бошига китобларни нашр қилиш бўйича ҳам мусулмон мамлакатлар орқада. Биргина мисол, Буюк Британияда аҳолининг сони 65 миллион кишини¹⁷ ташкил қилади. Бир йилда 173 мингта янги китоблар нашр қилинади¹⁸. 1 млн. аҳолига 2,7 мингта (173 минг / 65,0 млн.) китоб тўғри келади. АҚШда бир йилда 339 минг. турдаги китоблар нашр қилинади¹⁹. Унинг аҳолиси 330,0 млн. кишини ташкил қилади²⁰. 1 млн. аҳолига 1027 та китоб (339 минг. / 330 минг) нашр қилинади. Мисирда эса ушбу кўрсаткич бор-йўғи 20 та. Бизда ушбу маълумотлар эълон қилинмаган, ammo бизда аҳвол Мисрга нисбатан мантикий нуқтаи назардан, анча

¹⁴ Раҳматов Л. Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача. – Т.: "Янги китоб" нашриёти, 2019. – 848 бет.

¹⁵ Пардаев М., Бабоназарова С. Дунёни илим қутқаради. "XXI-ASR" газетаси. 2020 йил 11 июнь. – 7 бет.

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ Раҳматов Л. Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача. – Т.: "Янги китоб" нашриёти, 2019. – 19-22 бетлар.

¹⁸ <https://t.me/joinchat/AAAAAENdI7qUbae2syJx-g>

¹⁹ <https://t.me/joinchat/AAAAAENdI7qUbae2syJx-g>

²⁰ Раҳматов Л. Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача. – Т.: "Янги китоб" нашриёти, 2019. – 19 бет.

яхши. Бирок, ривожланган мамлакатларга нисбатан ҳали анча орқадамиз. Бу ҳам кўрсатадики, билимни ишлаб чиқариш ва уни аҳолига тарқатиш бўйича ҳали қилинадиган ишларимиз анча кўплигидан далолатдир. Жуда кўп китобларимиз 100 нусхада чоп қилинади. Бу ҳам муаллиф ҳисобидан амалга оширилади. Бу 36 миллионлик аҳолига бўлсак 360 минг кишига битта китоб тўғри келади. Бу билан қандай қилиб билимни одамларимиз онгига сингдириш мумкин. Бундан ташқари энг кўп китоб чиқарадиган мамлакатлардан 20 та мамлакат рўйхати эълон қилинди²¹. Табиийки, ушбу рўйхатда Ўзбекистон йўқ.

Қўшни бўлган Қозоғистон аҳолиси 2019 йил маълумоти бўйича 18,5 млн кишини ташкил қилади. Бир йиллик ЯИМнинг ҳажми 175,0 млрд. АҚШ долларини²² ташкил қилади. Аҳоли жон бошига 9,5 минг АҚШ доллари (175,0/18,5) тўғри келади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич бироз кам. Қозоғистонда илмий даражаси бор олимлар сони 16 минг кишини ташкил қилади. 1156 та аҳолига битта олим (18,5 млн. киши / 16 минг.) тўғри келади. Ушбу мамлакатда жами 129 та олий ўқув юрти мавжуд, уларнинг 2/3 қисми хусусий олий ўқув юртларидан иборат²³. Бир миллион аҳолига 6 та олий ўқув юрти (129 / 18,5 млн.) ёки ҳар бир олий ўқув юртига 143,4 минг аҳоли (18,5 / 129) тўғри келади. Бу борада ҳам биз ҳозирча қўшнимиз бўлган Қозоғистондан анча, яъни 2 баробар орқадамиз, бизда ҳар бир олий ўқув юртига 330 мингта аҳоли тўғри келиши хусусида таъкидланган эди.

Таъкидлаш жоизки, одамларимиз ҳам ҳозирги пайтда китобни жуда кам ўқийдиган бўлиб қолган. Чунки ҳаммани телефондаги ижтимоий тармоқдаги ахборотлар банд қилиб ташлади. Бежиз Президентимиз 5 ташаббуснинг бирини китобхонликни ривожлантириш масаласини қўйган эмас. Китобсиз билимни эгаллаб бўлмайди, билимсиз бирорта технологияни янгилаб бўлмайди. Янги технологиясиз тараққиётга эришиб бўлмайди. Тараққиётсиз аҳолининг фаровонлигини таъминлаш мушкул, аҳоли фаровон бўлмаса, унинг яшаш даражаси ва сифатини оширишнинг ҳеч ҳам имкони йўқ. Агар буларга эришмасангиз, аҳоли давлатдан, ҳатто

²¹ <https://t.me/joinchat/AAAAAEndI7qUbae2syJx-g>

²² Раҳматов Л. Дунё мамлакатлари: Австралиядан Хиндистонгача. – Т.: “Янги китоб” нашриёти, 2019. – 814-817 бетлар.

²³ <https://kursiv.kz/news/obrazovanie/2020-02/v-kazakhstan-rastet-kolichestvo-studentov>

ўзининг ҳаётидан ҳам рози бўлмайди. Розилик бўлмаган жойда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Муваффақият йўқ жойда миллат, халқ таназулга юз тутди. Бундай шароитда яшашнинг ўзи мураккаблашиб қолади.

Илм юксак ривожланган жойда мамлакатнинг иқтисодий кудрати ҳам юқори бўлади. Ислом Ҳамкорлик ташкилотининг маълумотларига бир назар ташласак кўп нарсага аён киритилиши мумкин. Ушбу ташкилот таркибига 57 та мамлакат кирар экан. Уларнинг бир йиллик ЯИМ ҳажми 3,0 триллион АҚШ долларини ташкил қилар экан. Бу аҳоли жон бошига 2032,2 АҚШ долларини (3,0 трил. АҚШ доллари / 1476250) ташкил қилади. АҚШда бир йилда 19,0 триллион АҚШ доллари ҳажмида ЯИМ ишлаб чиқарилади. Аҳолининг сони 2018 йил маълумоти бўйича 330,0 млн. кишини ташкил қилади²⁴. Бунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг миқдори 57,6 минг АҚШ долларига (19,0 триллион АҚШ доллари / 330,0 млн киши) тенгдир. Хитойда 1430 млн. аҳоли яшайди. Мамлакат ЯИМ ҳажми 2018 йилда 13,6 триллион АҚШ долларини ташкил қилади²⁵. Бу аҳоли жон бошига 9,5 минг АҚШ долларига (13,6 триллион АҚШ доллари / 1430 млн.) тенг²⁶.

Ислом Ҳамкорлик ташкилоти таркибига 57 та мамлакатнинг бир йилда ишлаб чиқарган ЯИМ ҳажми 3,0 триллион АҚШ долларини ташкил қилган бир паллада биргина Германиянинг бир йиллик ЯИМ 3,5 триллион АҚШ долларига тенглигини кўрамыз²⁷. Бу нимадан далолат? Ҳозирги пайтда мусулмон мамлакатларида замонавий илм-фан жуда орқада қолиб кетганлигидан далолат беради. Шу туфайли бу ерда ЯИМ асосан қўл меҳнати ва механизациялашган меҳнат билан яратилади холос. Агар илғор фанлилик даражаси юқори бўлган технологиялар билан ишлаб чиқарилганда бу даражада паст бўлмаган бўларди.

Яна бир қиёсий таҳлил. Ислом Ҳамкорлик ташкилоти таркибига кирадиган мусулмон мамлакатларида ҳар бир миллион аҳолига 230 та олим тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 4,0 мингтани, Японияда 5,0 мингтани ташкил қилади.

²⁴ Рохматов Л. Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача – Т.: “Янги китоб” нашриёти, 2019. – 19-22 бетлар.

²⁵ Уша жойда. – 722-725 бетлар.

²⁶ Пардаев М., Бабаназарова С. Дунёни илм қуткаради. “XXI-ASR” газетаси. 2020 йил 11 июнь – 7 бет.

²⁷ Уша жойда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда, айниқса, ўтган уч йил мобайнида таълим соҳасида рўй бераётган янгиланишларни, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга сазовар. Назаримизда таълимга қилинаётган эътибор, барча қилинаётган ишларга нисбатан анча юқори десак хато бўлмаса керак. Соҳадаги ислохотлар аввало, фарзандларимиз келажагининг пойдевори бўлмиш мактабгача таълим муассасаларидан бошланди. Соҳани бошқариш Халқ таълими вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил қилинди. Ўрта махсус таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳам таҳсинга сазовар. бириктирилганининг ўзи – катта воқеа.

Хулоса қилиб айтганда, жадал тараққиёт сари интилиб яшаётган жамиятда инсон ақлу заковати ва интеллектуал салоҳиятидан бошқа катта бойлик йўқ. Буларсиз бирорта мамлакат ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши қийин. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт йўлига назар ташласак, уларнинг аксари илм-фан ривожига ва иқтидорли ёшлари билан шу даражага етганига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда шундай вазият вужудга келдики, жуда катта моддий бойликларга эга бўлган давлатлар эмас, балки иқтидорли ва салоҳиятли ёшлари бор давлатларгина жадал тараққиётга, чинакам фаровонликка эришмоқда.

II боб. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишнинг йўналишлари

Таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятининг асосий мезони таълим муассасасининг барча хўжалик фаолиятини шу муассаса уставида назарда тутилган ишлаб чиқариладиган маҳсулот, иш ва хизматни сотиш бўйича фаолиятга ва бевосита хусусий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, уставда назарда тутилган маҳсулот, иш, хизматлар ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятга иқтисодий жиҳатдан ажратилиши билан изоҳланади. Таълим интрапренерлиги ҳолатини таълим ташкилотларининг энг янги метод ва технологияларни қўллаган ҳолда пулли таълим хизмати кўрсатиш бўйича ўзига хос хусусиятли, юқори хавф таваккалчилигига эга бўлган, ташаббусли, инновацион фаолият деб тавсифлаш мумкин. У хўжалик юритишда мумкин бўлган барча иқтисодий механизмлар ва таълим берувчи ташкилотларнинг инновацион методлари ва технологияларини қўллаш, таълим жараёнига энг янги педагогик, ахборот ва телекоммуникацион технологияларни тадбиқ этишга йўналтирилган инновацион характердаги фаолият сифатида тавсифланади.

Олий ўқув юртида тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожланиши олий таълим тизими иқтисодиётини модернизациялашга асос бўлади. Таълим хизматлари бозоридаги фойданинг характери харажатларни уларни ишлаб чиқариш ва сотиш вақтида қоплашнинг асосий манбаларини аниқлаб беради. Улар: хусусий, корпоратив, давлат манбаларидир. Чунки, таълим хизматларининг асосий хусусияти – аралаш манфаат деб баҳоланишидир. Таълим хизматларининг самарадорлиги мезони сифатида таълимга киритилган қўйилмаларнинг қайтиши давр муддатида, яъни қўйилмалар ва уларнинг қайтишини ажратиб турувчи, билимларни “маънавий эскириш” вақтигача қўлланиши давомийлигини кўрсатиб турувчи давр муддати ҳисобга олинган ҳолдаги давр муддатида қайтиши меъёри ҳисобланади.

Интрапренерлик натижасида ташкилот ичида бўлинмалар ташкил этилади. Антрапренерлик натижасида янги таълим муассасалари яратилади. Таълим интрапренерлиги – бу ички тадбиркорлик муҳитини доимий равишда қайта тузиш (реструктуризация) натижасида янги таълим маҳсулотлари, хизматлар ва уларнинг элементларини яратишга йўналтирилган ташкилот ичидаги инновацион тадбиркорликдир.

Таълим антрепренерлигининг моҳияти ташкилотнинг инновацион иқтисодий механизмлари ва таълим хизматларининг публик асосда кўрсатишга асосланган моделларни қўллашдан иборатдир. Таълим антрепренерлигининг замонавий йўналишларидан бири масофавий таълим жараёни, очиқ таълимнинг замонавий шакллари ташкил этиш ҳисобланади. Таълим ташкилотлари институционал (жамоавий, идоравий), ички ижодий ва молиявий ресурслар кидиришади, ички тадбиркорлик (таълим интрапренерлиги) таълим жараёнларини амалга ошириш ва уларни диверсификациялашнинг самарали шакли сифатида зарур эканлигини тушуниб етадилар.

Интрапренерлик таълим хизматлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг махсус тури сифатида маркетингнинг асосий тамойилларидан кенг фойдаланади.

Олий таълимнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, унинг натижасида улар камчиликлари ва афзалликлари аён бўлиб қолади.

Давлат олий ўқув юр்தларининг афзалликларига қуйдагиларни киритиш мумкин:

- стабил равишдаги мақоми, анъанавий имидж, таълимни яқунлашни қафолатлаш имконияти, аспирантура ва докторантура мавжудлиги;

- ўзининг (хусусий) бинолари, талабалар турар жойи биноларининг мавжудлиги, ўқув ва тадқиқот жараёнларининг олиб боришнинг мавжуд моддий-техник инфратузилмасига эга эканлиги ва бошқалар.

МДХ давлатларида кўплаб давлат олий ўқув юр்தлари кўп ҳолларда бюджет томонидан тўлиқ молиялаштирилмаганлиги учун тижорат таълим хизматлари сегментини кенгайтиришга мажбур бўлмоқда. Бир вақтнинг ўзида нодавлат ўқув юр்தлари муассасалари

ўз талабаларига давлат намунасидаги дипломлар бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, кўп ҳолларда давлат буюртмаларини бажаради ва ўз-ўзидан бюджет маблағлари истеъмолчисига айланади.

Ҳозирги кунда меҳнат бозори ўта кучли даражада сегментлашган иқтимоий-иқтисодий институти даражасига етиб борган бўлиб, унда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, давлат, аҳоли фаол иштирок этмоқда. Иқтисодиёт фанлараро чуқур билимга эга бўлган, тезкорлик билан ўз малакасини алмаштира олувчи, тезкор ўзгараётган шароитларда самарали қарорлар қабул қила олувчи мутахассисларга муҳтож.

Анъанавий индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятига ўтиш шароитида олий таълим мазкур ўзгаришларга мутахассисликлар сонининг ортиши, ўқитишнинг ўзгарувчан, фанлараро ва интерфаол шакллари ўсиши орқали жавоб қайтаради.

Рақобатбардошликни ошириш учун олий ўқув юртлари қўлланилаётган таълим технологиялари ва таълим дастурларининг мазмунини такомиллаштириши, шунингдек, пуллик таълим хизматларининг принциплал жиҳатдан янги усуллариини шакллантириши талаб этилади.

Бугунги кунда, таълим тизимида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи кенг меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий ўқув юртлари қайта ташкил этилмоқда ва тизимда ислохотлар амалга оширилмоқда. Улар жамиятнинг кенг спектрдаги олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабини қондириб келмоқда. Олий таълим муассасалари олий таълимга давлат ва жамият томонидан реал ижобий эътибор қилинаётганлиги, уларда улкан илмий салоҳият жамланганлигини ҳис қилишди. Шу боис, улар кенг маънода олий таълим муассасаларининг талабаларни ўқитиш, замонавий таълим технологиялари, ўқув жараёнини услубий таъминоти, илмий-педагог кадрлар, ўқув-лаборатория базалари билан боғлиқ масалаларда муаммоларни англаб етишди.

Фикримизча, олий таълим муассасаларини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг иқтисодий самарали механизмини шакллантиришнинг муҳим элементлари сифатида ҳамда тармоқни молиялаштириш тизимини таъминловчи ҳақиқий янги тамойиллар қуйидагилар бўлиши керак:

- давлат таълим стандартларини ва таълим жараёни заруриятларини ҳисобга олган ҳолда касбий олий таълимни бюджетдан молиялаштиришнинг меъёрий тартиби (нормативи)ни киритиш;

- касбий олий таълим истиқболида таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштиришнинг таълим дастурларида акс эттириш-га мўлжалланган дифференциациялашган меъёрини (нормативини) ишлаб чиқиш;

- бюджетдан таълимни турли даражада ривожлантиришга маблағ ажратиш, жумладан, таълим муассасалари томонидан ўқув-лаборатория ускуналари ва ахборот-ҳисоблаш техникасини сотиб олиш, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларини ривожлантириш ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш;

- бюджетлараро олий таълимни молиявий таъминотига тегишли муносабатларнинг шаффофлигига эришиш;

- таълимни модернизациялаш талабларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат субъектлари ва маҳаллий таълим муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини ривожлантириш;

- бюджетдан турли даражада таълим эҳтиёжларига ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

- касбий таълим муассасаларини кўпқиррали молиялаштириш ва таъсисчилик қилмоқчи бўлганларни рағбатлантириш; таълим муассасаси иқтисодий мустақиллигини меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш, шу жумладан, турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги таълим муассасалари ва ташкилотларини кўпайтириш;

- таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини газначилик тизими ҳисобига киришида иқтисодий автономлик тамойилини амалга оширишга эришиш;

- таълим муассасаларининг молиявий фаолиятида шаффоф-ликни таъминлаш учун иқтисодий-молиявий масъулиятини ошириш;

- таълим муассасаларига қўшимча маблағларни жалб қилиш учун шароитлар яратиш; имтиёزلарни тизимлаштириш, жу жумладан, солиқлар бўйича;

- таълим муассасалари базасида аҳоли учун таълимга бўлган талабнинг ошган қисmini қондириш воситаси сифатида ва таълим муассасасининг ички молиялаштириш ресурсларини ва инновацион таълим жараёнларини рағбатлантириш воситаси сифатида пуллик таълим хизматларини кенгайтириш;

- таълим муассасаси базасида (асосан қишлоқ шароитида) маданий-таълим ва ўқув-ишлаб чиқариш марказларини яратиш;

- таълим муассасалари базасида қўшимча таълим олишни кўллаб-қувватлаш;

- тегишли бюджетлардан қўшма ҳамкорликда молиялаштириш шароитида барча тур ва кўринишдаги давлат ва маҳаллий таълим муассасаларини ривожлантириш дастурини молиялаштириш учун ривожланишнинг таълимни ривожлантириш Давлат дастури маблағларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш.

Давлат олий таълим муассасаларини молиялаштиришда Олий таълим вазирлиги бюджет маблағларини бош тақсимотчиси сифатида олий ўқув юртига йиллик бюджет мажбурияти лимитларини ушбу шаклда тасдиқлайди (3.1-жадвал).

Шунинг билан таълим муассасаларига қўшимча бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича аниқ имкониятлар берилди. Масалан, пуллик курсларни кўрсатиш, шартнома тўлови асосида пуллик ўқишга талабалар қабулини кенгайтириш, тижорат фаолият соҳасини кенгайтириш, жумладан, уларга бириктирилган мулкни ижарага бериш ва ҳ.к.лар.

Шуни таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасалари ҳозирги кунда бюджетдан ажратилган маблағ миқдорида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишмоқда. Бу маблағлар илмий фондлар, дастурлар, таълим хизматлари, хўжалик шартномалари ва тадбиркорлик фаолияти натижасидан келмоқда. Пуллик асосда таълим хизматларини амалга ошириш имконияти мамлакат таълим тизимининг ривожини учун қўйилган катта сезиларли қадам бўлди.

Олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш истикболлилиги нуқтаи назаридан муайян минтақа ривожланиш тарзи ва интенсивлигини тавсифловчи омиллардан бири, таълимнинг фойдалилиги ҳисобланади. Таълимнинг хусусий (индивидуал) ва ташқи (ижтимоий) фойдаси мавжуд.

Индивидуал, бу – таълим олувчилар учун (уларнинг ўзи, оиласи учун маънавий ютуқ) фойдали эканлигидир. Ижтимоий, бу – бошқа кишилар ёки умуман жамият оладиган фойдадир. Қуйдагилар ижтимоий (уларни экстернал деб атайдилар) фойдалар ҳисобланади:

- таълимга қўйилган маблағлар ижтимоий самарасининг ўсиши;
- аҳоли маърифати ва маданияти даражасининг ўсиши нати-
жасида жиноятчиликнинг қисқариши;

- маълумоти юқори бўлган шахслар ижтимоий фаоллигининг
ошиши;

- маълумоти юқори бўлган ота-оналар болаларининг оилада ва
мактабгача яхши тарбия кўришлиги.

Лекин, гап шундаки, экстернал фойдани ҳисоблаш, аниқ баён
этиш мушкул. Шунинг учун, таълимнинг иқтисодий самарасининг
асосий шакли деб, пулда ўлчанадиган фойда қабул қилинган (хо-
димнинг умум таълим ва тайёргарлигининг махсус даражаси оши-
ши оқибатида иш ҳақининг кўтарилиши). Таълимнинг иқтисодий
самараси тўғридан-тўғри пулдаги фойда (даромад) билан таълим
олишдаги харажатлар нисбатига кўра аниқланади. Таълимни
иқтисодий самараси шаклига кўра фойда меъёрига ўхшашдир.

Таълимдан келадиган самара меъёрини ҳисоблашнинг турли
усуллари мавжуд. Бу борада иқтисодчи олимлар М.Х.Саидов ва
К.К.Қуроловлар қуйидаги усулдан кўпроқ фойдаланилади, деб
эътироф этишади²⁸: “0” (нол) дан “n” гача бўлган ҳар бир вақт учун
тегишли соф фойдага ҳисобланилади, шундан кейин дисконт
меъёри танланади, бунда келтирилган миқдорий соф фойда 0
(нол)га тенг бўлади. Дисконтнинг бундай меъёри ички самара
меъёри деб ном олган.

Ички самара меъёри шундай меъёр фоизидирки, бунда келгу-
сидаги самаранинг келтирилган қиймати таълимнинг келтирилган
чиқимлар қийматига тенг бўлади:

$$\sum_{t=0}^n \frac{B_t}{(1+r)^t} = \sum_{t=0}^n \frac{C_t}{(1+r)^t}$$

Бунда, r – ички самара меъёри ёки олий таълим фойда меъёри;

B_t – таълимдан олинадиган самара;

C_t – t ёшда олий таълим олиш чиқимлари.

r – қанча юқори бўлса таълимга қилинадиган инвестиция
шунча фойдалидир²⁹.

²⁸Саидов М.Х., Қуролов К.К. Иқтисодий таълим минтақавий марказларини ривожлантириш. Монография. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 12-13 б. (252 б.)

²⁹Ўша жойда.

Турли даражада маълумот олишга қилинган чиқимлар самарасини ҳисоблаш, олий маълумотли шахс умр бўйи топган иш ҳақини ўрта маълумотли шахс топган иш ҳақиға таққослаш йўли билан амалга оширилади. Топилган иш ҳақлари ўртасидаги фарқ олий таълимга маблағ қўйиш натижаси ҳисобланади. Олинган фарқдан олий таълим олиш учун кетган маблағ ҳисоблаб топилади. Ҳосил бўлган миқдор инсоннинг ишга лаёқатли бўлган бутун даври мобайнида олган олий маълумотининг соф келтирилган қийматидан иборат бўлади. Соф даромад ва олий таълимдан олинадиган фойда меъёри вақтининг мутлақ қийматини ҳисобга олиб ҳисоблаш қуйидаги тенглама ёрдамида амалга оширилади:

$$\frac{\sum_{t=n}^N (E_t - C_t)}{(1+r)^t} = 0$$

Бунда, t – инсон ёши;

$E_t - t$ ёшда олинган олий маълумотдан кейинги иш ҳақининг ўсиши,

$C_t - t$ ёшда олий маълумот олиш учун кетган харажат;

n – индивид олий таълим муассасасида ўқиган ёш;

N – индивид пенсияга чиқиб, ўз фаолиятини тугатган ёш;

r – олий таълимдан кўриладиган самара меъёри. Бу кўрсаткични тахминан қуйидаги тарзда ҳисоблаш мумкин.

$$r = \frac{D_o \cdot D_f}{X_f}$$

Бунда, D_o – олий маълумотли шахснинг олий маълумот олгандан сўнгги бир умрлик иш ҳақи;

D_f – ўрта маълумотли шахснинг ўрта маълумот олгандан сўнгги бир умрлик иш ҳақи;

X_f – олий ва ўрта таълимга қилинган харажатлар миқдоридаги фарқ³⁰.

Энди таълим хизматларини кўрсатиш жараёнида эришилган соф фойдани аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Таълим тизимида соф фойдани аниқлаш биров мураккаб, чунки, таълим соҳасининг асл мақсади фойда олиш эмас. Шу туфайли ҳисоботлар ҳам ушбу кўрсаткични аниқлашга мослашмаган. Бунини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

³⁰Ўша жойда.

$$ТХсф = (Тхд + Тд) - (Тхх + Ткт + Тах + Тмх) \quad (3.4.)$$

Бунда: ТХсф – таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган соф фойда;

Тхд – таълим хизматлари кўрсатишдан (корхоналар учун буюртма асосида мутахассислар тайёрлаш, қўшимча таълим дастурлари асосида таълим хизмати кўрсатиш, махсус курсларга таълим хизматларини кўрсатиш, маслаҳат курслари, репетиторлик хизматлари, малака ошириш билан боғлиқ хизматлар ва ҳ.к.) олинган даромадлар;

Тд – таълим тизимида тадбиркорлик фаолиятидан (нашр-матбаа хизматлари, китоб, журнал ва идоравий ашёларни сотиш, тажриба майдончаларидан олинадиган даромадлар, компьютер хизматлари кабилар) олинган даромадлар;

Тхх – таълим хизмати кўрсатиш жараёнидаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган меҳнат харажатлари;

Ткт – таълим хизматларига оид коммунал тўлов харажатлари;

Тах – таълим тизимида амортизация харажатлари;

Тмх – таълим хизматларини кўрсатишда сарфланган моддий харажатлар.

Ички самара меъёрий кўрсаткичлари инсон капитали (таълим интисоди) назариясида марказий ўринни эгаллайди. У фойда меъёрига ўхшаш тузилади ва инсон ҳамда жисмоний капиталга қўйилган маблағ ўзини оқлашлигини қиёслаш имконини беради, жисмоний капиталга қўйилган маблағ самарадорлик даражасини ифода этувчи фойда меъёри каби инсонга қаратилган инвестиция ўзини оқлашлик даражасини белгилашга хизмат қилади. Ички самара меъёри у хизмат қилган бутун муддат учун ўзини оқлашлик даражасини ўлчашга мўлжалланган.

2.2. Олий ўқув юртларида таълим хизматлари самарадорлигини ошириш ва рақобат муҳитини яратиш масалалари

Ҳозирги пайтда олий ўқув юртлари дунё миқёсида кескин ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Бизда ҳам ушбу жараён содир бўлмоқда. Оддий малакали профессор-ўқитувчилар ўрнини дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олган,

чет эл тажрибалари, инновациялар, иқтисодий ноу-хаулар эгаллаган интерфаол технологияларни кўллай оладиган профессионаллар эгалламоқда. Натижада, ахборот-коммуникацион ва алоқа технологиялари таълим жараёнига тезлик билан кириб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўқув жараёнини бошқариш тизимини тубдан ўзгартириб, тайёрланаётган кадрларни буюртмачи-истеъмолчилар талабига мослаштирилмоқда.

Ҳозирги даврда олий ўқув юртлари меҳнат бозори ва унинг сегментациясини ҳисобга олиш долзарб масала ҳисобланади. Таълим хизматлари соҳаси замонавий бизнеснинг тез ўзгарувчи ва ўсувчи эҳтиёжларига мослаша олишига мажбур бўлаяпти. Ҳозирги жамиятни модернизациялаш шароитида юқори малакали муҳандислар, технологлар, конструкторлар ва ҳоказоларни тайёрлаш харажатлари эса юқори бўлиб, уларни молиялашнинг хусусий манбалари ҳисобидан қоплаш имкониятлари ҳам ишга солинмоқда. Бу ўз навбатида, меҳнат бозорида мутахассисларнинг иш билан таъминлашда муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Олий таълимни модернизациялашнинг йўналишлари, устувор жиҳатлари ва вазифалари қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- олий ўқув юртининг фаолияти рақобатбардошлигини белгиловчи, таълим хизматларини ишлаб чиқаришга қаратилади;
- соҳадаги менежмент ва маркетинг йўналишлари инновацияларга асосланган бўлади;
- соҳага янги миқозларни қорлаш мақсадида олий ўқув юртининг брендини мустаҳкамлашга қаратилган бўлади;
- ундаги реинжиниринг бевосита олий ўқув юрти ичида сифатни яхшилаш мақсадида бизнес-жараёнларини реконструкциялашга қаратилади;
- битирувчиларнинг касбий ўсишни узлуксиз мониторинг қилиш технологияларига амал қилинади.

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар олий таълим тизимида ҳам хўжалик юритишнинг бозор шароитларига мослашиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида, таълим хизматларини такрор ишлаб чиқишга қаратилган хўжалик механизмига ўтишни талаб этади.

Ҳозирги шароитда таълим соҳасидаги ўзгаришлар барча тармоқларда таълим хизматлари бозорларининг пайдо бўлиш-

лигини тақозо қилмоқда. Ушбу йўналишнинг ташкилий механизми ишлаб чиқилди. Мазкур жараён олий таълим тизимида бозор қонунларига асосланган пуллик хизматларни вужудга келтирди. Бунинг ўзимизга хос шакли қисман пуллик ва қисман бепул таълим хизматларини ташкил қилишга қаратилди. Бунинг яна бир жиҳати талаб ва таклиф механизми таъсири остида фаолият олиб бориш лозимлигини ҳам тақозо қилмоқда.

Шу ўринда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида таълим хизматлари бозорини ривожлантириш борасида эътироф этилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консултив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади”³¹. Демак, кўриниб турибдики, олий таълим тизимида ҳам таълим дастурларида назарда тутилмаган консултив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади. Бу эса ўз навбатида таълим хизматларига асосланган тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини кўзда тутди.

Таълим хизматлари соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти инновацион ва масофавий таълим тизимига ўтиш ва таълим хизматларининг муайян бир бозорларини шакллантиришга қаратилиши ҳам бугунги кун талабидан келиб чиқмоқда. Аммо бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб масалалар сирасига киришини инобатга олиш лозим. Ушбу ҳолат таълим муассасаларида ҳам, таълим хизматлари бозорларида ҳам янги иқтисодий муносабатлар юзага келишини талаб этмоқда.

Халқаро таълим хизматлари бозорлари томонидан қўйилаётган талаблар асосида давлат таълим тизимини ислоҳ қилишда миллий хусусият ва давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш заруриятини туғдиради. Чунки барча соҳаларда

³¹Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда) <http://www.lex.uz/guest/doc/48401>

Ўзимизнинг мустакил тараққиёт йўлимиз бўлганидек, таълим соҳасида ҳам ўзимизнинг миллий менталитетимиздан келиб чиқадиган ва ўзимизга мос таълим тизими шаклланди ва узлуксиз такомиллаштирилмоқда.

Олий таълим тизимида рақобат муҳитининг ўрнатилиши, бир томондан, унинг нодавлат сегментини шакллантириш, иккинчи томондан эса, давлат олий ўқув юртларида тижорат секторини шакллантириш билан боғлиқдир. Айнан шунинг натижасида, олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари ривожланиши учун зарур бўлган институционал (жамоавий) шарт-шароитлар пайдо бўлди. Аммо ҳозирча мамлакатимизда нодавлат ўқув муассасалари, айниқса, олий таълим берадиганлари шаклланган эмас. Ушбу масалага ҳам энди аҳамият берилса вақти етилиб келмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган ва уларнинг амалга ошириш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган. Аммо сифатли таълим хизматларини такрор ишлаб чиқарилишини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг ушбу йўналишга қаратилган шакли билан боғлиқ бўлган масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган, шунингдек, амалий жиҳатдан ҳам синаб кўрилган эмас. Ушбу ҳолат мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Таълим соҳасида ташқи ва ички бошқарувчилик шаклида юзага келувчи тадбиркорлик фаолияти ўқув муассасаларининг давлат олий таълим сегментида замонавий метод ва технологияларни қўллаш орқали пулли равишда таълим хизматларини кўрсатиш бўйича ўзига хос хусусиятга эга бўлган инновацион фаолият бўлиб ҳисобланади. Аммо тадбиркорлик бор жойда маълум даражада таваккалчилик ҳам мавжудлигини инобатга олиш лозим. Бу масала ҳам ҳали етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Олий таълим хизматлари бозорида рақобатнинг вужудга келиши, вилоятларда ҳудудлар манфаатидан келиб чиқиб олий ўқув юртлари ривожланишига қаратилган, мамлакатимиздаги бир қисм олий ўқув юртлари эса бевосита тармоқ иқтисодиётини ва манфаатларини инобатга олган ҳолда ташкил қилинмоқда. Шу туфайли айрим олий ўқув юртлари бевосита вазирликларга мансуб-

дир. Бундай шаклланиш олий таълим тизимини молиялаштириш масаласида давлат бюджети билан бирга тегишли вазирликлар томонидан ҳам амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу масалада «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Навоий ва Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатларининг олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги ҳомийлик ва васийлик фаолиятлари эътиборга лойикдир.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда хусусий сектор ривожланиб бормоқда. Булар учун ҳам кадрларни давлат олий ўқув юртларида тайёрламоқдалар. Бизнинг фикримизча, ушбу секторнинг бир қисми учун хусусий мулкка асосланган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини йўлга қўйиш вақт келди, деб ўйлаймиз. Бунинг бир қанча афзалликлари мавжуд:

Биринчидан, мазкур ўқув юртлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмайди.

Иккинчидан, таълим тизимида рақобат муҳити шаклланади.

Учинчидан, хусусий секторнинг эҳтиёжига мос равишда кадрлар тайёрлаш тизими буюртмалар асосида амалга оширилиши йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, профессор-ўқитувчилар ўртасида ҳам рақобат муҳити шаклланиб, уларнинг профессионаллик даражасига талаб ошиб боради. Шундай қилиб, ўқув юртлари ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш учун қуйидаги йўналишларда олий ўқув юртлари ривожланмоғи лозим (2.1-расм).

Давлат олий ўқув юртлари	• Давлат ва нодавлат тизими эҳтиёжига мос кадрлар тайёрлашни йўлга қўяди.
Тармоқларга мансуб олий ўқув юртлари	• Тармоқ хусусияти ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда кадрлар тайёрлашни йўлга қўяди.
Хусусий олий ўқув юртлари	• Хусусий сектор эҳтиёжига мос ва буюртмалар асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўяди.

2.1-расм. Таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш учун тегишли шароитнинг яратилиши

Расмда келтирилгандек, таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш учун турли мулкка асосланган ва мос равишда турли субъектлар манфаатга хизмат қиладиган олий ўқув юртлари тизими шаклланишини тақозо қилади. Мазкур соҳани тадқиқ қилишда унинг чуқур сегментли иқтисодийетининг кўп укладли ва тузилмавийлигини акс эттирувчи жиҳатларига ҳам аҳамият берилиши лозим. Чунки жамиятда бирорта нарса фақат битта субъект манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатса, у ривожланмайди. Ҳар қандай нарса ривожланиши учун барча манфаатларни (давлат, мулкдор, ишчи-ходимлар, жамият, меҳнат жамоаси ва ҳ.к.) инобатга олиши муқаррар.

Шуни инобатга олиш лозимки, меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорининг ўзаро алоқаси бир қатор зиддиятлар ва номуносивбликлар билан характерланади. Масалан, агросаноат мажмуаси мутахассисларига бўлган талаб ва таклифдаги дисбаланснинг кузатилиши, ушбу кадрларнинг саноат соҳасида фаолият кўрсатиши учун малакасининг тўғри келмаслиги. Яна бир жиҳат, молиявий-иқтисодий йўналишдаги мутахассислар гуруҳи бир томондан, ортқичалиги кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг ҳам бошқа соҳага мутахассис сифатида жалб қилиб бўлмаслиги кабиларни инобатга олиш лозим. Натижада бир қисм соҳаларда малакали ишчи ва мутахассис кадрлар дефицити кузатилса, иккинчи жиҳатдан, умумий аҳолини иш билан таъминланиш масаласи ҳамisha долзарб бўлиб қолаверади. Буларнинг сабабларидан бири ўқув юртлари ўртасидаги рақобат муҳитининг шаклланмаганлиги бўлса, иккинчи жиҳатдан, кадрларнинг тайёрланиши уларга бўлган талабга тўлиқ мос келмаслиги билан ҳам ифодаланади.

Республикамызда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қонулар таълим тизимини, шу жумладан, олий таълимни бозор тамойилларига мослаштириш зарурлигини тақозо этади ва олий таълимнинг фаолиятининг иқтисодий механизмида сезиларли ўзгаришлар бўлишини назарда тутди. Бозор муносабатлари миллий таълим тизимида юқори талаблар қўяди, уни сифат жиҳатидан узлуксиз янгиланиб боришини, таълим хизматларининг диверсификацияланишини, таълим тизимида модернизация жараёнларининг амалга оширилиши-


ни, ушбу соҳада ҳам тадбиркорликни ривожлантириш заруриятларини келтириб чиқаради.

Олий таълим тизимида тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича фаолият олиб боришининг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий-иқтисодий макон ҳисобланади. Замонавий шароитларда олий таълим иқтисодининг хусусиятлари бизнес махсус тури, яъни маълум нарх бўйича таълим хизматлари амалга оширилиши ва тақдим этилиши ҳамда шундай фаолият учун зарур бўлган ишлаб чиқариш омиллари сотиб олиниши билан изоҳланади.

Таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги янги воқеа (кўриниш, ҳолат) сифатида тегишли қонунчилик базаси, бозор иқтисодиётига мутаносиб бўлган ҳуқуқий асосларнинг яратилишини талаб этди.

Таълим самарадорлигини ошириш ҳам объектив зарурият. Бунинг учун таълим жараёнини тадбиркорлик фаолияти билан бирлашуви (яхлитлиги) рўй бериши лозим. Буларнинг боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (2.2-расм).

Кўришиб турибдики, таълим жараёни ҳозирги шароитда соҳадаги тадбиркорлик билан бирлашадиган бўлса, пировард мақсадлардан бири бўлган иқтисодий самарадорлик ошиб боради. Аммо шуни ҳам кўзда тутиш керакки, олий таълим маблағларининг бир қисми контракт асосида шаклланади. Бу тўлов вақт ўтиши билан таълим сифатини талаб қилиб боради. Демак, таълимда самарадорликнинг ошиб бориши соҳада сифатнинг ҳам ошиб боришини тақозо қилади.



2.2-расм. Таълим самарадорлигини оширишда амалга ошириладиган чоралар

Таълимда самарадорлик ва сифатнинг уйғунлиги ҳозирги замон талабига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини беради. Буни қуйидаги боғлиқликда кўриш мумкин (2.3-расм).



2.3-расм. Юқори малакали кадрларни шакллантирувчи омиллар

Юқоридаги бирлик ва ҳамжиҳатликлар натижасида олий таълим тизимида ҳам тадбиркорлик фаолияти ривожланиши асосида рақобат муҳити шаклланиши учун тегишли шарт-шароит яратилади. Кўриниб турибдики, таълим сифати, соҳа самарадорлиги ва унга тадбиркорликнинг қўшилиши рақобат муҳитини яратиш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини ҳам берар экан. Шу туфайли, ҳозирги ўзимизга хос тарзда шаклланган миллий таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни давом эттириш, шунга мос равишда меъёрий-ҳуқуқий базани ҳам қайтадан қараб чиқиб, айрим ўзгартиришлар киритиш ва ислоҳотларни жамият талабидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш нафақат иқтисодиёт соҳасида балки мамлакат (жамиyat) ва ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳалари, шу қаторда таълим фаолиятида ҳам радикал ўзгаришларга олиб келди. Чунки давлат таълим муассасаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки мазкур ҳаётга сезиларли ўзгаришлар кириши учун асос бўлади.

Давлат таълим муассасалари, айниқса олий таълим соҳасини тегишли маблағлар билан таъминлашда нафақат давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар, балки нобюджет асосда топиладиган маблағлар ҳам киради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таълим соҳасидаги пуллик хизматлар кўрсатиш;
- профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган ўзининг илмий ва инновацион маҳсулотларини сотиш;
- тижорат банкларида ортиқча пулларни депозитга топшириш эвазига маблағ ишлаш;
- мавжуд бино ва бошқа қимматликларни ижарага бериш орқали пул топиш;

- бошқа ташкилотларга шартнома асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаб бериш;
- турли курсларни ташкил қилиш орқали маблағ топиш;
- чет эл грантлари асосида қўшимча маблағлар ишлаш;
- давлат бюджети гарантлари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажаришни амалга ошириш;
- ортиқча қимматликларни сотиш эвазига қўшимча маблағ тушириш;
- буюртмачи ташкилотларга турли консалтинг ва бошқа пуллик хизматларни кўрсатиш кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, олий таълим муассасаларининг нобюджет маблағлари манбалари ҳам анча кўп. Улардан кенг фойдаланиш учун тегишли меъёрий ҳужжатлар тайёрланган ва улар амалда. Аммо қўшимча таълим хизматларига талаб унчалик зўр эмас. Оқибатда олий таълим муассасаларининг маблағ билан таъминланадиган асосий манбаи давлат бюджети ва контракт суммалари бўлиб қолди ҳолос. Ҳозирги пайтда бошқа кўрсаткичлар сингари нобюджет маблағларининг ҳам муттасил ошиб боришини таъминлаш мақсадида мазкур соҳада ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, таълим хизматларини сотиш эвазига мустақ-камлашни тақозо қилади.

Таълим жараёнининг тадбиркорлик фаолияти билан бирлашуви (яхлитлиги), унинг объектив ва субъектив сабаблари белгиланди. Жамиятда олий таълим муассасалари томонидан таълим хизматлари амалга ошириш жараёнида хўжалик юритиш тадбиркорлик тамойилларининг турли даражалари қўлланилиши сезиларли иқтисодий воқеа (ҳодиса)га айланди. Тадбиркорлик фаолияти доирасини аниқлаш учун, уни ижтимоий-иқтисодий воқеа (ҳодиса) сифатидаги моҳиятини аниқлашни тақозо қилади. Бунда қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- мустақил характердаги тадбиркорлик фаолияти;
- уни ўз кафиллиги ва шахсий масъулияти остида амалга ошириш;
- фаолият мақсади сифатидаги даромадга эришиш йўллари ахтариш;
- даромадни келгусида яшаш имконияти сифатида баҳолаш;
- даромад манбаи ҳисобланадиган мулкдан фойдаланиш;
- мавжуд товарларларни сотиш;

- шартнома асосида ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш;
- даромад олишнинг тизимли бўлишligини таъминлаш;
- зарур фаолиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш, зарур ҳолларда махсус рухсатнома, лицензиялар ва сертификатларга эга бўлиш.

Юқорида келтирилган тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг асосий қисмини молиявий манбалар ташкил қилади. Уларнинг таркиби, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат ўқув муассасалари фаолиятни маблағлар билан таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқади.

Бизнинг фикримизча тадбиркорликдан келадиган маблағлар олий ўқув юртларида янада кўпайиши учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширишни ҳам тақозо қилади. Хуллас, тадқиқотларимиз кўрсатганидек, таълим хизматлари самарадорлигини оширишнинг бар қанча йўллари мавжуд экан. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таълим тизимида, хусусан олий таълимда ҳам рақобат муҳитини яратиш;
- мазкур тизимда турли мулк ва мақсадларга қаратилган олий таълим тизимини шакллантириш;
- олий таълим тизимида тадбиркорликни ривожлантириш;
- таълим сифатини муттасил ошириб боришга эришиш каби омилларни киритиш мумкин.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, таълим сифати ва самарадорлигига эришиш ҳисобига юқори малакали кадрларни тайёрлаш имконияти янада кенгаяди. Пировардида, жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар барқарорлашиши билан бирга жадаллашади. Бу эса, аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш имконини беради.

2.3. Таълим хизматлари бўғинлари ва уларни ривожлантириш йўллари

Таълим хизматлари соҳасининг барқарор ривожланиши инсон капиталининг такомиллашуви, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал тараққиётини таъминлашга олиб келади. Шу туфайли мазкур соҳага катта аҳамият берилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштиришни янада чуқур-

лаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш омилларида оқилона фойдаланишни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш каби ижобий ўзгаришлар ҳам бевосита таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва таълимни ривожлантиришнинг миллий дастурида таълим хизматлари бир қанча босқичларда амалга оширилиши кўзда тутилган. Булар мазкур хизматларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади ва унга кўра ҳозирги шароитда таълимнинг босқичлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

Биринчидан, мактабгача таълим хизматлари. Бола 6-7 ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим жараёнида маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари ва халқаро фондлар фаол иштирок этадилар.

Иккинчидан, умумий ўрта таълим хизматларини ривожлантириш (9 йиллик мажбурий таълим). Мазкур таълим иккига бўлинади. Буларга бошланғич таълим (I-IV синфлар) ва умумий ўрта таълим (I-IX синфлар) киради.

Учинчидан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими хизматларини ривожлантириш (3 йиллик мажбурий таълим). Бу ҳам иккига бўлинади, биринчиси касб-ҳунар таълим бўлса, иккинчиси академик лицейлардир. Ушбу йўналишларнинг қайсида давом эттириш (ихтиёрий танланади). Буларга давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим малакаси берилади. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини оширадилар. Ўқувчилар фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантирадилар.

Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради. Ўқувчиларнинг танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради. Ушбу таълим йўналишларида педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Тўртинчидан, олий таълим хизматларини ривожлантириш (ўрта махсус, касб-хунар таълими ва академик лицей негизига асосланади). Бу ҳам икки босқичдан иборат: Биринчи босқич бакалавриат (мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим). Иккинчи босқич, магистратура (аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизига таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим).

Бешинчидан, олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматларини ривожлантириш. Бу жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасалари (ҳозирги пайтда катта илмий ходим изланувчи, мустақил тадқиқотчилик)да олиш мумкин.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳам киради. Чунки жамият дунё миқёсида жадаллик билан ривожланиб бормоқда, мос равишда иқтисодиёт, техника ва технологиялар ҳам ҳар куни такомиллашиб бормоқда. Кечаги билим билан бугунги техникадан фойдаланиб бўлмайди.

Мактабдан ташқари таълим хизматларини ривожлантириш. Миллий иқтисодиётимизнинг инқирозсиз, барқарор ривожланиши нафақат уни диверсификация ва модернизация қилиш билан, балки

унга зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашга ҳам боғлиқдир. Бу тўғрисида биринчи Президентимиз И.А. Каримов: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда нихоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди”³², деган эдилар. Таълим тизимининг муқобил ривожланиши таълим хизматлари мувозанатига боғлиқ.

Эндиги шароитда таълим хизматларида ҳам рақобат ва тадбиркорлик муҳити шаклланмоқда. Давлат таълими билан бирга нодавлат таълим тизими вужудга келмоқда. Бу тизим пуллик бўлсада, унга ҳам мамлакатимизда талаб борлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳозирги пайтда мактабгача таълим тизимида хусусий муассасаларда нарх 3-4 баробар юқори. Аммо уларда ҳам болалар тўла. Демак, таълимнинг навбатдаги босқичларида ҳам нодавлат, хусусий мулкка асосланган таълим муассасаларини очиш мақсадга мувофиқ. Ушбу соҳа лицензияланадиган бўлиши керак ва у барча талабларга жавоб берадиган моддий-техника базасига ва юқори малакали кадрларга эга бўлсагина лицензия бериш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир жиҳат. Ота-оналар пул тўлаб ўқитадиган бўлса, албатта боласининг ўқишини назорат қилади. Демак, таълим хизматларини кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги пул муносабатлари давлат томонидан тартибга солинади ва ижтимоий институтлар фаолиятига асосланади. Таълим хизматлари эса нарх ва рақобат, яъни бозор механизми орқали тартибга солинади. Таълим хизматлари талаб ва таклиф миқдорига талаб ва таклиф қонунининг амал қилиши нарх даражасига таъсир этади. Бироқ ўзига хос товар таълим хизматларига бўлган талаб ва таклифнинг шаклланишида ўзига хослик мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, таълим тизими ва таълим хизматлари нархдан ташқари қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булардан бири, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасидир. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг юқори бўлиши малакали ишчи кучига бўлган талабни оширади.

³² Ўша манба, 48 б.

Ўз навбатида, таълим хизматларига бўлган талабнинг ошиши уларнинг таклифини ҳам оширади.

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматлари давлат асосий мавкега эгадир. Давлат таълим хизматлари асосий таклиф кўрсатувчи бўлса, талаб томонидан асосий истеъмолчи ўқишни истовчи ёшлар бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим муассасаларида ҳам қўшимча равишда пуллик таълим хизматларини кўрсатилади. Бундан ташқари, субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичида вужудга келтирилган узлуксиз таълим тизимининг сифатини ошириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим хизматлари ва инсон капиталини шакллантиради. Инсон капитални мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Шу туфайли инсон капиталининг шаклланишига катта аҳамият берилмоқда.

Таълим хизматлари соҳасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ижтимоий-иқтисодий тавсифга эга бўлиб, улар кўпроқ даражада таълим хизматлари динамикасини аникловчи омиллар билан боғлиқдир. Таълим хизматларини кўрсатувчи олий ўқув юр்தларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, талабалар эса уни тўлиқ ўзлаштиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Таълим хизматларининг истеъмолчиси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб ҳисобланади, улар ўртасидаги муносабатлар меҳнат бозори орқали амалга оширилади.

Таълим хизматлари бозорида олий ўқув юр்தлари алоҳида аҳамиятга эга. Бунга талабнинг мавжудлиги ўқув муассасалари ихтиёридаги ресурсларни ушбу талабларни кондиришга йўналтириш имконини беради, бу эса талабаларни ўқитиш сифатининг ошишига олиб келади. Демак, малакали ишчи кучига талаб динамикаси таълим хизматлари бозорига таъсир этувчи нархдан ташқари омил бўлиб ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз меҳнат ресурслари таркибида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахсларнинг сони муттасил ошиб бормоқда. Натияжада аҳолининг саводхонлик даражаси ошиб боради. Бу ҳам тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир.

Юқоригилардан хулоса қилиш жоизки, пулли хизматлар таркибида таълим тизими хизматлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Маскур хизматларга қуйидагилар киради. Биринчидан, ота-оналарнинг болаларни мактабгача таълим муассасалари, шунингдек, хусусий шахслар томонидан ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб интернетидида сақлаш учун тўлай-диган пул миқдори.

Иккинчи йўналиш, аҳолининг мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, гимназия, лицей, билим юрти, ўрта махсус ва олий ўқув юртида болаларга кўрсатиладиган қўшимча хизматлар учун тўлайдиган ҳақи. Учинчидан, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар учун пулли курс хизматлари, чет тилларни ўрганиш курсларида ўқиш учун тўланадиган ҳақ. Учинчидан, аҳолининг автомобиль ва бошқа транспорт воситалари, ахборот-коммуникация ва ҳисоблаш техникаси асослари, менежмент ҳамда малакали билим олиш бўйича курсларда таълим олиш учун тўлайдиган ҳақ. Буларнинг ҳам барчаси инсон капиталининг шаклланиши учун қилинган харажатлар бўлиб ҳисобланади.

Таълим хизматлари ҳам бошқа хизматлар сингари ўзининг чегарасига эга. Чунки шу билан боғлиқ бўлган, аммо мазмуни сал бошқачароқ бўлган айрим хизматлар таълим хизматлари таркибига кирмайди.

2.4. Таълим хизматларини ривожлантиришда малакали кадрларнинг роли ва аҳамияти

Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида шундай деган эди: “Емди очик маълум бўлдики, тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалдурмак, зехнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур, деган савол келаду. Бу саволга, “биринчи уй тарбияси. Бу онанинг вазифасидур. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”,- ...” . Шундай экан, таълимга берилган эътибор келажакка берилган эътибордир. Бу бора давлатимизда ҳам кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими қуйидаги кўринишларда амалга оширилади (2.4-расм).



2.4-расм. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ўзаро боғлиқлиги

Кўриниб турганидек, таълим тизими бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир босқичнинг сифати албатта кейинги босқичга ўз таъсирини кўрсатади. Мамлакатимизда таълим соҳаси бўйича олиб борилаётган ислохотларда ҳам буни кўриш мумкин. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ташкил етилиши ҳам кадрларни ўқитиш, кўникмасини, малакасини, тажрибасини ошириш борасида қилинаётган тадбирлардандир.

Ёшларга таълим беришда педагогларни ўзлари керакли даражада билим, кўникма билан биргаликда маҳоратга ҳам эга бўлишлари лозим. Ўқитувчининг маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Педагогик маҳоратга эга эришиш ўқитувчининг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади. Педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйдагиларни талаб қилади:

- Жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши.

- Муайян ҳаракат ва вазифаларга ижобий ёндашиши;
- Ўқувчилар қизиқишларини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятининг белгиланган мақсадларига айлантириш.

Давлатимизда ҳам таълимга жуда катта эътибор берилаётган вақтда педагоглар ҳам ёшларга таълим беришда масъулият билан ёндашишлари лозим. Кадрлар сифати уларга бериладиган таълим сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам таълим бериш кичик ёшдан бошланиши керак. Бу бора ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради.³³ Кейинги икки йилда мактабгача таълим муассасалар сонининг сезиларли даражада ошган бўлиб, хусусий МТМларни ташкил этишда давлат томонидан имтиёзлар берилмоқда. МТМларда 65000 нафардан ортиқ ходимлар фаолият олиб бориб, улардан 22 фоизи олий маълумотли ва 78 фоизи ўрта махсус маълумотли.

Таълим тизимининг навбатдаги босқичи умумий ўрта таълим бўлиб, унинг мақсади маданий ва маиший, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган фан асосларининг тизимли билимлари, маҳорат ва малака қуроллантиришдан ҳамда махсус таълим олиш (касб-ҳунар, техник, ўрта, олий) имкониятни яратишдан иборат. Умумий ўрта таълим мажбурий ва бепул бўлиб, бу барчага тааллуқлидир. Умумий ўрта таълим керакли билим ҳажми, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ташкилий маҳорат ва амалий тажриба пойдеворини қўйиб, бошланғич профессионал йўналишни ва таълимнинг кейинги поғонасини танлашда кўмаклашади.³⁴ Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 9718 та мактаб фаолият олиб боради. Шундан 38 фоизи шаҳарларда, 62 фоизи қишлоқ жойларда жойлашган. Битта ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони шаҳар жойларда 14.5 га, қишлоқ жойларда еса 10.9 тага тенг келади. Мактабларда фанлар бўйича фаолият олиб бораётган ўқитувчиларни тақсимланишига эътибор берадиган бўлсак, энг кам кўрсаткич, информатика фани бўлиб, жами ўқитувчиларнинг 2%ини, география ва табиатшунослик, кимё, физика ва астрономия 3%ни, биология 4%, ҳуқуқшунослик

³³Ta'lim portali. Ziyonet

³⁴Ta'lim portali. Ziyonet

5%, рус тили ва адабиёти 6%, математика 7%, чет тиллар 8%, бошқа фанлар 22%, бошланғич таълим эса 28%ни ташкил этади.³⁵

Мактабларни ўқитувчиларни жалб қилиш, ўз касбларига қизиқириш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ойлик маошларини тизимли равишда ошириб, ҳар йил фаолиятига тегишли бўлмаган ишлардан озод қилинди. Фан олимпиадаларида ўқувчилари совриндор бўлган ўқитувчилар бир марталик пул мукофатларининг берилиши ҳам улар меҳнатларини рағбатлантириш бўлиб, бу уларнинг ишига бўлган меҳрини янада оширади.

Олий таълим, навбатдаги босқич бўлиб, унинг мақсади замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш-да ўз ҳиссасини қўшадиган мустақил фикрлай оладиган, юксак манавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашдир.³⁶ Ҳозирги вақтда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида талабаларнинг 42%и гуманитар соҳаларда, 30%и ишлаб чиқариш ва техник соҳада, 9%и ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 8%и қишлоқ ва сув хўжалиги, 7%и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ва 4%и хизматлар соҳада таълим олмоқда. Олий таълим муассасаларида 25000 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бориб, бир ўқитувчига 11.8 нафардан талаба тўғри келади.

Олий таълимдан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Кадрлар малакасини ошириб бориш давр талаби ҳисобланади. Чунки ҳаёт тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ривожланишда. Шу мақсадда ҳар бир ташкилот, муассаса ўз ходимларининг малакасини ошириб боради. Бу эса муассаса раънақини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Малакали, билимли, масъулиятли кадр мамлакат келажаги бўлмиш ёшларни ўқитишда, уларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

³⁵www.Stat.uz

³⁶Ta'lim portali. Ziyonet

III боб. ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

3.1. Фан ва замонавий таълим интеграциясининг интеллектуал мулкнинг шаклланишидаги роли

Инсоният ҳаётида мулк муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳар қандай кишилиқ жамиятининг равнақини мулксиз тасаввур этиш қийин. Зеро, тараққиётнинг замирида муносабатлар, унинг таркибий қисми бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳам ётади. Бундай муносабатлар предмети бўлиб моддий ва моддий бўлмаган ёки, бошқачароқ айтганда, номоддий мулк ҳисобланади. Моддий мулк, ўз навбатида, кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади. Моддий бўлмаган мулк, яъни номоддий мулк, одатда, кўчар мулк тоифасига киради. Яъни номоддий мулк бир жойдан бошқа жойга, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилади.


Барча мулкларнинг, шу жумладан, номоддий мулкнинг ҳам кўпайиши макон ва замонда юз бераётган интеллектуал фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Айнан шу боис ҳам, номоддий мулк, бошқачароқ айтган, интеллектуал мулк ҳам кўпаяди ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай кишилиқ жамияти равнақида интеллектуал мулк муҳим аҳамият касб этар экан, унинг мамлакатимиз равнақида ҳам катта ҳиссаси бор. Шу туфайли ушбу мулк тушунчасига қисқача бўлсада тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Биринчи галда ушбу тушунчанинг таърифига аниқлик киритиш лозим. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида, ўзига хос объектидир. “Интеллект” лотинча сўздан олинган бўлиб, “ақл” маъносини беради³⁷. Агар ушбу сўзни соф ўзбек тилида ифода этиладиган бўлса, уни “Ақлий мулк”, деб аташ мумкин. Аммо интеллектуал мулк халқаро атама сифатида эътироф этилаётганлиги туфайли, бизнинг қонунларимизда ҳам шундай аталаётганлиги боис, уни айнан шундай аташни тавсия қиламиз. Бу атама ўзбек тилининг изохли луғатида ҳам келтирилган. Унда

³⁷Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунеси” нашриёт уйи, 1998. - Б. 20.

таъкидланишича “Интеллект (лотин. intellectus – ақл, идрок, тасаввур)”³⁸ маъноларини англатади. Ушбу атамага мазкур лугатда иккита изоҳ берилган. “1 кишининг фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, зехн. 2 Шундай ақл-идрок, зехин фаросат эгаси”³⁹. Худди шундай изоҳни “Интеллектуал” атамасига ҳам берилган. “Интеллектуал (лот intellectus – ақл-идрок, билиш; тушуниш)”⁴⁰ деган маъноларни англатади. Бунга ҳам иккита изоҳ берилган “1 *от* Маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак ва мураккаб турлари билан шуғулланувчи (шахс) ...айниқса илмий, яъни интеллектуал кишилар...”⁴¹. Булардан ҳам кўриниб турибдики, “интеллект”, “интеллектуал” атамалари бевоcита инсоннинг ақли ва унинг маҳсули билан боғлиқ тушунчалардир. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (3.1-расм).



3.1-расм. Интеллектуал мулкнинг шаклланиши ва унинг ишлатилиши билан боғлиқ жараёнлар эволюцияси

Мазкур расмда келтирилган тушунчаларнинг ҳар бирининг таърифини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бу борада олимларимизнинг кўпгина қарашлари мавжуд. Уларга тўхталиб ўтирмасдан ўзимизнинг қарашларимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Интеллектуал (ақлий) фаолият дейилганда янги асар, гоё, қараш, маҳсулот, иш, хизмат турини яратишга қаратилган мақсадли ҳаракатлар мажмуаси тушунилади. **Интеллектуал мулк** деганда, одатда, макон ва замонда олиб бориладиган интеллектуал фаолиятнинг натижасида вужудга келадиган мулк тушунилади.

³⁸ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-П. Е-М/Таҳрир хайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 216.

³⁹ Ўша жойда. – Б. 216.

⁴⁰ Ўша жойда. – Б. 216.

⁴¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-П. Е-М/Таҳрир хайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 216.

Интеллектуал мулк ва бу мулкни яратилишига қаратилган интеллектуал фаолиятнинг макони бўлиб жамиятнинг аниқ ячейкалари ҳисобланади. Бундай ячейкалар бўлиб илмий муассасалар, корхона ва ташкилотлар, оилалар ҳамда якка ҳолда ижодий меҳнат қилаётган жамият аъзоси (шахс) ҳисобланади. Интеллектуал фаолият жамиятни ушбу ячейкаларининг меҳнат жамоалари ёки якка аъзоси томонидан олиб борилади. Меҳнат жамоалари ёки якка шахснинг интеллектуал фаолиятида яратилган интеллектуал мулк, мос равишда, меҳнат жамоаси ёки якка шахснинг интеллектуал мулки ҳисобланади.

Интеллектуал мулк ва бу мулкни яратилишига қаратилган интеллектуал фаолиятнинг замони деганда бу мулк яратилган (вужудга келган) ҳамда уни яратилиши (вужудга келиши)га қаратилган интеллектуал фаолият олиб борилган вақт тушунилади. Бундай вақт бўлиб, одатда, аниқ йил, чорак, ой ҳисобланади. Тан олиш, баҳолаш, ўлчаш ва ҳисобга олиш мезонларига кўра интеллектуал мулк ва уни яратилишига қаратилган фаолият юқорида санаб ўтилган ҳисобот даврларида миқдор ва сифат жиҳатдан ўз тавсифини топади. Бундай иш билан ҳисоб фани шуғулланади.

Интеллектуал мулк, одатда, номоддий шаклга эга бўлади. Аммо унинг маҳсули моддийлашиб боради. Интеллектуал мулк маҳсулининг моддийлашган шакли иқтисодий ва ижтимоий фаолиятга жорий қилинган инновацияларда, яъни янги техника ва технологияларда, янги маҳсулот ва товарларда, кўрсатиладиган моддий хизмат турларида намоён бўлиши мумкин. Моддий бўлмаган интеллектуал мулк маҳсули бўлиб янги яратилган гоя, янги технология, янги хизмат тури, янгича дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалар ҳисобланади. Буларнинг яратилиши бевосита таълимга боғлиқ.

Интеллектуал мулкнинг яратувчиси ҳам, истеъмолчиси ҳам, объекти ҳам инсон ҳисобланади. Шунини эътироф этиш керакки, бошқа бойликлар сингари интеллектуал мулк ҳам оз ёки кўп бўлиши мумкин. Бу бевосита инсонларга ҳам тегишлидир. Биринчи интеллектуал бой киши бўлса, иккинчиси унга тенг кела олмаслиги мумкин. Аммо ушбу бойликнинг аниқ ўлчови ҳозирча ишлаб чиқилган эмас. Бироқ мамлакатнинг, миллатнинг, жамоанинг миллий салоҳиятидан келиб чиқиб интеллектуал бойликка баҳо бериш мумкин.

Интеллектуал бойликни кўпайтиришда иштирок этадиган воситалардан энг муҳимлари фан ва таълим бўлиб ҳисобланади. Уни амалга оширишда иштирок этадиган муассасалар узлуксиз таълим тизимига кирувчи, таълим хизматини кўрсатувчи ва фан сирларини ўргатувчи ўқув муассасалари ва уларнинг ринтеграциялашувини таъминлашга хизмат қиладиган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлардир.

Охирги пайтларда интеллектуал фаолиятни, бошқачасига, инновацион фаолият, мос равишда, интеллектуал мулкни инновацион маҳсулот, деб аташ кенг тус олди. Адабиётларда ушбу тушунчалар таърифлари, уларнинг мазмун-моҳиятига оид турли мунозарали қарашлар пайдо бўлди.

«Инновацион фаолият» атамаси негизда, кўриниб турибдики, авваламбор, «**инновация**» сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса «**новация**» сўзи ётади. Ўзбек тили луғотида бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча «**innovation**», русчасига «**инновация**» сўзи ўзбек тилида «киритилган янгилик, ихтиро»⁴² сўзларини англатади. Ушбу атамага ҳам учта изоҳ берилган: “1 *икт* техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. 2 Илғор техника ва технология, бошқариш ва б. соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши. 3 *тили* муайян тилда, асосан унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)”⁴³. Шунинг эътирофи билан керакки, инновация сўзининг ўзгича сўзи ташкил қиладди. Бу «**Новация**», сўзи латинча «**novation**» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилининг луғотида “янгилик, янги тартиб (расм, одат, усул ва ғ. к.)”⁴⁴ маъносида талқин этилган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, махсус луғатларда ва адабиётларда инновация атамасига турли нисбатлар берилган:

(1) “техника ва технология авлодини алмаштиришни таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ киритиш”;

(2) “илмий-техник прогресс ютуқлари натижаси ҳисобланган янги техника ва технология”;

⁴² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.П. Б.-М.Тажриб хайати. Т.Мирзасев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 212.

⁴³ Ушбу жойда. – Б. 212.

⁴⁴ Русча – Ўзбекча луғат. 2 томлик 1-том. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 1983. – Б. 667.

(3) “янгилашга қилинган инвестиция, янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси”;

(4) “янги техника ёки технологияга, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга қиритилган капиталдан олинган моддий ҳамда номоддий мулк”;

(5) “янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи янги фаолият” сифатида ҳам таърифлар берилган.

Юқорида келтирилган изоҳларга асосланиб, таъкидлаш мумкинки, «новация», «инновация», «инновацион фаолият» ҳар қандай кишилиқ жамиятини, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини раванқ топтириш учун амалга оширилаётган ишларни, жараёнларни, моддий ва номоддий кўринишдаги янгиликни, янгидан яратилаётган мулкни ифодаловчи тушунчалардир. Бизнингча, ушбу атамаларга қуйидагича таърифларни бериш мумкин.


Инновация дейилганда жамиятнинг турли ячейкаларида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ни, унинг моддий техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган махсус инновацион фаолият тушунилади.

Инновацион фаолият дейилганда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажаришга қаратилган моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга йўналтирилган жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Инновацион маҳсулот дейилганда бу инновацион фаолиятни олиб бориш натижасида олинган янгидан барпо қилинган ёки тубдан такомиллаштирилган моддий ёки номоддий мулк тушунилади. Моддий мулк шаклидаги инновацион маҳсулот бўлиб янги техника, янги маҳсулот, янги товар ҳисобланади. Номоддий мулк шаклидаги инновацион маҳсулот – бу янги яратилган ғоя, янги технология, янги хизмат тури, янгича дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалардир.

Булардан кўриниб турибдики, интеллектуал мулк ва инновациялар бир-бири билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ. Аммо уларнинг юзага келиш эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, инновация

интеллектуал меҳнатнинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Демак, бунга эришиш учун, унинг яратувчиси, истеъмолчиси ва субъекти бўлган инсонга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Буни амалга оширишнинг асосий йўли илмни ривожлантириш эвазига фан ва техникани янгилаш гоёларини ишлаб чиқиш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш каби иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тадбиқ этишдир. Бу жараённинг узлуксизлиги жамиятнинг тараққиётини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир (3.2-расм).



3.2-расм. Инсонда мужассамлашган интеллектуал салоҳият ва мулкнинг кўпайишига таъсир этувчи омиллар

Шундай қилиб, юқорида келтирилган расмдан ва қисқача ифода этилган шарҳлардан бир қанча хулосалар килиш мумкин.

Биринчидан, интеллектуал фаолият ёки ҳозирги замонга мос келувчи инновацион фаолият ҳар қандай кишилик жамиятини узлуксиз равнақ топтириш учун зарур бўлган фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолиятга асосланган ҳолда олиб борилаётган иқтисодиётни «инновацион иқтисодиёт» деб аташ мумкин. Инновацион иқтисодиётнинг ижодкори инсон ва ундан манфаатдори ҳам инсондир. Янги гоёлар, қарашлар, ёндашувлар, энг замонавий техника ва технологияларга асосланмаган иқтисодиётни «инновацион иқтисодиёт» деб атаб бўлмайди. Янги гоёлар, қарашлар, ёндашувлар, энг замонавий техника ва технологияларга асосланган «инновацион иқтисодиёт»,

ўз навбатида, иқтисоддиётни янгилаш, модернизациялашни тақозо этади. Ҳозирги пайтда бизнинг республикамызда қурилаётган иқтисодиёт айнан ушбу талабларга жавоб берадиган, яъни модернизация қилинаётган «инновацион иқтисодиёт» ҳисобланади. Аммо ҳозирги босқичда жорий қилинаётган янги техника ва технологиялар асосан хориждан олиб келинаётганлари ҳисобига ривожланмоқда. Ҳақиқий инновацион иқтисодиётга эришиш учун янги техника ва технологияларни ўзимизда ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

Иккинчидан, интеллектуал мулк ёки ҳозирги замонга мос келувчи инновацион маҳсулот ҳар қандай кишилиқ жамиятининг ўта муҳим бойлиги ҳисобланади. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашишлар, энг замонавий техника ва технологиялар кўринишидаги «инновацион маҳсулот» жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучли воситалардир. Жамиятда юз бераётган янгиланиш, модернизация ва реконструкция жараёнлари ушбу «инновацион маҳсулот»ни келгусида янада кўпайтиришга имкон беради. Чунончи, ҳозирги пайтда бизнинг республикамызда иқтисодиётнинг реал секторларини кенг қўламда модернизациялаш жараёни кетмоқда. Аммо мамлакатимизни энг ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш учун нафақат иқтисодиётни, балки бутун мамлакатни, унинг барча иқтисодий-ижтимоий ҳаётини модернизациялаш лозим бўлади. Бизда бундай стратегия ишлаб чиқилган. Аммо уни амалга ошириш жараёни кенг қўламли ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Учинчидан, жамият равақида муҳим аҳамиятга эга бўлган интеллектуал мулкни, яъни инновацион маҳсулотларни янада кўпайтириш улуг ва устувор вазифалардан биридир. Бу улуг ва устувор вазифани ҳар бир меҳнат жамоаси, оила аъзолари томонидан бажаришга эришишимиз халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг ўта муҳим омилдир. Интеллектуал мулкни кўпайтиришга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб фан ва таълим интеграциясини таъминлаш ҳисобланади. Хўш, ушбу интеграциянинг ўзи нима? Фан ва таълим интеграцияси нима беради? Бу интеграцияга қандай йўллар ва воситалар билан эришиш мумкин?

Қуйида ушбу муҳим ва долзарб масалаларга қисқача тўхталамиз.

Маълумки, ҳам илм-фан, ҳам таълим, авваламбор, инсоннинг ҳар тарафлама камол топтиришга, унинг талабларини қондиришга қаратилган мақсадли фаолият турларидир. Ушбу фаолият турларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Таълим бермасдан, ўз умрини илм-фанга бағишловчи ёшларни тарбиялаб бўлмайди, мос равишда, фанни ҳам ривожлантириб бўлмайди. Илм-фанни ривожлантирмас-дан туриб, таълимни ривожлантириб бўлмайди. Ҳар иккаласисиз жамиятда ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга ҳам эришиб бўлмайди. Айнан шундай оддий ҳақиқат фан ва таълим тизимларини узвий боғлаш, яъни уларни интеграция қилиш заруратини туғдиради. Ушбу мақсадга эришиш пировард натижада ҳам фанни, ҳам таълимни жамият раънақини таъминлаш воситаларига айлантиради. Шу боис ҳам, республикаимиз-да қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим, фан ва ишлаб чиқариш боғлиқлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Фан ва таълимни интеграция қилиш кўп омилларга боғлиқдир. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * ҳар бир фаннинг мазмунини атрофлича очиб берувчи ўқув дастурининг мавжудлиги ва талабаларга етказилганлиги;

- * фан бўйича фуқдаментал дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий ишланмалар (масалалар, кейслар, лаборатория ишлари, ҳўжалик ситуациялари, тестлар, тарқатма материаллар ва бошқалар)нинг мавжудлиги;

- * кафедраларда фанни юқори илмий ва амалий жиҳатдан ўргата оладиган профессор-ўқитувчилардан иборат юқори малакали илмий салоҳиятнинг шаклланганлиги;

- * фанни ўрганишнинг мотивациялари, чунончи илмий тўғаракларнинг мавжудлиги ҳамда уларда талабаларни қатнашишга бўлган қизиқишларини уйғотиш ва ўз ихтиёрлари билан қатнашишига эришиш орқали уларга қўшимча малакалар берадиган сертификатларни беришни ташкил қилиш;

- * талабалар онгида жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга ижодий муносабатларини шакллантириш ва улардан тўғри ҳулосалар чиқариб, ўз фаолиятига танқидий қараш орқали уни такомиллаштириш кўникмасини сингдириш;

* талабаларнинг назария билан амалиётга бир-бирига боғлиқ ҳолда ёндашишларини, уларнинг мустақил ишлашларни, илмий изланишларини кундалиқ ҳаёт тарзига айлантириб бориш кўникмасини шакллантириш;

* кафедраларда курс ва битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертацияларининг мавзуларини фаннинг устувор йўналишларига бағишланган тарзда ишлаб чиқилганлиги, бу мавзуларни иқтидорли талабаларга уларнинг қизиқишларига қараб бирктирилишини таъминлаш билан бирга илмий натижаларни албатта амалиёт билан боғлаб, уни жорий қилишга эришиш кўникмасининг синдиришлиги;

* кафедраларда ишлаб чиқариш соҳаси субъектлари билан инновацион ҳамкорлик шартномаларини тузилганлиги ҳамда бу шартномалар асосида илмий-тадқиқотларни олиб борилиши ҳамда улар натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши;

* кафедраларда илмий мактаблар (илмий семинарлар ва кенгашлар) фаолиятини доимий юритилаётганлиги, уларда илмий ва ўқув ишлари муҳокамаларини ўтказилиши, ушбу илмий семинар ва бошқа тадбирларда талабалар иштирокининг таъминланиши;

* талабалар илмий ишлари натижаларини муҳокамасига бағишланган илмий-амалий конференцияларни уюштирилиши, улар материалларини мужассамлаштирувчи илмий тўпламларнинг чоп этирилиши ва уларнинг натижаларидан албатта амалий тавсия-ларни ишлаб чиқишга эришилиши ва бошқалар.

Фан ва таълим интеграциясини таъминлашда муҳим роль ўйновчи ушбу омилларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳали уларнинг кўпларидан олийгоҳларда етарлича фойдаланишга эришилмаяпти. Шунингдек, фан ва таълим интеграциясини таъминловчи воситаларнинг ўзлари ҳам кўп жиҳатдан тақомиллашишга муҳтож. Чунончи, ўргатилаётган айрим фанларнинг тасдиқланган ўқув дастурлари уларнинг мазмунини етарлича тўлиқ очиб беради, деб бўлмайди. Фанларнинг ўқув дастурларини фақат таянч олийгоҳ сифатида белгиланган университет ёки институт кафедра аъзолари томонидан тайёрланаётганлиги, айрим ҳолларда ушбу ўқув дастурларини бошқа олийгоҳлар олимларига муҳокама этишга берилмаётганлиги маълум даражада уларнинг сифатига салбий таъсир этмоқда.

Фикримизча, таълим тизимида барча фанлар бўйича ўқув дастурлари марказлаштирилган ҳолда турли олий таълим муассасаларининг етук ва таниқли олимларидан иборат илмий жамоалар томонидан тайёрланиши ва муҳокама қилиниши, шундан сўнг эса барча олийгоҳларга етказилиши мақсадга мувофиқдир. Айнан шундай ёндашиш фан ва таълимни узвий боғлиқликда ҳамда яхлит талаблар асосида ўргатилишига, мос равишда, уларни узвий ривожланишига имкон беради.

Буни амалга ошириш учун ҳар бир фан йўналиши бўйича услубий кенгашларни ташкил қилиш лозим бўлади. Уларнинг фан дастурларини ишлаб чиқиши ва муҳокам қилинишида кенг жамоатчилиكنинг, етакчи олимларнинг фикрларини олиш лозим бўлади. Бундай дастурлар узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, фаннинг асосий ютуқларини қамраб олиш билан бирга амалиётимиздаги ўзгаришларга ҳам зийраклик билан муносабатда бўлишликни тақозо қилади.

Фан ва таълим интеграциясини таъминлашнинг муҳим омили ва йўналишларидан бири бўлган корхоналар билан корпоратив инновацион ҳамкорлик борасида ҳам анча ишлар қилинмоқда. Аммо уни ҳозирча етарлича йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бозор муносабатларига тўлиқ ўтиш ва уларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фанни ўргатиш, унинг муаммоларини тадқиқ қилиш ва ҳал этиш йўллари билан корхоналар билан корпоратив инновацион ҳамкорликни йўлга қўймасдан, уларни ривожлантириш стратегиясини асослаб бўлмайди.

Фикримизча, кафедраларда бажарилаётган курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари қатъий инновацион ҳамкорлик шартномалари асосида бажарилиши лозим. Бу талабларга жавоб бермайдиган ишлар на фанга, на амалиётга, на таълим олишга фойда келтиради. Корхоналар билан корпоратив инновацион ҳамкорлик шартномалари асосида бажарилган ишлар, маълумки, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлади. Ушбу ишларда яратилаётган илмий янгиликлар бевосита фанни ривожланишига, шунингдек, фан муаммоларини амалиётда ҳал қилишга имкон беради.

Шу туфайли инновацион ҳамкорликда ишлаш кўникмасини нафақат илмий ходимлар, балки талабаларда ҳам шакллантиришга

эришиш лозим бўлади. Айнан инновацион ҳамкорликларда бажарилган курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари бўлажак мутахассисларни нафақат илмий ходимлар, балки амалиётга ҳам илмий жиҳатдан ёндашадиган менежерлар сифатида шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фан ва таълим интеграциясини кучайтиришда талабаларни илмий мактаблар ҳамда иқтидорли талабалар илмий тўғарақларига кенг жалб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Илмий мактаблар ва тўғарақларни узлуксиз ишлаши, уларда фанларнинг энг долзарб муаммоларини доимий равишда муҳокама этиб борилиши кичик илмий ходимлар билан талабаларда ҳам у ёки бу муаммо бўйича ўз фикрини шакллантиришга, уларни ҳал қилиш бўйича кўникмаларни ҳосил қилишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Фикримизча, республикамиз олийгоҳларида фан ва таълим интеграциясини таъминлашга қаратилган ишларни узлуксиз ва доимий олиб боришни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун юқорида келтирилган муаммоларни ҳамда бошқа қаламга олинмаган бир қанча мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мамлакатимизнинг интеллектуал мулкнинг янада кўпайишига, келажакда бу мулкни эгалари бўлмиш ёшлар тарбиясини янги даражаларга кўтаришга имкон беради.

3.2. Таълимнинг ривожланишида илмий мактабларнинг роли ва ўрни: Самарқанд иқтисодиёт мактабининг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришдаги хизматлари

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиётга оид фанлардан бир қанча илмий мактаблар шаклланди ва ривожланмоқда. Улардан бири Самарқанд иқтисодиёт мактабидир. Мазкур мактабнинг асосини иқтисодий таҳлил мактаби ташкил қилади. Бу мактаб собиқ иттифок шароитида Самарқанд кооператив (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис) институти базасида шаклланган бўлиб, унга и.ф.д., профессор И.Т.Абдукаримов томонидан асос солинди.

Ўша йилларда мамлакатимиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар марказда, яъни Москва ва Ленинград шаҳарларида нашр қилинар ва уларнинг муаллифлар асосан шу шаҳарларда

жойлашган олимлар бўлар эди. Шундай шароитда Самарқанд таҳлил мактаби бутун иттифок миқёсида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Чунки “Иқтисодий таҳлил” фани бўйича ўқув дастури, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бу борадаги долзарб илмий ишлар, монографиялар самарқандлик олимлар томонидан тайёрланадиган бўлган эди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида мазкур фан бўйича ҳам бир қанча илмий мактаблар шаклланди. Ҳозирги кунда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий мактаби билан бирга профессор А.В.Ваҳабов ва Э.А.Акрамовлар ҳамда доцент А.Иброҳимов раҳбарлигидаги Тошкент молия институтининг илмий мактаби, профессорлар Б.А.Ҳасанов ва М.М.Тўлахўжаева, доцентлар А.Х.Шоалимов ва Е.Ергешевлар томонидан яратилаётган Тошкент давлат иқтисоийт университетидagi иқтисодий таҳлилга оид илмий мактабларини келтириш мумкин. Бу мактабларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижасида яратилаётган номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёклашда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академияси қошидаги ихтисослашган Кенгашнинг алоҳида ўрни бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича 21 нафар киши докторлик диссертациясини ёклаган (Д.Қ.Қудбиев, О.М.Жуманов, А.Х.Пардаев, Н.Ю.Жўраев, М.Қ.Пардаев, А.К.Ибрагимов, Б.А.Ҳасанов, З.Т.Маматов, А.А.Абдуганиев, Р.Д.Дўстмурадов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, М.М.Тўлахўжаева, Х.Н.Мусаев, Р.О.Холбеков, Б.Қ.Ҳамдамов, Ж.Бобожонов, Н.Ф.Каримов, З.Н.Қурбанов, И.Н.Исманов, А.Ж.Тўйчиев,) бўлса, уларнинг 10 нафари (Д.Қ.Қудбиев, А.Х.Пардаев, Н.Ю.Жўраев, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Х.Н.Мусаев, Б.И.Исроилов, З.Н.Қурбанов, И.Н.Исманов, С.Н.Тошназаровлар) Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий мактабининг вакиллари дир. Бу ҳам кўрсатадики, Самарқанднинг илмий мактаби олий малакали кадрлар тайёрлашда ўз ўрни ва салоҳиятига эга. Бу олимларнинг шаклланишида, уларга фан билан шуғулланиш технологиясини ўргатишда, расмий ва норасмий илмий раҳбарлик қилган иқтисод фанлари доктори, профессор И.Т.Абдукаримовнинг хизматларини алоҳида таъкид-лашни хоҳлар эдик.

Иқтисодий таҳлил бўйича маҳсулотларни асосан, юқорида номи зикр этилган мактаблар (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети) вакиллари етиштириб бермоқдалар. Ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўйича барча мактаб вакиллари бир тўхтамга келишган. Иқтисодий таҳлилнинг уч гуруҳга (Иқтисодий таҳлил назарияси, Молиявий таҳлил, Бошқарув таҳлили) бўлиниши тан олинди ва шунга биноан иш кўриломоқда. Буларга охириги пайтларда нашр қилинган дарслик ва ўқув қўлланмалар, илмий-оммабоп китоблар, монография ва рисоаларни ⁴⁵ мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида мазкур мактаб олимлари томонидан бир қанча ўқув адабиётлари билан биргаликда илмий монографиялар, илмий-оммабоп рисоалар ҳам яратилмоқда. Иқтисодий таҳлилга оид асарларнинг айримларини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларга қуйидгиларни киритиш мумкин. Мустақиллик йилларида яратилган ўқув адабиётлари жумласига И.Т.Абдукаримов, Л.Г.Абдукаримова ва В.В.Смагиналар томонидан тайёрланган «Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия» (Тамбов. ТГУ, 2005. - 604 бет.), Мазкур ўқув қўлланманинг иккинчи қайта ишланган нашри 2008 йилда яна нашрдан чиқди. И.Т.Абдукаримовнинг «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998. - 96 бет.), И.Т.Абдукаримов ва М.Қ.Пардаевлар томонидан тайёрланган «Турфирмалар молиявий-ҳўжалик фаолияти таҳлили» (Самарқанд, СамИСИ, 2011. -201 б.), И.Т. Абдукаримов., С.А.Исҳокова, А.Т.Мардоноваларнинг «Молиявий менежмент»

⁴⁵Абдукаримов И.Т. "Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари". -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998. - 96 бет., Пардаев М.Қ. "Молиявий таҳлил методологияси" Самарқанд, СамКИ, 1996. - 155 бет., М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов "Молиявий таҳлил". -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999. - 356 бет., М.Қ.Пардаев "Иқтисодий таҳлил назарияси" Дарслик. Самарқанд. Зарафшон. 2001. - 272 бет., М.Қ.Пардаев, А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Исроилов "Бошқарув таҳлили". -Ўқув қўлланма. -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2005. - 328 бет. А.Т.Иброҳимов "Молиявий таҳлил" рисола. -Т.: "Меҳнат", 1995. - 60 бет., И.О.Волжин, В.В.Эргашев "Молиявий таҳлил". -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998. - 254 бет., Х.И.Ахмаджонов, М.Ю.Раҳимов "Молиявий таҳлил". Ўқув қўлланма. -Т.: ТМЦ, 2004. - 160 бет., Э.А.Акрамов "Анализ финансового состояния предприятия". -Т.: 2000. -169 бет., Э.А.Акрамов "Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили". -Т.: "Молия", 2003. - 224 бет., А.В.Вахабов ва А.Т.Иброҳимов "Молиявий таҳлил" Дарслик. -Т.: "Шарқ", 2002. - 224 бет., А.В.Вахабов, А.Иброҳимов ва Н.Эшонкулов "Молиявий ва бошқарув таҳлили". Дарслик. -Т.: "Шарқ", 2005. - 480 бет., За.Садуллаева, Ш.А.Рашидова, Н.Ф. Ишанкулов «Управленческий и финансовый анализ». Масалалар тўплами. -Т.: ТФИ, 2004. - 73 бет., Е.Ерғашев. "Иқтисодий ва молиявий таҳлил" Дарслик. -Т.: "Консультинформ-Навр" нашриёти, 2005. -346 бет. ва ҳ.к.

(Самарқанд, СамДУ, 2001.- 78 бет.), И.Т.Абдукаримов, Л.Г. Абдукаримова, В.В.Смагиналарнинг “Оценка и анализ собственных и привлеченных средств предприятия” (Тамбов. ТГУ., 2004.-150 бет.), И.Т. Абдукаримовнинг «Оценка и анализ финансового состояния предприятия» (Тамбов. 2001. – 75 бет.), Абдукаримов И.Т. В.В.Смагиналарнинг “Долгосрочных активы, методы их анализа и оценка” (Тамбов, ТГУ, 2002. – 124 бет.), Ж.И. Исроиловнинг “Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари” номли услубий тавсияси (Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.), М.К. Пардаев, яъни мазкур мақола муаллифларидан бирининг “Молиявий таҳлил методологияси” (Самарқанд, СамКИ, 1996.- 155 бет.), М.К.Пардаев, Б.И.Исроиловларнинг “Молиявий таҳлил” (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999.- 356 бет.), “Иқтисодий таҳлил назарияси” Дарслик (Самарқанд. Зарафшон. 2001.- 272 бет.), М.К.Пардаев, Б.И. Исроиловларнинг 2 қисмдан иборат “Иқтисодий таҳлил” (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001.- 176 бет.), ўқув қўлланмасини, М.К. Пардаевнинг “Лойиҳа таҳлили” (Самарқанд, СамКИ, 2001.- 171 бет.), М.К.Пардаев, Б.И. Исроилов ва И.Т.Абдукаримовларнинг “Иқтисодий таҳлил” номли лотин алифбосидаги ўқув қўлланмасини (Т.: “Мехнат”, 2004.- 556 бет.), М.Қ Пардаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан ёзилган “Бошқарув таҳлили” номли ўқув қўлланмасини (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.), шу номли ва шу муаллифлар томонидан тайёрланган маърузалар курсини (Самарқанд. СамДУ. 2004.- 256 бет.), Б.И. Исроиловнинг “Молмулкни солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва уни таҳлил қилиш йўллари” ўқув қўлланмасини (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.- 40 бет.), М.К.Пардаев, Б.И. Исроилов “Солиқлар таҳлили”. (ЎзР Солиқ Академияси ва СамИСИ, 2007.- 100 бет.), М.Қ.Пардаев ва Ф.А.Зулуноваларнинг Функционал қиймат таҳлили (Маърузалар курси Самарқанд, СамИСИ, 2007.-194 бет), М.Қ.Пардаев раҳбарлигида муаллифлар жамоаси билан тайёрланган “Турфирмалар молиявий-ҳўжалик фаолияти таҳлили” (Самарқанд, СамИСИ, 2011. - 201 б.), “Молиявий ва бошқарув таҳлили” дарслиги (Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012. – 490 бет), Функционал қиймат

таҳлили” дарслиги (Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012. 204 бет) кабиларни мисол қилиб олиш мумкин.

Мазкур мактаб олимлари томонидан бир қанча монографиялар ҳам тайёрланди ва нашрдан чиқарилди. Булар жумласига Б.И.Исроиловнинг “Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари” (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.- 256 бет.), номли монографиясини, М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Б.И.Исроиловларнинг “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” монографиясини (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.), М.Қ.Пардаев ва Ж.И.Исроиловларнинг “Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари” монографиялари (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2007. - 164 бет.), М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроиловларнинг “Солиқлар таҳлили” (Т.: ЎзР Солиқ академияси, 2007.- 100 б.), Г.М.Шодиева “Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари”. Монография. (Т.: “Фан”, 2006, 243 б.), М.Қ.Пардаев, З.Ю.Аминовларнинг “Корхоналар иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари” номли илмий иш (Самарқанд: “Зарафшон”. 2008.-47 б.), М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов ва А.Қ.Ғаппаровлар томонидан тайёрланган “Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари” (Рисола. Самарқанд, “Зарафшон” 2009. -66 б.), М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловларнинг “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” (Т.: “Иқтисод-молия”, 2011.- 172 б.), Пардаев М.Қ., Исроилов Ё.Ж. “Автомобил транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари” рисоласи (Т.: “NOSHIRLIK YOG'DUSI”, 2011. – 68 б.), О.М.Пардаевнинг “Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик” монографияси (Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 162 б.), М.Қ.Пардаев ва Ҳ.А.Рахимовларнинг “Турфирмалар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили” илмий рисоласи (Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 63 б.) кабиларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда Самарқанднинг таҳлил мактабида шаклланган бир қанча олимлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан Фарғонада самарали ижод қилаётган олимларимиздан, и.ф.д., профессор Д.Қ.Қудбиев ва И.Н.Исман-

овлар Фарғонада таҳлил мактабини шакллантириш устида иш олиб бормокдалар.

Самарқанд мактаби томонидан яратилаётган таҳлилга оид асарлар таҳлилнинг турли қирраларини қамраб оладилар. Мамлакатимизда иқтисодий таҳлилнинг назарияси бўйича биринчи дарслик Самарқандда яратилди. Бу ўзбек тилида ёзилган “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича дарслик бўлиб 2001 йилда нашрдан чиқди (Самарқанд. Зарафшон. 2001.- 272 бет.). Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш хайъатининг 2000 йил 21 апрелдаги 13-сон қарори билан нашрга тавсия этилган эди.

Сўнгра иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи мамлакатимиз олимлари томонидан унинг таҳлил назарияси бўйича бир қанча ўқув қўлланмалар нашрдан чиқарилди. Булар жумласига Тошкент молия институти олимлари А.Вахабов, А.Иброҳимов ва Б.Ҳакимовлар томонидан нашр қилинган “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича ўқув қўлланмани (Т.: ТМИ.-2003.-176 бет.) мисол келтириш мумкин. Бир йилдан кейин Тошкент иқтисодиёт университети олимлари А.Х. Шоалимов ва Ш.А.Тожибоевалар томонидан ишлаб чиқилган “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича маъруза матни нашрдан чиқди (Т.: ТДИУ, 2004.- 91 бет.). Ушбу китоб 2006 йилда яна ўқув қўлланма сифатида қайта ишланди ва нашрдан чиқарилди. “Иқтисодий таҳлил назарияси” бўйича маъруза матнини 2004 йилда Самарқанд кишлоқ хўжалик институти олимларидан Т.Қ.Қудратов (Самарқанд, СамҚХИ. 2004. – 107 бет.) ҳам нашрдан чиқаришга муваффақ бўлди.

Бевосита иқтисодий таҳлилнинг умуметодологик муаммоларига бағишланган асарлар ҳам мустақиллик йилларида яратилди. Булар жумласига М.К.Пардаев, Б.И. Исроиловларнинг 2 қисмдан иборат “Иқтисодий таҳлил” (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001.- 1-қисм - 176 бет., 2-қисм – 256 бет), ўқув қўлланмасини, М.К. М.К.Пардаев, Б.И. Исроилов ва И.Т.Абдукаримовларнинг “Иқтисодий таҳлил” лотин алифбосидаги ўқув қўлланмасини (Т.: Меҳнат, 2004.- 556 бет.), Ё. Абдуллаев, А.Иброҳимов ва М.Рахимовларнинг “Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб” (Т.: Меҳнат, 2001.- 320 бет.) кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилиши бўлган фанлардан бири «Молиявий таҳлил» фанидир. Бу бўйича ҳам мамлакатимизда биринчи китоб Самарқандлик олимлар томонидан нашр қилина бошланди. М.К. Пардаев, яъни мазкур мақола муаллифининг “Молиявий таҳлил метоологияси” (Самарқанд, СамКИ, 1996.- 155 бет.) 9,5 б.т.дан иборат услубий қўлланмаси нашрдан чиқди. М.К.Пардаев ва Б.И.Исроиловлар томонидан “Молиявий таҳлил” номи билан альбоми яратилди ва босмдан чиқарилди (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999.- 368 бет.). 1995 йилда А.Т.Иброҳимовнинг “Молиявий таҳлил” рисоласи (Т.: Мехнат, 1995.- 60 бет.) И.О.Волжин, В.В. Эргашбоевларнинг «Молиявий таҳлил» китоби (Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1998.- 254 бет.), яратилди. Сўнгра ушбу фан бўйича бир қанча адабиётлар нашр қилина бошланди. Булар жумласига Х.И.Ахмаджонов, М.Ю. Рахимовларнинг «Молиявий таҳлил» номли ўқув қўлланмасини (Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет.), Э.А.Акрамовнинг “Анализ финансового состояния предприятия” (Т., 2000. -169 бет.), Э.А.Акрамовнинг “Корхона-ларнинг молиявий ҳолати таҳлили” (Т.: “Молия”, 2003.- 224 бет.), А.В.Вахабов ва А.Т.Иброҳимовларнинг “Молиявий таҳлил” дарслигини (Т.: “Шарқ”, 2002.- 224 бет.) кiritиш мумкин.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилиши бўлган фанлардан бири «Бошқарув таҳлил» фанидир. Бу йўналиш бўйича ҳам бир қанча асарлар нашр қилинди. Булар жумласига М.Қ. Пардаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар (А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Исроилов) томонидан ёзилган “Бошқарув таҳлили” номли ўқув қўлланмасини (Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.), Шу ном билан шу муаллифлар томонидан тайёрланган маърузалар курсини (Самарқанд. СамДУ. 2004.- 256 бет. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти томонидан 2005 йилда нашр қилинган икки қисмдан иборат маърузалар курси, 1-қисм – 157 бет ва 2-қисм – 137 бет), Тошкент молия институти олимлари А.Т.Ибрагимов ва М.Ю.Рахимовларнинг “Бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмасини (Т.: ТМИ, 2004.- 104 бет.), Тошкент иқтисодиёт университети олимлари А.Х.Шоалимов, Ш.А. Тожибоевалар томонидан тайёрланган «Бошқарув таҳлили» ўқув қўлланмани (Т.: ТДИУ, 2003.- 140 бет.), А.Х.Шоалимов, Ш.А.

Тожибоеваларнинг “Бошқарув таҳлили” маърузалар матни (Т.: ТДИУ, 2004.- 140 бет.) кабиларни киритиш мумкин. “Бошқарув таҳлили” бўйича маъруза матни 2006 йилда Самарқанд кишлоқ хўжалик институти олимларидан Т.Қ.Қудратов томонидан нашрдан чиқди (СамҚХИ, 2005.-185 бет.- 12 б.т.).

Мамлакатимизда таҳлилнинг икки қисми бирлаштирилиб “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фан сифатида шакл-лантирилди ва олий ўқув юртлари ўқув режасига киритилди. Бунини инобатга олиб мамлакатимиз олимлари ушбу фан бўйича яхлит ҳолда асарларни ёзишга киришдилар.

Шундай қилиб, “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фани бўйича бир қанча асарлар тайёрланди ва нашрдан чиқарилди. Булар жумласига Тошкент молия институти олимлари А.В.Ваҳабов, А.Иброҳимов ва Н.Эшонқуловлар томонидан яратилган «Молиявий ва бошқарув таҳлили» бўйича дарсликни (Т.: “Шарқ”, 2005.- 480 бет.), З.А.Сағдуллаева, Ш.А.Рашидова, Н.Ф. Ишанкуловлар томонидан «Управленческий и финансовый анализ» масалалар тўпламини (Т.: ТФИ, 2004.- 73 бет.), Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодий таҳлил мактаби томонидан яратилган Е.Ергешевнинг “Иқтисодий ва молиявий таҳлил” дарслиги (Т.: “Консаудитинформ-Нашр” нашриёти, 2005.-346 бет.) кабиларни киритиш мумкин. 2012 йилда самарқандлик ва тошкентлик олимлар ҳамкорлигида “Молиявий ва бошқарув таҳлили” дарслиги (Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012. – 490 бет) ҳам нашрдан чиқди.

Бозор муносабатлари шароитида таҳлилнинг корхоналар фаолиятини режалаштиришда, инвестицияларнинг самара-дорлигини оширишдаги роли ошиб борди. Буларни инобатга олиб олий ўқув юртлари ўқув режаларига “Лойиҳа таҳлили” фани киритилди. Бу бўйича ҳам Самарқанд мактаби олимлари етакчилик қилдилар. Жумладан: М.К.Пардаев томонидан қатор ишлар нашр қилинди “Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили” (Маъруза матни.- Самарқанд, СамКИ, 2000.), “Лойиҳа таҳлилининг мазмуни, предмети, методи ва усуллари” (Маъруза матни.-Самарқанд, СамКИ, 1999.- 18 бет.), “Пул оқимларини дисконтлаштириш ва аннуитетлар” (Маъруза матни Самарқанд, СамКИ, 2000 - 22 бет.), “Лойиҳа хатарлилигининг таҳлили” (Маъруза матни-Самарқанд, СамКИ, 2000. - 26 бет), Пардаев М.К. Шодиева Г.М. билан ҳаммуалифликда

“Лойиҳа таҳлилида оила мулки” (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 1999. - 40 бет.), яна шу муаллифларнинг “Лойиҳа таҳлилида оила даромадини инфляция шароитида баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари” (Маъруза матни. Самарқанд, СамКИ, 1999. - 21 бет.), 1997. Пардаев М.К. Абдиев А.А. билан ҳаммуаллифликда “Лойиҳа таҳлилидан семинарлар ва масалалар тўплами” (Самарқанд, СамКИ, 2000 - 19 бет.). Буларни жамлаб М.Қ. Пардаевнинг 2001 йилда «Лойиҳа таҳлили» (Самарқанд, СамКИ, 2001.- 171 бет.) бўйича маърузалар матни нашр қилинди. Ушбу иш “Йилнинг энг яхши маъруза матни” танловида умум мутахассисик фанлар ичида 3-ўринга сазовар бўлди ва ўқув қўлланма сифатида тан олинди. Бунинг натижаси “Маърифат” газетасида эълон қилинган эди (2002 йил 5 октябрь). Ушбу қўлланма 2007 йилда доцент А.А.Абдиев ва А.Н.Халикуловлар томонидан қайта ишланди ва ўқув қўлланма сифатида қайта нашрдан чиқарилди.

Мустақиллик йилларида таҳлилнинг алоҳида соҳалари бўйича ҳам қалам тебратишлар давом этди. Бу бўйича ҳам йирик монографиялар ва ўқув қўлланмалари нашр қилинди. Бунга ҳам раҳбарликни профессор И.Т.Абдукаримов олиб борди. Булар жумласига профессор И.Т.Абдукаримов етакчилигида М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловлар билан ҳаммуаллифликда тайёрланган “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” монографиясини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.), Б.И. Исроиловнинг «Мол-мулкни солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва уни таҳлил қилиш йўллари» ўқув қўлланмасини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 40 бет.), Б.И.Исроиловнинг “Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари” (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 20,5 б.т.) монографияларини киритиш мумкин. Иқтисодий таҳлилнинг алоҳида тармоқлари бўйича А.В.Вахабов, А.Т.Иброҳимов, У.К.Якубовларнинг “Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари” ўқув қўлланмаси (Т.: ТМИ, 2004.- 148 бет.), Н. Хасанов, С. Нажбиддиновларнинг “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш” китобини (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 224 бет.), Н.Хасанов, Л.Югайларнинг «Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки» (Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 2001. –192 бет.),

М.М.Тулаходжаеванинг “Аудит финансового состояния предприятия” монографияси (Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 1996. – 192 бет.) кабиларни мисол қилиш мумкин.

Биз мазкур ишда мустақиллик йилларида шаклланган ва ривожланаётган таҳлилга оид мактаблар намоёндаларининг нашр қилинган адабиётларнинг номларини уларнинг таҳлил йўналишлари бўйича гуруҳларинигина келтирдик холос. Уларнинг ҳар бирининг мазмуни ва йўналишларини қай даражада очиб беришга бағишланган ишлар тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичларида давом эттирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Самарқандда шаклланган таҳлил мактабини бухгалтерия ҳисоби мактабисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги шароитда ҳисоб ва таҳлил мактаби ўзига хос ўринга ва ўз йўналишига эгадир. Бу борада профессорлар Р.А.Абдуллаев, К.Б.Уразов ва Х.Н.Мусасвларнинг ҳам солмоқли ҳиссалари бор.

Самарқанд мактабининг иқтисодий таҳлил фанига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидламоқчимиз. Ушбу илмий мактабининг иқтисодий таҳлилни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, унда эришилган ютуқлар ва ҳал қилинган айрим муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Самарқандда ҳисоб ва иқтисодий таҳлил фанлари бўйича ягона мактаби яратилди ва муваффақият билан давом этмоқда. Шу фан бўйича фан докторлари ва номзодлари етишиб чикмоқда.

2. Иқтисодий таҳлилнинг учга бўлиниши (Иқтисодий таҳлил назарияси, Бошқарув таҳлили ва Молиявий таҳлил) ва уларнинг таркибий тузилиши назарий жиҳатдан асосланди ва уларда кўриладиган масалаларга аниқлик киритилди.

3. Иқтисодий таҳлилга бир қанча янги тушунча ва категориялар киритилди, уларнинг мазмуни асослаб берилди.

4. Корхоналар иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асослари, бозор муносабатлари нуқтаи назаридан, бутунлай янги мазмунда ишлаб чиқилди.

5. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар молиявий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди ва уларни таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

6. Корхоналар иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бозор муносабатлари шароитида ўта зарур-

лиги асосланди ва унанинг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди.

7. Корхоналарда меҳнат салоҳияти тушунчасини баҳолаш ва таҳлил қилиш лозимлиги асосланди, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилди.

8. Таҳлилга оид қўшлаб дарслик, ўқув қўлланмалари, монография ва услубий кўрсатмалар яратилди ва бу жараён муваффақият билан давом этмоқда ва ривожланиб бормоқда.

9. Хизмат кўрсатиш тармоқларида ва соҳасида таҳлилни ўтказиш масалалари шаклланди ва унинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилмоқда.

10. Замон талаби ва институтимизнинг йўналишидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти, уни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган илмий мактабга ҳам асос солинди.

11. Бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари ишлаб чиқилди ва уни умумлаштириб докторлик диссертацияси ёқланди (К.Б.Уразов).

12. Бозор муносабатлари шароитида вужудга келган янги “Аудит” фани бўйича ҳам дарслик яратишга муваффақ бўлинди (Х.Н.Мусаев).

Мазкур 12 бандда келтирилган муаммолар ва уларнинг ҳал қилинганлиги, булар бўйича илмий-назарий ва амалий тавсиялар алоҳида тадқиқотни ва изоҳлашни талаб қилади. Шу туфайли уларнинг мазмуни ва талқинлари бошқа мақолаларда берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисоб ва таҳлил фанига оид янги ғоялар билан йўғрилган яратилаётган адабиётларнинг асосий қисми Самарқанднинг илмий мактаб намоёндалари томонидан нашр қилинмоқда.

Иқтисодий таҳлилнинг бугунги муаммолари бўйича шуни эътироф этиш керакки, жамият шиддат билан янгиланиб бормоқда. Бу ҳар бир фанни шунга мос равишда такомиллаштириш ва янгиланиш жараёнида ўзининг сўзини айтиш лозимлигини тақозо қилади. Иқтисодий таҳлилнинг бугунги кундаги долзарб муаммолари ҳам мамлакат иқтисодиётининг янгиланишлари билан боғлиқ. Шу туфайли мазкур фанни иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялаш шароитига мослаштириш лозимлиги энг асосий муаммолардан биридир.

Бугунги кундаги кўп сонли муаммолардан бири, аниқроғи, энг муҳими, бу – жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодий таҳлилда миллий истиқлол ғоясининг акс эттирилишини таъминлаш ва мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт моделига мослаштириш муаммоларидир. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш қуйидаги масалаларни ечишни тақозо қилади:

- иқтисодий таҳлилда миллий истиқлол ғоясини ифода этиш муаммолари;

- иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели” га мос келишини таъминлаш муаммоси;

- иқтисодий таҳлилнинг мазмунига бош ғоя - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси;

- жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавийтни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлашда иқтисодий таҳлилнинг ролини кучайтириш муаммоси;

- иқтисодий таҳлилда иқтисодиёт билан маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш ва иқтисодий тараққиётга маънавий омилларнинг таъсирини инобатга олиш муаммолари;

- жамиятнинг янгиланиш жараёнида корхоналар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни, ўз менталитетимизга хос тарзда аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик муаммолари;

- корхоналар банкротлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий асосларига оид ва тегишли ахборотлар билан таъминлаш муаммолари;

- корхоналар иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини яратишга оид муаммолари;

- иқтисодий таҳлилнинг алоҳида тармоқлар бўйича қўлланилишини уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёритиш муаммолари;

- иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини (иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий таҳлил ва бошқарув таҳлили) тадқиқ қилишни янада чуқурлаштириш масалалари.

Бугунги кунда мазкур мактаб намоёндаларидан Ж.И.Исроилов, Ш.У.Ҳайдаров, С.Н.Тошназаров кабилар докторлик диссертаци-

цияси устида иш олиб бомокдалар. Булар мавжуд муаммонинг ечимлари хусусида ўз қарашларига эга. Булардан ҳам кўрсатиб турибдики, қайси фандан мактаб яратилса, ўша фан ва унинг намоёндаларида ривожланиш, такомиллашиш бўлади. Бу мактабнинг ривожланишида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган барча олимларнинг ҳиссаси катта.

Проф И.Т.Абдукаримов ҳисоб ва таҳлил фанларининг шаклланиши ва ривожланишида жуду кўп ҳолларда биринчи бўлган олимлардандир. У кишининг раҳбарлигида биринчи марта ўзбек тилида бухгалтерия ҳисоби фанидан 1968 йилда дарслик ёзилган бўлса, 1989 йилда биринчи марта ўзбек тилида ҳўжалик фаолияти таҳлили фанидан дарслик яратилди.

Ҳозирги пайтда Самарқанд иқтисодиёт мактаби вакиллари иқтисод фанлари докторлари, профессорлар М.М.Мухаммедовни, Ж.Р.Зайналовни, И.С.Тўхлиевни, бир қанча дарсликлар муаллифи, Б.А.Абдукаримовни, докторлик диссертацияси устида чинакам ишлаётган докторант-тадқиқотчилар Қ.Ж.Мирзаевни (2012 йил май ойида докторлик диссертациясини ёклади), Э.С.Файзиевларни ҳам иқтисодиёт мактабининг етакчи намоёндалари сифатида эътироф этиш лозим, деб ўйлаймиз.

Самарқанднинг илмий мактаби Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузурида ихтисослашган кенгаш фаолиятини юритиш имкониятига ҳам эга. Ҳозирги кунда институт қошида К 067.12.01.- рақамли 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражани беришга қаратилган ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Унда бир қанча фан номзодликлари билан бирга институт тарихида биринчи марта шу ихтисослик бўйича 2008 йилнинг 12 июлида Г.М.Шодиева томонидан докторлик диссертацияси ҳам ёкланди ва шу йилнинг 25 декабрь куни ЎзР ОАҚдан тасдиқдан ўтди. 2012 йилда мазкур ихтисослашган кенгашда Қ.Ж.Мирзаевнинг докторлик диссертацияси ҳимояси режалаштирилган. Бу ҳам кўрсатмоқдаки, бундан 44 йил олдин асос солинган илмий мактаб йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, таълимнинг ривожланишида, унга янги авлод адабиётларини ва кадрларни тайёрлаб беришда илмий мактабларнинг роли ва ўрни бекиёс экан.

IV боб. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

4.1. Таълим хизматлари – ўзининг қийматига ва бозорига эга бўлган интеллектуал мулкни шакллантириш омили

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўринга эга бўлган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилган. Бунини мамлакатимиз иқтисодиётида ва аҳоли даромадларининг ошиб боришида, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалишида тадбиркорлик ҳиссасининг ортиб бораётганлигида яққол кўриш мумкин. Шу туфайли, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қатор дастурий ҳужжатлар қабул қилинди ва қилинмоқда. Бундай ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулкни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида»ги Фармонини, 2017 йил 1 февралда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонини, 2017 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва шу куннинг ўзида қабул қилинган «Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини, 2017 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини, 2017 йил 14 майда қабул қилинган «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони каби бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорликнинг асосий шакли хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик бўлиб, унинг асосий мақсади **моддий бойлик** яратишга қаратилган. Моддий бойликнинг асосий қисмини хусусий мулк ташкил қилади. Шу тўғрисида моддий бойлик яратишга ва уни ўзлаштиришга бўлган эътибор аҳоли ўртасида жадаллик билан ривожланмоқда. Аммо жамиятнинг тўлақонли ривожланиши учун хусусий мулк билан бирга интеллектуал мулкнинг ҳам кўпайиши ва ривожланишини тақозо қилади. Ҳозирги пайтда интеллектуал мулк одамларда фақат давлат таълим тизими орқалигина шакллантирилмақда ва унинг асосий қисмини профессионал билим ташкил қилмоқда.

Мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар ва улар билан боғлиқ шиддатли ўзгаришлар ҳар бир инсондан, у оддий ишчи бўладими, ёки катта раҳбарми, ўта масъулиятлиликни ва ҳалолликни талаб қилмоқда. Бу зарурият ҳар бир кишидан профессионал билим билан бирга чуқур маънавият соҳиби, ҳалол-покиза инсон бўлишликни тақозо қилади.

Инсонларнинг қорнини тўйдириш билан бирга маънавиятини юксалтириш орқали унинг кўнглини тўқ қилиш ҳам бугунги кунда ҳаётий заруриятдир. Бунга албатта таълим тизимини ривожлантириш орқали эришилади. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳам Давлатимиз раҳбари ва ҳукумати катта аҳамият бериб келмоқда. Бу борада 2016 йил 30 декабрдаги мамлакатимиз фан намоёндалари, академиклар ва зиёлилар билан бўлган учрашувдаги сўзлаган нутқида фан ва таълимни ривожлантириш борасида катта дастурий масалалар айтилди. Шу қисқа пайтда ҳам фан ва таълимни ривожлантиришга хос бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди. Булар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2017 йил 14 февралда қабул қилинган “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 17 февралда қабул қилинган “Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини, 2017 йил 14 мартда қабул қилинган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини, 2017 йил 20 апрелда имзоланган “Олий таълим тизимини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини, 2017 йил 5 майда қабул қилинган “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарорини, 2017 йил 22 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор-ларини киритиш мумкин. Ушбу ҳужжатларда фан ва таълимни ривожлантириш орқали эришиладиган интеллектуал мулкни кўпайтириш учун тегишла шароит яратилишига, унинг такомиллашиши ва жамият ҳаётидаги ўрнини муттасил ошириб боришлигига катта аҳамият берилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда етарли миқдорда интеллектуал мулк эгалари, яъни интилигенция шаклланди. Аммо улар, ушбу мулкдан фақат ўзларининг эҳтиёжларини профессионал иш фаолияти жараёнида қондириш учунгина фойдаланмоқдалар. Ушбу мулкни хусусий мулк сингари расмий ўқув муассасаларидан бошқа ҳолатларда бошқаларга улашиш учун тегишли шароит ҳам, уларни такомиллаштириш учун манфаатдорлик ҳам, сотиш учун бозори ҳам деярли шаклланмаган. Чунки, интеллектуал бойлик эгаси уни бошқа истеъмолчиларга сотиши учун унинг бозори бўлишлигини тақозо қилади. Том маънода айтадиган бўлсак, интеллектуал бойликни яратиш ва кўпайтириш борасида тадбиркорлик деярли шаклланган эмас. Аммо бозор муносабатлари шароитида хусусий мулкка асосланган хусусий тадбиркорлик қанчалик ривожланган бўлса, интеллектуал мулкка асосланган интеллектуал тадбиркорлик ҳам шунчалик ривожланган бўлиши, бунинг учун эса, жамиятимизда интеллектуал мулкка эҳтиёж туғилган ва у истеъмол қилинадиган бўлиши лозим.

Тўғри ҳозирги кунда мамлакатимизда инновацион ғоялар ва ишланмалар бозори шаклланди, ҳар йили уларнинг ярмаркаси ўтказилиб, бир қисм интеллектуал мулк маҳсулотлари сотилмоқда. Аммо билиманинг ҳаммаси амалиётга мўлжалланган эмас. Унинг бир қисми, бевосита инсонларни тарбиялашга, уларнинг тафаккурини ўзгартиришга мўлжалланган. Интеллектуал мулкнинг айнан ушбу қисми фойдаланилмасдан қолмоқда ва фойдаланганда ҳам унчалик кадрланмасдан келмоқда.

Бунга бир мисолни келтиришни жоиз, деб топдик. Яқинда меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ҳозирги замон муаммолари ва уларни ҳал қилиш, аҳолининг фаровонлигини юксалтириш, яшаш даражаси ва сифатини ошириш борасида, ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясини аҳолига тушунтириш юзасидан кенг кўламда маърузалар ўқиш лозим бўлди. Унга айнан интеллектуал мулк соҳиблари, вилоятимизда жойлашган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар, санъат ва маданият ходимлари жалб қилинди. Аммо ушбу тадбирга ҳам доим иштирок этиб юрадиган фақат бир гуруҳ фидойи маърузачиларгина қатнашди. Қолган олимлар ҳам мазкур масалани жуда яхши билишади, улар жамоа ўртасида маъруза қилиш қобилиятига ҳам эга. Аммо уларнинг аҳоли ўртасида маърузаларни ўқишга иштирок этмаслигига сабаб, интеллектуал мулк соҳибларининг мулки хусусий мулк сингари кадр-қиммати муносиб баҳолан-маётганлигини эътироф этди.

Бозор муносабатлари шароитида, қилинган меҳнат, сарфланган самарали вақт маълум даражада рағбатлантирилиши, аниқроқ айтганда уларнинг ҳақи тўланиши лозим. Чунки, ҳамма ҳам ҳозирги пайтда фидойилик билан жамоат ишларида иштирок этишга вақтини ҳам, кучини ҳам фидойилик билан сарф қилишни хоҳлашмайди.

Олимларимиздан бири билан суҳбат қилиб, бунга тўлиқ амин бўлдик. У кишини ҳам тарғибот ишига таклиф қилиб мурожаат этдик.

– Чиройли маъруза қила оласиз, бизлар билан бирга юринг, эртага Нарпай туманига борар эканмиз, деб бирга юришни таклиф қилдик. У киши гапга изоҳ бермасдан:

– Ўзларинг бориб келинглар, дейишди. Биз:

– Нима учун аҳоли билан мулоқотга чиқмайсиз, бунинг ҳам бир завки, гашти бор, энг муҳими, бугунги ҳолатни одамларга тушунтириш, уларнинг дарди-ташвишлари билан танишиб келасиз, дедик. Домла бизга:

– Тасаввур қилинг, бу ердан эрталаб чиқиб Сиз айтган туманга борасиз, аҳоли билан учрашасиз, бир кун тўлиқ вақтингиз кетади. Фақат ўзингизнинг қийналганингиз қолади. Ҳеч ким, ушбу

жараёни қайта эслаб ҳам ўтирмайди, қилган меҳнатингиз ҳам, барча ташвишларингиз ҳам унутилади. Унга ҳақ ҳам тўланмайди, шу туфайли шахсан менга ҳеч қандай фойдаси йўқ, деди.

Биз домлани тушундик. Интеллектуал меҳнат ҳам кадрланиши, бозор муносабатлари шароитида қилинган меҳнат тақдирланиши, аниқроқ айтганда, бундай машаққатли меҳнат учун, таъкидлангани-дек, ҳақ тўланиши лозим. Аммо бу ҳолат ҳозирча анъанага киритилмаган. Хорижга бориб, бирорта маъруза қилинса, албатта гонарар тўланиб, қилинган меҳнат рағбатлантирилади, дурустгина пул тўланади. Бундай тартибни ўзимизга ҳам ўрнатсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Интеллектуал меҳнат ҳам ўз қадрини, унинг соҳиби эса, ўз рағбатини топган бўларди.

Лекин гап, ушбу интеллектуал мулкнинг истеъмоли учун ҳақни ким тўлайди, деган саволга жавоб топиш бироз мураккаб. Булардан келиб чиқиб, интеллектуал меҳнатнинг маҳсулоти бўлган интеллектуал мулкни баҳолашни иккита йўналиш бўйича олиб борилишини таклиф қиламиз. **Биринчидан**, интеллектуал мулк баҳоланиши ва бунинг учун ҳақни интеллектуал мулк истеъмолчилари томонидан тўланишини йўлга қўйиш лозим.

Ҳозирги пайтда ақлий меҳнатнинг маҳсули бўлган билим ва маънавиятни, яъни интеллектуал мулкни, асосан жисмоний меҳнатнинг маҳсули бўлган моддий бойлик сингари баҳолаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бироқ дунё миқёсида умумий меҳнат таркибида ақлий меҳнатнинг улуши анча юқорилаб кетганлиги туфайли, унинг ўрни ва қадри ошиб бормоқда. Шунинг учун, бизнинг мамлакатимизда ҳам, ақлий меҳнатни кадрлашга хизмат қиладиган интеллектуал мулкни шакллантириш, ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш замон талабига айланиб бормоқда. Инсон шундай мавжудотки, у нима кадрланса шунга интилиб яшайди ва кадрланмаган нарсаси эътибордан четда қолиб кетаверади, унга интилмайди. Интеллектуал мулк бўлган билим ва маънавиятга интилиб яшаши учун зиёлиларнинг, яъни интеллектуал мулк эгаларининг ҳам меҳнати, фақат иш жойида эмас, балки бутун фаолиятида, шу жумладан, турли ташкилотларда ўқиладиган маърузаларида ҳам қиймати жиҳатидан ҳам қадрланиши лозим.

Интеллектуал мулкни шакллантириш, ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги иккинчи йўналиш,

хусусий тадбиркорларнинг маънавиятини, турли тарғибот ва ташвиқот орқали, кўтаришга қаратилмоғи лозим. Шунини инобатга олиш жоизки, жамиятни модернизация қилиш, унинг таркибий қисми бўлган иқтисодийни ривожлантириш учун иқтисодий омиллар билан бирга маънавий-маърифий омиллар ҳам ҳамоханг тарзда “учаётган кушнинг икки қаноти” сифатида олиб борилмоғи лозим. Ҳар бир хусусий тадбиркор, ўзининг профессионал маҳорати билан бирга юксак маънавиятли бўлиб шаклланган бўлиши ҳам ҳаётий заруратдир.

Бугунги кунда таълим тизимида тадбиркорликнинг иқтисодий омилларига асосий аҳамият берилиб, маънавий омилларнинг уйғунлигини таъминлаш масаласи бироз эътибордан четда қолмоқда. Ҳар бир тадбиркор, мутахассис, тадбиркорликка қанча ўқитилса, маънавиятининг шаклланишига ҳам унданда кўпроқ ўқитилиши лозим, токи у маънавиятли тадбиркор бўлиб етишгунча бўлган босқични ўтиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда айнан тадбиркорларнинг, уларнинг ўзига хос касбий маънавияти хусусида алоҳида фан ўқитилмайди. Шунинг учун бугунги фаолият кўрсатаётган тадбиркорларда, маънавиятни юксалтириш борасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш зарурияти ҳам келиб чиқмоқда.

Бу борада фаолият олиб бораётган маънавият тарғибот маркази имконияти чекланган бўлиб, улар томонидан аҳолининг барча қатламларини қамраб олиниши муаммо бўлиб қолмоқда. Масалан, тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлганлар ходимлар маънавий-маърифий тадбирлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. Ваҳоланки, аҳолини барча қатламлари сингари тадбиркорлик ва хизмат соҳасида банд бўлганлар ҳам маънавий-маърифий тарғибот жараёнлари билан қамраб олинган бўлишлари лозим. Чунки бугунги кунда турли оқимлар, диний экстремизм, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган кўпоровчилик ва ахлоқсизликка қарши маънавий иммунитетни шакллантиришда аҳолининг барча қатламларини, шу жумладан тадбиркорларни ҳам қамраб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки тадбиркорларда пул айланади. У ҳалол топилган ва ҳалол йўللарга сарфланадиган бўлишлиги лозим.

Тадбиркорларнинг энг муҳим, ҳали англалмаган жиҳатларидан бири – улар жамиятнинг тарбиячиларидир. Биргина сотувчиларни олайлик. Ундан маҳсулотларни катта ҳам, кичик ҳам харид

килади. Атрофдагилар кўриб турибдики, улар бошқаларга нисбатан бой-бадавлат яшайди. Аммо фаолиятига назар ташланса, уларнинг айримлари, тарозидан уриб қолаётганлигига гувоҳ бўлади, турли товламачиликлар билан шуғулланаётганлигини ҳам яшириш қийин, солиқ тўлашдан бош тортиш учун солиқ солинадиган объектни яшириб кўрсатаётганлиги ҳам сир эмаслигини билишади, яширин иқтисодиёт билан шуғулланаётганлиги яққол кўзга ташланиб туради (масалан, норасмий бандликни ривожлантириб, ҳеч жойда рўйхатдан ўтказмасдан одамларни ишлатиб, уларга тўланадиган иш ҳақи ҳам ҳеч жойда қайд этилмасдан қолаётган ҳолатлар ҳам кам эмас). Уларни кўриб турган аҳоли бойишнинг йўли шундай эканда, деб тушунишади. Айнан тадбиркорликни бошламаган ёшларда шундай рухият оддиндан шаклланиб, ушбу ишга қўл уришга ҳеч иккиланмасдан кириб боради. Бу албатта, айрим тадбиркорларнинг қонунни бузиши билан бирга, ёшлар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлигидан далолатдир. Шу туфайли мамлакатимизда, хусусан вилоятимизда ҳам тадбиркорлар маънавиятини юксалтириш борасида жуда катта ва изчил ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мулк қачонки ўзининг кийматига, истеъмолчисига ва бозорига эга бўлсагина у кўпаяди, такомиллашади, жамият тараққиётига мисли кўрилмаган даражада хизмат қилиши мумкин. Биргина мисол: ҳозир институт ва университетларни битираётган жуда кўп иқтидорли талаба ва магистрлар кўп ҳолларда илмий-тадқиқот ва таълим соҳасидан кўра, тадбиркорлик билан шуғулланишни афзал кўради, чунки, жуда катта салоҳиятли профессионал олим, профессорга нисбатан, оддий олий маълумотли ёки маълумоти етарли бўлмаган тадбиркор бир неча баробар бой-бадавлат яшаётганлигини кўриб улғаяётган ёшлар, ҳеч маҳал таълим ёки илмий иш билан шуғуллангиси, шу соҳада умрини ўтказгиси келмайди.

Ҳозирги пайтда таълим соҳасига келаётган ёшларнинг ҳаммаси иқтидорли, деб бўлмайди. Уларнинг фикрича, ушбу соҳа, пул ишлаши нуктаи назаридан, бир мунча осон туюлади. Яширишдан на ҳожат, айримлар ушбу соҳага бизнес сифатида қарашади. Уларнинг таълим соҳасига келиши, олдин қандай дарс бераман экан, деб эмас, қанча “ишлар” эканман, деган ўй-фикр

устуворликни ташкил қилади. Афсуски, бундайлар таълим тизимининг ҳамма босқичларида оз бўлсада, мавжуд.

Юқоридаги қусурларга барҳам бериш учун, таълим тизими бизнес эмас, ҳақиқий адолат мактабига айланиши керак. Энг аввало, талаба олий ўқув юртларига адолатли танлаб олиниши ва уларга дарс берувчилар ҳам унданда каттарок талаб билан аудиторияга қўйилиши лозим. Талабада қандай баҳо оламан, деган ақида бўлмаслиги керак. Унинг ўй-фикри қандай ўқийман ва билим оламан, деган ташвиш билан банд бўлиши лозим. Хурматли домлаларда қандай қилсам, талабаларга етарли даражада билим бераман, деган ташвиш ва руҳият шаклланган бўлсагина таълим тизими ривож топади ва мос равишда жамиятнинг жадал тараққиёти таъминланади.

4.2. Таълим хизматларини такомиллаштириш орқали инсон капитали ва маънавиятини юксалтириш йўллари

Мамлакатимизда юқори билим, тажриба ва малакага эга профессионал тадбиркорлар армияси шаклланди. Маънавий-маърифий ишларни тадбиркорлик асосида амалга ошириш нафақат маънавий иммунитетни шакллантиришда балки интеллектуал мулк тушунчасини шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Интеллектуал мулк тушунчасини шаклланиши эса таълим тизимида билим ва маънавиятга бўлган қизиқишни ва интилишни кучайтиради. Бу эса ўз навбатида мактабда, коллежда, лицейда ва олий ўқув юртида ўқиётган ёшларимизни билимга бўлган қизиқишини кучайтириб таълим тизимини сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки билим ва маънавият шундай бойликки уни мажбурийлик асосида эмас балки фақат қизиқишини орттирган ҳолда эркин тарзда эгаллаш мумкин. Бунинг учун эса интеллектуал мулкка нисбатан эгалик ҳисси шакллаган бўлиши, ўз ўзидан қизиқиш ва масъулиятни келтириб чиқаради. Эгалик ҳисси, қизиқиш ва масъулиятни умумлаштириган ҳолда уни интеллектуал хусусий мулк деган тушунча билан ифодалаймиз. Таълим ва тарбия тизимида интеллектуал хусусий мулк тушунчасини шакллантириш нафақат маънавий-маърифий тарғибот соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш-нинг, балки билим ва маънавиятни

ривожлантиришнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳада хусусий мулк тушунчасини шакллантириш хизмат соҳасида интеллектуал мулк бозорини ривожланишини таъминлайди.

Илм-фан соҳасини ривожлантиришда асосий ҳаракатга келтирувчи куч инсоннинг интеллектуал салоҳияти ҳисобланади. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида илгор инновацион технология, сифатли хом ашё ва материаллардан шунга мос кадрлар, улардаги интеллектуал салоҳият бўлмаса рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб бўлмайди. Масаланинг яна бир жиҳати, тадбиркорлар ҳалол ва юксак маънавиятли бўлиб, тўғри ишламаса, турли иқтисодий жиноятчиликка, ҳуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу туфайли тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва маънавиятини юксалтириш учун вилоятимизда тадбиркорларга маънавий-маърифий хизмат кўрсатадиган **“Бизнес семинар тренинг”**ларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тренингтадбиркорлар профессионал билим билан бирга маънавий-маърифий соҳада ҳам етарлича маълумотга эга бўлади. Оқибатда улар ўртасида соғлом **ижтимоий муҳит** яратилади.

Бундан ташқари тадбиркорларда фуқаролик позицияси ва маданиятини шакллантириш замон талаби бўлиб, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тамойили асосида ривожланишнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда аҳолининг, хусусан, тадбиркорларнинг ҳам фаол иштирок этиши лозимлигини тақозо қилмоқда.

Шўролар даврида инсон интеллектуал салоҳиятига беписандлик, уни умуман кадрланмаганлиги оқибатида одамларда **ақлий меҳнатга бўлган қизиқиш** сўниб борди. Инсонни ички имкониятларини тўлиқ намоён этиб самарали меҳнат қилиши мажбурийлик орқали амалга оширилиши оқибатида шўролар мамлакати барбод бўлади. Ҳар қандай меҳнат ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши лозим. Бунинг учун эса эгаллик ҳисси бўлиши керак, бу эса ўз ўзидан иккита муҳим омилни, яъни қизиқиш ва масъулиятни келтириб чиқаради.

Тадбиркорлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш келажакда жамиятда **ўта бой ва ўта камбағал табақа-**

ларнинг ҳам келиб чиқишининг олди олинади. Ўта бой ва ўта камбағал табақаларнинг келиб чиқиши миллий хавфсизлиги-мизга энг ёмон таҳдид соладиган омиллардан биридир. Бир киши бир карра бой бўлсаю, иккинчи киши унга нисбатан минг карра бойликка эга бўлса, норозилик кайфиятини келтириб чиқаради. Чунки минг карра бой киши биринчисига нисбатан минг карра кўп меҳнат қилмайди, албатта.

Норозилик асосан адолатсизлик келиб чиққанда юз беради, чунки инсон шундай мавжудотки, у ҳамма нарсага тоқат қила олади, аммо адолатсизликка тоқат қила олмайди. Ўта бой ва ўта камбағалнинг пайдо бўлиши адолатсизлик бўлиб ҳисобланади ва норозиликни келтириб чиқаради, чунки қасрда кўп меҳнат қилиб кам ҳақ оладиган одам бўлса у албатта кам меҳнат қилиб кўп ҳақ оладиган одамдан норози бўлади. Бугунги кунда глобал миқёсда ўта бой ва ўта камбағал келиб чиққанлигини сабаби тадбиркор ўртасида ўз вақтида маънавий-маърифий тарғиботлар олиб борилмаганлиги билан боғлиқ. Агар биз бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари қилган хатони такрорласак, эртага бизларда ҳам ўта бой ва ўта камбағал келиб чиқиш эҳтимоли кучаяди ҳамда ахлоқсизлик ва бузуқликни маданият деб қабул қилиш юзага келади. Бундай аянчли ҳолат келиб чиқмаслиги учун бугунги кунда аҳолини барча қатламлари ўртасида, жумладан, тадбиркорлик ва хизмат соҳасида банд бўлган фуқаролар ўртасида маънавий-маърифий тарғиботни йўлга қўйиш ва кучайтириш лозим.

Бунинг учун хизмат соҳасида интеллектуал мулк бозорини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки интеллектуал мулк бўлган билим ва маънавиятнинг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви уларнинг кадрланишига боғлиқ. Шунинг учун интеллектуал мулк тушунчасини шакллантиришга хизмат қиладиган ақлий меҳнат соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш замон талаби бўлиб ҳисобланади, деб айтиш мумкин.

Хизмат соҳасида интеллектуал мулк бозорини шакллантириш борасидаги муаммо тадбиркорларда билим ва маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг замон талабларидан орқада қолаётганлигида. Ушбу муаммонинг сабаби моддий ва маънавий бойликка бўлган муносабатда моддий бойликни устун қўйиш билан боғлиқ. Муаммонинг ечими сабабни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлганлиги учун моддий бойликка бўлган эҳтиёжнини қондириш масаласини

маънавий бойлик билан кўшиб олиб бориш, одамларда шукроналик туйғусини уйғотиш каби омилларга эътиборни қаратиш лозим. Инсоннинг моддий бойликка бўлган эҳтиёжининг қондирилиши ҳам унинг маънавий жиҳатдан юксалишига боғлиқ, чунки маънавий инсонни қаноатга ўргатади. Инсонда қаноат бўлмаса, у ҳеч маҳал моддий бойликка “тўймайди”. Шунинг учун тадбиркорларнинг билим ва маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга ва бундай эҳтиёжни зарур эканлигини англаб олишларига ёрдам бериш замон талаби бўлиб ҳисобланади.

Бунинг учун давлат ҳокимияти жамиятда интеллектуал мулкка бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарадиган соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш чораларини кўриши лозим. Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маънавий-маърифий ишларнинг долзарб вазифалари тўғрисида гапириб «..таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур»⁴⁶ лигини ўта муҳим муаммо сифатида белгилаб берган. Интеллектуал бойлик бўлган билим ва маънавиятга нисбатан эҳтиёжни шакллантирадиган соғлом ижтимоий муҳитни яратиш тадбиркорлик ва илм-фан соҳасини янада ривожлантиришда ҳамда, аҳолининг, жумладан, ёшларнинг маънавий иммунитетни кучли қилишга хизмат қилади.

4.3. Таълим бизнеси ва интеллектуал тадбиркорликни шакллантириш – мамлакат таракқиётининг муҳим омили

Ҳар қандай мулк сақланиши, кўпайиши ва уларнинг миқдорини ўлчаш учун тегишли қийматга эга бўлиш керак. Ушбу талабга моддий кўринишга эга бўлган хусусий мулк тўлиқ жавоб беради. Унинг миқдорий жиҳатдан ўлчови ва мос равишда ҳар бирининг қиймати бор. Иқтисодиётнинг асосий ҳажми ҳам асосан моддий мулклар тўпламидан иборат тарзда баҳоланади. Аммо бугунги кунда шундай ҳолат рўй бермоқдаки, моддий неъматнинг яратилишида оддий меҳнат билан бирга интеллектуал мулк ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Аммо интеллектуал мулкнинг такомиллашган ўлчами

⁴⁶Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: «Ўзбекистон» - 2017й., 45 -бет

ва қиймати ҳамон етарли даражада баҳоланадиган услубиётга эга эмас. Жамият тараққиётида муҳим ўрин эгаллайдиган бундай мулк сотиб олинмаса ва сотилмаса унчалик қадрли бўлмайди. Қадрсиз нарсани кўпайтиришга ва уни ишлаб чиқаришга қизиқиш ҳам бўлмайди. Шу туфайли тавсиямиз интеллектуал мулк маълум ўлчамга эга бўлиши ва у сотилиши ва харид қилиниши лозим. Бунинг учун эса, “Таълим бизнеси ва интеллектуал тадбиркорлик” соҳасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Одатда, бозор муносабатлари шароитида, ниманинг қиймати бўлса, ўша кадрланади, эъзозланади ва эгалланади. Ҳозирча таълим орқали эгалланадиган интеллектуал мулкнинг қиймати етарли даражада баҳоланмасдан қолмоқда. Натижада кўпгина иқтидорли одамлар ҳам моддийатга асосланган хусусий тадбиркорликка катта эътибор бериб, таълим олиб, интеллектуал мулк эгаллашга ва мос равишда интеллектуал тадбиркорлик билан шуғулланишга унчалик аҳамият берилмасдан қолинмоқда. Чунки, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида интеллектуал мулк қанчалик аҳамиятли бўлмасин, бундай мулк эгалари моддий жиҳатдан етарлича рағбат олмагач, унга қизиқиши бўлмаяпти. Шу туфайли интеллектуал тадбиркорликни ривожлантиришга ҳозирги шароитда объектив зарурият мавжуд.

Бунинг учун кўпгина ўқув курсларини очишни ва унда ташкилий жиҳатдан аҳолининг маълум қатламини ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб, қўшимча равишда ўқитишни амалга оширишни тақозо қилади.

Бугунги кунда хусусий тадбиркорларнинг маънавиятини кўтаришга ўқитиш мақсадга мувофиқ. Чунки, улар бизнесни яхши ўзлаштирган бир пайтда, жуда кўплаб ноқонуний ва ноодатий ишлар билан шуғулланадики, натижада хуфёна иқтисодиёт элементлари, норасмий бандлик масаласи, тарозидан уриб қолишдан тортиб, суд-хўрликкача бўлган жуда кўплаб ишлар билан шуғулланаётганликларига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Агар улар тарозидан уриб қолишнинг қанчалик маънавий бўҳрон, гуноҳи азим эканлигини, унинг у дунёдаги жавоби, муқаддас китобларда эътироф этилганидек, азоблардан иборатлигини билганда эди, бу ишга асло қўл урмаган бўларди. Ёки шу тариқа судхўрликни олайлик. Бу ҳам жуда катта гуноҳи азим эканлиги муқаддас китобларда қайд этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда норасмий бандликнинг ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Биргина мисол, ҳозир ресторанларимизда жуда кўплаб ёлланиб ишлаётганлар бор. Улар рўйхатдан ўтмасдан, буйруқ билан расмийлаштирмасдан ёлланиб ишламоқда. Тирикчилик учун ҳар куни маълум миқдорда иш ҳақини олади. Бу уни қаноатлантиради. Шу туфайли ушбу иш билан кўплаб кишилар шуғулланиб келмоқда. Бу фақат иш берувчи билан ишловчигагина қулай. Аммо иккаласининг ҳам ҳаракати ноқонуний. Ҳозирги пайтда тадбиркорликка жуда катта эркинлик берилган ва мос равишда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланмоқда. Аммо эркинлик бу зинҳор, ўзбошимчалик эмас. Қонуний йўл билан тадбиркорликка имконият яратиб берилдими, демак, унинг барча ҳаракатлари қонуний бўлишлиги лозим.

Юқорида келтирилган мисолимизда ходим расман банд эмас, натижада у мамлакатимизда ишсизлар сонини сунъий равишда кўпайтириб туради. Унга тўланган иш ҳақи, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) қайта тақсимланган қисми ҳисобланади. Бу ҳам ҳеч жойда ҳисобга олинмайди. Натижада яратилган ЯИМнинг миқдори ҳам аслига нисбатан кам ҳисобланади.

Агар ушбу ишчи расмий иш ҳақи олинганда эди, унинг бир қисми солиқ орқали давлат (маҳаллий) бюджетга бориб тушган бўларди. Энг муҳими, унга нисбатан маълум фоиз сумма ижтимоий суғурта сифатида давлат хазинасига тушарди ва улар, мос равишда жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун ишлатиладиган бўларди.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги фаолият кўрсатиб келаётган хусусий тадбиркорларнинг интеллектуал савиясини, маънавий оламини юксалтириш лозим. Улар қонунга амал қилиб яшаш, муқаддас инсонийлик ва тадбиркорлик бурчи эканлигини ҳис қилиб яшашга кўникиш керак. Алдамчилик, бойлик деб қонунларни бузиш, амалдаги тартиб-қоидаларни инкор қилиш бизнинг диний қадриятларимизга ҳам мутлақо зид эканлигини англашлари лозим. Шу туфайли уларни маънавиятга ва диний қадриятларга ўқитиш керак. Агар у қонунни бузмайдиган бўлса, тартиб бўлади. Тартиб бор жойда барака бўлишини бутун ислом тарихида айтилиб келинган ҳикмат.

Юқоридаги вазият мамлакатимизда кўплаб ўқув курсларини ташкил қилишни тақозо қилади. Бу курслар, таълим бизнеси ва

интеллектуал тадбиркорлик тамойилига мос келади. Агар ушбу курслар кўплаб очилса, мамлакатимизда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан нафақат иқтисодийни юксалтириш ва улардан самарали фойдаланишда, балки, интеллектуал тадбиркорликни ривожлантириш эвазига янги иш ўринларини яратиш, хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг тадбиркорликка оид билим савияси ва маънавиятини юксалтириш орқали, хуфёна иқтисодийнинг олдини олиш, яширин бандликка барҳам бериш, солиқ тўлашдан қочишдан сақланиш каби салбий ҳолатларни камайишига ҳам олиб келади.

Юқоридаги қўйилган масалаларни ечиш ва уларни амалга ошириш учун таълим бизнеси ва интеллектуал тадбиркорлик субъектлари хусусий тадбиркорлик субъектлари учун махсус ўқув курсларини ташкил этиши ва унда соҳалар бўйича ўзига хос бўлган бизнес юритишнинг илмий-назарий ва амалий асосларини, тадбиркорлик фаолиятида қонунчилик масалаларини, уни бошқа-ришнинг замонавий усулларини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий масалаларни ўқитиш билан бирга, диний-маърифий масалаларда ҳам ўқитилишини тақозо қилади. Чунки, бизнинг ҳаётимиз қонунлар билан бирга диний қадриятларимиз билан ҳам тартибга солинади.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг бугунги иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнидан, унинг тарбиявий аҳамиятидан келиб чиқиб, соҳа ходимларининг маънавиятини ва соҳага оид билим савиясини кўтаришга қаратилган махсус курс ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Унда тадбиркорларнинг ҳалоллиги, улар йўл қўяётган яширин бандликнинг жамият ҳаётидаги салбий оқибати, буларнинг иқтисодийтимизга кўрсатиладиган зарари, тарозидан уриб қолишдан тортиб, то судхўрликкача бўлган салбий иллатлар ҳукуқбузарлик билан бирга гуноҳи азим эканлиги хусусида тарбиявий таъсирлар ўтказиладиган ҳукуқий ва диний йўналишдаги дарслар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодийтидаги аҳамиятидан, яъни мамлакат ЯИМдаги улуши 56,0 %дан зиёдлигини ва банд аҳолининг 70,0%дан ортиқлигини инобатга олиб, уларнинг янги иш ўринларини яратишда, яратилаётган маҳсулотни кўпайтиришда, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда уларнинг ҳиссасини янада кўтариш

масалалари бўйича ҳам тегишли йўл-йўриқлар айнан юқорида ташкил қилинадиган курсларда ўқитилиши лозим. Тадбиркорнинг фаолияти фақат пул топишга қаратилган бўлмаслиги керак, у пул топиш билан бирга одаб-ахлоқ юзасидан жамиятга ўрнак бўлиши лозим. Ёшлар уларга ҳавас қилсагина тадбиркорликка қизиқиш билан, унинг назарий сирларини ўрганади ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиб боради. Тадбиркорлик қилиб, бугун бой бўлиб, эртага ноқонуний фаолияти очилиб, фош бўлиб, қамалиб кетадиган тадбиркорга ҳеч ким ҳавас қилмайди ва унинг жамиятимиз учун тарбиявий аҳамияти ҳам бўлмайди.

Одатда, ҳалол-покиза ва иймонли инсонлар, уларнинг намоёндаси бўлган ҳалол тадбиркорлар ҳам қонундан ва Худодан қўрқиб яшайди. Бугунги тадбиркорлар айнан шундай фаолият кўрсатадиган бўлиши лозим. Буни шакллантириш учун албатта уларни ўқитиш керак. Барча одатлар ўқиш, рағбатлантириш ва жазолаш билан сингдирилади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтдаги энг мақбул йўл уларни ўқитишдан иборатдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таълим бизнеси ва интеллектуал тадбиркорлик субъектлари хусусий тадбиркорлик субъектлари ва бошқа аҳоли қатлами билан ўзининг ўқув-маслаҳат фаолиятини аниқ йўналишлар бўйича шартнома асосида амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун ҳам хусусий тадбиркорлик муҳити қандай яратилган бўлса, интеллектуал тадбиркорлик муҳити ҳам шундай яратилган, улардан манфаатдорлик таъминланган бўлиши лозим.

Буларга эришиш учун, вилоят ҳокимлиги тегишли бўлимлари ва вилоят савдо-саноат палатаси барча хусусий тадбиркорларни маънавий-маърифий йўналишда малакасини оширишни, турли моддий ва маънавий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг шу масала бўйича малака сертификатига эга бўлишни таъминлаши лозим бўлади.

Эндиликда, вилоят (туман ва шаҳарлар)да тадбиркорликка кўмаклашувчи ва унга руҳсат берувчи ташкилотлар “Таълим бизнеси ва интеллектуал тадбиркорлик” соҳасида фаолият кўрсатадиган “Интеллектуал тадбиркорлик субъектлари”ни очишга ҳам кўмаклашиши, интеллектуал тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ривожланишига тегишли шароит

яратиб бериши лозим. Буларнинг ҳаммаси пировардида, аҳолининг интеллектуал салоҳиятининг юксалишига олиб келади ва мос равишда, уларнинг яшаш даражаси ва сифатининг ошишига ҳам сабаб бўлади.

4.4. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатиладиган таълим хизматлари, уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти

Ҳозирги кунда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш – иш билан бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунидан кўриниб турибдики, *аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими вақтинчалик чора-тадбирларга эмас, балки аҳолини қийин вазиятдан олиб чиқиш ва тинч-осойишта ҳаётга қайтаришга қаратилган*. Ижтимоий ҳимоя қилишдаги ҳаракатлар самарадорлиги таъминланиши учун барча давлат тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигида иш олиб бориладиган тизимли ёндашув керак бўлади. Бу ёндашув турли ижтимоий хизматларга ажратилган маблағларнинг тақсимлаш самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришни 5 та устувор йўналишларнинг бири этиб бегилади. Бунда кам таъминланган oilалар сонини камайтириш, бу oilалар фарзандларинининг фаоллигини ошириш, таълим олишлари учун шароитлар яратиш, таълим хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга алоҳида урғу берилди.

Бугунги кунда ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни катта. Бундай ташкилотлар имконияти чекланган шахсларга, кам таъминланган oilаларга, кексаларга, етим болаларга ва аҳолининг ижтимоий хизматларга муҳтож бошқа қатламига турли кўринишдаги (моддий, ҳуқуқий, психологик) хизматлар кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламининг ҳаёт фаровонлигини ошириш мақсадида қандай таълим хизматлари кўрсатилиши лозим?

- ногирон фарзандлари бўлган ота-оналарга кўмаклашувчи гуруҳларни ташкил этиш. Бунинг натижасида бутун умри интернатда ўтадиган ногирон фарзандларнинг уйда парвариш қилинишига эришилади.

- ногирон фарзандлари билан ёлғиз қолган аёлларга бошланғич таълим бериш бўйича ташкиллаштирувчи хизматлар кўрсатиш (уйда она фарзандига ўзи ҳам бошланғич таълим беради);

- ногиронларга замонавий талабларга жавоб берадиган таълим бериш, уларни касбга йўналтириш, иш билан бандлигини таъминловчи хизматлар кўрсатиш;

- кам таъминланган оилаларга яшаш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бегараз ёрдамлар кўрсатиш;

- ногиронларнинг индивидуал ривожланишини таъминлашга қаратилган турли хил қулайликлар яратиш, жумладан, кўриш қобилияти заиф шахсларга аудио дарсликлар орқали таълим олишига;

- эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун визуал видео дарсликлар билан таъминлаш орқали таълим олиш имкониятларини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш.

Санаб ўтилган вазифалар жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланган ижтимоий эътиборга муҳтож қатламга умумий кўрсатиладиган хизматларга оид ҳисобланиб, мамлакат тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллаган таълим соҳасини ҳам биологик жиҳатдан ожиз лекин шу билан биргаликда ўзлаштириш қобилиятига эга шахсларга мос ва улар учун имкони борича қулай шароит яратадиган таълим шаклини ишлаб чиқиш, кўрсатиладиган таълим хизматларини ногирон ва нуқсонли аҳоли эҳтиёжларини қайта чуқур ўраганиб чиққан ҳолда ташкил этиш каби масалалар ҳам бугунги кунда асосий муаммолар сирасига кириши ҳақиқатдир.

Ҳозирги кунда таълим соҳасидаги хизматларни жамиятнинг барча қатламларини қоплаган ҳолда қайта ташкил этишда қуйидаги таклифлар алоҳида аҳамият касб этади:

- маълумки, ҳозирги кунда нуқсонли болаларни ўқитиш, уларга таълим бериш ва шу каби ишларда уларга “уй таълим” дастурлари ишлаб чиқилган ва улардан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Бу эса ўзининг самарали натижасини секинлик билан

кўрсатмоқда. Лекин уни янада такомиллаштириш, замонавий, инновацион ғоялардан кенг фойдаланган ҳолда самарадорлик кўрсаткичини ошириш, жумладан, ушбу дастур бўйича фаолият юритаётган ўқитувчилар учун берилаётган юқори миқдордаги иш ҳақиларни тежаган ҳолатда бу дастурни онлайн шаклга ўтказиш;

- юқори ва қуйи таълим, ахборот ва бошқа тегишли соҳа етакчилари билан ҳамкорликда жисмонан ожиз аҳоли учун таълимни етказиб бериш жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, хусусан, кўзи ожиз шахсларга аудио китоблар, қўлланмалар, дарслик, элестрон дастурлар ва бошқа шу каби қулайликлар яратиб беришга хизмат қилувчи инновацион дастурлар яратиш;

- ушбу таълим соҳасида хизмат қилаётган ишчи-ходимларни малака кўрсаткичларини янада ошириш, уларни зарур ҳолатларда жаҳон ва миллий андозалар асосида қайта тайёрлаш ва эътиборли хизматларини муносиб равишда тақдирлаш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламига таълим хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва бу борада етарли тажрибага эга ҳомийлар топиш мамлакатимиз тараққиётида катта роль ўйнайди. Зеро, ҳозирги дамда юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ижтимоий аҳволдан қатъи назар ҳуқуқий тенглигини таъминлаш келажагимиз барқарорлиги кафолатлашга қаратилган асосий вазифаларимиздан бири эканлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

V боб. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

5.1. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти ҳамда улар самарадорлигининг иқтисодий мазмуни ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари

Илмий тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, олий таълим соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари уни биринчи навбатда жамият манфаати нуқтан назаридан талқин этилиши зарурлигини кўрсатиб туради. Иқтисодиётда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар орасида жамият манфаати деб аталувчи айрим товар ва хизматлар тури мавжуд бўлиб, уларнинг ижтимоий аҳамияти ва уларда давлат мулкчилиги шакли юқорилиги нуқтан назардан келиб чиққан ҳолда бозор уларни ишлаб чиқаришга жазм этмаган бўлар эди. Аксарият ҳолларда ижтимоий хизматлар ҳам хусусий, ҳам жамият манфаатларнинг белгиларига эга, яъни «аралаш» жамият манфаати ҳисобланади. Хусусан, олий таълим хизматлари ҳам улар қаторига киради. Бироқ, олий таълим муассасалари тўлиқлигича жамият манфаатини ифода этади, дейиш мумкин эмас. Фақат фундаментал тадқиқотлар ва умумтаълим фундаментал кадрлар тайёрлаш цикли соф жамият манфаати талабларига жавоб бера олади. Яна бир бошқа жиҳатдан олий таълимни хусусий манфаат сифатида кўриш мумкин, чунки уни олиш шахсни ўз-ўзини амалга ошириши унинг ижодий салоҳиятга боглиқ ҳисобланади, касбий тадбиркорлик муваффақият кафолати билан хизмат қилади ва меҳнат бозори конъюнктураси тебранишларидан ижтимоий ҳимоя воситаси ҳисобланади. Шу нуқтан назардан олганда, ҳозирги пайтда олий таълим хизматларининг иқтисодий табиатини ўрганиш чет эл ва мамлакат мутахассислари орасида устувор тадқиқот йўналиши ҳисобланади.

Таълим хизматлари тўғрисидаги фикр мулоҳазаларга тўхталар эканмиз, даставвал хизмат ва таълим тушунчаларига иқтисодчи олимлар томондан берилган таърифларга эътибор қаратсак.

Ф.Котлер: “Хизмат деганда – бир томондан иккинчи томонга даромад олиш учун таклиф этилган исталган чора-тадбирлар тушунилади. Бунда, асосан бирор нарсага эгаллик қилиш хиссиёти

сезилмайди”⁴⁷ деб таъриф берган. Шунингдек, юқоридаги таърифни изоҳлаш учун бунда хизматни товардан фарқ қиладиган қуйидаги хусусиятларига қисқача аҳамият қаратсак. Улар қуйидагилардир:

– **сезилмаслик.** Хизматларни кўриш мумкин эмас, фақат уларни амалга ошириш (бажариш) вақтида эшитиш, хис қилиш мумкин; манбадан ажралмаслик. Хизматни ўз манбасидан ажратиб бўлмайди. Уни фақат ишлаб чиқарувчи ҳамкорлиги, яъни мавжудлигида амалга ошириш мумкин;

– **сифатнинг доимий эмаслиги.** Хизмат сифати уни кўрсатиш жойи ва вақти ҳамда уларни ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ ҳолда кенг ҳажмда тебраниб туради;

– **сақланмаслик.** Хизматларни кейинги сотиш ёки фойдаланиш учун сақлаб бўлмайди.

ЮНЕСКОнинг 20-бош конференциясидаги сессиясида: “Таълим остида шахснинг ўзини тутиш ва имкониятларини такомиллаштириш натижаси ва жараёни тушунилади. Бунда, у ижтимоий етуклик ва индивидуал (шахсий) ўсишга эришини воситасидир” деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида: “Таълим – инсон, жамият, давлат манфатларидаги ўқиш ва тарбиянинг давлат томонидан ўрнатилган таълим даражаларига эга бўлишни назарда tutувчи мақсадли йўналтирилган жараёнидир”⁴⁸ деб эътироф этилган.

В.Щетинин ўз ўрнида таълимга уни тармоқ сифатида: “Жамиятнинг кадрлар салоҳиятини қайта ишлаш ва ривожни ҳамда аҳолининг таълим хизматларига бўлган кўп томонлама эҳти-ёжларини қондиришга йўналтирилган таълим фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуи тушунилади”⁴⁹ деб фикр билдирган. Таърифга изоҳ берадиган бўлсак, таълимнинг асосий мақсади – педагогик жараён сифатида инсонни ишчи, ходим, фуқаро шахсиятини ўстириш ҳисобланади.

Мазкур муаммоларни ўрганишга бағишланган маҳаллий ва хорижий иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида таълим хизматларига берилган аниқ таъриф мавжуд эмаслиги кузатилди.

⁴⁷ Котлер Ф. «Маркетинг менеджмент», «ПИТЕР», 1998.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги 1996 йил 30 август Қонуни.

⁴⁹ Щетинин В. «Рынок образовательных услуг в современной России», Школа, №3, 1997.

Бироқ, энг кўп тарқалган таърифларга кўра В.П.Щетининнинг: “Таълим хизматлари деганда давлат, жамият ва инсоннинг кўп йиллик эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиладиган билим, ахборот, малака ва кўникмалар тизимидир”⁵⁰ деб берган таърифи эътиборлидир.

Таълим хизматларига истеъмол нуктаи назардан бошқача томондан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Чунки, таълим хизматлари ишчи кучига трансформация қилинса, бунда нафақат у таълим хизматларининг ялпи истеъмолига, балки ушбу хизматларни истеъмоли жараёнидаги шахсий меҳнатнинг сифати ва миқдорига, шахсий қобилиятларга, уни амалга ошириш ва бошқа субъектив омилларга ҳам боғлиқ. Шу боис, ушбу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, таълим хизматларидаги фарқларни ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликдаги маҳсулот ҳисобланган ялпи билим, малака ва кўникмаларда англаш мумкин. Бунда, ушбу маҳсулотни истеъмолчилари асосан таълим олувчилар бўлиб ҳисобланади. Шу боис, ушбу маҳсулот, яъни таълим хизматини ўқитувчилар меҳнати деб тушуниш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, унга қуйидаги иқтисодчи олим Е.Н.Попов берган таърифни келтиришни жоиз топамиз: “Айнан таълим хизматлари (ўқитувчиларнинг ялпи меҳнати) иқтисодий адабиётларда келтирилгандаги каби билим, малака ва кўникмалар мажмуи эмас, балки таълим муассасасининг товар маҳсулоти сифатида қаралади”⁵¹.

Иқтисодчи олим Ф.Котлер таълим хизматларига янада аниқроқ таъриф беради. Унинг фикрича: “Таълим хизматлари таълим муассасасининг хоҳлаган турдаги маҳсулоти – бу таълим муассасаси томонидан аниқ ижтимоий самарадорликка эришиш учун таълим, касбий тайёргарлик, ўқитиш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ишлаб чиқиладиган таълим дастури”⁵² деб номланади. Шу боисдан, бизнингча, унга қуйидагича: “Таълим дастури – бу таълим муассасаси томонидан ресурсларга мувофиқ таъминланган истеъмолчининг касбий тайёргарлик ёки таълим даражаларини ўзгартиришга йўналтирилган

⁵⁰ Щетинин В.П. «Своеобразие российского рынка образовательных услуг», Мировая экономика и международные отношения, №11, 1997.

⁵¹ Попов Е.Н. «Услуги образования и рынок», Российский экономический журнал, № 6, 1992.

⁵² Котлер Ф. «Маркетинг менеджмент», «ПИТЕР», 1998.

таълим хизматларининг мажмуидир” деб таъриф берилиши мақсадга мувофиқдир.

Таълим хизматлари тушунчасига бўлган қарашлар ичида иқтисодчи олим Е.И.Скрипакнинг фикрига кўра: “Таълим хизматлари” иқтисодий категорияси ўз ичига хўжалик субъектлари (корхона ташкилот ва давлат) томонидан ишлаб чиқариш ва истеъмол қилини учун хоҳиш, асос ва масъулият шартларини олади ва янада тор “пуллик таълим хизматлари” тушунчаси билан алмаштирилади”⁵³ деб изоҳланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хизматларнинг аввалроқ санаб ўтилган анъанавий тавсифларидан таълим хизматларига тегишли хусусиятларига тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, хизматлар моддий тавсифга эга эмаслиги боис, таълимда уни кўрсатишни эътироф этувчи энг муҳим кўрсаткичлар сифатида сезиш мумкин. Ушбу мақсадга эришиш учун таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари, таълим усуллари ҳақидаги ахборот, таълим шакллари ва шартлари, сертификатлар, лицензиялар, дипломлар каби кўрсаткичлар хизмат қилади.

Иккинчидан, манбадан ажралмаслик хусусиятини таълим хизматларига нисбатан татбиқ этилса, бунда бундай хизматларни олди-сотдисиди сотувчи ўзига хос товарга эгалик (мулк) ҳуқуқини йўқотади, истеъмолчи эса бундай ҳуқуқни сотиб олмайди. Буни кенг маънода иқтисодчи олим Е.Н.Попов қуйидагича изоҳлайди: ““ўзига хос товар” бир вақтнинг ўзиди ишлаб чиқарилади, берилади, истеъмол қилинади ҳамда йўқолади”⁵⁴. Бундай вазиятда ўқитувчини хоҳлаган турдаги алмаштириш таълим хизматларини кўрсатиш жараёни, натижасини ва айниқса, истиқболдаги талабни ўзгартиради, унга таъсир этади. Бундан ташқари, таълим хизматларининг хусусиятларини айнан уни истеъмоли уни кўрсатишни бошлаш билан содир бўлишида кўриш мумкин.

Учинчидан, таълим хизматларида сифатнинг доимий эмаслик муносабатини таълим хизматини кўратиш жараёни ва натижасида уни бажарувчилардан ажратиш бўлмаслик ва бунда қатъий стандартларни ўрнатиш бўлмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Буни иқтисодчи олим А.П.Панкрухин қуйидаги сабаб: ““келадиган ва

⁵³ Скрипак Е.И. «К вопросу о понятии «образовательная услуга», интернет-сайт Кемеровского государственного университета www.history.kemsu.ru

⁵⁴ Попов Е.Н. «Услуги образования и рынок», Российский экономический журнал, № 6, 1992.

чиқадиган материал”нинг ўзгарувчанлиги”⁵⁵ билан эътироф этади. Ушбу эътирофга аниқлик киритадиган бўлсак, таълим хизмати истеъмолчиларининг нимани хоҳлаши ва уларга қандай масалада қандай ўқув материаллини берилиши ва натижада қандай маҳсулот яратилиши ўзгариб туриши билан тушунтирилади.

Тўртинчидан, таълим хизматлари ўзининг сақланмаслик хусусиятларини қуйидаги икки кўринишда намоён қилади: 1. Бир томондан, иқтисодчи олим А.Панкрухин: “таълим хизматларини унга талабнинг ошишини кутган ҳолда моддий-товар кўринишида олдиндан тўлиқ ҳажмда тайёрлаш ва тўплаш мумкин эмас” деб таъкидласа, иккинчи томондан, таълим хизматларини (ҳудди бошқа моддий қийматликлар сингари) уни сотувчи (ўқитувчи)да ҳам истеъмолчи (таълим олувчи)да ҳам қайта тайёрлаш мақсадида сақлаб бўлмаслигидир. Шунингдек, таълим хизматларининг ушбу хусусиятини бошқача ифодалаш мумкин. Бироқ, шунини таъкидлаш жонзки, айрим ўқув маълумотлари қисман тайёрланиши ва (электрон маълумот сақлаш воситалари, компакт дисклар ва кассеталарда) сақланиши мумкин. 2. Бошқа бир томондан, таълим хизматларининг сақланмаслигини инсоннинг олинган ахборотнинг табиий унутиш ҳамда билимларнинг маънавий эскириши хусусияти билан илмий-техник ва ижтимоий ривожланишга олиб келиши орқали изохлаш мумкин.

Олий таълим хизматларининг хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик илмий-тадқиқотчиларнинг фикрига кўра таълим хизматлари “жамоатчилик манфаати (товари)” ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жонзки, жамоатчилик манфаати (товари)га - бозор бера олмаган пул миқдорига ўлчаб бўлмайдиган жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган иш ва хизматлар киради. Ўз ўрнида, жамоатчилик манфаати (товари)ни унинг қиймати ва уни амалга оширига бўлган масъулиятни давлат ўз зиммасига олади. Бироқ, кўпчилик мутахассислар мазкур турдаги хизматлар фақат жамоатчилик манфаатидаги товар деб ҳисоблашмайди. Масалан, иқтисодчи олим С.Фишер бунда: “давлат жамоатчилик манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиши, бизнес соҳасини таълим хизматларини кўрсатишда иштирок этишини чекламайди”⁵⁶, деб фикр билдиради. Иқтисодчи Дж.Стиглиц эса: “маълум

⁵⁵ Панкрухин А.П. «Философские аспекты маркетингового подхода к образованию», Alma Mater, № 1, 1997.

⁵⁶ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика» -М.: «Дело», 1993.

бир қисмдаги, яъни бошлангич ва ўрта таълим хизматларини жамоатчилик манфаатидаги, қолган қисмини эса, яъни олий, малака ошириш, қайта тайёргарлик ва касбий таълим хизматларини эса жамоатчилик манфаатидан устун хизматлар»⁵⁷ деб эътироф этади.

Юқоридагилардан ташқари, олий таълим хизматларини яна бир қатор муҳим жиҳатларини эътиборга олиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Улар:

- мавсумийлик;
- юқори қиймат (олий таълим хизматлари юқори қийматга эга (катта миқдорда тўловни талаб қилади), чунки бунда мутахассиснинг шахсияти шаклланади, бу турли ривожланган мамлакатларда яхши малакали, дигломли мутахассис юқори ҳақ эвазига ишга таклиф қилинади);
- узоқ муддат талаб қилиши (мамлакатимизда бакалавриатура – 4 йил, магистратура – 2 йил, жами 6 йил);
- ўз натижасини тезда бермаслиги;
- натижаларнинг таълим олувчининг истиқболдаги ҳаёти ва иш шартларига боғлиқлиги;
- истиқболда ҳам таълим хизматларидан фойдаланишнинг зарурлиги;
- таълим хизматлари истеъмолчиларининг ёшига боғлиқлиги.

Олий таълим хизматларини кўрсатиш учун ишлаб чиқилган дастурлар олий таълим муассасалари, яъни университетлар, академиялар ва институтлар томонидан яратилади ва амалга оширилади. Бунда, дастурлар авваламбор, турли соҳа ва тармоқлар учун ақлий меҳнат қиладиган юқори малакали мутахассислар учун мўлжалланган бўлади. Шунингдек, олий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг ҳам малакасини ошириш, илмий фаолият (докторантура, таянч докторантура ёки мустақил изланувчилик институтлари орқали докторлик диссертациясини тайёрлаш, ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатиш) билан шуғулланиш кабилар ҳам олий таълим хизматларининг узвий давоми ҳисобланади.

Барчага аёнки, мамлакатимизда ҳозирги кунда аксарият олий таълим муассасалари ўз хизматларини кундузги, сиртқи ва кечки таълим олиш шаклларида таклиф этмоқдалар. Бироқ, юқоридагилардан фарқли равишда таълим хизматларини кўрсатишда ривож-

⁵⁷ Стиглиц Дж., «Экономика государственного сектора». –М.: Инфра-М, 1997.

ланган давлатлар олий таълим муассасалари тажрибасидаги масофавий таълим олиш шакллари йўлга қўшиш мақсадга мувофиқ. Чунки, улар олий таълим муассасасига молиявий жиҳатдан жуда зарур бўлган қўшимча маблаг топишга имкон беради, шунингдек, масофавий таълим макон ва замонда иккита муҳим муаммони, яъни талабаларнинг шаҳарлараро кўчиб юриши, турар - жой масаласи ҳамда талабалар учун аудитория таъминотини ижобий ҳал этишга хизмат қилади. Аммо, таъкидлаш жоизки, ушбу олий таълим олиш шакли бизнинг мамлакатимизда кенг оммалашмаган. Бунинг сабабларидан бири таълим олувчиларга кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий, амалий ва натижавий кўрсаткичларининг халқаро сифат тамойилларига мос келмаслиги, таълим олувчиларнинг билим олишлари учун замонавий ахборот ресурслари билан таъминланганлик даражасини талабга жавоб бермаслиги кабиларни келтириш мумкин. Бизнингча, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда юқоридаги олий таълим олиш шаклига балки зарурият бўлмагандир, балки молиявий ва бошқа имкониятлар тўғри келмагандир. Бироқ, бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва соҳалари билан ҳамкорликда масофавий таълимни таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолияти тури сифатида янгича нуқтаи назардан шакллантириш албатта олий таълим муассасаларига самара келтиради.

Масофавий таълим. Тармоқли ахборот технологияларининг жадал ривожланиши таълим соҳасининг янги истикболларини очиб берди. Замоновий таълим ва ахборот технологияларининг бирлашиши янги интеграциялашган таълим технологияларини хусусан, Интернет-технологиялари асосида шакллантириш имконини берди. Масофавий таълим электрон ўқув қўлланмалари ёрдамида олинган назарияни мустаҳкамлаш учун қўшимча маълумотларни деярли ҳар қандай жойдан юклаб олиш, бажарилган ишни топшириш, ўқитувчи билан маслаҳатлашиш имкониятини ўз ичига олади.⁵⁸

Таълим хизматларини кўрсатиш муддатига кўра:

- узоқ муддатли (4 йил бакалаврият ва 2 йил магистратура);
- ўрта муддатли (малака ошириш ва қайта тайёрлаш);
- қисқа муддатли (алоҳида тренинг, маъруза ва курслар)га бўлинади.

⁵⁸ Қ.Бердикулов. Замонавий жамиятда хизматлар соҳасининг ўрни қандай?
<https://stat.uz/uz/press-služba/novosti-eks/3598-zamonaviy-jamiatda-khizmatlar-so-asining-umi-andai>

Ўқитиш усулларига кўра:

- анъанавий;
- муаммоли ўқитиш дастури бўйича;
- амалий вазиятлар таҳлилига асосланган дастур бўйича.

Таълим хизматлари тўлови бўйича:

- пуллик;
- грант асосида (ҳомийлик маблағлари, фонд ва жамғармалар маблағлар ҳисобидан);
- бюджет маблағлари ҳисобидан.

Иқтисодчи Қ.Бердиқуловнинг таъкидашича, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнлари нафақат хизматлар соҳасида юқори кўрсаткичларга эришишга, балки уни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради. Замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасининг тутган ўрни ушбу соҳада иқтисодий ўсишга асос бўладиган муҳим омиллар шакллантирилиши билан изоҳланади. Булар айнан, янги илмий маълумотлар, аклий капитал, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар сектори, консалтинг ва б.к. Хизматлар таркибининг сифат жиҳатдан кенгайиши янги иш ўринларини яратиш, инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва самарали бошқарув усуллари жорий қилиш учун зарур бўлган хизматлар соҳасига хорижий капиталнинг кириб боришини ошириш ҳамда солиқ ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш имконини беради.⁵⁹

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хизматларнинг тутган ўрни ва салмоғини қуйида келтирилган расм орқали таҳлил қилишимиз мумкин (5.1-расм).

Таҳлилларнинг гувоҳлик беришича, республикаимиз иқтисодиётида хизматларнинг салмоғини 100% деб оладиган бўлсак, унда транспорт ва савдо хизматлари биргаликда 57,7%; молиявий хизматлар 12,8%; алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,8% ва таълим соҳасидаги хизматлар 3,6%; кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 3,3% ва бошқа хизматлар 3,2%ни ташкил этган. Шунингдек, яшаш ва овқатланиш хизматлари 3,1%; шахсий хизматлар 2,7%; ижара хизматлари 2,2%; компьютерлар ва маиший товарларни

⁵⁹ Қ.Бердиқулов. "Замонавий жамиятда хизматлар соҳасининг ўрни қандай?"

<https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3598-zamonavii-zhamiyatda-khizmatlar-sohasining-roi-andaj>

таъмирлаш бўйича хизматлар 2,0%; соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 1,4%; меъморчилик, муҳандислик изланиш-лари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 1,2%ни ташкил этган.

Тадбиркорлик фаолияти ҳақида ҳам фикр юритсак, у жуда кенг тушунча ҳисобланади. Ушбу фаолият билан жисмоний ва юридик шахслар шуғулланиши мумкинлиги мамлакатимиз тегишли Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. У тўғрисида жуда кўп манбаларда турлича мулоҳазалар билдирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида барча юридик шахс (ташкилот) сифатида олий таълим муассасаларида ҳам тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича қуйидагилар эътироф этилган:

30,3	• Транспорт хизматлари
27,4	• Савдо хизматлари
	• Меъмоний хизматлар
6,8	• Азия ва аэротранспорти хизматлари
3,6	• Таълим соҳасидаги хизматлар
	• Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар
3,2	• Бонус хизматлар
3,1	• Янги ва оқсатилган хизматлари
2,7	• Шахсий хизматлар
2,2	• Ижара хизматлари
2,0	• Компьютерлар ва маълумот технологиялари таъмирлаш бўйича хизматлар
1,4	• Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар
	• Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар

5.1-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йил 1 январь ҳолатига бозор хизматлари таркибининг таҳлили, % да⁶⁰

⁶⁰ www.stat.uz расмий сайти маълумотлари асосида муваллиф томонидан ўтказилган таҳлил маълумотлари.

“Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин”⁶¹, шунингдек, ушбу ҳужжатдаги жисмоний шахсларга тегишли қуйидаги жиҳатларни келтириш ўринлидир: “Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”⁶². МДХ давлатларидан Россия Федерацияси Фуқаролик Қонун ҳужжатларига мувофиқ эса тадбиркорликка тегишли қуйидаги фикрлар илгари сурилган: “тадбиркорлик деганда – мустақил, ташаббус тарзида қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда таваккалчилик асосида мол-мулкдан фойда олиш, товарларни сотиш, иш ёки хизмат кўрсатишдан систематик фойда олишга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш тушунилади”⁶³ дейилган.

Айрим манбаларда, масалан, Рим ҳуқуқида: “тадбиркорлик” терминига, айниқса, алоҳида тижорат фаолияти, иши, машғулоти сифатида қаралган. Тадбиркорлик тушунчасида акс этадиган, унинг терминологик аҳамияти ва таркибий тузилиши иқтисодий назариянинг ривожланиш жараёнида бир неча бор ўзгарган ва тартибга солинган⁶⁴. Тадбиркорлик тушунчасига етарлича содда тилда, аниқ

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 38-сон, 328-модда), (4-боб, Юридик шахслар, 1-§. Умумий қоидалар, 40-модда (Юридик шахсларнинг турлари)). <http://www.lex.uz/guest/doc/111189>.

⁶² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 38-сон, 328-модда), (2-кичи бўлим Шахслар, 3-боб, Фуқаролар (Жисмоний шахслар) 24-модда (Фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти)). <http://www.lex.uz/guest/doc/111182>.

⁶³ Энциклопедический словарь экономики и права. Предпринимательская деятельность. <http://www.velomosti.ru/glossary>.

⁶⁴ Гарб иқтисодий назариясда тадбиркорлиқнинг қиратилиши ва унинг ривожланиши нафақат Р.Кантъон, Балки А.Тюрбо, Ф.Кэне, А.Смит, Ж.Б.Сэе, К.Маркс, И.Шумпетер, А.Маршалл, Ф.Хайек, Л.Минес, И.Киршнер, М.Вебер, В.Зомбарт, П.Дракер ва бошқа тадқиқотчилар билан ботлиқ. Ушбу тадқиқотчилар ва улар бошчилиги қилган мактабларда тадбиркорлиқнинг асосий жиҳатлари ва тавсифлари – рикс ва иқтисодий ноаниқликнинг мавжудлигини (Р.Кантъон ва Ф.Найт) тизимли турғушлик ҳолатидан олиб чиқиш ва барқарор юксалиш ҳолатига олиб бориш (Л.Минес ва Ф.Хайек), ишлаб чиқариш омилларининг революцион ўзгариши (Ж.Б.Сэй ва И.Шумпетер), новаторлик тояларини амалга оширишни ташкил қилиш (И.Тиммонс ва П.Дракер, Ф.Тоссиг ва Г.Шмолтер), товарнинг бозор ва ишлаб чиқариш қиймати орасидаги фарқни кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига турли инновацияларни жорий этишни (К.Маркс) аниқлаб беришган.

ва батафсил таърифни В.И.Даль берган. Хусусан, у: “тадбиркор – у бирор-бир янги, аҳамиятли ишни ўйлаб амалга ошириш тадбири, қарорини қабул қилувчи тушунилади” деб таъкидлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркор – бу қандайдир бир тадбир қабул қилувчи тушунчаси келиб чиқади. Маълумки, биринчилар қаторида А.Смит тадбиркорлик фаолияти билан жиддий кизиққан. Бироқ, унгача ўн йиллар олдин ушбу муаммоларни Р.Кантильон ўз асарларида батафсил тадқиқ этган. Айнан унинг томонидан: “бозорда талаб ва тақлиф ўртасидаги фарқ бозор муносабатларининг алоҳида субъектларига товарни арзон баҳода сотиб олиш ва қимматроқ нархда сотиш имконини беради” деган қоида шакллантирилган. Шунингдек, айнан у томонидан ушбу бозор субъектларини тадбиркорлар деб аталган (“тадбиркор” – французчадан таржима қилинганда “ўртадаги воситачи” деган маънони англатади). Замонавий иқтисодий адабиётларда тадбиркорликнинг моҳияти ва аҳамияти аниқ ҳамда етарлича тўлиқ тарзда очиқ берилмаган. Аксарият ҳолларда унга тадбиркорлик фаолиятининг мақсади сифатида қаралади. Масалан, А.Н.Азрилян таҳрири остида нашр этилган катта иқтисодий лўғатда унга қуйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик – фуқароларнинг мустақил ташаббуси асосида ўз номидан, мулкий жавобгарлик асосида ёки юридик шахс номидан ҳуқуқий жавобгарлик остида фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган фаолияти тушунилади”⁶⁵.

Бошқа бир гуруҳ муаллифлар бу масалага қуйидагича ёндашдилар: “тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.”⁶⁶

Иқтисодчи олим Ниязова М.В. тадбиркорлик фаолиятини иккига бўлиб, яъни, шакли ва таркиби бўйича изоҳлайди ва уларга олий таълим муассасаларига боғлаб қуйидагича алоҳида таъриф беради: “Олий ўқув юртининг тадбиркорлик фаолияти шаклига кўра – бу таълим муассасаси уставига мувофиқ назарда тутилган, мустақил ва таълим тўғрисидаги қонунчиликда таъқиқланмаган ҳамда таълим жараёнини таъминлаш учун фойда кўринишидаги

⁶⁵ Большой экономический словарь. М.: Ин-т экономики, 1994. С. 313.

⁶⁶ Ишмухамедов Б.Ж., Муратов Р.С. Тадбиркорлик фаолиятини асослари. Услубий қўлланма – Тошкент: “Иқтисодиёт”. 2018 йил, 137 бет.

кутилган натижага эришиш мақсадидаги фаолиятдир”⁶⁷. Шунингдек, агар тадбиркорлик фаолиятини умумий амалга ошириш жараёни яъни, “янги ресурслар комбинацияси (табiiй, моддий-техник, меҳнат, интеллектуал)” сифатида қаралса ва энг юқори ютуқларни қўлга киритиш учун олий ўқув юртининг барча хўжалик фаолияти бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятига боғлиқдир. “Олий ўқув юртининг тадбиркорлик фаолияти таркиби бўйича – бу бозор иқтисодиёти шароитида таълим жараёни самарадорлигини ва таълим хизматлари сифатини оширишга йўналтирилган инновацион хўжалик фаолиятидир”⁶⁸. Натижада, ракобатбардошлик, олий ўқув юрти ички жараёнлари ва ишлаб чиқариш ресурслари каби таянч омилларни бошқариш мумкин бўлади.

Олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш бозор иқтисодиёти ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида олий таълим тизимида таълим хизматлари бозори сегментлари деб аталувчи давлат ва хусусий олий ўқув юртлари ўртасида ракобатнинг кучайишига сабаб бўлди.

Давлат олий ўқув юртлари хусусий таълим муассасаларидан қуйидаги хусусиятларига кўра фарқланади:

1. Таълим фаолиятини назорат қилувчи ва тартибга солувчи ҳар томонлама йирик ҳажмли бевосита ҳамда билвосита кўрсаткичлар, амалларнинг мавжудлиги;

2. Бюджетдан молиялаштириш манбалари ҳисобидан маблағларни сарфлашда сметали режалаштириш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва қатъий молиявий назоратнинг мавжудлиги;

3. Бюджетдан молиялаштиришнинг харажат тамойили бюджет ташкилотини ўз фаолияти натижасида фойда олишни назарда тутмаслиги.

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида давлат ва хусусий олий ўқув юртлари ўртасидаги чегара олиб ташланмоқда. Аксарият олий ўқув юртлари тадбиркорлик фаолиятини бюджетдан ташқари даромад манбаларидан бири сифатида фаол ривожлантиришмоқда. Айрим олий ўқув юрт-

⁶⁷ Ниязова М.В. Проблемы оценки эффективности предпринимательской деятельности бюджетных вузов. //Журнал Университетское управление: практика и анализ. 2003, №3. <http://www.umj.ru/-index.php/pub/inside/360>.

⁶⁸ Ниязова М.В. Проблемы оценки эффективности предпринимательской деятельности бюджетных вузов. //Журнал Университетское управление: практика и анализ. 2003, №3. <http://www.umj.ru/-index.php/pub/inside/360>.

лари эса давлатдан субсидия олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга бир қатор изоҳ ёки тушунтиришларни келтириш мумкин. Масалан, олий ўқув юртларини давлат бюджетидан молиялаштиришнинг қисқараётганлиги, демографик ўсиш туфайли олий таълим олиш истагини билдирган ёшлар сонининг ошаётганлиги ва бошқа сабаблар.

Тадбиркорликни қуйидаги турли ҳолатларига қараб аниқлаш мумкин:

- юқори фойда олишга йўналтирилган фаолият;
- фуқароларнинг ташаббуси билан фойда олишга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга асосланган фаолият;
- хусусий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи асосида ишлаб чиқариш функцияси;
- фойда олиш мақсадида инновацион ғоялар ва ишланмалар жараёнини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фойда олиш ҳамда капитални кўпайтиришга (ўстиришга) қаратилган функцияси;
- ташкилотнинг амалдаги ҳўжалик юритиш шаклини оптималлаштириш ва қайта таркиблаш йўллари кидириб топиш орқали такомиллаштиришга йўналтирилган махсус хусусий фаолият тури.

Кўпчилик амалиётчилар ва илмий тадқиқотчилар тадбир-корликнинг пировард мақсади фойда олиш деб урғу беришади. Бирок, тадбиркорликнинг натижаси нафақат фойда олиш, балки битта ёки бир нечта ижтимоий гуруҳ истеъмолчиларининг доимо ўзгариб турувчи ва ошиб борувчи талабларини қондириш асосида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдан иборатдир. Шу боис, тадбиркор истеъмолчилар талабларини қондириш билан бир қаторда максимал фойда олиш учун ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот, сотиш (маркетинг), етказиб бериш (логистика), бошқариш (менежмент) каби бўлимларнинг ҳар бирини ҳам ўз вақтида назорат қилишга тўғри келади. Шунингдек, тадбиркорлик нафақат турли бизнес юритиш шакли, балки бу ҳўжалик юритиш шакли ҳамдир. У истеъмолчилар ўртасида товар ва хизматларни тақсимлаш асосида доимий равишда ташаббус кўрсатиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маркетинг жараёнларига ўзининг хусусий инновацион ғояларини сингдириб

боради. Ушбу ташкилий тадбирларни тўғри амалга ошириш натижа-сидагина тадбиркорлик субъектлари юқори фойда олиши мумкин.

Фойда миқдорининг ўсишига эришиш учун тадбиркорлик жараёнини зарурий молиявий, меҳнат ва моддий ресурслар билан таъминлайдиган бир қатор қуйидаги комплекс вазифаларга ечим топишга тўғри келади: молиялаштириш манбаларини излаб-топиш; тез-тез ўзгариб турувчи, кучли рақобат шароитида таълим муассасасини яшовчанлигини таҳлил қилиш; буюртмачи ва mijozлар эҳтиёжларини қондириш; хизматлар ҳажмини кўпай-тириш; малакали ходимлар билан таъминлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш; маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш; таъминотчи ташкилотлар ва бизнес бўйича ҳамкор (шерик)ларни танлаш; ташкилотнинг молиявий барқарорлигини ошириш; атроф-муҳит муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.лар.

Тадбиркорлик фаолияти асосан қуйидаги тўрт соҳада амалга оширилиши мумкин: ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), тижорат, молиявий ва истеъмол “Тадбиркор” ва “тадбиркорлик фаолияти” терминлари, иқтисодий тушунчаларининг эволюцияси илмий-техник тараққиёт даражаси ҳамда ишлаб чиқариш, айирбошлаш, товар ва хизматлар тақсимотининг тикланиши билан боғлиқ (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

“Тадбиркор” ва “тадбиркорлик фаолияти” тушунчалари тўғрисида айрим фикрлар ва қарашлар⁶⁹

Таъриф муаллифи ёки асари номи	Таърифнинг мазмуни
2	3
Ричард Кантильон	Тадбиркор – ноаниқлик (мавҳум) шароитда ўз эҳтиёжларини қондирувчи ва қарор қабул қилувчи инсон. Тадбиркор даромади – риск учун тўлов.
Адам Смит	Тадбиркор – riskли тижорат ҳолатларини амалга оширувчи ва корхона эгасидир. Унинг асосий функцияси -- анъанавий ҳўжалик фаолияти доирасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш.
Карно Бодо	Тадбиркор – олдиндан қабул қилинаётган иш учун жавобгарликни олувчи шахс, яъни у ишни режалаштирган, назорат

⁶⁹ http://www.aup.ru/books/m72/7_2.htm, http://www.aup.ru/books/m72/1_1.htm веб-саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

	қилган, ташқил қилган бўлса корхонага эгалик қилади. У аниқ ақл ва қобилият, турли ахборот ва билимларга эга бўлиши керак.
Жан Батист Сей	Тадбиркорлик – бу бозор кенгликларидagi аниқ нуқтада ишлаб чиқаришнинг рационал комбинациялашган омиллариidir. Тадбиркор – ишлаб чиқариш бирлиги доирасида инсонларни бир жойга тўйлаган шахс.
Френсис Уокер	Тадбиркор – бу ўзининг ташкилотчилик қобилияти ҳисобига фойда олувчидир.
Альфред Маршалл	Ҳар бир истаги бор ҳам тадбиркор бўла олмайди. Тадбиркорларнинг “табiiй” танлови Ч.Дарвин томонидан очилган қонунга мувофиқ, табиатан амалга ошади.
Макс Вебер	Тадбиркорлик фаолияти – бу рационалликни қамраб олишдир (рационаллик деганда у қўйилган маблағдан, бажарилган ишдан фойдаланишдан максимал фойда олиш, самарадорликка эришишни тушунган). Тадбиркорлик асосида рационал ахлоқ қоидалари, дунёқараш, диний эҳтишлар ётади ва улар тадбиркорлик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади.
И. фон Тюнен	Тадбиркор – алоҳида сифатларга эга (риск қила оладиган, ностандарт қарорлар қабул қила оладиган ва ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера оладиган) ва шунинг учун олдиндан кўзда тутилмаган (режалаштирилмаган) даромадга давоғардир.
Джон Мейнард Кейнс	Тадбиркор – ҳўжалик юритувчининг ўзига ҳос ижтимоий-психологик шакли. Асосий тадбиркорлик сифатлари: истеъмол ва жағғаришнинг мақбул даражасини сақлаб туриш, риск қилишга мойиллик, фаоллик руҳи, келажақдаги юксак истиқболга ишонч ва бошқалар. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мотивлари – энг юқорига, мустақилликка, катта меърос қолдиришга интилиш ва ҳ.к.лар.
Дэвид Максиелланд	Тадбиркор – мақбул риск шароитида фаолият кўрсатувчи серҳаракат инсон.
Питер Друкер	Тадбиркор – ҳўхлаган имкониятдан фойдаланиб, максимал фойда олувчи инсон.
Альберт Шапиро	Тадбиркор – ташаббус кўрсатиб, ижтимоий-иқтисодий механизмни ташкил этувчи ҳамда риск шароитида фаолият кўрсатувчи ва қўрилиши мумкин бўлган омадсизлик бўйича тўлиқ жавобгарликни ўз бўйига олувчи инсон.
Роберт Хизрич	Тадбиркорлик – қийматга эга бўлган бирон-бир янги нарсани яратиш жараёнидир, тадбиркор эса – бу ушбу жараёнга ўз вақти ва кучини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий рискни ўз зиммасига олган ҳамда эришилган натижадан қониқиш ҳосил қилган пулда рағбат олган инсондир.
Т.Ю.Горькова	Тадбиркор – бу бизнесда марказий фигура, у ягона ҳўжалик жараёнида барча ишлаб чиқариш омиллариини бирлаштириш борасида ўз вазифасини кўяди.

Демак, юкоридаги олим ва илмий-тадқиқотчилар томонидан уларнинг асарларида билдирилган фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиб, бизнингча тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти тушунчаларининг иқтисодий моҳияти юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тадбиркорлик – ишлаб чиқаришга, бозорда товар (хизмат) ларни етказиб беришда мустақил инновацион ёндашувга асосланган ҳамда тадбиркорга даромад келтирувчи иқтисодий фаолликнинг алоҳида шаклидир.

2. Тадбиркорликнинг самараси асосида барча кучини қўйилган мақсадга эришиш учун жами имкониятлардан тўлиқ фойдаланадиган, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига оладиган инсон (жамоа)нинг инновацион⁷⁰, ташаббускорлик фаолияти ётади.

3. Тадбиркорнинг мақсади – товар (маҳсулот)ларни ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва бозорга етказиб бериш орқали даромад олиш ҳамда англланган равишда ўзини шахс сифатида жамоатдаги эътиборини қозонишдир.

4. Тадбиркорлик фаолияти ўйлаш, фикр юритиш даражаси – тадбиркорлик ҳојасини туғилиши билан бошланиб, қарор қабул қилишгача бўлган вақтни ўз ичига олади.


5. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъектлари сифатида тадбиркор, у билан ушбу жараёнда ўзаро ҳамкорликда бошқа қатнашувчилар – истеъмолчилар, давлат, ҳамкор-шериклар, ёлланма ишчилар бўлиши мумкин.

1. Тадбиркорлик фаолиятининг объекти бўлиб товар, иш ва хизматлар ҳисобланади.

2. Тадбиркорликни умумий тамойилларга асосланган икки асосий шаклига қараб фарқлашади: хусусий ва давлат.

Ўтказилган тадқиқотлар олий ўқув юртлари тадбиркорлик фаолиятининг мавжуд таърифланишларига ҳос бўлган қатор камчиликларни аниқлаш ва бу тушунчани аниқлаштиришга имкон яратди. Бу борада мавжуд тушунча ва таърифлардан фарқли равишда, биз унга қуйидагича аниқлик киритиш орқали: “Давлат олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти деганда - уларнинг устав вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган ташаббускорлик, таваккалчилик асосидаги даромад келтирувчи мустақил фаолияти тушунилади” деб таъриф беришни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.


⁷⁰ Новаторлик – доимий янгиликка интилувчи деган маънони англатади.



5.2-расм. Олий таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти таркибининг қиёсий таҳлили⁷¹

⁷¹ Муаллиф томонидан тузилди.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида хомийлик маблағлари ҳисобига ҳам таълим хизматларини кўрсатиш ёки тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мумкин. Бироқ, хомийлик ҳисобига тушган маблағлар таълим хизматлари ёки тадбиркорлик ҳисобидан топилган маблағлар қаторига кирмайди, аммо, хомийлик маблағлари ҳисобидан улар қўшимча молниялаштириши мумкин.



5.3-расм. Олий таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти ўртасидаги боғлиқлик, ўхшашлик, фарқли томонлар⁷²

Юқорида айтилган фикрларни жамлаб, бир қанча тушунчаларнинг таърифларини келтирамыз. Таълим хизматлари дейилганда инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тушунилади. Ушбу таърифнинг бир қанча афзалликлари мавжуд.

Олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятига таъриф беришдан олдин, унинг умумий таърифига эътиборни қаратмоқчимиз.

⁷² Муаллиф томонидан тузилди.

Бу борада ҳам етарли даражада фикрлар айтилган. Биз тадқиқотларимизда М.Қ.Пардаев ва Ж.И.Исроиловларнинг тадбиркорликка берган таърифига асосланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятига қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик: **Тадбиркорлик фаолияти** дейилганда тадбиркорларлар томонидан амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган, мулкий жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада фойда олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади ⁷³. Ушбу таърифнинг мазмуни олий таълимда тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Олий таълимда тадбиркорлик фаолияти дейилганда олий таълим муассасаси томонидан амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган, ўзининг мулкий жавобгарлиги асосида жамият, давлат ва аҳоли эҳтиёжларига мос билимларни оширишга қаратилган ва маълум даражада фойда олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади. Шунингдек **Олий таълимнинг бюджетдан ташқари фаолияти** дейилганда давлат бюджет маблағларига боғлиқ бўлмайдиган маблағларни ишлатиш асосида таълимни ривожлантиришга қаратилган фаолият тушунилади. Буларга асосланиб бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаси тушунчасининг ҳам таърифи ишлаб чиқилди. **Бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаси** дейилганда давлат бюджет маблағларига қирмайдиган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида топиладиган қўшимча молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар манбаси тушунилади. Шундай қилиб, олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти бюджетдан ташқари фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу такомиллашган ва тараққиётимизга мос таърифнинг афзалликлари ишда ёритилган.

⁷³ Мазкур таърифнинг асосий мазмуни М.Қ.Пардаев ва Ж.И.Исроиловларнинг монографисига келтирилган. Қаранг: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. – Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2007. – 44 б. Биз ишда уни тадқиқотларимиз нуктаи назаридан бир мунча ўзгартирдик.

5.2. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг иқтисодий мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тадбиркорлик эвазига ўз даромадини ошириш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, самарадорликни ошириш эвазига эришилади. Бу таълим муассасалари учун ҳам муҳим масалалардан биридир.

Айрим иқтисодий адабиётларда самарадорлик тушунчасига турлича изоҳ ва таърифлар келтирилган. Масалан, иқтисодчи олимлар гуруҳи Анфилатов В.С., Емельянов А.А., Кукушин А.А.лар унга қуйидагича изоҳ беришади: ““Самарадорлик” термини – тизим, операция ёки қарор билан узвий боғлиқ”⁷⁴. Бизнингча, самарадорликка берилган таъриф ёки изоҳ етарлича ифодаланмаган. Шу боис, унга қўшимча изоҳ берадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири қўйилган мақсад(натижа)га эришишни акс эттиради. Ҳар бир қарор, операция ёки жараённинг самарадорлиги сифатида корхона фаолиятининг умумий самарадорлиги, бошқарув самарадорлиги тушунилади. Ёки бошқача айтганда, бошқарувнинг натижавийлиги дейиш тўғрироқ бўлади.

Ҳозирги кунда, аксарият иқтисодий адабиётларда “самарадорлик” тушунчаси “рақобатбардошлик”, “натижавийлик”, “сифат” сўзларининг синонимлари сифатида ифодаланмоқда. Бирок, бизнингча, ушбу тушунчалар самарадорликнинг айрим қирраларини ифодаловчи кўрсаткич ёки тушунча (иқтисодий термин)лардир ҳамда улар ўзига хос маъно-мазмун касб этади. Бизнингча уларга қисқача изоҳ бериш мақсадга мувофиқ: рақобатбардошлик - истеъмолчини таълим муассасаси (хизматлари) ни танлашда айнан шунга ўхшаш таълим муассасаси(хизматлари) билан таққослашда қониқиш даражаси билан характерланади; самарадорлик – бу истикболда кутилаётган ва ҳақиқатда эришилган натижанинг мувофиқлик даражасидир. Ёки бошқача айтганда, қилинган харажатларнинг олинган даромад (тушум) билан қопланиш даражасини англатади; натижавийлик деганда ташкилотнинг ташқи муҳит (истеъмолчи) билан

⁷⁴Анфилатов В.С., Емельянов А.А., Кукушин А.А. Системный анализ в управлении: Учеб. пособие /Под ред. А.А.Емельянова. М.: Финансы и статистика, 2003 с.104 (с.368).

ўзаро алоқасининг жорий натижаси тушунилади; таълим сифати – бу натижавий кўрсаткич бўлиб, у таълим муассасаси томонидан таълим жараёнига қўйилган мажбурий талабларни сифатли бажарилиши, шунингдек, ўз навбатида талабалар билими ва ўзлаштирилишига қўйиладиган талаблар мажмуасидир.

Шундай қилиб, юқоридагиларни олий ўқув юртлари билан боғлайдиган бўлсак, самарадорлик – таълим муассасаси ўз функцияларини, яъни фаолият вазифаларини бажаришида пайдо бўлади, рақобатбардошлик – олий ўқув юртининг ўзига берилган тавсифнома, натижа – аниқ қўйилган мақсадга эришиш ёки эҳтиёжни қондириш ўлчови, сифат эса – олий ўқув юрти фаолияти (таълим хизматлари, битирувчини билим даражаси) натижасининг тавсифно-масидир. Шунини таъкидлаш жоизки, олий ўқув юрти нуктаи назаридан, эҳтиёж – объектив категория, мақсад эса – субъектив, яъни орттирилган тажриба асосида талаб ва таклифдан келиб чиқиб аниқланади.

Давлат олий ўқув юртида самарадорлик кўрсаткичини тадбиркорлик нуктаи назаридан объектив ва асосланган баҳосини аниқлаш қийин масала ҳисобланади. Унинг мураккаблиги шундаки, турли йўналишларда мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртидаги ички жараёнларни ҳеч қандай ягона универсал кўрсаткич билан тавсифлаб бўлмайди. Тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор: реал (ҳақиқий ёки кутилаётган) ва талаб қилинаётган (хоҳлайдиган ёки мақсад қилинган) натижаларни аниқлаш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бошқача айтганда, самарадорлик даражаси объектни бошқаришда унинг фаолият вазифаларини бажариш натижаларини ҳар томонлама баҳолашга имкон берувчи кўрсаткичлар тизими орқали акс этиши зарур.

Кўрсаткичлар тизими – бу самарадорлик мониторинги ахборот базасини шакллантиришнинг зарурий дастагидир. У хўжаликни малакали бошқариш, ички резервларни топиш ва зарур томонга йўналтириш (хизматларнинг рентабеллиги, уларнинг сифатини ошириш) ва натижада кучли рақобатда муваффақиятни қўлга киритиш мақсадида амалга оширилади.

Кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш самарадорликни баҳолаш ва уларни таснифлаш тўғрисидаги маълумотларни бир тизимга солишни талаб қилади. Кўрсаткичлар мажмуаси пухта деталлашган бўлишига қарамадан, улар ўзаро боғланмаган бўлса, у фаолият

самарадорлигини объектив акс эттира олмайди. Бунда, тизимли кузатув объектни ўз олдига қўйилган вазифасига мувофиқ фаолиятнинг барча жиҳатларини камраб олишини тақозо қилади. Тизимли ёндашувнинг асосий вазифаси тизимнинг мураккаблигини аниқлаш ва кўрсатиб бериш, шунингдек, қўшимча амалга ошириладиган алоқалар, келгусида тизимни бошқаришда учрайдиган муаммоларни маълум даражада бошқариш чегараси доирасида ҳал этиш, бунда мустақилликни сақлаган ҳолда самарадорликни ошириш (рақобатга бардош бериш) йўллари асослаш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги таснифлари бўйича гуруҳлашни таклиф қиламиз:

1. Бошқариш объектининг мақсади бўйича:

- оператив (тезкор) – қисқа муддатли мақсадни тавсифловчи. Бунда, одатда маълумотларни мураккаб таҳлил қилиш талаб этилмайди, абсолют қийматда акс эттирилади, тезкор қарор қабул қилишда фойдаланилади;

- тактик – ўрта муддатли мақсадни тавсифловчи. Тактик даражадаги қарорни қабул қилишда фойдаланилади;

- стратегик – узоқ муддатли мақсад(вазифа, стратегия, махсус сиёсат)ни тавсифловчи. Унга эришиш учун объектнинг ўз олдига қўйилган фаолият вазифаларини бажаришида сифатли томонларини акс эттиради.

2. Рақобатбардошлик омили бўйича:

- молиявий-иқтисодий – олий ўқув юртининг иқтисодий барқарорлиги ёки фаолиятнинг молиявий натижаларини шакллантириш жараёнининг муҳим хусусиятларини акс эттиради. Бунда, бу кўрсаткич олдиндан режалаштирилган, қабул қилинган ҳолатнинг иқтисодий оқибатларини баҳолашда хизмат қилади ва олий ўқув юрти стратегиясига мувофиқ индикатор бўлиб ҳисобланади;

- истеъмол (маркетинг) – истеъмолчи ёки мақсадли бозор сегментини муҳим тавсифларини аниқлашга йўналтирилган;

- таълим (жараёнли) – жараён ва товар (маҳсулот, хизматлар) ни ҳамда улар билан таъминлашнинг сифат даражасини акс эттиради;

- салоҳият ва ривожланиш – инсон интеллектуал капиталини сифатли ўзгариши, ахборот таъминоти, доимий узоқ муддатли ўсиш ва ривожланиш таъминоти инфратузилмаси тавсифини акс эттиради.

3. Акс эттириладиган хусусиятлар ҳажми бўйича:

– хусусий – жараённинг муҳим хусусиятларини акс эттиради, унинг қиймати бошқа кўрсаткичларга боғлиқ бўлмаган ҳолда аниқланган (ҳисобланган) бўлиши мумкин;

– умумлашган – жамлама хусусиятларни акс эттиради ва бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда коэффициентда, улушда ёки индексда аниқланади.

4. Даражалари бўйича:

– дастлабчи (асосий) – фаолият натижасининг қўйилган мақсадга мувофиқлигини ўлчайди;

– иккиламчи (қўшимча) – қўйилган мақсадга нисбатан ҳақиқий (эришилган) маълумотларнинг (вақт, қиймат бўйича) фарқлари сабабларини тавсифлайди.

Таъкидлаш жоизки, давлат олий ўқув юртларининг асосий шарафли вазифаси ва ўз олдига қўйган мақсади – инсон салоҳиятини шакллантириш, бозорда эҳтиёж бор бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдир. Шу боис, олий ўқув юртларининг таълим жараёнини комплекс баҳолаш ва унинг фаолияти натижаларини таҳлил қилиш учун ўзаро бир-бирини тўлдирувчи қўшимча кўрсаткичларнинг махсус тизими зарурдир.

Олий ўқув юртини баҳолаш эмас, баҳолаш натижаларидан фойдаланиш бизнинг мақсадимиздир. Тадқиқотлар натижасида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, олий ўқув юрти фаолияти самарадорлигини баҳолашни қуйидаги ёндашувларга ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб топамиз:

1. Хўжалик – олий ўқув юрти юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамияти эътиборга олинмаган ҳолда бухгалтерлик ва бошқа молиявий-иқтисодий ҳисобот молиявий кўрсаткичлари маълумотларидан фойдаланиб, хўжалик юритувчи субъект сифатида баҳоланади;

2. Регламентловчи – олий ўқув юрти таълим жараёнлари ва таълим хизматлари сифати давлат ва мазкур ҳудуд нуқтаи назаридан минимум талаблар ҳамда регламентловчи амаллар (масалан, лицензиялаш, аттестация ва аккредитациядан ўтиш) асосида баҳоланади;

3. Рейтингли – алоҳида кўрсаткичлар баҳоланади. Унинг натижаси, бозорга тақдим этилган таълим хизматларининг салоҳиятли истеъмолчилари ва олий ўқув юртлари юқори органларига олий ўқув юртининг турлари бўйича танлашга ёрдам беради;

4. Сифатли – олий ўқув юртининг бошқарув сифати ISO-9000⁷⁵ асосида, олий ўқув юртини сертификациялаш ва баҳолаш бўйича тизимни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этишни кўзда тутати.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, самарадорликни аниқлаш, баҳолашнинг амалдаги мавжуд усулларида асосан рақобат устунлиги бўйича олинган манбалардаги омиллар (молиявий, илмий, техник ёки сифат тавсифи)ни таҳлилига таянилади. Олий ўқув юртининг ички резервларини самарали бошқариш ва йўналтириш имконияти рақобат бўйича устунликка эга бўлишида муҳим ҳисобланмоқда. Натижада, олий ўқув юрти олдида рақобатбардош, сифатга жавоб берадиган, қиймати ва сервис даражаси бўйича давлат ва бозор томонидан ўрнатилган шароитда таълим хизматларини кўрсатиш мумкинми, деган савол туғилмоқда. Агар мумкин бўлса, қандай қилиб?!

Юқорида айтилганларни умумлаштирган ҳолда, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичларни таълим хизматлари бўйича алоҳида ва тадбир-корлик фаолияти бўйича ҳам алоҳида ифодалаш лозим деган хулосага келинди. Буларнинг номлари ва аниқланиш йўллари қуйидаги жадвалда келтирилган (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими⁷⁶

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Аниқланиш йўллари	Нимани ифодаланиши
Таълим хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.	Таълим хизматлари рентабеллиги (Тхр)	$T_{xp} = \frac{T_{xf} \cdot 100}{T_{xx}}$ Бунда Тхф-таълим хизматларидан олинган фойда; Тхх-таълим хизматларига қилинган харажатлар	100 сўм таълим хизматларига кетган харажатларга қанча фойда тўғри келишини
2.	Таълим хизматларини кўрсатувчи ходимлар	$T_{ms} = \frac{T_{xt}}{T_{xbx}}$ Бунда Тхт-таълим хиз-	Таълим хизматларини кўрсатувчи бир нафар ходимга тўғри

⁷⁵ ISO-9000 – сифат бўйича халқаро стандарт талабларни белгилайди.

⁷⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

	меҳнати самарадорлиги (Тмс)	матларидан олинган тушум; Тхбх-таълим хизматлари билан банд бўлган ходимлар	келадиغان тушумни
3.	Таълим хизматлари ҳажмининг профессор-ўқитувчилар умумий сонига нисбати (Тхпў)	$Тхпў = \frac{Тхт}{Тхбх}$ Бунда Тхт-таълим хизматларидан олинган тушум; Тбпў-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони	Таълим хизматлари ҳажмининг бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиغان миқдорини
4.	Таълим хизматини кўрсатувчи ходимларнинг профессор-ўқитувчиларни камраб олиш даражаси (Тхкд)	$Тхкд = \frac{Тхбх \cdot 100}{Тхпў}$ Бунда: Тхбх-таълим хизматларида банд бўлган ходимлар сони; Тхпў-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони	Умумий профессор-ўқитувчиларнинг неча фоизи таълим хизматини кўрсатувчи ходимларни ташкил қилишини
Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.	Таълим соҳасида тадбиркорлик фаолияти рентабеллиги (Тфр)	$Тфр = \frac{Таф \cdot 100}{Тфх}$ Бунда Таф-тадбиркорликдан олинган фойда; Тфх-тадбиркорликка қилинган харажатлар	100 сўм тадбиркорлик фаолиятига кетган харажатларга қанча фойда тўғри келишини
2.	Таълим соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнати самарадорлиги (Тфхс)	$Тфхс = \frac{Тхт}{Тхбх}$ Бунда Тхт-тадбиркорликдан олинган тушум; Тхбх-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони	Таълим соҳасида банд бўлган бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиغان тадбиркорликдан олинадиغان тушум
3.	Тадбиркорлик билан шугullanувчи ходимларнинг профессор-ўқитувчиларни камраб олиш даражаси (Тфкд)	$Тфкд = \frac{Тфбх \cdot 100}{Тхбх}$ Бунда Тфбх-тадбиркорликда банд бўлган ходимлар сони; Тхбх-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони	Умумий профессор-ўқитувчиларнинг неча фоизи тадбиркорлик билан билан шугullanувчи ходимларни ташкил қилишини

Олий ўқув юртларининг рақобат устунлигини шакл-лангиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш муаммони ечимини тўлиқ бермайди. Бунда, авваламбор, баҳолаш мақсади ҳақидаги тушунчани ўзгартириш ва жами қабул қилинаётган ва топилаётган кўрсаткичлар бўйича асосларни ишлаб чиқиш ва далилларга асосланган танлов ўтказиш ва барча сабаб-оқибат алоқасини тадқиқ этишга имкон берувчи кўрсатилган омилларни баҳолашни тақозо этади. Шу боис, натижаларнинг ишончлилиги, объективлиги, оптималлиги, даврийлиги ва шаффофлигини баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар адекват бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарув ҳисобини юритиш (режалаштириш, мониторинг, назорат, фарқни аниқлаш) учун ахборот олишга имкон бериши шарт. Самарадорлик кўрсаткичлари тизими, бир томондан, олий ўқув юртини мақсад ва вазифасини тўлиқ қамраб олиши, иккинчи томондан, баланс бериши ҳамда амалий жиҳатдан жорий этиладиган (кенг маънода ахборот берадиган, статистик маълумотлар билан таъминланган) бўлиши зарур.

Олий ўқув юрти тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантиришнинг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш олий ўқув юртини бошқариш даражаси сифати ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

Шунингдек, олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги улар томонидан қилинадиган харажатлар ҳамда олинадиган даромадларга ҳам боғлиқ. Чунки, олий ўқув юртларида тушум қуйидаги икки йўналишдан ҳосил бўлади:

- 1) бюджет маблағлари;
- 2) бюджетдан ташқари маблағлар.

Бирок, уни сарфлашда ўзига хос қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш керак:

1. Бюджет маблағларини сарф қилишнинг асосий принципи уларнинг маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва вақт бўйича қаттиқ тартибга солинганлигидир. Олий ўқув юртлари бюджет пул маблағларидан сметада кўзда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Олий ўқув юрти сметасининг бюджет

харажатлари уларнинг ёпиқ рўйхатини ўз ичига олиб, таркибига қуйидагилар киради: ходимларнинг иш ҳақи; бюджетдан ташқари жамғармаларга бадаллар; аҳолига трансфертлар (пенсия, стипендия, нафақа, компенсация ва бошқа ижтимоий тўловлар); хизмат сафари харажатлари ва бошқа компенсацион тўловлар; сотиб олинishi керак бўлган товарлар, бажарилиши лозим бўлган ишлар ва кўрсатилажак хизматларга ҳақ тўлаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, харажатлар сметаси олдиндан тузилади ва уни ўзгартириб бўлмайди. Бироқ, юқорида кўрсатилган харажатлар аниқ эҳтиёжни қондириш ўлчови сифатида пул маблағларининг маълум суммасида ифодаланган харажатлар (бюджет) нормаси асосида амалга оширилади. Амалиётда пулли нормаларнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади⁷⁷:

- моддий бойликлардан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичларига асосланган нормалар (овқатланиш, техник жиҳозлар сотиб олиш, юмшоқ инвентарлар ва ҳ.к.лар харажатлари нормаси). Бундай нормалар моддий нормаларнинг пулдаги ифодасини намоён этади;

- умумлаштирилган якка тартибдаги тўловлар – иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва бошқалар;

- ўтган даврларда маблағларнинг сарфланиш кўрсаткичларини умумлаштириш асосида тажриба-статистика усули ёрдамида ва бюджетнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келтирилган нормалар.

Бюджет нормалари жуда кўп омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, баҳо ва тарифлар тизимининг ўзгариши, миллий ҳўжаликда иш ҳақининг ўсиши, олий ўқув юрти харажатларини молиялаштириш бўйича қўшимча имкониятларнинг пайдо бўлиши ана шулар жумласидандир.

Умуминсоний кадриятлар ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, замонавий маданият, иқтисод, фан, техника ҳамда жамиятнинг ривожланиш истиқболини эътиборга олган ҳолда таълим соҳасида олиб борилаётган аниқ мақсадларга йўналтирилган давлат сиёсати кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартлари бўлиб ҳисобланади.

⁷⁷ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати: –Т.: “Akademnashr”, 2011, 76

Бугун таълим инсон учун янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Айниқса, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун меҳнат бозори талабларига тез мослаша оладиган олий таълим тизимини йўлга қўйиш ва доимо ривожлантириб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидланганидек: “Таълим тизимининг кейинги босқичи – олий таълим соҳасида ҳам салмоқли ислохотлар олиб борилмоқда... Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз...”⁷⁸

Шу боис, барча ислохотлар негизида таълим тизимини модернизация қилиш, инновацион дастурларни амалга ошириш, халқаро миқёсда тан олинган сифат менежменти талаблари даражасига олиб чиқиш вазифаси туради.

Маълумки, Давлат бюджетидан молиялаштириш олий таълим муассасалари жорий фаолиятини давлат бюджетидан маблағ билан таъминлашдир. Мамлакатимизда бу маблағлар асосан Вазирлар Маҳкамасининг 414-қарорига биноан I гуруҳ (талабалар стипендиялари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар), II гуруҳ (ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан бошқа ажратмалар) ва IV гуруҳ (бошқа жорий харажатлар)ни молиялаштириш учун ажратилмоқда.

Бюджетдан молиялаштирилувчи муассасалар фаолиятини ҳам бозор талабларига мос равишда ташкил қилиш, молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топиш бозор иқти-содиётининг асосий талабларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан 1999 йил 3 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида бюджет ташкилотларида молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари белгиланди

⁷⁸ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Т: “Ўзбекистон”, 8 декабрь 2018 йил.

ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Бюджет ташкилотлари ушбу меъёрлар асосида қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларни, яъни:

- тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағларни;

- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумларни;

- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағ-лари;

- бошқа бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш тартиби амал қилмоқда.⁷⁹

Бироқ, шуни қайд этиш керакки, олий ўқув юртини молиялаштириш – бу даромад бўлмасдан, фақат ташкилотнинг харажатлари ҳажми ва уларнинг мақсадли йўналтирилганига тенг бўлган маблағларнинг тушумидан иборат. Шу боис, смета даромадлар қисмига эга эмас.

Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи олимлар Маликов Т.С., Жалилов П.Т. лар таълимни молиялаштиришнинг айрим жиҳатлари бўйича билдирган қуйидаги фикрлари эътиборга лойик: “Сметада илм-фанни молиялаштириш бюджет харажатларининг мустақил гуруҳи ҳисобланади. Улар учун бюджетдан маблағлар энг муҳим истикболли назарий изланишлар ва умумдавлат мақсадли илмий-техникавий дастурлар бўйича йўналтирилади. Ана шу мақсадлар учун маблағлар бевосита илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан шуғулланувчи Фанлар академияси, тармоқ академиялари, олий ўқув юртлари, архивлар ва бошқа ташкилотларга ажратилади. Хуллас, илм-фан тараққиётини ҳам бюджет сиёсатисиз тасаввур этиб бўлмайди”⁸⁰. Бироқ, бизнингча, олий ўқув юртларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Улар ҳам таълим муассасасида сметадан ташқари харажатларни қоплашда муҳим ўрин тутати.

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини таҳомиллаштириш тўғрисида. 414-сон. 1999 йил 3 сентябрда. www.lex.uz

⁸⁰ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – соғлиқ сиёсати. –Т.: “Akademnashr”, 2011 й., 78-79-б.

Республикаимизда 1997 йилда бошланган мавжуд таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни жалб этмасдан олий мактаб фаолиятини тубдан ўзгартирмай туриб мантиқий яқунига етказиб бўлмайди. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда, кадрлар тайёрлашдан самарага эришишда таълимни такомиллаштиришни маблағ билан таъминламай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида давлат томонидан олий таълимни моддий қўллаб-қувватлаш ўқув юр்தларининг ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий хизматлар кўрсатишлари ва уставга мувофиқ бошқа фаолиятлар ҳисобига ўқув юр்தлари даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Булар замонавий техника воситалари, жиҳозлар, янги технологияларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди, улар мустақиллигини оширади, фаннинг таълим билан уйғунлашувининг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради ва оқибат натижада олий таълим тизимида янги куч бахш этади.

Таъкидлаш зарурки, «олий ўқув юр்தларининг тадбиркорлик фаолияти» тушунчаси билан бир қаторда кўп ҳолларда қўлланувчи «олий ўқув юр்தлари бюджетдан ташқари фаолияти» тушунчаси ҳам мавжуд. Бироқ, шу ҳолда тадқиқотчилар томонидан «олий ўқув юр்தларининг тадбиркорлик ва нобюджет фаолиятини бир хил фаолият» деб берилган таърифини учратмаймиз. Бу тушунчаларни ҳар хил тушуниш ўрганилаётган жараёнлар моҳиятини яқдиллик билан идрок этилишини таъминлай олмайди ва олий ўқув юр்தлари тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқаруви муаммолари таҳлилга ноаниқликлар киритади.

Бизнинг фикримизча, бюджетдан ташқари фаолият деб олий ўқув юр்தларининг молиялаштириш манбаи давлат бюджетининг манбаси бўлмаган қонуний фаолиятни тушуниш лозим. Бундай фаолиятга масалан, қисман талабаларни пуллик-контракт тизими асосида тайёрлаш, тайёрлов курслари ва ҳар хил семинарлар ташкил этиш, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш, фойдаланилмаётган мулкни юкарага бериш, таълим муассасаси бўлинмалари томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, васийлик, ҳомийлик ва хайрия

маблағларини жалб этиш бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган фаолият ва бошқалар киради.

Тадбиркорлик фаолияти деб эса, олий ўқув юртларининг мустақил ташаббусли, таваккалчилик хавфига эга бўлган, ҳуқуқий доирада даромад олиш билан боғлиқ бўлган, пул оқимларининг маълум айланиш жараёнига эга бўлган ва солиққа тортилишини режалаштириш зарур бўлган фаолият тушунилади. Шундай қилиб, олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти фикримизча, бюджетдан ташқари фаолиятнинг бир қисми ҳисобланади ва у билан таққослаганда бироз торроқ тушунча ҳисобланади. Яъни, уларни тўлиқроқ ифода этадиган бўлсак, бюджетдан ташқари фаолиятнинг асосий турларини куйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин (5.4-расм).



5.4-расм. Бюджетдан ташқари фаолиятнинг асосий турлари ва уларнинг таркиби⁸¹

Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятининг тадқиқоти ушбу фаолиятни иқтисодиётга қандай таъсир қилишини илмий-

⁸¹ Муаллиф томонидан тузилди. Уларнинг алоҳида турлари иловада келтирилган.

назарий жиҳатдан асослаб беришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, ушбу таъсир қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

Иқтисодий таъсир. Тармоқ сезиларли даромадга эга бўлади, чунки таълим муассасасининг мавжудлиги анчагина қўшимча молиявий ресурслар оқиб келишини таъминлайди. Бундан ташқари, талабалар ўз даромадининг кўп қисмини мазкур тармоқда сарф қилганлари учун бу жойда пул тушуми кўпаяди. Меҳнат бозорининг аҳволи юқори малакали мутахассислар сонининг ошиши томон ўзгаради, бу ўз навбатида, мазкур тармоқда уларнинг рақобатбардошлигини оширади ва уларга талабни кучайтиради. Демак, юқори малакали меҳнат билан боғлиқ иш ўринлари миқдори ҳам ошади. Ишлаб чиқариш тизимида ҳам илм талаб технологияларни яратувчи ва улардан фойдаланувчи ташкилот ва фирмалар кўпайиб, ўзгариш юзага келиши мумкин.

Демографик таъсир. Таълим муассасасининг мавжудлиги аҳоли сонини ва ҳаракатчанлигини оширади. Бундан ташқари, талабалар таркиби аҳоли таркиби(тузилиши)га ижобий таъсир ўтказди.

Ижтимоий таъсир. Тармоқда турмуш даражаси яхшиланади, аҳоли саводхонлигининг ўсиши эса жиноятчилик кўрсаткичи пасайишига олиб келади.

Маданий таъсир. Таълим муассасалари тармоқ маданий ва ахлоқий савияси ошишига сабаб бўлади ва маданий ҳаётни янада жонлантиради.

Шу билан бирга бир вақтда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳам таълим муассасаларига таъсир ўтказди, яъни таълим муассасалари жамият манфаатларини эътиборга олади, акс ҳолда, улар фақат талабаларни йўқотибгина қолмай, балки ўзининг турли фаолиятига бўлган буюртмалардан ҳам маҳрум бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, таълим муассасаларининг фаолияти жамият меҳнат бозори ва илмий технологиялар бозорини бевосита ўрганиш асосида қурилиши зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан таълим муассасалари молиявий сиёсатини белгилашда ва тижорат асосида ўз фаолиятини ташкил этишда катта эркинликларга эга бўлдилар. Улар бозорда бугун таклиф этишлари мумкин бўлган хизматларни ўзлари мустақил белгилайдилар. Мазкур хизматларнинг нархи ва сифати оқилоналиги таълим муассасалари самарали фаолият кўрсатишига,

унинг обрўсига ва оқибат натижада, иқтисодий муваффақиятига бевосита таъсир ўтказади. Шу билан бирга, олий мактаб фаолияти жамият ҳаётига, мамлакат иқтисодий ва сиёсий аҳволига биринчи даражали таъсир ўтказишига кўра, мазкур соҳа бевосита ҳамда қаттиқ давлат назорати остида туради. Бу, бир томондан, олий таълим стандартлари талабларига боғлиқ масалалар бўйича таълим муассасаларига қўйилган талабларда намоён бўлса, иккинчи томондан, таълим муассасалари тижорат фаолиятининг муайян тарзда чекланганлигида кўринади.

Таълим муассасаларининг молиявий ресурслари икки манбадан ташкил топади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига. Бироқ, таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги айнан бюджетдан ташқари маблағлар миқдориغا боғлиқ бўлади. Шу боис, бюджетдан ташқари маблағлар манбалари изохини келтирамиз (1-илова).

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олувчи ўқув юртларининг давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг ва йиғимларнинг барча туридан озод этиш ва бўшаган маблағларни ўқув юртларининг моддий-техника ҳамда ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш кўзда тутилган эди (2000 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга). Бироқ, бу тадбир ханузгача давом этиб келмоқда.

Олий таълим муассасаси ўзининг бюджетдан ташқари фаолияти натижасида олган маблағ (асосан, молиявий ресурслар)дан фойдаланишда айниқса, кенг эркинликка эгадир. Бу фаолиятнинг самаралилиги таълим муассасалари фаолияти учун мутлақо янги бўлган молиявий бошқариш билан бевосита боғлиқдир. Бу фаолият Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси томонидан бошқарилади. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича ва барча таълим тизими раҳбарларига аниқ тавсиялар ишлаб чиқади, вазирлик маъсул ходимлари иштирокида молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби хизмати бўйича таълим муассасалари проректорлари учун сайёр семинарлар ўтказади ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни

уйғунлаштириш, жалб этиш ва сарфлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

“Ҳозирги кунда иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида олий ўқув юртлирининг бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари таркибини кенгайтириши ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаб топишлари бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Олий таълим муассасаларига давлат томонидан бериб қўйилган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи уларга катта миқдордаги маблағларни жалб қилиш имкониятини беради. Чунки бу уларнинг берилган мулкдан тўлиқ бегоналашмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига катта имкониятлар яратади”.⁸²

Республикамизда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш икки босқичда – бакалаврият ва магистратурада амалга оширилади.

Магистратурадаги ўқув жараёнини ташкил этиш қўшимча молиялашни талаб қилувчи қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Гап шундаки, магистрантларнинг илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, касбий амалиёти асосан яқка тартибда олиб борилиши лозим, бу қўшимча маблағ талаб этади.

Бунинг барчаси қуйидагилар ҳисобига тақчилликни камайтирувчи молиялашнинг кўп йўналишли тизимини жалб этишни талаб қилади:

- молиялашнинг кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан маблағ ажратиш) тизимини жалб этиш;
- моддий қўллаб-қувватлашда донорлар ва хомийлар аҳамиятини ошириш;
- тадбиркорлик ва бошқа фаолият ҳисобидан ўқув юртлирининг даромадини оширишни таъминлаш;
- хусусий, шунингдек, чет эл инвестициясини рағбатлантириш ва жалб этиш.

⁸² А.Шеров. Олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш. <http://www.biznes-daily.uz/ru/bizexpert/46903>. №3(111)-2017

Юқоридаги чоралардан биринчиси – кўп жиҳатдан ички имкониятлардир. Улар ҳозир кенг ишга солинган ва даромадларнинг муҳим манбалари ҳисобланади ҳамда ўқув юрти барқарор ривожланишини таъминлайди. Кейингиси эса (хусусий ва чет эл инвестициясини жалб этиш) – ташқи имкониятдир. У молиялашда тақчилликни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга, аммо бу фаолият тури бўйича маблағларни жалб этиш алоҳида усул ва ёндашиш талаб қилади.

Шундай қилиб, иқтисодий ёндаш ривожлантириш шароитида таълим сиёсати асосий эътиборни ўқув юртларини молиялашнинг кўп йўналишли тизимига қаратиши лозим. У грантлар, илмий-тижорат, илмий-педагогик фаолият, ҳомийлик, контракт асосида ўқитиш, пулли таълим хизмати кўрсатиш тизимидир, хусусий капитал, чет эл инвестициясини жалб этиш ва ҳ.к.лардан иборатдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича таълим муассасалари фаолиятида унинг янги шакллари жорий этишни талаб этади. Улар таълим муассасаларига пул оқимларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

5.3. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишлари

Таълим тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш дастурининг асосий йўналишларидан бири унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури талабларидан келиб чиқиб, таълим тизимининг устувор йўналишларидан бири унинг сифати ва таълим олиш имкониятларини ошириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш саналади.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Қонунининг (29.08.1997 й.) 31-моддаси «Таълимни молиялаш» тўғрисида ёзилиб, унда давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши ҳамда мазкур қонуннинг 32-моддасида таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг,

шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрний бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сон Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 майдаги 266-ф-сон фармойишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида сифатли ва замонавий таълим хизматлари ва сервисни ривожланиш даражасини янада ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2007-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури» нинг ижросини таъминлаш тўғрисида буйруғи таълим муассасалари учун ҳукумат қарорининг ижро этишда муҳим кадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июлдаги 594-ф-сон фармойиши, олий таълим тизимида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, бюджетдан ташқари таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишдек муҳим бўлган вазифаларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб берди.

Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "...илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда "таълим ва тарбия бешиқдан бошланади" деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Шу йўлдаги муҳим амалий кадам сифатида болаларни мактабгача

таълим билан камраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказамиз. Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим. Хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарур. Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан камраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан камраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазифамиздир. Олий ўқув юртлири нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади. Олий таълим муассасаларига реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қабул квоталарини мустақил белгилаш тизимини жорий этиш керак. Бакалавриат йўналишида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятлари янада кенгайтирилади. Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу таклифлар юзасидан икки ой муддатда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни

фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишлан-малар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак”⁸³ деб таъкидлаганлар.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун катта имкониятлар мавжуд.

Олий ўқув юртларида таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласида мавжуд муаммоларни комплекс тарзда тадқиқ қилиш лозим. Чунки, унинг кўпгина назарий масалалари билан бирга, бугунги кунда муҳим амалий аҳамиятга молик муаммолари ҳам ҳал қилиниши лозимлигини талаб қилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиш бўлиб ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омилларини ўрганиб, уларнинг таъсирини кучайтириш масаласи ўта муҳимдир.

Таълим хизматлари ва тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалаларини ёритишнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллариини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишларини белгилаб беришни зарурият қилиб кўяди.

Олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки, тадбиркорлик масаласи бозор муносабатларининг асосий унсурларидан бўлишига қарамаздан, у турли соҳаларда турличадир. Бу ҳолат мазкур масалага ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб қилади. Ҳақиқатда, олий ўқув юртларида

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси. <http://uz.uz/22-12-2017>. -Т.: “Ўзбекистон”, Б.5

амалга ошириладиган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти бошқа тармоқларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. У оддий хизматдан ва тадбиркорликдан мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқ қилади. Шу туфайли ушбу масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Айнан ушбу муаммонинг кичик ечими, йўналиши сифатида дастлаб ўқув муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш, яъни, доимий равишда энг янги такомиллашган асосий воситалар, техникани сотиб олиш асосида тушум миқдорини кўпайтириш зарурият эканлигини олиб борилган илмий-тадқиқотлар ва тажрибаларимиз кўрсатмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгиланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида⁸⁴:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинishiни жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

– болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорт объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

– касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

– таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

– илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби масалаларга кенг эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарорига биноан: “Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиншини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мақсадида” юртимизда тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.⁸⁵

Мазкур қарорда таъкидланишича олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши қилинган харажатларни олинган даромадлари билан қоплашини англатади. Демак, бюджетдан молиялаштириш қисқаради ёки кескин камаяди. Бундай шароитда бюджет ташкилотлари таълим жараёнига хизмат қилаётган асосий воситаларга капитал қўйилмаларни ҳозирги

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <http://lex.uz/docs/4380357>. 19.06.2019 й., 07/19/4359/3309-сон

вакtdагидек давлат бюджетининг харажатлар сметасидаги III гуруҳ харажатлари кўринишида вазирликдан марказлаштирилган ҳолда молиялаштирилмайди, яъни асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш харажатлари таълим хизматлари қийматига киритилиши талаб этилади. Ўз навбатида, таълим муассасаси асосий воситаларга амортизация ҳисоблаши ва уни хизматлар таннархига қўшиб, смета ҳужжатида алоҳида харажат моддаси сифатида акс эттириши лозим.

Таълим муассасасини асосий воситалар билан етарли даражада таъминлаш авваламбор, ҳар томонлама ўзининг моддий-техника базасини ҳолати чуқур таҳлил қилиниши керак; техник воситалар, мебеллар, ўқув ускуналарига талабни қондириш бўйича бозордаги баҳолар ўрганиб чиқилиши зарур; таълим муассасасини бюджетдан молиялаштириш параметрлари ва ўзининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда моддий-техник таъминотини такомиллаштириш бўйича истиқболли режа ишлаб чиқилиши лозим.

Бундан ташқари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўқув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва асосий воситалардан самарали фойдаланиш албатта уларни эскириш меъёрларини эътиборга олган ҳолда амалга оширишни тақозо қилади. Ҳозирги кунда ушбу меъёр асосий воситаларга 5; 8; 10; 15 ва 20%ни ташкил этади. Шу боис, амортизация меъёрларини ҳар бир асосий восита учун индивидуал равишда аниқлаш ва ўрнатишни тақлиф этамиз. Бунинг сабаби, ҳозирги пайтда асосий воситалар хизмат муддатини ўтаб бўлганлигига қарамасдан, уларнинг баланс қиймати қопланмай қолмоқда ва уларни тугатишдан ташкилотлар зарар кўрмоқда. Амалиётдаги яна бир муҳим масалалардан бири асосий воситаларнинг баланс қиймати қопланганлигига ыарамасдан, уларнинг хизмат муддати тугамаган ҳолатлар ҳам мавжудлигини эътироф этишимиз зарур.

Таълим тизимининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва модернизация қилишда дастлаб интернет тармоғи ресурсларидан кенг фойдаланилган ҳолда таълим муассасасида замонавий технологияларни қўллашга йўналтириш, уни ахборот билан таъминлашни амалга ошириш зарурдир. Чунки, ушбу жиҳатлар таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, таълим хизматлари бозори бошқа бозор турларидан фарқли равишда ўзига хос қуйидаги жиҳатларга эга:

– таълим хизматлари бозорида жуда кўп сонли олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб – биринчидан, улар ўз хизмат ва маҳсулотларини сотувчиларнинг бозордаги умумий хизмат ва маҳсулотларга бўлган талабини қайсидир маънода кичик ҳажмда қондиришса, иккинчидан, уларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан манфаатдор бўлган кўп сонли истеъмолчиларнинг талабларини бажаришга эришилади;

– олий таълим муассасалари – ўз хизмат ва маҳсулотларини сотувчилар ўзларининг рақобатчиларига ўз хизматларини қандай танлаш ва ўз хизматларига баҳо ўрнатиш масаласига етарли даражада эътибор қаратишмайди;

– таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозори ўзларининг истеъмолчиларини, уларнинг жойлашган жойини, сонини ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда талабларини аниқ англаб олишмаган;

– олий таълим муассасалари ўз тадбиркорлик фаолиятларини юритишда, мутахассисларни тайёрлаш, илмий-тадқиқотларни бажариш, шартномаларни имзолаш, буюртмаларни қабул қилиш ва бажариш, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишдаги ҳуқуқларга қўшимча аниқликлар киритиш лозим.

Юқоридагилар таълим хизматлари бозорини монопол рақобат бозори сифатида маркетинг хусусиятларига эга моҳияти жиҳатидан тавсифлашга имкон беради. Жумладан, олий таълим муассасаси номининг машҳурлиги, имиджининг юқорилиги, “ўз” харидорларини ишончига кириш, эгаллаш учун фаол равишда реклама қилиш катта харажатлар талаб қилади.

Бундан ташқари, таълим хизматлари ичида масофавий таълим олиш шакли ўзига хос хусусиятга эгаллиги билан тавсифланади. Чунки, унда олий таълим муассасалар маркетинг сиёсатини юргизишда фарқлар мавжуд.

Масофавий таълим — бу, муайян соҳада мутахассислар тайёрлаш тизимидаги барча фанларни комплекс тарзда масофавий ўқитишга асосланган, бироқ, комплекс доирасида ўқиш жараёни учун қатъий белгиланган жой ва вақт мезони шартли ўрнатилмаган таълим шаклидир.⁸⁶

⁸⁶ Атабашева К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари Мамба: Молодой ученый. - 2017. - №24.1. - С. 5-7. - URL: <https://moluch.ru/archive/158/44573/> (дата обращения: 18.08.2019).

Таъкидлаш жоизки, масофавий таълим олиш шаклида таълим олган битирувчиларга талаб юқори бўлиш масаласи унчалик аҳамиятли эмас, чунки, иш берувчи ўзининг фаолиятини келажақдаги мутахассисга қараб мўлжаллайди. Сабаби, масофавий таълим олиш тизимининг мақсади таълим хизматларига бўлган истиқболли бозор талабини қондиришдан иборатдир. Бундан ташқари, бундай таълим жараёнида жорий ёки кутилаётган профессионал ўзгаришларга мувофиқ олинадиган мутахассисликка янада аниқроқ тўғрилашлар киритиш мумкин бўлади. Моҳият жиҳатидан таълимнинг айнан масофавий ўқитиш шакли меҳнат бозоридаги мувозанатни сақловчи механизм бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу шаклда биринчидан ишчи ўринларининг миқдори ва тузилиши ўртасидаги мувофиқлик аниқланса, иккинчидан ишчиларнинг профессионал таркиби ва сони ўртасидаги нисбат аниқланади.

Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган деб ҳисобланади. Аммо масофадан ўқитиш анча олдинроқ, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетида барча хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига рухсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Очиқ университетлардаги ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишга қараганда 8–10 марта арзон. М: Англияда турғун ўқишга 3000, масофавий ўқитиш орқали билим олишга эса атига 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради. Таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатлар берилади. Англияда ўқувчиларни тайёрлаш дастури 130 та курсни ўз ичига қамраб олади, уларнинг кўплари фанлараро боғланиш хусусиятига эга.

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди.

Ўқитишнинг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди. Таълим жараёни кичик тизимлардан иборат, яъни ўқитиш мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари, назорат, ўқув-моддий, молиявий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва маркетинг каби элементларни қамраб олган ўзига хос педагогик тизимда кечади.⁸⁷

МДХ давлатлари таърибасининг гувоҳлик беришича, масофавий таълим олишга бўлган талабнинг ошиб бораётганлигини (масофавий таълим олиш шаклида таълим олаётган талабаларнинг умумий улуши 1993/94 ўқув йилида 36,4%дан 2005/06 ўқув йилида 50,3%гача, 2008/09 ўқув йилида 57,6%гача ошганлигини кўришимиз мумкин.⁸⁸ Бу рақамлар 2018 йилда Россия Федерациясида кундузги таълим олувчилар нисбатан сиртқи ва масофадан туриб таълим олувчилар 72,7 %ни ташкил этганлиги юқоридаги фикрларнинг тасдиғини кўрсатади.⁸⁹

Шу боис, унинг устун томонларини, хусусиятларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин бўлади:

- ишлаб чиқаришда бандлиги, молиявий ҳолати, ёшининг катталиги, оилавий шароитига кўра анъанавий кундузги таълим шаклида ўқишга имконияти йўқ инсонларни олий таълим олишига “ижтимоий қўшилишини” таъминлаш;

- иш ва ўқишнинг уйғунлиқда олиб бориш ҳисобига вақти ва пулини тежайдиган таълимнинг иқтисодий самарали шаклини қўллаш;

- паст ва ўрта даромад олувчи шахсларга олий таълим олишига имкониятни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда профессионал компетентлик даражасини кўтариш;

⁸⁷ Атабасва К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари Манба: Молодой ученый - 2017 - №24.1. - С. 5-7. - URL <https://moluch.ru/archive/158/44573/> (дата обращения: 18.08.2019).

⁸⁸ РФ йиллик статистик журнали 2009 й. М.: 2009й

⁸⁹ Российский статистический ежегодник. 2018. Стат.сб./Росстат. – Р76. – Табл.7.28. –М., 2018 – 694 с.


– катта ёшлилар (35-50 ёш) учун (барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича) биринчи ва иккинчи олий таълим олиш имкониятини яратиш;

– бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш концепциясини амалга ошириш.

Замонавий масофавий таълим – бу интеграллашган модель бўлиб, кундузги таълим олиш шаклидан анча кўп устунликларга эга шаклдир (5.5-расм).

Бироқ, масофавий таълим олиш шакли ҳам қатор камчиликлардан ҳоли эмаслигини таъкидлаш жоиз. Булар жумласига:

- ўқув жараёнининг ёпиқлиги (дискретлиги);
- ўқитувчилар ва талабалар ўртасида жонли қайтар алоқа усулининг мавжуд эмаслиги;



5.5-расм. Кундузги ва масофавий таълим шаклларининг қиёсий таҳлили⁹⁰

– электрон ахборот ресурсига киришнинг қийин кечиши, бунда, олий таълим муассасаси интернет тармоғи ва сервер тизимининг доимий равишда сифатли ишлаб турмаслиги ёки унинг тезлигининг пастлиги;

⁹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

— олинган билимларни ўзлаштириш жараёни назоратининг пастлиги ва ҳ.к.лар.

Бироқ, бизнинг фикримизча, масофавий таълим шаклидаги камчиликларни инновацион таълим технологияларини қўллаш орқали бартараф этиш мумкин.

Масофавий таълим шакли келажакда кундузги шаклдаги таълимнинг рақобатчисидир. Демак, масофавий таълим шаклининг рақобатбардошлигини ошириш учун таълим муассасаларида комплекс маркетинг услубияти билан яқиндан танишиб чиқиш лозим. Чунки, ишни дастлаб таълим хизматлари бозори маркетинг тадқиқотини ўтказишдан бошлашга тўғри келади, бунда бозор конъюнктураси, таълим хизматлари бозорини истёъмолчилари ўрганилади.

Маркетинг тадқиқотларини фақат аниқ мақсадга йўналтирилганлик, комплекслилик, тизимлилик тамойилларига тўлиқ амал қилган ҳолда бозор конъюнктурасини ўрганиш ишнинг самарасини оширади.


Таълим хизматлари бозорида йўналиш ва мутахассисликларга бўлган талабнинг ҳажмига таъсир этувчи турли омиллар тўғрисидаги ҳақиқий статистик ахборотнинг тўпланиши бунда мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлар эътиборга олинishi зарур.

Бироқ, меҳнат бозорида талабнинг таркибий тузилиши авваламбор, мутахассисларни тайёрлаш таркибий тузилиши билан аниқланади. Бу вақтда таълим хизматлари бозорида олий ўқув юртларининг таклифлари замонавий меҳнат бозори талабларига боғлиқ бўлади.

Таълим хизматлари бозорида иқтисодий олий ўқув юртларининг таклифларининг таркибий тузилиши билан меҳнат бозоридаги талабнинг таркибий тузилиши ўртасидаги ўзаро мувофиқлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, масофавий таълим берувчи мамлакатда йирик ҳисобланган олий ўқув юртида талаб ва таклифнинг баланси таъминланадики, бу унга масофавий таълим бозорида рақобатли устунликка эга бўлишга имкон беради.

Олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятининг натижасини «асосий ходимларнинг ички ташкилий тартиби (ҳаракати)» тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш ва тадбиркорликда фаолликнинг ўрнига ойдинлик киритиш орқали олий таълим муассасаси фаолиятининг оралиқ ва якуний натижаларини шакллантириш жараёнида профессор-ўқитувчилар таркибининг ички таш-

килий тартиби (ҳаракати)нинг омили сифатида асослаш муҳимдир (5.6-расм).



5.6-расм. Турли географик минтақаларда жойлашган таълим жараёни иштирокчилари томонидан масофавий таълимда қўлланиладиган усуллар⁹¹

Масофавий таълим турли географик минтақаларда жойлашган ўқитувчи ва талабани боғловчи жараён бўлиб, ўзаро алоқалар махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади.

Дунё мамлакатларида масофавий таълимни жорий қилишдан тушадиган даромадларнинг ўсиши динамикасини куйидаги рақамларда ифодалаш мумкин (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Дунё мамлакатларида масофавий таълимни жорий қилишдан тушадиган даромадларнинг ўсиши динамикаси⁹²

т.р.	Йиллар	Ўлчов бирлиги	Даромадлар салмоғи
1.	2003	млрд.	9,0
2.	2005	млрд.	33,6
3.	2010	млрд.	52,6
4.	2011	млрд.	120
5.	2020	млрд.	215
6.	2025	трлн.	2,3

⁹¹ Атабаева К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари Манба: Молодой ученый. - 2017. - №24.1. - С. 5-7. - URL <https://moluch.ru/archive/158/44573/> (дата обращения: 18.08.2019).

⁹² Манба: Мамасоатов Д. Олий таълимда масофавий таълимнинг аҳамияти. -Т.: "Biznes - эксперт" №6(114). 2017

Олий таълим тизимида ўқитишнинг масофавий таълим шаклини қўллаш заруриятини 2018-19 ўқув йилида Республикамизда 87 165 та талаба қабул қилиш учун квота жойлари ажратилган бўлса, 2019-20 ўқув йили учун 110095та талабаларни қабул қилиш режалаштирилган яъни қабул квоталари 126,3%га ошганлиги,⁹³ шунингдек, сиртки ва кечки таълимнинг очилиши таълим муассасаларининг илмий-педагогик ва моддий техника таъминотини тубдан янгилашни талаб этади.⁹⁴ Бу эса молиявий маблағларни ва вақт менежментини талаб этади. Шу ўринда мазкур муаммонинг ечими сифатида масофавий таълимининг роли, аҳамияти ва долзарблиги янада ошади. Иқтисодчи олим Д. Мамасоатовнинг эътирофи этишича: “Республикада масофавий таълим тизими шакли жорий этилса:

- давлат бюджети маблағлари тежаллади;
- тингловчиларнинг ихтиёрий вақтда (ишдан ажралмаган ҳолда) мустақил ўқиши таъминланади;
- жисмонан имконияти чегараланган ёшларга билим олиш;
- болалик талаба-аёлларимизга ўқишни давом эттириш;
- ота-оналарга оилада ўз болаларининг таълим-тарбиясига кўмак бериш;
- битирувчи ёшларнинг қўп қисмини олий маълумотли қилишга имконият яратилади.
- “бугун умр ўқиш” ғояси амалиётга татбиқ этилади;
- ахборот технологиялари ашёлари ва воситалари, Интернет технологиялари ҳамда мавжуд видеоанжуман хоналаридан ўқув жараёниларида унумли фойдаланилишга эришилади.”⁹⁵

Бугунги кунда кўплаб олий ўқув юр்தларининг пировард мақсади мижозларга мўлжалланган таълим хизматини кўрсатиш жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида қарашни тақозо этади. Бундай ёндашув ходимлар томонидан махсус ички ташкилий тартиб (ҳаракат)ни намойиш этишини талаб этади, яъни улар томонидан олий ўқув юрти фаолиятининг ижтимоий аҳамияти ва рейтингини ошириш зарурлиги талаб этилади. Бу босқичда бевосита таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <http://lex.uz/docs/4380357>. 19.06.2019 й., 07/19/4359/3309-сон.

⁹⁴ Бюджет-2019. Фуқаролар учун бюджет. https://www.mf.uz/media/file/press/budget_2019_uzb.pdf

⁹⁵ Мамасоатов Д. Олий таълимда масофавий таълимнинг аҳамияти. -Т.//“Biznes - эксперт” №6 (114)-2017

асосий ходимлар – профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Назарий жиҳатдан олий ўқув юртлирида тадбиркорлик «ички-ташкилий тартиб (ҳаракат)и» энг камида икки хил ёндашувни умумлаштиришдан яъни бихевиористика ⁹⁶ ва ижтимоий ҳаракатни умумлаштирилишини талаб этади.

Умуман ички-ташкилий тартиб (ҳаракат) муассаса ходимининг унинг мақсади ва вазифаларини ҳал этиш, таъминлаш ва унга хизмат қилишга йўналтирилган ваколатли ҳаракатлари ва мақсадга мувофиқ равишдаги алоқаларининг тартибга келтирилган умумийлиги билан тавсифланади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик олий ўқув юртининг профессор-ўқувчилари тартибининг ички ташкилий тартиби (ҳаракати)нинг мазмунини аниқлаш учун энг аввало, таълим муассасасининг ижтимоий аҳамияти ва фойдалилигини акс эттирувчи стратегик мақсадлари ва вазифаларни аниқлаштириб олиш зарур.

Тадбиркор олий ўқув юртининг стратегик мақсадлари ва вазифаларини акс эттирувчи миждозга йўналтирилганлик ҳолати олий ўқув юрти ходимларини манфаатдор шахс сифатида баҳолашга имкон беради.

Ўтказилган таҳлиллар «натиджа» тушунчасининг моҳиятини тадбиркор олий ўқув юртига нисбатан ва шундай натиждани оралиқ ва якуний даражалардан иборат бўлган тузилмасини аниқлашга имкон яратади. «Тадбиркор олий ўқув юртининг оралиқ натиждаси» деб – бизнинг фикримизча, олий ўқув юртини жамиятнинг сифатли таълим хизматини ҳисобга олган ҳолда мақсадларга эришини таъминлай олувчи тадбиркорлик фаолияти даромади тушунилади, «тадбиркор олий ўқув юртининг жамият учун аҳамиятли якуний натиждаси» сифатида эса - ижтимоий жиҳатдан масъул бўлган олий ўқув юртининг қўйилган мақсадларига эришини тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркор олий ўқув юрти асосий ходимларининг ички-ташкилий тартиби(ҳаракати)ни ўқитувчиларнинг олий ўқув юртининг натижаларини яхшилашга қаратилган корпоратив маданияти, ваколатлари ва эҳтиёжлари билан белгиланувчи якка тартибли ва жамоавий ҳаракатлари мажмуаси сифатида тушуниш тавсия этилди.

⁹⁶ Бихевиористика-хулқ-атвори табиий ва суъий шароитларда синаб кўриш усулидир.
<http://ru.wikipedia.org/wiki/Бихевиоризм>

Диссертация тадқиқоти давомида олинган хулосалар Дж.В.Ньюстром ва К.Дэвисларнинг ички-ташкилий ҳатти-ҳаракат моделлари концепциясини тадбиркорлик ҳатти-ҳаракат модели билан тўлдиришга имкон яратади⁹⁷.

Тадбиркорлик ҳатти-ҳаракати – бу бошқарув объекти, яъни ўқитувчи, кафедранинг ҳатти-ҳаракатида акс этади, чунки ушбу ҳолат олий ўқув юрти тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ходимларнинг тадбиркор сифатидаги ҳатти-ҳаракатлари, албатта тадбиркорнинг корпоратив маданияти билан боғлиқдир.

Тадбиркорнинг корпоратив маданияти тадбиркор ташкilot-даги ҳатти-ҳаракатнинг асосий мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади. У тадбиркор олий ўқув юртларида талабалар ва ўқитувчиларнинг тадбиркорлик борасидаги ваколатларини шакллантиришнинг зарур шартидир.

Тадқиқотларимиз, ҳар қандай олий ўқув юрти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлигини, аммо ҳар қандай олий ўқув юрти тадбиркор бўла олмаслигини кўрсатди. Чунки, бунинг учун ходимларнинг махсус тадбиркорлик ҳатти-ҳаракатини шакллантириш зарур.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг давлат таълим тизими кўп йиллик тарихга эга. Таълим ижтимоий жараёнларга кучли ижобий таъсир кўрсатади, яъни яхши таълим олган инсон конунга буйсунувчи, унинг ўзи соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришга қодир бўлади ҳамда жамиятдаги ўзгаришларга осон мослашади. Таълимнинг ривожланиши учун авваламбор кучли меъёрий-ҳуқуқий асос ва молиявий соҳада барқарор давлат сиеъати зарур бўлади. Бунда, турли тизимдаги ислохотлар шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларида ва ижтимоий ҳаётда мамлакатнинг таълим тизими ўзини-ўзи динамик модернизация қилиши ва ислохотларни амалга ошириши лозим. Бироқ, мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизациялаш давлат лойиҳасига киритилганидан сўнггина рўёбга чиқмоқда.

Агар таълим тизимини молиялаштиришнинг жаҳон амалиётига назар ташласак, таълим тизимидаги бюджет харажат-

⁹⁷ Ньюстром, Дж.В.; Дэвис, К. Организационное поведение. Серия: Теория и практика менеджмента. Издательство: СПб: "Питер", 2000. 448 с.

ларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Россияга нисбатан ривожланган Ғарб мамлакатларида 2-2,5 марта кўп эканлигини гувоҳи бўламиз. АҚШда эса мактаб ва олий ўқув юртларига қилинган харажатлар 2014 йилда 635 млрд. долл.ни, ЯИМдаги улуши эса 5,4%ни ташкил этган. Шунингдек, улардан қарийб ярмидан ортиғи мамлакатда фундаментал тадқиқотли лойиҳаларда иштирок этувчи олий таълим муассасалари ҳисобига бу ажратилган маблағларнинг 40%и тўғри келади (5.3-жадвал).

5.3-жадвал

Ривожланган давлатларда бюджетдан таълимга ажратилган харажатларнинг ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)даги улуши, %да йиллар бўйича

№	Мамлакат-лар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Канада	8,6	7,3	-	4,8	-	7,2	7,3	7,9
2.	АҚШ	7,5	6,7	6,4	5,4	7,20	7,3	7,1	7,4
3.	Германия	3,5	4,7	3,97*	4,6	3,46*	4,77*	3,35*	4,7****
4.	Буюк Британия	5,2	5,6	4,90**	5,6	4,92**	5,33**	5,12**	5,5****
5.	Швеция	7,9	7,0	-	7,3	-	6,7	6,97***	8,0****
6.	Франция	4,8	5,0	5,76**	5,9	5,43**	6,06**	6,24**	5,9****
7.	МДХ давлат-лари: Россия Федерацияси	6,8	7,3	-	4,1	-	3,6	-	4,1

* OECD Education, Statistics. Education at a Glance 2001 - List of indicators. Table B2.1a Expenditure on educational institutions relative to GDP. <http://www.oecd.org>. БМТ маълумотлари: Educational expenditures of government, total, as percentage of GNP. - <http://unstats.un.org>.

** БМТ маълумотлари: Educational expenditures of government, total, as percentage of GNP. - <http://unstats.un.org>.

***International Standard Classification of Education (ISCED) http://www.uis.unesco.org/TEMPLATE/pdf/isced/ISCED_A.pdf

**** Рейтинг стран мира по уровню расходов на образование / Expenditure on Education_2018 <https://gtmarket.ru/ratings/expenditure-on-education/info>

Бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг етишмаслиги таълим сифатини пасайишининг муҳим омили сифатида қаралади ва у қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи, маошлари сумма-ларининг кичиклиги (камлиги), ишлаётган педагог-ўқитувчилар ёшининг ўтиши (қариши) ёки уларнинг ўрнига ёш истеъдодли ва

иқтидорли ўқитувчиларнинг жалб қилишда муаммолар пайдо бўлиши;

- эскирган (ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган), кучсиз моддий-техник база;

- коммунал хизматлар, жорий ва капитал таъмирлаш харажатларини қоплашга молиялаштиришнинг етарли эмаслиги;

- таълим олаётганларга - стипендиялар миқдорининг камлиги ва ижтимоий-моддий ёрдамнинг йўқлиги ва ҳ.к.лар.

Ўқитувчи ўзининг меҳнати учун етарли (яхшигина) иш ҳақи олиши керак, таълим муасасасида ўқиётганлар учун эса максимал даражада билим олишлари учун оптимал ва қулай шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур.

Мазкур масалаларни тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди.

1. Мамлакат олий таълим тизимини молиялаштириш тенденцияларини таҳлил қилиш, олий мактабни тўлиқ меъёрга фаолият олиб бориши ва ривожланиши учун ҳозирги кунда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси паст бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, олий ўқув юртларида молиялаштириш манбаларини тўлиқ диверсификация қилиш ва давлат олий ўқув юртларида хўжалик юритишнинг бозор методларини ривожлантириш, яъни, кўшимча таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш заруриятини тақозо этади. Ҳозирги кунда олий мактабни бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг умумий ҳажми-да тадбиркорлик фаолиятдан олинган воситалар улуши катъий ўсиши кузатилмоқда.

2. Давлат олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолиятини бошқариш назариясининг ҳозирги ҳолати кўшимча ривожлантирилишини талаб этади ва биринчи навбатда унга бўлган муносабат, тушунчани кенгайтириш зарур. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида олий мактабда жамият ва хусусий секторнинг мавжуд бўлиши зарурати ҳақида шундай хулоса қилиш мумкинки, бу ўз навбатида, олий таълимнинг иқтисодий механизми давлат ва бозорни мувофиқлаштирувчи тамойилларни умумлаштириши зарур.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таълимни молиявий таъминлашни тубдан яхшилашга йўналтирилган вазифалар ижобий ҳал этилмоқда. Бироқ, бизнингча, улар

таркибига қўшимча қилиб қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасига йўналтириладиган ЯИМ улушини босқичма-босқич, янада ошириб бориш;

- кадрлар тайёрлаш бўйича молиялаш тизимининг кўп вариантлилиги (бюджетдан ва бюджетдан ташқари, аралаш манбалардан таъминлаш)ни жорий этиш;

- ўқув юртлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашини такомиллаштириш;

- таълим соҳасига хусусий, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

- республика фуқаролари учун таълим кредити бериш тартибини соддалаштириш, кейинчалик уни қайтаришнинг мослашувчан тизимини яратиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлашда донорлар ва ҳомийлар аҳамиятини ошириш;

- пулли таълим хизмати кўрсатиш, тадбиркорлик, консалтинг, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий фаолият ва фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобига ўқув юртларининг даромадларини оширишни таъминлаш.

Кўриб чиқиладиган муаммо бўйича мавжуд бўлган илмий ишларни таҳлил қилиш асосида: “Давлат олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти деганда - уларнинг устав вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган ташаббускорлик, мустақил, таваккалчилик асосидаги ва даромад келтирувчи фаолияти тушунилади” деган таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, адабиётларда «олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти» атамаси билан бир қаторда синоним атама сифатида «олий ўқув юртининг бюджетдан ташқари фаолияти» атамаси кенг қўлланилади. Тадқиқот натижасида бюджетдан ташқари фаолиятта муаллифлик фикри шакллантирилди: «Бюджетдан ташқари фаолият олий ўқув юртларининг молиялаштириш манбаси давлат бюджет воситалари бўлмаган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ фаолиятни тушуниш зарур. Шундай қилиб, олий ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти бюджетдан ташқари фаолият-нинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарорига биноан: “Ёшларнинг олий таълим билан камраб олинishi янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мақсадида” юртимизда тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.⁹⁸

Мазкур қарорда таъкидланишича олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши қилинган харажатларни олинган даромадлари билан қоплашини аниқлатади. Демак, бюджетдан молиялаштириш қисқаради ёки кескин камаяди. Бундай шароитда бюджет ташкилотлари таълим жараёнига хизмат қилаётган асосий воситаларга капитал қўйилмаларни ҳозирги вақтдагидек давлат бюджетининг харажатлар сметасидаги III гуруҳ харажатлари кўринишида вазирликдан марказлаштирилган ҳолда молиялаштирилмайди яъни асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш харажатлари таълим хизматлари қийматига киритилиши талаб этилади. Ўз навбатида, таълим муассасаси асосий воситаларга амортизация ҳисоблаши ва уни хизматлар таннархига қўшиб, смета ҳужжатида алоҳида харажат моддаси сифатида акс эттириши лозим.

3. Олий ўқув муассасаларида таълим хизматлари сифатини узлуксиз ошириш моддий-техника базасини ривожлантириш яъни доимий равишда замонавий асосий воситалар, техникани сотиб олишни тақозо қилади. Бунда ўз навбатида, олий таълимга нафақат бюджетдан олинган манбалар ҳисобидан, балки, иқтисодиётнинг хусусий секторидан инвестиция жалб қилиш асосида тушум миқдорини кўпайтиришни зарурият эканлигини ҳисобга олган ҳолда авваламбор таълим муассасаси ўзининг моддий-техника базаси ҳолатини чуқур таҳлил қилиб, техник воситалар, мебеллар, ўқув ускуналарига бўлган талабни қондириш бўйича бозордаги имконият (нарх)ларни ўрганиши ҳамда моддий-техник таъми-

⁹⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <http://lex.uz/docs/4380357>. 19.06.2019 й., 07/19/4359/3309-сон.

нотини такомиллаштириш бўйича истикболли режа ишлаб чиқиши керак. Шунингдек, моддий-техник базани такомил-лаштиришда мавжуд асосий воситалар ҳолатига баҳо бериш, улардан самарали фойдаланиш, албатта уларни эскириш меъёрларини эътиборга олган ҳолда амалга оширишни тақозо қилади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ўқув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва асосий воситалардан самарали фойдаланиш албатта уларни эскириш меъёрларини эътиборга олган ҳолда амалга оширишни тақозо қилади. Ҳозирги кунда ушбу меъёр асосий воситаларга 5; 8; 10; 15 ва 20%ни ташкил этади. Шу сабабли, амортизация меъёрларини ҳар бир асосий восита учун индивидуал равишда аниқлаш ва ўрнатишни тақлиф этамиз. Ўз навбатида, таълим муассасаси асосий воситаларга амортизация ҳисоблаши ва уни хизматлар таннарихига қўшиб, смета ҳужжатида алоҳида харажат моддаси сифатида акс эттириши лозим.

4. Олий ўқув юртлирида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Хусусан, улар қуйидагиларда акс этиши асосланди:

- таълим хизматлари бозорида жуда кўп миқдорда олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб – биринчидан улар ўз хизмат ва маҳсулотларини сотувчиларнинг ҳар бири бозордаги умумий хизмат ва маҳсулотларга бўлган талабни қайсидир маънода кичик миқдорда қондиришса, иккинчидан уларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан манфаатдор бўлган катта миқдордаги истеъмолчиларнинг талабларини бажаришга эришилади;

- олий таълим муассасалари – ўз хизмат ва маҳсулотларини сотувчилар ўзларининг рақобатчиларига ўз хизматларини қандай танлаш ва ўз хизматларига баҳо ўрнатиш масаласига етарли даражада эътибор қаратишмайди;

- таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозори ўзларининг истеъмолчиларини, уларнинг жойлашган жойини, сонини ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда талабларини англамаган;

- олий таълим муассасалари ўз тадбиркорлик фаолиятларини юритишда, мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқотларни бажариш, шартномаларни имзолаш, буюртмаларни қабул қилиш ва бажариш, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш лозим.

Мамлакат олий таълим хизматлари таркибига кундузги таълим шаклидан фарқли инновацион, масофавий таълим олиш шакллари кириштириш, уни амалга ошириш зарурлиги, унинг хусусиятлари, жумладан, устунлик ва камчилик томонлари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди. Бундан ташқари, олий таълим тадбиркорлик фаолиятида халқаро амалиётда тан олинган корпоратив маданият яъни тартиб-интизом, ҳаракатнинг асосий дастаги ҳисобланади. У талабалар ва ўқитувчиларнинг тадбиркорлик борасидаги ваколатларини шакллантиришнинг зарур шартидир. Шу боис, олий таълим тизимида тадбиркорлик фаолиятининг ички-ташқилий тартиб модели тавсия этилди.

5. Олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятининг рақобат қобилиятини оширишни муҳим масала ҳисобланади. Ишда республикамиз олий ўқув юртларининг рақобат қобилияти тушунчаси аниқланиб, олий ўқув юртларининг рақобатбардошлиги унинг маълум давр оралиғидаги бошқа рақобатчилардан бир қатор устиворли кўрсаткичлар: молиявий-иқтисодий маркетинг, моддий-техник, кадрлар ва ижтимоий-сиёсий кабиларнинг устунлиги, уларининг зарарсиз фаолият олиб бора олиш ва ташқи муҳит ўзгаришларига тез мослаша олишнинг акс эттирувчи комплекс тадбирлар сифатида асослаб берилди. Шунингдек, олий таълим хизматлари ва тадбиркорлик самарадорлигини ошириш унинг сифат рейтингига боғлиқ бўлганлиги боис, ривожланган давлатлар тажрибаси, халқаро тадқиқот натижалари ўрганилди. Бундан ташқари, таълим самарадорлигини кўтаришда авваламбор, халқаро давлатлар тажрибасига таяниш, мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик, унинг аҳолисини тўлов қобилиятини эътиборга олиш, таълим олишнинг мақбуллиги, таълим хизматлари сифатининг юқорилиги, ўқув-услугий мажмуанинг истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши каби қатор хусусиятларни инобатга олиш мақсадга мувофиқлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.

VI боб. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ


6.1. Олий ўқув юртлари самарадорлигини оширишда таълим хизматларини оптималлаштириш масалалари

Ўтказилган таҳлил асосида иқтисодий тармоқларининг талабларида олий ўқув юртларининг фаолиятига таъсир этувчи янги тенденциялар аниқланди: хусусан, оддий малакали ходимлар ўрнини дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олган, чет эл тажрибалари, инновациялар, иқтисодий ноу-хаулар эгаллаган интерфаол технологияларни қўллай оладиган профессионаллар эгалламоқда. Натижада, ахборот ва алоқа технологиялари таълим жараёни қатнашчиларига ўзаро тезкор алоқада бўлишида имкон яратиб берапти ва ўқув жараёнини бошқариш тизимини тубдан ўзгартириб юборапти, буюртмачи-истеъмолчига юзланиш кучайиб борапти. Бундан ташқари, стратегик буюртмачилар битирувчилардан фирма манфаатларига ўта содиқ бўлиш, ходимлар ваколатларини кенгайтиришни, корхоналарда яқка тартибда ва ижодий-изланувчан (креатив) шаклда ишлашни талаб этмоқда ҳамда бозор талаблари олий ўқув юртларининг антрепренерларини тақдим этилаётган таълим хизматлари сифатини оширишнинг янги шаклларини излашга мажбур этмоқда.

Ҳозирги даврда олий ўқув юртлари меҳнат бозори ва унинг сегментациясини ҳисобга олиш долзарб масала ҳисобланади. Таълим хизматлари соҳаси замонавий бизнеснинг тез ўзгарувчи ва ўсувчи эҳтиёжларига мослаша олишига мажбур бўлаяпти. Ҳозирги жамиятни модернизациялаш шароитида юқори малакали муҳандислар, технологлар, конструкторлар ва ҳоказоларни тайёрлаш харажатлари эса юқори бўлиб, уларни молиялашнинг хусусий манбалари ҳисобидан қоплаш имконияти етарли эмас. Бу ўз навбатида меҳнат бозорида мутахассисларнинг иш билан таъминлашда муаммоларга олиб келиши мумкин (6.1-расм).

Олий касбий таълимнинг модернизациялашнинг йўналишлари, устувор жиҳатлари ва вазифалари мазмунида, айниқса, унинг хўжалик-иқтисодий механизми соҳасида олий ўқув юртининг

рақобатбардошлиги позицияларини белгиловчи, таълим хизмати ишлаб чиқариш менежменти ва маркетингининг инновацион мазмуни, ребрендинг (янги миқозларни чорлаш мақсадида олий ўқув юртининг брендини алмаштириш), реинжиниринг (олий ўқув юрти ичида сифатни яхшилаш мақсадида бизнес-жараёнларини реконструкциялаш), битирувчиларнинг касбий ўсишнинг мониторинг қилиш технологиялари ҳисобланади.



6.1-расм. МДХ давлатлари олий ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларни ишга тақсимланиш даражаси⁹⁹

Республикамызда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар олий таълим тизимининг хўжалик юретишнинг бозор шароитларига мослашиш зарурлигини тақозо этмоқда, бу эса ўз навбатида таълим хизматларини такрор ишлаб чиқиш хўжалик механизмига ўзгаришлар киритишни талаб этади.

Бозор муносабатларига ўтиш таълим соҳасида ўсиш юз бериши билан кузатишмоқда, барча тармоқларда таълим хизматлари

⁹⁹ Ставропол ўлкаси олий таълим вазирлиги йиллик статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бозорлари пайдо бўлди ва ташкилий равишда расмийлаштирилди. Олий касбий таълим тизими бозор қонунларига кўра пуллик, шунингдек, қисман пуллик ва қисман бепул таълим хизматларига талаб ва таклифлари механизми таъсири остида фаолият олиб бора бошлади. Шу ўринда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш борасида эътироф этилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консултив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади”¹⁰⁰.

Таълим хизматлари соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти инновацион ва масофавий таълим тизимига ўтиш ва таълим хизматларининг муайян бир бозорлари шаклланиши кузатишмоқда. Янги таълим парадигмаларини амалга ошириш таълим муассасаларида ҳам, таълим хизматлари бозорларида ҳам янги иқтисодий муносабатлар юзага келишини талаб этмоқда.

Халқаро таълим хизматлари бозорлари томонидан қўйилаётган талаблар асосида давлат таълим тизимини ислоҳ қилишга миллий хусусият ва давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда комплекс муносабатда бўлиш зарурияти туғилмоқда.

Олий касбий таълим тизимида рақобат муҳитининг ўрнатилиши, бир томондан, унинг нодавлат сегментини шакллантириш, иккинчи томондан эса, давлат олий ўқув юртларида тижорат секторини шакллантириш билан боғлиқдир. Айнан шунинг натижасида, олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятининг антрепренерлик ва интрапренерлик шакллари ривожланиши учун зарур бўлган институционал (жамоавий) шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Олий мактабни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари республикаимиздаги меъёрий ҳужжатларида белгилаб қўйилган,

¹⁰⁰ Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда) <http://www.lex.uz/guest/doc/48401>

аммо сифатли таълим хизматларини такрор ишлаб чиқарилишини таъминловчи ташкилий иқтисодий механизмни шакллантириш, айниқса тадбиркорлик фаолияти махсус тури сифатидаги антрепренерлик (ташқи бошқарувчилик) билан боғлиқ бўлган масалалар мунтазам илмий-тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилади.

Таълим соҳасида антрепренерлик (ташқи бошқарувчилик) ва интрапренерлик (ички бошқарувчилик) шаклида юзага келувчи тадбиркорлик фаолияти ўқув муассасаларининг давлат олий касбий таълим сегментида замонавий метод ва технологияларни қўллаш орқали пулли равишда таълим хизматларини кўрсатиш бўйича ўзига хос хусусиятли, юқори хавф таваккалчилигига эга бўлган, ташаббусли, инновацион фаолиятдир.

Таълим антрепренерлиги таълим хизматлари бозорининг хусусий ва институционал (жамоавий) субъектларининг (жисмоний ва юридик шахслар) талабларини қондиришга йўналтирилган таълим хизматларини такрор қайта ишлаб чиқариш моделлари, механизмлари ва технологияларини самарали ўзлаштиришида ақс этувчи фаолиятдир.

Таълим интрапренерлиги эса – таълимнинг янги маҳсулотлари ва хизматларини ҳамда уларнинг айрим элементлари (унсурлари)ни таълим хизматларини такрор ишлаб чиқаришнинг ички шароитлари ва омилларини сурункали қайта тузилмалаш орқали, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ўқитувчилар ва олий ўқув юртлари менежменти хизмати ва меҳнат самарадорлиги сифатини ошириш асосида яратишга йўналтирилган ички ташкилий инновацион тадбиркорликдир.

Тармоқ таълим хизмати бозорларида рақобатнинг ўсиши, вилоятларда олий ўқув юртлари ривожланишига қарамай, республикадаги олий ўқув юртлари кадрлар тайёрлаш соҳасида “тармоқ иқтисодиёти” самарасини амалга оширишга муваффақ бўлдилар ва қатъий бюджет тақчиллиги шароитларида молиявий ресурслар ва инвестициялар билан тармоқнинг ҳам давлат, ҳам ҳодават тизимини таъминлай олдилар. Бу масалада «Ўзбекистон таълим йўллари» АК, Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатларининг олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги ҳомийлик ва васийлик фаолиятлари эътиборга лойиқдир.

Таълим хизматлари бозорини тадқиқ қилиш, унинг чуқур сегментли тармоқ иқтисодиётининг кўп укладли ва тузилма-вийлигини акс эттирувчи, шунингдек, тармоқнинг ҳўжалик жиҳатидан махсуслашган тармоқлари, йирик корпоратив тузилмалар, кичик бизнес, бозор инфратузилмасининг ривожланаётган тизими (кредит-молиявий, инвестициявий, инновацион ва бошқа) ҳамда бошқарув муҳити мутахассислари томонидан кадрларга бўлган талабнинг сифати ва динамикаси ўзгариши юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорининг ўзаро алоқаси бир қатор зиддиятлар ва номуаносибликлар билан характерланади: агросаноат мажмуаси мутахассисларига бўлган талаб ва таклифдаги дисбаланс, молиявий-иқтисодий йўналишдаги мутахассислар гуруҳи бўйича ортиқча мутахассислар сони, бошқарувнинг ўрта бўғинида малакали ишчи ва мутахассис кадрлар дефицити, иш билан таъминланиш даражаси ва бошқалар.

Антрепренерлик ва интрапренерлик тадбиркорликнинг олий касбий таълим соҳасидаги шакллари сифатида олий ўқув юртиларнинг таълим хизматларини институционал (жамоавий) ва хусусий истеъмолчилар билан алоқа каналларини кенгайтирувчи ва меҳнат бозорида мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф дисбалансини пасайтирувчи инновацион йўналтирилган иқтисодий механизм вазифасини бажаради.

Олий касбий таълим тизимида тадбиркорлик фаолияти ривожланиши рақобат муҳити ўрнатилишига шарт-шароит яратади.

Бозор муносабатларига ўтиш нафақат иқтисодиёт соҳасида балки мамлакат (жамият) ва ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳалари, шу қаторда таълим фаолиятида ҳам радикал ўзгаришларга олиб келди. Давлат таълим муассасаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қатнашуви сезиларли ўзгаришлар юз берди.


Давлат таълим муассасалари, айниқса, олий касбий таълим соҳасида нафақат давлат бюджети томонидан ажратилган воситалар доирасидаги таълим фаолияти, балки нобюджет асосда пуллик хизматлар кўрсатиш, ўзининг илмий ва инновацион маҳсулотини сотиш, тижорат ва бошқа ташкилотлар учун шартнома асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали таълим фаолияти билан шуғуллана бошладилар.

Республикамизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисидаги Қонун»лар олий касбий таълимни бозор тамойилларига мослаштириш зарурлигини тақозо этади ва олий таълим фаолият юритишнинг иқтисодий механизми мазмунида сезиларли ўзгаришлар бўлишини назарда тутди. Бозор муносабатлари миллий таълим тизимида юқори талаблар қўяди, уни сифат мазмунида узлуксиз янгиланиб бориши, таълим хизматлари диверсификацияланиши, таълим тадбиркорлиги ривожланиши заруриятларини келтириб чиқаради. Олий касбий таълим тизими тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари фаолият олиб боровчи ўзига хос хусусиятли ижтимоий-иқтисодий макон (бўшлиқ) ҳисобланади. Замонавий шароитларда олий таълим иқтисодининг хусусиятлари бизнес маҳсус тури, яъни маълум нарх бўйича таълим хизматлари амалга оширилиши ва тақдим этилиши ҳамда шундай фаолият учун зарур бўлган ишлаб чиқариш омиллари сотиб олинishi билан изоҳланади.

Таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги янги воқеа (кўриниш, ҳолат) сифатида тегишли қонунчилик базаси, бозор иқтисодиётига мутаносиб бўлган ҳуқуқий макон (бўшлиқ) яратилишини талаб этди.

Таълим жараёнининг тадбиркорлик фаолияти билан бирлашуви (яхлитлиги) аниқ белгиланди. Унинг объектив ва субъектив сабаблари белгиланди. Жамиятда таълим антрепренерлиги ва интрапренерлиги, ўқув муассасалари томонидан таълим хизматлари амалга ошириш жараёнида ҳўжалик юритиш тадбиркорлик тамойилларининг турли даражалари қўлланилиши сезиларли иқтисодий воқеа (ҳодиса)га айланди. Антрепренерлик фаолият доирасини аниқлаш тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий воқеа (ҳодиса) сифатидаги моҳиятини аниқлаш муаммоси билан боғлиқ. Антрепренерлиكنинг қўидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: мустақил характердаги тадбиркорлик фаолияти; уни ўз кафиллиги ва шахсий масъулияти остида амалга ошириш; фаолият мақсади сифатидаги даромад; даромад манбаси мулкдан фойдаланиш, товарлар сотиш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳисобланади; даромад олишнинг систематик характерли бўлиши; давлат рўйхатидан ўтиши факти.

Жалб қилинаётган молиявий манбалар таркиби, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат ўқув муассасалари фаолият олиб боришининг моделини келтирамиз (6.2-расм).



6.2-расм. Давлат олий таълим муассасасининг фаолият юритиши модели¹⁰¹

Ички самара меъёрий кўрсаткичлари инсон капитали (таълим иқтисоди) назариясида марказий ўринни эгаллайди. У фойда меъёрига ўхшаш тузилади ва инсон ҳамда жисмоний капиталга қўйилган маблағ ўзини оқлашлигини қиёслаш имконини беради, жисмоний капиталга қўйилган маблағ самарадорлик даражасини ифода этувчи фойда меъёри каби инсонга қаратилган инвестиция ўзини оқлашлик даражасини белгилашга хизмат қилади. Ички самара меъёри у хизмат қилган бутун муддат учун ўзини оқлашлик даражасини ўлчашга мўлжалланган.

Шу боис, мамлакатимиз олий ўқув юртлари фаолияти самарадорлигини оширишда таълим хизматларини оптималлаштириш учун авваламбор, мамлакатнинг барча ҳудудларидаги таълим

¹⁰¹ Коваленко А.И. Таълим антрепренерлиги. -М.: ООО «Маркет ДС Корпорейшн». 2004. 17-27 б.; Зенкина А.И. РФ Фуқаролик ҳуқуқи: ўқув-методик қўлланма. -М.: МЭСИ, 1999, 8-9 б. каби манбалардаги ахборотларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилиди.

хизматларини таклиф этаётган олий таълим муассасаларидаги ўқиётганларнинг бандлигини ўрганиш лозим (6.1-жадвал).

6.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида вилоятлар бўйича аҳоли, олий ўқув юртлари ва унда таълим олувчилар сони¹⁰²

Т/р	Вилоятлар	Аҳоли сони (минг киши)		Олий ўқув юртлари сони (ўқув йили бошига, дона)		Таълим олувчи талабалар сони (ўқув йили бошига, киши)		Ҳар бир олий ўқув юртига тўғри келадиган таълим олувчи талабалар сони (ўқув йили бошига, киши)	
		01.01. 2018	01.01. 2019	2017/ 2018	2018/ 2019	2017/ 2018	2018/ 2019	2017/ 2018	2018/ 2019
1.	Андижон	3011,7	3066,9	4	4	19184	21718	4796	5429,5
2.	Бухоро	1870,2	1894,8	5	5	15939	20895	3187,8	4179
3.	Жиззах	1325,0	1352,4	2	2	12530	14732	6265	7366
4.	Қашқадарё	3148,4	3213,1	3	3	15883	18391	5294,33	6130,33
5.	Навоий	958,0	979,5	3	2	9683	11641	3227,67	5820,5
6.	Наманган	2699,6	2752,9	3	3	13319	16742	4439,67	5580,67
7.	Самарқанд	3720,1	3798,9	7	8	29125	34930	4160,71	4366,25
8.	Сурхондарё	2514,2	2569,9	3	7	9275	15070	3091,67	2152,86
9.	Сирдарё	815,9	829,9	1	1	4611	6811	4611	6811
10.	Тошкент	2861,2	2898,5	3	5	8089	14882	2696,33	2976,4
11.	Фарғона	3620,2	3683,3	6	7	21466	27176	3577,67	3882,29
12.	Хоразм	1805,0	1835,7	3	3	10450	13382	3483,33	4460,67
13.	Тошкент шаҳри	2464,9	2509,9	41	42	108688	121562	2650,93	2894,33
14.	Қорақалпоғистон Республикаси	1842,3	1869,8	7	6	19447	22272	2778,14	3712
	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	32656,7	33255,5	91	98	297689	360204	3271,31	3675,55

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.
www.stat.uz

Ушбу жадвал маълумотларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда аҳоли сонида ўсиш тенденцияси кузатилган бўлсада, 2016/2017 ўқув йилига нисбатан 2017/2018 ўқув йилида олий ўқув юртларида таълим олувчи талабалар сони камайган. Бунга, бир қатор омилларни сабаб қилиб келтириш мумкин. Масалан, ҳар йили олий ўқув юртларига талабалikka қабул режасининг камайиб кетаётганлиги, олий таълим муассасаларига кириш учун бўладиган тест синовларининг сифат жиҳатидан такомиллашиб бораётганлиги, бюджетдан олий ўқув юртларини молиявий таъминотида маблағларнинг иқтисод қилинаётганлиги, тўлов контракт-шартномасида ўқиш учун етарлича молиявий имкониятга эга бўлмаслик ва шу кабилар. Бироқ, жумладан, Тошкент шаҳрига барча вилоятлардан ўқишга кириш мақсадида абитуриентлар келишини ҳам таъкидлаш жоиз.

Олий таълим муассасасини фойда кўрсаткичлари тўғрисида юқоридаги параграфларда тўхталиб ўтдик. Олий таълим муассасалари фаолияти натижасини ифодаловчи ҳисоботлар ҳам замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиб борилиши зарур. Фаолият натижасини ифодаловчи асосий кўрсаткич бу фойда ҳисобланади.

Фикримизча, олий таълим муассасаси натижаларини ифодаловчи ҳисоботларда даромад ва харажатлар фаолият турлари бўйича акс эттирилиши зарур. Тадқиқотлар натижаси олий таълим муассасаси даромад ва харажатлар қуйидаги бўлимларга бўлинган ҳолда ифодаланиши зарурлигини кўрсатди:

- таълим хизматлари фаолияти даромадлари ва харажатлари;
- илмий тадқиқот фаолияти даромадлари ва харажатлари;
- бошқа операцион фаолият даромадлари ва харажатлари.

Олий таълим муассасаси якуний фойдаси ҳам мос равишда ҳар бир фаолият тури бўйича аниқланиши зарурдир.

6.2. Таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш истикболлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотларининг навбатдаги босқичи олий таълим тизимида фаолият юритаётган таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим

хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий, илғор усулларини жорий этиш асосида самарадорлигини оширишни талаб қилади. Олий таълим муассасалари таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш динамик ўзгаришларнинг кўп йиллик кўрсаткичларига асосланади. Бошқа томондан, таълим хизмати кўрсатаётган турдош муассасаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам баҳолаш учун асос бўлиши мумкин. Шунингдек, таълим муассасаларини молиялаштириш нормативлари ва услублари такомиллаштирилиши лозим. Бундай услубларни ишлаб чиқиш зарурияти олий таълимни молиялаштириш нормативларининг илмий асосланган тизими шаклланимаганлиги, давлат таълим стандартларига амалдаги молиялаштириш тизими тўла мос эмаслиги, ўзига хос хусусиятларга эга тармоқлар ва ҳудудлардаги таълим муассасаларини молиялаштириш нормативларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Таълим муассасаларини молиялаштириш нормативларини ҳисобга олишнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиш ва илмий ходимлар салоҳиятининг мавжудлиги; моддий-техника базасининг мавжудлиги; таълим муассасаларини сақлаб туриш ва молиялаштириш бўйича меъёрий ишланмаларнинг баъзи лойиҳалари мавжудлиги; кўп манбали молиялаштириш бўйича нодавлат секторларини жорий этиш тажрибаси шаклланиётганлигига асосланади. Ушбу нормативнинг ишлаб чиқилиши натижасида таълим муассасалари бюджети шаклланишининг механизми барпо этилади.

Молиялаштириш нормативи бу таълим давлат стандартини амалга оширишга имкон берувчи муайян касб ва малакага эга мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган харажатларнинг оптимал миқдори ҳисобланади. Молиялаштириш нормативларининг зарурлиги “Таълим тўғрисида”ги Қонун талабаларида кўрсатилган.

Бюджетлараро муносабатлар механизмини такомиллаштириш бўйича марказий ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, молиялаштиришнинг янги манбалари, давлат стандартларини амалга ошириш зарурлиги, шахсий молиявий мажбуриятларни кенг жорий этиш кабилар ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Норматив бюджет молиялаштириш тамойиллари қуйидагиларни назарда тутди:

- олий таълимда маблағларни ишлатишда ижтимоий адолатни таъминлаш;

- кўп манбалардан молиялаштириш шароитида молиялаштиришнинг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

- харажатларни режалаштиришнинг норматив усули;

- барча даражадаги бюджетлар тўлиши учун жавобгарликнинг чегаралари, олий таълим муассасалари жамоасининг мустақиллиги.

Норматив бюджет молиялаштиришнинг вазифалари:

- олий таълимда таълим дастурини амалга оширишда барча босқич бюджетларидан харажатларнинг реал харажатларига яқинлигини кўрсатиш;

- нормативнинг таркибий ташкил этувчиларини аниқлаш;

- нормалаш бирликларини ва формуласини аниқлаш; ҳар бир таълим олувчини бюджет молиялаштириш нормасини ҳисоблаш методикасининг асос моделини аниқлаш;

- таълим дастурларини биргаликда молиялаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини аниқлаш.

Таълим қиймати нормативи ҳар бир олий таълим дастурига нисбатан ҳисобланади ёки ёндош мутахассисликлар гуруҳига нисбатан ҳисобланади.

Молиялаштириш нормативи ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- ўқув ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун таълим дастури харажатлари;

- педагог ходимлар малакасини ошириш харажатлар;

- ижтимоий характердаги харажатлар;

- тарбиявий ишларни таъминлаш харажатлари;

- мулкни сақлаш харажатлари.

Олий таълим дастурларини уларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб табақалаштириш зарур. Харажатларни таълим характеридан, унинг мураккаблигидан келиб чиқиш ҳам табақалаштириш мумкин.

Ҳозирги кунда таълим тизимини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар амалдаги ҳолатни аниқлаш учун кўрсаткичларни ишлаб чиқиш заруриятини белгилайди. Кўрсаткичлар ва мезонлар тизими иқтисодий бошқарувнинг моҳиятини очиб беради.

Хорижий давлатларда олий таълим тизими фаолиятини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ва мезонлардан фойдаланилади:

- дастлабки қабул қилинган талабалар сони билан битирувчилар сонинг ўзаро нисбати;

- битирувчиларнинг малака даражаси – умумий битирувчилар сони билан битирувчилардан маълум бир малака (“имтиёзли даража”) олганлар сонининг ўзаро нисбати;

- битирувчиларнинг иш билан таъминланганлик солиштирма оғирлиги;

- муассасанинг ўқув имкониятларидан фойдаланилганлиги - ўқув ўринларнинг ўқувчилар умумий сони билан бандлиги нисбати фоиз ҳисобида (ушбу мезон орқали молиявий маблағлар, ускуналар ва ўқув ходимларидан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш мумкин);

- ходимларнинг меҳнат унумдорлиги – бир профессор-ўқитувчига йиллик ўқув юкламаси соатлари сони, бир ходимга тўғри келадиган талабалар сони;

- таълим олувчи ва иш билан таъминловчи миждозларнинг таълим самарасининг қаноатлантирилганлик даражаси;

- таклиф этилган пуллик таълим ва бошқа хизматлар – ундан олинадиган фойда ва бюджет маблағларининг ўзаро нисбати;

- бир талабани ўқитиш учун кетадиган бир соатлик дарснинг ўртача нархи (қиймати, баҳоси);

- олинган малакаларнинг меҳнат бозорида тан олинishi – турли даражадаги малакаларга талабаларнинг солиштирма оғирлиги;

- таълим учун олинган инвестицияларнинг иқтисодий ва ижтимоий фойдали иш коэффициенти;

- таклиф этилган пуллик хизматлардан тушган маблағлар фойдаси билан бюджет маблағларининг ўзаро нисбати;

Бошқа бир услуб сифатида эришилган натижаларга таяниб, таққослаш тамойилидан фойдаланиб қуйидагича аниқлаш мумкин:

- эришилган натижалар аввалгилари билан таққослаганда – самарали ишлаётган корхона меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқариш ва хизмат харажатларининг камайishi;

- давлат ўқув муассасалари фаолияти самарадорлиги билан хусусий ўқув муассасаларининг ўхшаш самарадор таълим хизматлари;

- режалаштирилган ва эришилган натижалар;

Ушбу мезонлардан олий таълим тизими фаолиятини самардорлигини умумий баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Олий таълим тизимида тадбиркорлик фаолияти самардорлигига кўрсаткичларнинг қуйи ва юқори даражасини таққослаш асосида баҳо бериш мумкин. Бунда, таълим муассасасининг иқтисодий бошқарув мезонига кўпроқ эътибор қаратилади. Чунки, олий таълим муассасалари иқтисодиётининг моҳиятини акс эттирувчи энг муҳим жараёнлар ҳолати таҳлил қилиниши зарур. Иқтисодий ўзгариш ва ижтимоий ривожланишнинг жорий ва ўрта муддатли хусусиятларини ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- таълимда маблағларнинг ўсиш кўрсаткичлари (бюджетдан ташқари, маблағлар тушумининг ўсиши ва таркиби, инвестициядан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари ва ҳоказолар);

- таълим салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилаётган ресурслар кўрсаткичларининг ўсаётганлиги;

- битирувчиларнинг иш билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (иш билан таъминланганликнинг ортиши, таълим хизматларининг ривожланганлиги).

Бугунги мавжуд олий таълим тизими статистикасига таянган ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самардорлигини аниқлашнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф этамиз:

1. Молиявий маблағларнинг тушум даражаси. Бу ўз ичига бюджет маблағларининг тушум даражаси; бюджетдан ташқари маблағларнинг тушум даражаси (таълим хизматларидан маблағлар тушум даражаси; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан олинган маблағларнинг тушум даражаси; ўқув хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан ҳосил бўлган маблағларнинг тушум даражаси; ҳомийлик маблағлари тушуми даражаси ва бошқалар)ни камраб олади.

2. Молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси. Бу кўрсаткичлар жумласига бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси; бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси (таълим хизматлари маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси; ўқув хўжаликларида

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушган маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси; хомийлик маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси ва бошқалар) киритилади.

3. Олий таълим тизимига талабаларни қабул режасининг бажарилганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар - олий таълим муассасаларига қабул режасининг бажарилганлигидан иборат.

4. Олий таълим тизимида битирувчилар кўрсаткичлари – олий таълим муассасалари битирувчилари сонидан иборат.

5. Олий таълим тизимида битирувчиларнинг иш билан бандлиги даражаси – олий таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан таъминланганлик ёки илмий салоҳиятини ошириш ва даражаси ва унвонини кўтариш учун аспирантура ёки докторантурага топширганлиги даражаси белгилаб беради.

6. Таълим хизматлари кўрсатишдан олинган фойда, илмий тадқиқотлар натижаларидан олинган фойда ва бошқа операциялар фаолиятдан олинган фойда кўрсаткичларини ўсиш суръатлари.

7. Олий таълим тизимида хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси кўрсаткичларига хорижий инвестициялар ҳажми, уларнинг таркибий тузилиши, тасдиқланган лойиҳаларнинг амалга ошириш даражаси, иқтисодий самарадорлиги кабилар киради.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мутахассис кадрлар ва педагоглар, ходимларнинг малакасини ошириш кўрсаткичлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва бошқаларнинг ижтимоий ҳимоялаш кўрсаткичлари ҳам олий таълим муассасаларининг таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолашга кенг имкон яратади.

Таклиф этилаётган кўрсаткичлар бугунги кунда олий таълим тизимига қарашли таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, динамик ўзгаришларни аниқлаш имкониятини берсада, глобал молиявий инқироз шароитида мазкур таълим муассасаларининг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, бунда таълим хизматларининг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш истиқболларини белгилаш учун етарли эмас. Шу боис, юқоридаги кўрсаткичлар асосида олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида 2004-2009 йиллардаги иқтисодий фаолиятига баҳо берилди (6.2-жадвал).

Таълим муассасаларининг баъзи иқтисодий кўрсаткичлари¹⁰³
(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Иқтисодий самарадорлик даражасини фойдаловчи кўрсаткичлар	Йиллар					
		2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Молиявий маблағлар тушум даражаси:	97,0	96,0	94,0	94,0	95,0	94,0
-	Бюджет маблағлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
-	Бюджетдан ташқари маблағлар	95,0	94,0	91,0	91,0	92,0	91,0
	а) таълим хизматларидан келган маблағлар	90,0	92,0	94,0	97,0	97,3	97,5
	б) ҳомийлик маблағлари	80,0	83,0	93,0	90,0	91,2	91,0
2.	Молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси:	95,0	98,0	98,0	99,0	98,0	98,0
-	Бюджет маблағлари	90,0	94,0	94,0	98,0	98,0	98,0
-	Бюджетдан ташқари маблағлар	100,0	100,0	100,0	99,0	99,2	99,3
	а) таълим хизматларидан келган маблағлар	100,0	100,0	100,0	99,0	99,0	99,0
	б) ҳомийлик маблағлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
3.	Олий таълим муассасаларига талабалар қабули режасининг бажарилганлиги	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
4.	Олий таълим муассасаларини битирувчилар кўрсаткичи	95,0	95,0	98,0	97,0	98,0	98,0
5.	Олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг иш билан бандлиги даражаси	72,0	68,0	80,0	84,0	86,0	88,0
6.	Хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	Жами	93,2	92,4	95,0	95,7	96,2	96,3

¹⁰³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

2013-2018 йиллар бўйича олий таълим тизимидаги муассасаларнинг таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятига оид кўрсаткичларнинг ўртача оғиш қийматини қуйидагича аниқлаймиз:

2013 йил учун:

$$x_i = \bar{x}_i - S = 93,2 - 9,8 = 83,4$$

бу ерда: $\bar{x}_i$ - 2013 йилдаги ўртача кўрсаткичлар фоизи;

$$\bar{x}_i = \sum x_b / N = 559 / 6 = 93,2$$

x_i - кўрсаткичлар (фоизда) йиғиндис;

N - мезонларнинг умумий сони;

S - кўрсаткичларнинг ўртача квадрат оғиш қиймати:

$$S = \sqrt{\frac{\sum (x - x_b)^2}{N}} = \sqrt{\frac{2(93,2 - 97,0)^2 + 2(93,2 - 95,0)^2 + \dots + (93,2 - 100,0)^2}{6}} = \sqrt{96,8} = 9,8$$

2014 йил учун:

$$x_i = \bar{x}_i - S = 94,0 - 8,9 = 85,1$$

2015 йил учун:

$$x_i = \bar{x}_i - S = 95,7 - 5,8 = 88,9$$

$$S = \sqrt{\frac{\sum (x - x_b)^2}{N}} = \sqrt{\frac{2(95,7 - 94,0)^2 + 2(95,7 - 99,0)^2 + \dots + (95,7 - 100,0)^2}{6}} = \sqrt{33,9} = 5,8$$

2017 йил учун:

$$x_i = \bar{x}_i - S = 95,7 - 5,8 = 88,9$$

$$S = \sqrt{\frac{\sum (x - x_b)^2}{N}} = \sqrt{\frac{2(95,7 - 94,0)^2 + 2(95,7 - 99,0)^2 + \dots + (95,7 - 100,0)^2}{6}} = \sqrt{33,9} = 5,8$$

2017 йил учун:

$$x_i = \bar{x}_i - S = 96,2 - 4,9 = 91,3$$

$$S = \sqrt{\frac{\sum (x - x_b)^2}{N}} = \sqrt{\frac{2(96,2 - 95,0)^2 + 2(96,2 - 98,0)^2 + \dots + (96,2 - 100,0)^2}{6}} = \sqrt{24,2} = 4,9$$

2018 йил учун:

$$x_i = \bar{x}_i - S = 96,3 - 5,9 = 90,4$$

$$S = \sqrt{\frac{\sum (x - x_b)^2}{N}} = \sqrt{\frac{2(96,3 - 94,0)^2 + 2(96,3 - 98,0)^2 + \dots + (96,3 - 100,0)^2}{6}} = \sqrt{35,2} = 5,9$$

2013 йилда ўртача кўрсаткич фоизларининг квадрат оғиш қиймати фоизи 83,4га тенг бўлган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 90,4ни ташкил этди, улар ўртасидаги фарқ 7,0га тенг. Бундай ижобий ўзгаришлар айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида миллий иқтисодиётдаги макроиқтисодий барқарорлик, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси таъминланаётганлиги, ҳукуматнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатининг

олиб борилаётганлиги, олий таълим муассасаларининг молиявий-иқтисодий ҳолати яхшиланаётганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш асосида 2013-2018 йиллардаги кўрсаткич даражаларини таҳлил этиш асосида улар самара-дорлигини ошириш истиқболлари бўйича қуйидаги хулосалар чиқариш имкониятини беради:

1. Молиявий маблағлар тушум даражаси икки йўналишдаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар тушум даражаси билан боғлиқ. Бюджетдан режалаштирилган маблағларнинг йиллар бўйича ўртача тушумини кўрадиган бўлсак, 100%га бажарилган. Бюджет маблағлари олий таълим тизимидаги ўқув муассасаларига республика бюджетидан молия вазирлигидан газначилик орқали таъминланган. Бу йўналишда механизм самарали ишлаб турибди.

2. Таълим хизматлари – бюджетдан ташқари маблағлар тушуми йўналишларидан биридир. Бу йўналишда тўлов шартнома асосида ўқитишдан, репититорлик, ўқув курслари, методик материаллар яратиш ва бошқа таълим хизматларидан 2013 йилда 179130,0 минг сўм, 2014 йилда 276156,0 минг сўм, 2015 йилда 328821,0 минг сўм, 2016 йилда 273184 минг сўм ва 2017 йилда 312134 минг сўм келиб тушган. 2017 йил режадаги кўрсаткичга нисбатан 97,0 % тушум бўлган бўлсада, у 2016 йилга нисбатан 55637,0 минг сўм, яъни 16,9% камдир. Бунга сабаб таълим хизматларида тўлов шартнома асосида ўқийдиган ўқувчилар сонининг камайганлигидир.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан тушган маблағлар асосан ўқув жиҳозлари, мебель анжомлари, тикув ва тўқув маҳсулотлари, иккиламчи хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқалардан маблағлар келиб тушди. Бу маблағлар 2013 йилда 87000,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 267512,0 минг сўмни ташкил этган. 2013 йилдаги тушумга нисбатан 2018 йилга келиб тушум йил охирида 307 %га ошган, бу эса маҳсулот ҳажми ва рахи билан боғлиқдир.

Ўқув хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига 2013 йилда 119770,0 минг сўм, 2014 йилда 210613,0 минг сўм, 2015 йилда 269934,0 минг сўм ва 2016 йилда 350183,0 минг сўм маблағ

келиб тушган. Буларн мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотлари ва кўчат етиштиришдан, асаларичилик, паррандачилик ва чорва-чиликни ташкил этишдан ҳамда қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашдан тушган маблағлардир. Маблағлар тушумининг йил сайин ошиб бораётганлиги олий таълим тизимида фаолият юритаётган таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолияти тўғри ташкил этилганлиги, шунингдек, улар самарадорлигининг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳомийлик (беғараз) ёрдами маблағ ҳисобида йил сайин ортиб бормоқда, 2013 йилга нисбатан 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 5 баробарга ошган.

3. Молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси йилдан йилга ортиб бормоқда, 2013 йилда бу кўрсаткич ўртача 95% ни, 2017 йилга келиб эса 98% ни ташкил этди.

Жаҳонда ҳанузгача глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиляётганлигини, ишлар амалга ошириляётганлигини эътироф этган ҳолда, таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишини ҳисобга олиб, таклиф этилган таълим муассасалари томонидан кўрсатиляётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини истиқболда ошириш кўрсаткичлари тузилмасининг яна бир бошқа иккинчи вариантини тавсия этиш мумкин. Чунки, юқоридаги биринчи вариантда таълим муассаси таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари етарли даражада акс этмаган. Қолаверса, уларнинг сифат тавсифини бериш дастлабки вариантда қийин кечади.

Кўрсаткичлар тизимининг иккинчи варианты уларни қуйидаги 5 гуруҳда умумлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Маъмурий-ташкилий фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар:

- бюджет маблағларининг ишлатилиш даражаси;
- бюджет маблағлари харажатлари таркибини такомиллаштириш;
- умуман харажатлар таркибининг такомиллашиб бориши (бунда, бевосита таълим хизмати кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши ортиш тенденциясига эга бўлишги керак).

2. Таълим хизматлари ва инновацион фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар:

- таълим хизматлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- илмий тадқиқотлар ва инновацион маҳсулотлар (электрон дарсликлар, янги педтехнологиялар, ишлаб чиқариш ғоялари) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлар (патент ва лицензиялар сотиш, унинг самарадорлиги кўрсаткичлари).

3. Жалб этилган хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари, грантлар ва кредитлар ҳажми, ўсиш динамикаси, уларнинг жами молиялаштириш ҳажмидаги улуши кўрсаткичлари.

4. Молия-хўжалик фаолиятида тежамкорлик билан боғлиқ кўрсаткичлар:

- моддий-техника базасидан фойдаланиш кўрсаткичлари (эскириш, муддатида олдин яроқсиз ҳолга келиш, ўқув-ишлаб чиқариш воситаларининг янгиланиш даражаси);

- тўлов интизомига амал қилиш даражаси (дебитор ва кредиторлик қарзларининг шаклланиши, уларнинг қопланиши);

- ходимларнинг қўнимсизлиги даражаси.

5. Меҳнат бозори ва бандликка алоқадор кўрсаткичлар (битирувчиларнинг ишга жойлашиши, таълимнинг меҳнат бозори конъюктурасига таъсири ва боғлиқлиги, ишлаб чиқариш билан интеграциялашиш даражаси).

Таклиф этилаётган ушбу кўрсаткичлар тизими олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини сифат нуқтан назардан баҳолаш, таҳлил қилишга имкон беради. Шунингдек, юқорида тавсия қилинган ҳар иккала вариант ўйлаймизки, таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини истиқболда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида, қуйидагиларни таъкидлашни лозим, деб топдик.

1. Олий таълим муассасаларида сифатли таълим хизматларини тақрор ишлаб чиқарилишини таъминловчи ташкилий иқтисодий механизмни шакллантириш, бунда тадбиркорлик фаолияти махсус тури сифатидаги антрепренерлик ҳамда таълимнинг янги маҳсулотлари ва хизматларини ҳамда уларнинг айрим элементларини таъ-

лим хизматларини такрор ишлаб чиқаришнинг ички шаронглари ва омилларини сурункали қайта тузилмалаш орқали, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ўқитувчилар ва олий ўқув юрти менежменти хизмати ва меҳнат самарадорлиги сифатини ошириш асосида яратишга йўналтирилган ички ташкилий инновацион тадбиркорлик - таълим интрапренерлигини жорий қилишнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланган ифодаси ишлаб чиқилди. Уларни амалга оширишнинг зарурияти, хусусиятлари, тартиби ва истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

2. Бугунги мавжуд олий таълим тизими статистикасига таянган ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини аниқлашда фойдаланиладиган қуйидаги кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга таклиф этилди:

- молиявий маблағларнинг тушум даражаси;
- молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси;
- олий таълим тизимига талабаларни қабули режасининг бажарилганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- олий таълим тизимида битирувчилар кўрсаткичлари;
- олий таълим тизимида битирувчиларнинг иш билан бандлик даражаси;
- олий таълим тизимида хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси.

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш асосида сўнгги 5 йилликдаги кўрсаткич даражаларини таҳлил этиш асосида улар самарадорлигини ошириш истиқболлари бўйича қуйидаги хулосалар чиқариш имконини бери:

- молиявий маблағлар тушум даражаси икки йўналишдаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар тушум даражаси билан боғлиқ;
- таълим хизматлари - бюджетдан ташқари маблағлар тушуми йўналишларидан биридир;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳомийлик (беғараз) ёрдами маблағ ҳисобида йил сайин ортиб бормоқда;

- молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси йилдан йилга ортиб бормокда.

Бирок, жаҳонда ҳанузгача глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиляётганлигини, ишлар амалга оширила-ётганлигини эътироф этган ҳолда, таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишини ҳисобга олиб, таклиф этилган таълим муассасалари томонидан кўрсатиляётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини истиқболда ошириш кўрсаткичлари тузилмасининг бошқа бир иккинчи вариантини тавсия этиш мумкин. Чунки, юқоридаги биринчи вариантда таълим муассасаси таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари етарли даражада акс этмаган. Қолаверса, уларнинг сифат тавсифини бериш дастлабки вариантда қийин кечади.

Кўрсаткичлар тизимининг иккинчи варианты кўрсаткичларини куйидаги 5 гуруҳда умумлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- маъмурий-ташкилий фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- ишлаб чиқариш ва инновацион фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- жалб этилган хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари, грантлар ва кредитлар;
- молия-хўжалик фаолиятидаги тежамкорлик, интизом билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- меҳнат бозори ва бандликка алоқадор кўрсаткичлар.

Таклиф этиляётган ушбу кўрсаткичлар тизими олий таълим муассасалари томонидан кўрсатиляётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини сифат нуқтаи назардан баҳолаш, таҳлил қилишга имкон беради. Шунингдек, юқорида тавсия қилинган ҳар иккала вариант ўйлаймизки, таълим муассасалари томонидан кўрсатиляётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини истиқболда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

6.3. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар

Мамлакатимизда таълим соҳасига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз”¹⁰⁴, деб таъкидлади. Кўриниб турибдики, эндиликда олий ўқув юртлари ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлаб, молиявий мустақилликка ўтади. Айнан бундай шароитда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ўта долзарб бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, уларнинг рақобат устунлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим жиҳатлардан бирига айланмоқда. Олий ўқув юртининг ички имкониятларини самарали бошқариш учун таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Олий ўқув юрти олдида рақобатбардош, юқори сифат талабларига жавоб берадиган, давлат ва бозор тамойиллари ҳукм суриб турган шароитда таълим хизматларини кўрсатиш масаласи ўта жиддий масалалар сирасига киради. Таълим тизими янги шароитга ўтаётган паллада баҳолашнинг амалдаги мавжуд усуллари ҳам замонавийлашмоғи лозим.

Олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш, уларни таҳлил қилишнинг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

олий ўқув юртини бошқариш даражаси сифати ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкон яратади.

Олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини бошқариш объектининг мақсади, рақобатбардошлик омили, таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлар ва даражалари бўйича кўрсаткичлари таснифини шакллантириш орқали баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди.

Юқоридаги кўрсаткичлардан бири, олий ўқув юртларида банд бўлган профессор-ўқитувчилар меҳнатининг таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ самарадорлик даражасига қуйидаги омилларнинг таъсир килиши аниқлади:

– таълим хизматларига сарфланган харажатлар самарадорлиги ($T_{хр}$);

– таълим хизмати билан банд бўлган ходимларнинг таълим хизматлари харажатлари билан таъминланганлиги ($T_{ххт}$);

– таълим хизматини кўрсатувчи ходимларнинг профессор-ўқитувчиларни камраб олиш даражаси ($T_{хкд}$). Ушбу омилларнинг олий ўқув юртларида банд бўлган профессор-ўқитувчилар меҳнатининг таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ самарадорлик даражасига таъсирини аниқлаш учун қуйидаги аддитив модель формуласидан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$T_{хпў} = T_{хр} * T_{ххт} * T_{хкд};$$

Ушбу формулага асосан натижа кўрсаткичига таъсир қилувчи барча омиллар таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу ҳисобкитоб уларнинг фарқи аниқлашдан бошланади:

$$\Delta T_{хпў} = (T_{хр} \text{ х} * T_{ххт} \text{ х} * T_{хкд} \text{ х}) - (T_{хр} \text{ р} * T_{ххт} \text{ р} * T_{хкд} \text{ р});$$

Олий ўқув юртларида банд бўлган профессор-ўқитувчилар меҳнатининг таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ самарадорлик даражасининг, яъни натижа кўрсаткичининг ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta T_{хпў} \text{ тхр} = (T_{хр} \text{ х} * T_{ххт} \text{ р} * T_{хкд} \text{ р}) - (T_{хр} \text{ р} * T_{ххт} \text{ р} * T_{хкд} \text{ р});$$

Натижа кўрсаткичининг ўзгаришига иккинчи омил, яъни таълим хизмати билан банд бўлган ходимларнинг таълим хизматлари харажатлари билан таъминланганлигининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{хпў} \text{ тххт} = (T_{хр} \text{ х} * T_{ххт} \text{ х} * T_{хкд} \text{ р}) - (T_{хр} \text{ х} * T_{ххт} \text{ р} * T_{хкд} \text{ р});$$

Таҳлил кинаётган кўрсаткичнинг ўзгаришига учинчи омил, яъни таълим хизматини кўрсатувчи ходимларнинг профессор-ўқитувчиларни қамраб олиш даражасининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta T_{хпў} тхкд = (T_{хр} x + T_{ххт} x + T_{хкд} x) - (T_{хр} x + T_{ххт} x + T_{хкд} p);$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлади:

$$\Delta T_{хпў} = \Delta T_{хпў} тхр \pm \Delta T_{хпў} тххт \pm \Delta T_{хпў} тхкд ;$$

Ушбу омилларнинг таҳлил қилинаётган кўрсаткичга таъсири амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқланса, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш ва уларни ишга солиш юзасидан тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари ишлаб чиқилади.

6.4. Олий таълим тизимида даромадлар ва харажатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Олий ўқув юртларида ҳам харажатлар миқдори анчагина. Бошқа соҳалар сингари буларнинг ҳам самарадорлигини аниқлаш ни тақозо қилади. Одатда самарадорлик эришилган натижа кўрсаткичини (сотилган маҳсулот, олинган даромад, фойда суммаларини) харажатларга бўлиш йўли билан аниқланади. Аммо таълим тизимида харажатлар ҳам натижа ҳам ва шунга мос равишда натижадорлик (самарадорлик) ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Булар қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, таълимнинг асосий мақсади кўпроқ фойда олишдан кўра, етук мутахассисларни тайёрлашга қаратилади. Албатта бу маълум харажатларни талаб қилади. Бугунги шароитда нодавлат таълим муассасалари кўпайиб бораётган паллада, ижтимоий самарадорлик билан бирга иқтисодий самарадорликнинг ҳам моҳияти ошиб бормоқда.

Иккинчидан, таълим тизимида ҳам рақобат устунлигини таъминлаш лозим бўлмоқда. Бунинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш муаммони счимини маълум даражада ҳал қилади. Бунда рақобатбардошликни баҳолашни тақозо этади. Шу боис, натижаларнинг ишончлилиги, объективлиги, оптималлиги, даврийлиги ва шаффофлигини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш

зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар адекват бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарув ҳисобини юритиш (режалаштириш, мониторинг, назорат, фарқни аниқлаш) учун ахборот олишга имкон бериши лозим.

Учинчидан, таълим тизимида самарадорлик кўрсаткичлари тизими, бир томондан, олий ўқув юртини мақсад ва вазифасини тўлиқ қамраб олиши, иккинчи томондан, баланс бериши ҳамда амалий жиҳатдан жорий этиладиган (кенг маънода ахборот берадиган, статистик маълумотлар билан таъминланган) бўлиши зарур. Зеро, таълим тизимида маблағларнинг тўпланиши ҳам турли бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги улар томонидан қилинадиган харажатлар ҳамда олинадиган даро-мадларга ҳам боғлиқ. Чунки, олий ўқув юртларида тушум қуйидаги икки йўналишдан ҳосил бўлади:

- 1) бюджет маблағлари;
- 2) бюджетдан ташқари маблағлар.

Бироқ, уни сарфлашда ўзига хос қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш керак:

Биринчидан, бюджет маблағларини сарф қилишнинг асосий принципи уларнинг маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва вақт бўйича қаттиқ тартибга солинганлигидир. Олий ўқув юртлари бюджет пул маблағларидан сметада кўзда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Олий ўқув юрти сметасининг бюджет харажатлари уларнинг ёпик рўйхатини ўз ичига олиб, таркибига қуйидагилар киради: ходимларнинг иш ҳақи; бюджетдан ташқари жамғармаларга бадаллар; аҳолига трансфертлар (пенсия, стипендия, нафақа, компенсация ва бошқа ижтимоий тўловлар); хизмат сафари харажатлари ва бошқа компенсацион тўловлар; сотиб олинishi керак бўлган товарлар, бажарилиши лозим бўлган ишлар ва кўрсатилажак хизматларга ҳақ тўлаш.

Иккинчидан, алоҳида таъкидлаш жоизки, харажатлар сметаси олдиндан тузилади ва уни ўзгартириб бўлмайди. Бироқ, юқорида кўрсатилган харажатлар аниқ эҳтиёжни қондириш ўлчови сифатида пул маблағларининг маълум суммасида ифодаланган харажатлар

(бюджет) нормаси асосида амалга оширилади. Амалиётда пулли нормаларнинг бир қанча турларидан фойдаланилади¹⁰⁵:

- моддий бойликлардан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичларига асосланган нормалар (овқатланиш, техник жиҳозлар сотиб олиш, юмшоқ инвентарлар ва ҳ.к.лар харажатлари нормаси). Бундай нормалар моддий нормаларнинг пулдаги ифодасини намоён этади;

- умумлаштирилган якка тартибдаги тўловлар – иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва бошқалар;

- ўтган даврларда маблағларнинг сарфланиш кўрсаткичларини умумлаштириш асосида тажриба-статистика усули ёрдамида ва бюджетнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келтирилган нормалар.

Бюджет нормалари жуда кўп омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, баҳо ва тарифлар тизимининг ўзгариши, миллий ҳўжаликда иш ҳақининг ўсиши, олий ўқув юрти харажатларини молиялаштириш бўйича қўшимча имкониятларнинг пайдо бўлиши кабилар шулар жумласидандир.

Таълим тизимига таъсир этувчи шундай муҳим омиллар борки, уларни соҳа самарадорлигини баҳолашда инobatга олмасликнинг имкони йўқ. Буларга умуминсоний кадриятлар ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, замонавий маданият, иқтисод, фан, техника ҳамда жамиятнинг ривожланиш истиқболини эътиборга олган ҳолда таълим соҳасида олиб борилаётган аниқ мақсадларга йўналтирилган давлат сиёсати кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартлари бўлиб ҳисобланади.

Бугун таълим инсон учун янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Айниқса, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун меҳнат бозори талабларига тез мослаша оладиган олий таълим тизимини йўлга қўйиш ва доимо ривожлантириб бориш долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу бонс, Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидланганидек: “Таълим тизимининг кейинги босқичи – олий

¹⁰⁵ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати. –Т.: “Akademnashr”, 2011, 76-77-б.

таълим соҳасида ҳам салмоқли ислоҳотлар олиб борилмоқда... Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбур-миз..."¹⁰⁶ Шу боис, барча ислоҳотлар негизида таълим тизимини модернизация қилиш, инновацион дастурларни амалга ошириш, халқаро миқёсда тан олинган сифат менежменти талаблари даражасига олиб чиқиш вазифаси кун тартибида асосий устувор вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумки, Давлат бюджетидан молиялаштириш олий таълим муассасалари жорий фаолиятини давлат бюджетидан маблағ билан таъминлашдир. Мамлакатимизда бу маблағлар асосан Вазирлар Маҳкамасининг 414-қарорига биноан I гуруҳ (талабалар стипенди-ялари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар), II гуруҳ (ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан бошқа ажратмалар) ва IV гуруҳ (бошқа жорий харажатлар)ни молиялаштириш учун ажратилмоқда.

Бюджетдан молиялаштирилувчи муассасалар фаолиятини ҳам бозор талабларига мос равишда ташкил қилиш, молия-лаштириш-нинг янги манбаларини излаб топиш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан 1999 йил 3 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида бюджет ташкилотларида молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари белгиланди ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилган эди.

Бюджет ташкилотлари ушбу меъёрлар асосида қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларни, яъни:

- тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағларни;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумларни;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

¹⁰⁶ Мирзиёев Ш.М. Билимни авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамжамият ҳақида тараққиётнинг қафолагидир. – Т.: "Ўзбекистон". 8 декабрь 2018 йил.

- бошқа бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш тартиби амал қилмоқда.¹⁰⁷

Бирок, шуни қайд этиш керакки, олий ўқув юртини молиялаштириш – бу даромад бўлмасдан, фақат ташкилотнинг харажатлари ҳажми ва уларнинг мақсадли йўналтирилганига тенг бўлган маблағларнинг тушумидан иборат. Шу боис, смета даромадлар қисмига эга эмас. Сметада барча йўналишлар бўйича мақсадли харажатлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи олимлар Маликов Т.С., Жалилов П.Т. лар таълимни молиялаштиришнинг айрим жиҳатлари бўйича билдирган қуйидаги фикрлари эътиборга лойик: “Сметада илм-фанни молиялаштириш бюджет харажатларининг мустақил гуруҳи ҳисобланади. Улар учун бюджетдан маблағлар энг муҳим истикболли назарий изланишлар ва умумдавлат мақсадли илмий-техникавий дастурлар бўйича йўналтирилади. Ана шу мақсадлар учун маблағлар бевосита илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан шуғулланувчи Фанлар академияси, тармоқ академиялари, олий ўқув юртлари, архивлар ва бошқа ташкилотларга ажратилади. Хуллас, илм-фан тараққиётини ҳам бюджет сиёсатисиз тасаввур этиб бўлмайди”¹⁰⁸. Бирок, бизнингча, олий ўқув юртларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Улар ҳам таълим муассасасида сметадан ташқари харажатларни қоплашда муҳим ўрин тутати.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, олий ўқув юртларида харажатлар самарадорлигини аниқлаш масаласи, таъкидланганидек, ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу ҳолатдан келиб чикиб, қуйидаги самарадорлик кўрсаткичларини тавсия қиламиз:

1. Харажатлар натижадорлиги (X_n). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумни (Q) мазкур фаолият учун жорий даврда қилинган харажатлар (X_a) миқдорига бўлинади ва қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$X_n = \frac{Q}{X_a};$$

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. 414-сон. 1999 йил 3 сентябрда. www.lex.uz

¹⁰⁸ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет - солиқ сиёсати. –Т.: “Akademnashr”, 2011 й., 78-79-б.

2. Харажатлар рентабеллиги (X_p). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун олий таълимда таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойдани (Φ) айнан шу фаолият учун жорий даврда қилинган харажатлар (X_a) микдорига бўлинади ва қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$X_p = \frac{\Phi}{X_a};$$

3. Тайёрланган кадрларнинг сифатлилиқ даражаси (K_c). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун юқори рейтингда (аъло баҳоларга) битирган талабаларни ($Ю_p$) умумий битирувчилар сонига ($Би$) бўлиш кифоя бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_c = \frac{Ю_p}{Би};$$

4. Талабаларнинг ўқитувчилардаан қониқиш даражаси (K_d). Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун талабаларга тарқатилган сўровнома маълумотларидан фойдаланилади. Бунда ҳар бир ўқитувчига талабанинг қўйган баҳоси (яхши, қаниқарли, паст) асосида яхши баҳо логан ўқитувчилар сонини ($Я_ў$) ўқитувчиларнинг умумий сонига ($Ў_c$) бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$K_d = \frac{Я_ў}{Ў_c};$$

Ушбу кўрсаткичлар асосида таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ифодаловчи ягона комплекс кўрсаткич (T_{cc}) аниқланади. Буни аниқлаш учун ҳар бир кўрсаткични киёсланадиган ҳолатга келтириб олинади (T_{cci}) ва жамланади (Σ). Бу қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$T_{cc} = \frac{X_n}{X_{n\dot{p}}} + \frac{X_p}{X_{p\dot{p}}} + \frac{K_c}{K_{c\dot{p}}} + \frac{K_d}{K_{d\dot{p}}} = \sum_{i=1}^4 T_{cci};$$

Мазкур формулада 4 та кўрсаткич иштирок этмоқда. Демак i бу ерда 4 га тенг ($i=1,4$). Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаш натижасида таълим хизмати ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ифодаловчи ягона комплекс кўрсаткични маълум бир ўқув муассаси бўйича аниқлаб, ўрганлаётган масалани яхшилашга қаратилган тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

VII боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Олий таълимни такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалари

Ўзбекистон тараққиётнинг янги, шиддат билан ривожланиш босқичига кўтарилди. Бу босқичда ривожланиш даражаси ўз-ўзидан содир бўлмайди. Энг аввало, шунга мос кадрлар, техника ва технологиялар керак. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”¹⁰⁹. Энди медалга реал қарайлик. Бугунги аҳволимиз қандай, малакали кадрларнинг жамиятдаги ҳиссаси ва ўрни талабга жавоб берадими? Албатта бу саволларга жуда кўтаринки мамнуният билан жавоб бериш қийин. Чунки, бугунги кунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг атиги 35%идан сал ортиғроқгинаси олий маълумотли. Қолган 65,0 аҳоли ўрта махсус ва ўрта маълумотли кишилар. Ривожланган мамлакатларда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 80-90%и олий маълумотга эгаллигини инобатга оладиган бўлсак, ўзимизда аҳвол қай ҳолатда эканлигига изохнинг ҳожати йўқ. Шу туфайли олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Олдин мактаб ўқувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси ҳатто 10 %дан ҳам кам бўлган. 2019 йилда ушбу кўрсаткич 20 %га етди. Мурожаатномада таъкидланишича, 2020 йилда мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш вазифаси белгиланди.

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

Давлатимиз раҳбари парламентга мурожаатномасида “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”¹¹⁰, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир киши замонавий билимларни ўзлаштирган, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Бундай одат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Бизнинг ҳаводан нафас олишимиз, ҳар кунни озикланишимиз – узлуксиз ҳаётий эҳтиёжимиздир. Худди шундай чинакам маърифатли ва маданиятли бўлишлик учун интилиб яшаш ҳам кундалик ҳаётий эҳтиёжимизга айланиши керак. Зеро, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда, билимни ўзлаштиришни ҳам, чинакам маърифатга интилишликни ҳам, юксак маданият соҳибни бўлишликни ҳам бирор лаҳза кечиктириб бўлмайдиган жараёнга айланди. Бунга бефарқликни – энг аввало, ўзининг, тараққиётнинг ва ниҳоят жамиятнинг душмани, деб баҳолаш мумкин. Ушбу ҳолат, нафақат ёшлар, балки ёшдан қатъи назар, барча ақли расо кишиларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айланмоғи лозим.

Бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бериш учун, жадал тараққиётга эришиш учун давлатимиз раҳбарининг парламентга мурожаатномасида таъкидлаганидек, “...рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”¹¹¹. Давлатимиз раҳбарининг ушбу гаплари олий таълим тизимини ислоҳ қилиш йўналишларини белгилаб беради.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатда “Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини

¹¹⁰ Ўша жойда. – 2 бет.

¹¹¹ Ўша жойда. – 2 бет.

белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлокий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш”¹¹²га оид устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, ушбу кенг кўламли вазифаларни бажаришда фақат Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эмас, балки бутун халқимизнинг фаол иштирокини тақозо этади. Зеро жамиятнинг тараққиёти таълимга боғлиқ, таълимнинг юксак самарадорлиги ва сифатидан ҳамма манфаатдор.

Кушнинг учиши учун иккита қаноти лозим бўлганидек, инсоннинг юксак даражаларга кўтарилиши учун ҳам иккита қанот – иймон ва илм керак. Нобел мукофоти соҳиби Алберт Эйнштейн: “Динсиз фан ўлқидир, фансиз дин чўлоқдир”, деган экан. Мамлакатимиз дахрийлик даврини бошидан кечирган даврларда инсон камолотининг битта қаноти, яъни иймон кесиб ташланган эди. Илмли бўлиш учун иймон бўлмаслик керак, улар бир-бирига зид тушунчалар, деб тарғибот қилинди. Оқибати нима бўлганини ҳаммага маълум. Қадимдан бир гап бор, “бу дунёнинг саодатига эришмоқчи бўлсанг – тижорат билан шуғуллан, у дунёнинг саодатига эришмоқчми бўлсанг – ибодат билан шуғуллан, икки дунё саодатига эришмоқчи бўлсанг – илм билан шуғуллан”, дейилади. Шунинг учун ҳам муқаддас китобларда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз қилинган.

Бугунги янгиланаётган даврда мамлакатимизда диний ва дунёвий илмлар бир-бирига зид қўйилмаган паллада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, “Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**,”

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони

деб ном беришни тактиф этаман”¹¹³, деб таъкидлади. Бунда илм ва маърифат фақат биз эътироф этган “дунёвий” фанлар ҳақида кетаётган эмас, бунда иккила (ҳозирча диний ва дунёвий деб юритиладиган) илмга ҳам кенг йўл очилган. Зеро маърифатга иймонни инкор қилган ҳолда эришиб бўлмайди, Ҳар қандай маърифатнинг замирида иймон ва эътиқод асос бўлиб ҳисобланади.

Муборак Ҳадиси шарифда ибратли ҳадисни Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун каноатларини қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истикфोर айтадилар. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар анбиёларнинг меросхўрларидир. Албатта, анбиёлар динорни ҳам, дирхамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улугъ насибани олибди”¹¹⁴. Кўришиб турибдики, анбиёлар динорни ҳам, дирхамни ҳам мерос қолдирмаганлар, улар фақат илмни мерос қолдирганлар. Шунинг учун олимлар анбиёларнинг меросхўрларидир. Чунки, улар анбиёлар қолдирган илмни эгаллаганлар.

7.2. Рақамли таълимни жорий қилиш орқали “Коррупциясиз олий таълим”ни шакллантириш механизмлари

Жамиятимиз тараққиётини ривож топдирадиган, самарали фаолиятини таъминлайдиган жуда кўп омиллар билан бирга, унинг тараққиёттига салбий таъсир кўрсатадиган, одамлар руҳиятида ишончсизликни уйғотадиган омиллар ҳам мавжуд. Улардан бири ҳамо коррупция балосининг сақланиб қолаётганлигидир. Ушбу салбий омилнинг таъсири, нафақат иқтисодий, балки муҳим маънавий емирилишга олиб келади. Оқибати сиёсий аҳволни ҳам бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли коррупция элементларини нафақат таълим барча соҳаларда бутунлай бартараф қилиш лозим бўлади. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлиста Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

¹¹⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Ижтимоий одоблар. – Т.: “Нисол-Нашр”. 2013. – 356 бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”¹¹⁵. Бунинг ҳам муҳим омилларидан бири илм ва иймонни бирга олиб бориш, илм ва маърифатнинг ҳамоҳанглигини таъминлаш лозим бўлади.

Бугунги кундага амалга оширилаётган таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган барча ҳаракатлар ушбу тизимни келажакда коррупция балосидан бутунлай холи қилишга қаратилмоқда. Ушуб масала таълимдаги ислохотларни амалга оширишда энг устувор вазифалар даражасига кўтарилди. Соҳада “Коррупциясиз олий таълим”га эришиш жамиятимизнинг энг оғрик нукталаридан бири сифатида баҳоланмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди, деск, аини ҳақиқат. Коррупция элементлари асосан, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида кузатиладиган эди. Бунга охириги йилларда кириш имтиҳонларини қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш оқибатида деярли барҳам берилди.


Президентимиз таъкидлаганидек, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бундан кейин ҳам оптималлаштирилади. Хусусан, ушбу жараённинг давом этишини давлатимиз раҳбари парламентга қилган мурожаатномасида: “Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур”, деб таъкидлади. Ҳаётимиз кўрсатдики, қасрда коррупция элементлари бўлса, ишнинг сифати бўлмайди, адолат муҳити бузилади. Булар инсон руҳиятига ўта салбий таъсир қилади. Адолат бўлмаган жойда одамларда ишонч йўқолади. Ишонч йўқотилганч одамларни ҳеч нарса билан рози қилиб бўлмайди.

Жамиятда инсон азиз ва мукаддас бўлиб қолиши учун, бугунги ривожланиш босқичидаги талабига жавоб бериш учун ҳар

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 4 бет.

бир кишидан талаб қилинадиган нарсa иймон, илм ва интизим. Иймонли одам албатта илм эгаллашга интилиб яшайди. Иймонли ва илмли одам албатта интизомли бўлади. Агар одам иймонли бўлиб, ислом илмини ўзлаштирган бўлса, беш вақт намознинг ўзи ҳар қандай кишини интизомли қилишга ундайди ва шу одатни сингдириб боради. Ҳар бир намозни ўз вақтида ўқиши керак. Олдин ҳам ўқиб бўлмайди, маълум муддат ўтгандан кейин ҳам ўқиб бўлмайди. Бунга одатланган одам ҳаётда ибодатдан ташқари ишларни ҳам вақтида қилишга кўникиб қолади.

Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, иймон, илм ва интизом бир-бири билан узвий боғлиқ экан. Учаласи мужассам бўлган инсон олий таълим тизимида ишласа ёки ўқиса ҳам етарли муваффақиятларга эришиш мумкин. Жумладан, иймонли, илмли ва интизомли педагог коррупцияга йўл қўймайди. Ўзини-ўзи идор қила олади. Коррупция аралашмаган таълим жараёнида адолат бузулмайди. Адолат бор жойда муваффақиятнинг ҳам бўлиши табиий. Ушбу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (7.1-расм).



7.1-расм. Коррупциясиз олий таълимни шакллантириш, адолатни таъминлаш ва натижадорлик модели

Расмдан кўриниб турибдики, натижадорликка эришиш учун энг аввало, иймонли, илмли ва интизомли педагог бўлиши керак экан. Натижадорлик билан ушбу унсурлар ўртасида “Коррупциясиз таълим” ва адолат турибди. Ушбу боғлиқлик ҳам кўрсатиб турибдики, барча муваффақиятларнинг бошланиши иймонли, илмли ва интизомли кишиларнинг борлиги билан боғлиқ экан. Бу педагог бўладими, раҳбар бўладими, талаба-ўқувчиларнинг ота-онаси бўладими ҳаммага баробар. Тан олиб айтиш керак, айрим ҳолларда таълимдаги коррупцияга ота-оналар ҳам сабабчи. Чунки, болам қийналмасин, у енгилгина баҳосини олсин, деб қўп ҳолларда ота-оналар “чопиб юради”лар. Боласини яхши кўрган ота-она энг аввало, унинг ўқишини қаттиқ назорат остига олиш керак. Бунинг ўрнига боласига “раҳми келиб”, уни тўғри йўлидан адаштириб, “чўлок” қилиб қўймоқдалар.

7.3. “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”нинг таркиби ва у билан эмлаш йўллари

Таълимда коррупцияни йўқотиш – жамиятни ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш дегани, чунки жамиятни бошқарадиган ва бошқаришга иштирок этадиган ҳамда бошқариладиган кишиларнинг ҳаммаси таълим тизимида ўқиб, тегишли ҳужжатларни қўлга киритган бўлади. Шу туфайли таълим тизимини коррупциясиз тизимга, соҳага айлантиришнинг жамият тараққиёти учун жуда катта аҳмиятга эга. Мамлакатимизда таълим билан тарбияни бажиз бирга олиб бормайди. Тарбия жараёнида унда юксак маънавият, иймон-этикод шаклланади.

Халқ орасида бир ибратли нақл бор. Бир ташкилотга раҳбар тайинлайдиган бўлибди ва унга бир қанча номзодларни танлаб олибди. Энг тажрибали кишилардан комиссия хайъати тузилибди. Улар маслаҳатлашиб, ҳаммасига бир хил саволни беришга келишибди. Буларга “Сиз шу жойга раҳбар бўлсангиз коррупцияга йўл қўясизми, жиноят ва адолатсизлик қиласизми?”, деган саволни қўйибди ва ҳар бирига кирганда шу саволни берибди.

Биринчи номзод: “агар мен шу жойга раҳбар бўлиб қолсам коррупцияга йўл қўймайман, жиноят ҳам қилмайман ва адолатсизлик ҳам қилмайман”, дебди.

Ҳайъат нима учун, деган саволни берибди. Унга: “Мен Худодан кўрқаман, чунки учаласи ҳам катта гуноҳ, Аллоҳ томонидан жазоланишни хоҳламайман, деб жавоб берибди”.

Иккинчи номзод: “агар мен шу жойга раҳбар бўлиб қолсам коррупцияга йўл қўймайман, жиноят ҳам қилмайман ва адолат-сизлик ҳам қилмайман”, дебди.

Ҳайъат нима учун, деган саволни берибди. Унга: “Мен қонундан кўрқаман, чунки учаласи ҳам катта жиноят, ҳозирги осойишта ҳаётимни қонун билан жазолаб, алғов-далғов бўлишини хоҳламайман”, деб жавоб берибди.

Учинчи номзод: “агар мен шу жойга раҳбар бўлиб қолсам коррупцияга йўл қўймайман, жиноят ҳам қилмайман ва адолат-сизлик ҳам қилмайман”, дебди.

Ҳайъат нима учун, деган саволни бунга ҳам берибди. Унга: “Мен ўзимдан кўрқаман”, дебди. Ҳамма ҳайрон бўлиб сабабини сўрабди. Унга қуйидагича жавоб берган экан. “Менинг ўзимдан кўрқишимнинг сабаби, вужудимда ўзимнинг душманам нафс, ҳасад ва жаҳл бор. Булар иймоним, ақлим ва виждонимга зўрлик қилиб, бу жиноятларни қилишга ундаб қўйиши мумкин. Бу ҳолда мен қонун олдида жиноятчи бўламан, Аллоҳ олдида гуноҳкор бўламан. Мен икки томондан ҳам жазоланишни хоҳламайман”, деб жавоб берибди.

Комиссия ҳайъати учаласи ҳам “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган, деган хулосага келибди, лекин раҳбарликка учинчи шахсни тайинлашга қарор қилган экан. Чунки, бунда кўрқинч ҳисси энг аввало, ўзидан, қонундан ва Худодан бўлганлиги учун буни бошқалардан устун, деб ҳисоблаган экан.

“Ҳалоллик вакцинаси”нинг таркиби нималардан иборатлиги шу вақтга қадар жумбоқ эди. Мана энди унга аниқлик киритилгандай бўлди. Хуллас, “Ҳалоллик вакцинаси”нинг таркибини маълум маънода аниқлашга муваффақ бўлди. Буларга: инсон қалбидаги иймон, бошидаги ақл, қалби ва бошига жойлашган виждон ҳамда уларнинг биргаликда ҳамжиҳатликда ҳаракати туфайли, ёнига илмни олиб, ҳасад ва жаҳлни ҳайдай олиш қобилиятининг шаклланганлиги киради. Буларга яна Худодан, қонундан кўрқиш ҳиссининг пайдо бўлганлигини ҳам қўйиш мумкин. Чунки, иймонли эътиқодли инсон, гуноҳ, ҳаром ишларни қилишдан нафақат қонундан, балки Худодан ва ўзидан кўрқади. Ана шу кўрқув ҳиси

ҳам ҳалоллик вакцинасининг бир таркибига киради. Энди ҳалоллик вакцинасининг таркибини тизимлаштириш мумкин. Бу куйидаги расмда ўз аксини топган (7.2-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, юқоридаги ҳалоллик вакцинаси таркибига кирувчи “моддалар” билан эмланган инсонлар ҳеч маҳал жиноятга қўл урмайди. У жиноят қилишдан Худодан ҳам конунлардан ҳам кўрқади. Ушбу вакцина билан эмланганларда бу менинг ҳалол ҳаққим, бу эса, бировнинг ҳақи, деган тушунчаларга қаттиқ амал қиладиган бўлади. Имкони борича адолат тарозисининг пасангисини тенг ушлашга ҳаракат қилади. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Ҳаммага тушунарли бўлиши учун талаба-ўқувчилар ҳолатини мисол қилиб олишга қарор қилдик.



"Ҳалоллик вакцинаси"нинг таркиби

7.2-расм. "Ҳалоллик вакцинаси"нинг таркибий тузилиши

Талаба-ўқувчилар нима учун ўқимаяпди? Албатта ўқитувчилар ўқишга мажбур қилади. Бунинг самараси, ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турганимиздек, унчалик юқори бўлмаяпди. Чунки мажбурлаш ҳеч кимга ҳеч қачон ёқмаган ва бу талабага ҳам умуман ёқмайди. Зеро, билимдон талабага ҳозирча ҳеч қандай рағбат йўқ. Яхши ўқигани ҳам ёмон ўқигани ҳам олий ўқув юртини битиргач бир хил лавозимда бир хил маъош олади. Кўп ҳолларда таниш-билишчилик қилиб ўртача ўқиган талаба раҳбар бўлиб ўтиради,

яхши ўқигани эса, унга тобе бўлиб фаолият кўрсатади. Албатта бундай ҳолатда ўқишга рағбат бўлмаслиги тайин. Агар билимдонлик тегишли тарзда ўзининг “баҳосини” топса, аксинча, талаба ўқитувчидан ўқитишни талаб қиладиган бўлади. Бундай даврнинг қачон келишини кутиб ўтирмаслигимиз керак.

Талаба-ўқувчидан ҳалолликни талаб қилган ўқитувчи шу соҳада ўзи ўрнатган бўлиши керак. “Мен айтаман ҳам, аҳдимдан қайтаман ҳам”, нима қилсам бўлаверади, қабилда иш тутган ўқувчини ҳеч қандай талаба ёки ўқувчи ҳурмат қилмайди ва унинг мажбурлагани билан улар ўқимайди.

Фикримизча, талабаларни ўқитишда ҳозирги мавжуд ўқитишнинг мажбурий усуллардан воз кечиб, рағбатлантириш усулларига ўтилиши керак. Яхши ўқиган, рейтинги баланд талабага жамиятимизда катта эҳтиёж пайдо бўлиши лозим. Уларни иш билан таъминлаш кафолати билан бирга билимига яраша юқори маош тўлайдиган лавозимларда ишлашларини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бу давр қачон келса, ўшанда талаба олий ўқув юртидан фақат диплом олиб эмас, балки етарли даражада билим ҳам олиб чиқишга ҳаракат қиладди. Шундагина битирувчи мутахассислар “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган бўлади. Булар меҳнати қадрландими, улар ҳам бошқаларнинг меҳнатини қадрлайди. Меҳнат адолатли қадрланган жойда том маънода адолат принциплари тантана қиладди ва мос равишда, одамларнинг ўзилигига эришилади. Яна бир бор такрорлаймизки, ҳалоллик бўлмаган жойда адолат қарор топмайди ва бундай шароитда ҳеч маҳал яхши натижадорлик, одамларнинг муҳитдан ва давлатдан розилигини кутиш қийин бўлади.

Инсон бировни билиш учун, энг аввало, ўзини билиши керак ва бировни бошқариш учун ҳам ўзини ўзи бошқара олиши лозим. Фақат ўзини ўйлаб яшаган одам ўзининг ҳурматигагина сазовор бўлади. Ҳалол иймонли одам фақат ўзини ўйламайди, Яратганнинг айтганини қилишга ҳаракат қиладди. Бу жамиятда яхшилик қилишида намоён бўлади.

Инсонга нима керак бўлса ўшани хоҳлаши ва уни мақсадга айлантириши лозим. Мақсад қилмаган одам ҳаракат қилмайди. Ҳаракат қилмасан киши хоҳлаган мақсадига эриша олмайди. Иймонли ва ҳалол инсон муносиб жамиятда муваффақиятлар оламида юриши керак.

Ҳамиша яхши нарсаларга эришишни мақсад қилиш ва унга интилиб яшаган кишигина мақсадига эришади, орзулари рўёбга чиқади. Ёмонлик қилиш билан инсон азиз ва муқаррам бўла олмайди ва мос равишда, ундан мартаба ҳам ўз-ўзидан узоқлашиб бораверади.

Инсон бойлиги билан мақтаниб бўлмайди. У Яратганники. Бойликни йиллаб йиғишингиз мумкин, аммо бир кунда қўлдан кетиши ҳам эҳтимоли йўқ эмас. Бироқ, маънавий бойлик инсоннинг ўзиники, буни биров тортиб ололмайди. Маънавий бойликнинг таркибида иймон, ақл, илм, виждон, уларнинг ҳосиласи бўлган ҳалоллик мужассам.

Яшашнинг мезони дунёга келиб неча йил умр кўрганлиги билан эмас, қандай хайрли ишлар қилганлиги билан белгиланади. Буни иймони бутун одам ҳеч маҳал унутмаслиги керак. Чунки, яшаш – бу курашдир. Кураш биринчи галда ўзинг билан, ўзингнинг такомиллашувингга қаратилиши лозим. Агар ушбу курашда инсон ўзи устидан ғалаба қилсагина, бировлар устидан ҳам ҳалоллик мусобақасида ғолиб чиқади.

Фарзанднинг ҳалол-покиза, иймон-эътиқод билан улғайишида ота-онанинг роли жуда катта. Бундай фарзандлар яхши одамнинг фарзанди деган номга сазовар бўлади. Яхши фарзанд эса, ота-онага раҳмат олиб келади. Одамлар “Отанга раҳмат”, деган фикрни айтса ва кўнглидан ҳам ўтказса, бу Яратганнинг ота-онага берган инояти. Чунки ҳеч ким ота-онасини танлаш ҳуқуқи ва имкониятига эга эмас. Кексайганда у фалончининг отаси деган яхши мукофотга сазовар бўлиб яшашига нима етсин. Ота-онага эса, у фалончининг ота-онси экан, раҳмат буларга деган гар ҳам юксак ҳаётий мукофотдир.

Фарзандларимизни иймон-эътиқодли, оқибатли, ақлли, илмли, виждонли қилиб тарбияласагина ҳалолликка эришадиган “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаган бўламиз. Бундайлар ҳалол билан ҳаром ўртасидаги чегарани бузмайдиганлардан бўлади. Хуллас, “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган инсоннинг вужуди покланган, иши натижадор, фаолияти ибратли бўлади.

7.4. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар

Президентимиз парламентга мурожаатномасида: “Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга

оширишимиз лозим”¹¹⁶, деб таъкидлади. Бу устувор вазифалар нималардан иборатлиги парламентга мурожаатномада ҳам, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам аниқ кўрсатиб берилган.

Юқоридаги ҳужжатларда кўрсатилган олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қўйилган устувор вазифаларга таянган ҳолда бир қанча муммоларни ҳал қилишни тақозо қилади. Ушбу устувор вазифалар ва бугунги олий таълим соҳасидаги оғриқ нуқталарни ўнглаш мақсадида таълим соҳасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигига эътиборни қаратишни лозим, деб топдик.

Биринчидан, олий таълимда муваффақиятга эришишнинг энг устувор йўналишларидан бири унда қаттиқ интизомни жорий қилиш лозим бўлади. Интизом йўқ жойда билим ҳам, тарбия ҳам муваффақиятли бўлмайди. Интизом бўлмаган жойда вақт йўқотилади. Ҳар бир лаҳзанинг қадрли эканлигини англасак, йўқотилган вақтнинг нечоғлиқ қимматга тушишини тасаввур қилиш қийин. Вақт шундай неъматки, уни қайта тиклаб бўлмайди. Энди 50 та талабани битта аудиторияга “қамаб қўйиб”, таъсирли дарс ўта олмаган ўқитувчи ўзининг вақти билан бирга 80 дақиқадан 50 та талабанинг вақтини ҳам йўқотса, жами қанча вақт йўқотилади. Интизом фақат дарсни ўз вақтида бошлаб, вақтида тугатиш билан чекланмайди. Бу ҳар бир профессор-ўқитувчи ва талабанинг ўз бурчини чинакамига белгиланган тартибда адо қилиш билан ҳам боғлиқдир. Талаб тўлиқ дарсга келгани билан у билимни тўқис қилиши учун қўшимча дарс қилиши керак. Агар буни қилмаса ҳам таълим олиш интизомини бузган бўлади. Бу ҳам қатта зарар. Интизом жуда кенг тушунча, бу инсоннинг ботиний руҳиятида шаклланган бўлиши лозим. Айнан ушбу ҳолат илм билан иймоннинг уйғунлигини талаб қилади.

Иккинчидан, олий таълим фақат назарий билим бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Бунда назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун ҳар бир олий ўқув юртида ўзининг соҳаси бўйича илғор асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборотория ва тажриба майдончалари бўлишлигини тақозо қилади. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида тажриба майдончаси сифатида шаҳардаги илғор меҳмонхоналар

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

билан шартнома асосида фаолият кўрсатади. Бевосита ўзининг қошида миллий таомлар тайёрлайдиган, юқори сервис хизматларини кўрсатиш жараёни ташкил қилинган ошхонаси мавжуд. Институт қошида туристик фирма фаолият кўрсатади. Банк иши кафедраси қошида вилоятда жойлашган бир қанча тижорат банкларининг тажриба филиаллари мавжуд ва мос равишда талабалар ҳам бевосита банкларда амалий дарсларини олиб боради. Худди шундай ҳолатни Маркетинг кафедрасида ўтиладиган дарсларда ҳам кузатиш мумкин. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси қошида аудиторлик фирмаси ва консалтинг фирмалари фаолият кўрсатиб турибди. Менежмент, иқтисодий таҳлил ва статистика кафедралари қошида лидерлик курси фаолият кўрсатмоқда. Илмий тадқиқот ишларини умумлаштирадиган ва долзарб илмий ишларни ўргатишга қаратилган “Самарқанд иқтисодиёт мактаби” ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тажриба майдончаларида назарий билимлар билан бирга амалий кўникманинг уйғунлиги таъминланиб боради. Аммо тўлиқ илм-фан ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун булар ҳали етарли эмас. Ушбу фаолиятни янада кенгайтириш лозим бўлади.

Учинчидан, олий ўқув юртлирида тегишли давлат идоралари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорларнинг махсус буюртмалари асосида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Шунда аксарият талабанинг иш жойи улар диплом олгунча аниқ бўлади. Муҳими, улар эртага қаерда қандай ишлаши кераклигини билади ва қандай фанларга алоҳида аҳамият беришлиги ҳам аниқ бўлади. Талабанинг барча амалиётни ўтайдиган жойи ҳам аниқ шу корхона ҳисобланади. Бундай ҳолатда олий ўқув юртини битирганча назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга эришади. У шунчаки ўқимайди, балки буюртмачининг талабига мос ҳолда чуқурлаштирилган ҳолда билимларга эга бўлади. Аммо ушбу масалада ҳали анча ишларни амалга оширишга тўғри келади. Бу борада 2019/2020 ўқув йилидан иш бошланди. Буни кенгайтириш ва такомиллаштириш лозим бўлади. Буюртмасиз ўз ихтиёри билан ўқиётган талабаларни ўзини-ўзи иш билан таъминлайдиган даражага етказиш лозим бўлади. У олий ўқув юртини битирганидан кейин, қаерга бориб ишласам экан, деб бош қотириб ўтирмаслиги керак. Яна бир муҳим жиҳат, талаба бир мутахассислик бўйича диплом олиб, шу соҳада иш бўлмаса, бутунлай бошқа соҳада фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Бу

айнан шу талаба учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар. Жамиятга ўз соҳаси бўйича нафи тегадиган битта мутахассис бесамар “йўқолди”, деган мънони англатади.

Тўртинчидан, олий таълим тизимида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқот ишлари мужассам бўлган интеллектуал мулкни тижоратлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун интеллектуал мулкнинг баҳоси ва бозори бўлиши керак. Бугунги кунда моддий неъматларнинг бозори ва баҳоси аниқ. Шу туфайли ушбу соҳа жамият тараққиётига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Аммо интеллектуал мулкни шакллантириш унчалик осон иш эмас. Унга одамлар йиллар давомида машақатли меҳнат эвазига эришилади. Бироқ ушбу меҳнат кадрланмаётганлиги унинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллардан бири ҳисобланади. Шу туфайли биринчи гада интеллектуал мулкнинг баҳосини аниқлайдиган Низом ишлаб чиқиши лозим ва ундан кейин уларнинг бозорини шакллантириш мумкин. Ҳозир жамиятдаги муаммони ўйлаб топадиган ҳам, унинг ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқадиغانлар ҳам, сўнгра амалиётга шу ишмни жорий қилинг, деб “ялиниб” юрадиганлар ҳам илмий ходимлар, олимлар. Шу туфайли бу илмий ишга, интеллектуал мулкнинг соҳиб бўлишга одамларда очиги, унчалик қизиқиш уйғонмаяпти. Ҳозир олимларимиз фақат битта ойлик маоши оширилганлиги туфайли мазкур соҳада фаолият кўрсатишга қизиқиб, ҳаракат қилмоқда. Аммо бу ерда ҳам анча камчиликларимиз бор. Турли интеллектуал мулк соҳиблари мавжуд. Аммо уларга ҳақ тўлаш ўрта-сидаги тофовут, шу интеллектуал мулкдаги тафовут билан мос келмайди. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари парламентга мурожаатномасида: “Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз”, деб бежиз таъкидлаган эмас. Энди интеллектуал мулкнинг кадрланадиган вақти келмоқда.

Бешинчидан, олий таълим тизимида ўқитиш таркиби ва тартибини ҳам ўзгартириш керак. Олий ўқув юртидаги ҳозирги дастурлар асосан мутахассис бўлишга, эртага қандайдир бир ташиқлотда ишлашга, ишлаб турган идора, корхона ва муассасаларда фаолият олиб боришга йўналтирилган. Ҳозирги пайтда олий ўқув юртларида ёшларни қамраб олиш даражаси 50-60 гача оширилдиган бўлса, улар диплом олгандан кейин ҳаммасини фаолият

кўрсатаётган идора, корхона ва муассасаларда ишга жойлаштириб бўлмайди. Давлат ташкилотларида ҳар йили эҳтиёжга яраша иш ўрни бўшамайди. Тадбиркорлар ҳам тегишли иш ўринлари билан фаолиятларини давом эттиради. Улардаги яратилган янги иш ўринлари ҳам мазкур эҳтиёжни тўлиқ қондириш имконини бермайди. Бундай шароитда битирувчи талабаларни ўзларини ўзлари иш билан таъминлайдиган принцигда ўзларига ўзлари янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда яшаш кўникмасини шакллантирган ҳолда мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш лозим. Бунда ҳар бир битирувчи ўзига ўзи иш жойини яратса, деярли шунча иш жойи ташкил бўлади. Агар у иккита иш ўрнини яратса, ўзи билан яна бир кишини банд қилади. Олий маълумотли ёшларни шу йўналишда тайёрлаш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Олтинчидан, яна бир муҳим жиҳат, талабаларни юқори малакали кадрлар этиб тарбиялаш масаласи қўйилмоқда. Бу бугунги тараққиётимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Аммо шундай кадрларни тайёрлайдиган педагогларимиз етарлими, деган саволга жавоб бериш қийин. Ҳозирги авлод педагоглари педагогларга эътибор берилмаган паллада шаклланган кишилардан иборат. Яхши битирган жуда кўп талабалар бошқа соҳага, айримлари хорижга кетиб қолишди. Шу туфайли ҳозирги педагоглар катта конкурс билан қабул қилинган эмас. Шу туфайли, очигини тан олиб айтиш керак, айрим педагогларимиз жамиятимизда содир бўлаётган кескин ўзгаришлардан орқада қолиб кетмоқда. Албатта булар эскича ўқитиш, эски билим билан дарс ўтиш ишларини давом эттирмоқда. Бу йўл билан олий ўқув юртлари битирувчи талабаларга диплом берилади, аммо билим бера олмайди. Ўқитувчилар малакаси ва савиясига жуда катта талабларни қўйиш вақти келди, деб ўйлайман. Ҳар бир кишида жуда катта илмий ва интеллектуал салоҳият мавжуд. Буларни ишга солиш лозим. Ҳар бир киши ўз устида ишлаб ўзини ҳам, ишини ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб борсагина бугунги талабга жавоб беради. Шу туфайли қаттиқ интизом, илмий муҳит, катта масъулият руҳи ҳар бир олий ўқув юртида, ҳар бир педпгогда шаклланган бўлиши лозим. Мамлакатимиз раҳбари парламентга мурожаатномасида таъкидлаганидек, ҳар бир педагог чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиши билан бирга, ушбу фазилатлар узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга

айланиши керак. Шундагина биз Президентимиз қўйган юксак марраларни забт эта оламиз.

Еттинчидан, олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Ушбу тадбир олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратади. Рақобат ҳам ривожланишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари парламентга мурожаатномасида: “Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз”¹¹⁷, деб таъкидлаган эди. Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 10 та олий ўқув юрти ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтди. Шулар қаторида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳам бор. Ушбу даргоҳ бугунги кунда ўзининг барча имкониятларини чамалаб, режаларини шакллантирмоқда. Умуман олганда тажриба тариқасида қилинган ишнинг оқибати яхши бўлишига ҳозирдан ишонч мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, 2020 йил барчамиз учун алоҳида масъулиятли, ҳар бир киши ўзини сафарбар қиладиган синов ва йили бўлади. Чунки, эски иш услуби ва унга бўлган муносабатлар билан белгиланган юқори марраларни эгаллаб бўлмайди. Бу барчамиздан ўзимизнинг фуқаролик бурчимизга бутунлай янги масъулият билан ёндошмоғимизни талаб этади. Зеро, Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги ўсиш суръатлари ҳам кечаги сингари эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас. Бугунги халқимиз демократик жараёнларни ўзида ҳис қилаётган, бефарқликдан воз кечиб, масъулият юқини ўзига олаётган халқдир. Бундай халқни рози қилиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларимизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

VIII боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

8.1. Олий таълим тизимини бошқариш механизмининг такомиллаштириш бўйича тавсиялар

Жамиятимиз тараққиётини таъминлашда энг зарур масалалардан бири бўлган таълим соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, 2018 йил 3 февралда “Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3507-сон қарори, 2018 йил 7 майда «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сон қарори, 2019 йил 11 июлда “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон қарори, 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сон фармонлари қабул қилинди.

Мазкур масала билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам мунтазам шуғулланиб келмоқда. Булардан бири 2018 йил 24 июлда “Самарканд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон қарори ва бир қанча соҳага оид “Йўл хариталари”, чора-тадбирлар дастурлари ҳам қабул қилинди. Шунингдек, соҳага оид бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли вазирликлар томонидан ҳам ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу туфайли ушбу соҳани тадқиқ қилишга ҳам олимларимиз томонидан алоҳида аҳамият берилмоқда. Булардан келиб чиқиб, бизнинг тадқиқотларимиз ҳам олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллариини такомиллаштиришга қаратилди.

Ҳозирги пайтда мазкур масаланинг долзарблиги янада кучайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этаман”¹¹⁸, деб таъкидлади. Ушбу масала бўйича жуда катта Давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Мазкур ҳужжатларда таълим тизими мактабгача таълим, бошлангич таълим, мактаб таълими, ўрта махсус касб-хунар ва техникум мақомидаги таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ҳаммаси қараб чиқилган.

Таълим тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида таълим тизимининг таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқдик ва уларни дастурга киритилишининг тарафдоримиз.

Биринчидан, олий таълимга оид бир қанча тушунчаларининг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу билан биргаликда ҳозирги кунда олий таълимни молиялаштиришнинг умумий ҳажмида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятдан олинган маблағлар улушининг таркибий қисмини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни қўллаш лозим. Бунда бюджетдан ташқари маблағларнинг улушини ошириб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилиш шароитида олий таълим тизимида давлат билан бирга хусусий секторнинг ҳам иштирокини таъминлаш зарурати туғилмоқда. Бунда ҳам хусусий секторнинг улушининг ўсиши тенденциясини ошириб бориш мақсадга мувофиқ. Ушбу тадбирлар ўз навбатида, олий таълим тизимида иқтисодий механизмни аста-секинлик билан бозор механизмига айлантиришни тақозо қилади. Бу эса, олий таълим тизимида, тараққажётининг муҳим омилларидан бири бўлган, рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келади.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1 бет.

Учинчидан, олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини бошқариш механизмини яратиш лозим. Ҳозирча ушбу соҳани бошқаришга унчалик катта аҳамият қаратилган эмас. Таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлар ва даражалари бўйича оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, уларни иқтисодий мазмуни бўйича таснифи амалга ошириш орқали уларни баҳолаш методикаси ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда объектив зарарат эканлигини инобатга олиш лозим.

Тўртинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таълим тизимини молиявий таъминлашни тубдан яхшилашга йўналтирилган вазифаларни ижобий ҳал этиш бўйича бир қанча қўшимча равишда тадбирларни белгилашни тақозо қилади. Булардан бири ва энг муҳими, мамлакат ЯИМ таркибида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасига йўналтирилаётган харажатлар улушини босқичма-босқич ошириб бориш лозимлигидир.

Бешинчидан, кадрлар тайёрлаш бўйича молиялашнинг кўп вариантли тизимини (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан таъминлашни) такомиллаштириб бориш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки бу ўқув юртларида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тизимини, айниқса бюджетдан ташқари маблағлар (таълим хизматлари ва тадбиркорлик) ҳисобидан, босқичма-босқич такомиллаштириб боришни таъминлаш имконини беради.

Олтинчидан, эндиликда ёшларнинг олий таълим билан қамровини кенгайтиришга қаратилган сиёсатта мос бўлишини таъминлаш мақсадида таълим соҳасига хусусий, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, ҳозирги рақамли таълимни жорий қилиш баробарида масофавий ўқувни жорий қилиш ҳам катта самара беради. Шу билан бирга мамлакатимиз фуқаролари учун таълим кредитини бериш тартибини ҳам соддалаштириш, кейинчалик уни қайтаришнинг мослашувчан тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳам рақамли иқтисодиёт тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларни жалб қилишни кенгайтириш имкониятидан ҳам самарали

фойдаланиш лозим. Бунда пуллик таълим хизмати кўрсатиш, тадбиркорлик, консалтинг, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий фаолият ва фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобига ўқув юртларининг даромадларини оширишни таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўққизинчидан, олий ўқув юртларида таълим хизматлари сифатини узлуксиз ошириб бориш, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш, замонавий техника ва асбоб-ускуналар сотиб олиш заруратидан келиб чиқиб, олий таълимни хусусий шерикчилик тамойили асосида ҳам ривожлантириш учун бюджет маблағлари билан бирга иқтисодиётнинг хусусий секторидан ҳам фойдаланиш, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштиришнинг ҳам истиқболини белгилаш бугунги кунда ўта муҳим масалалар сирасига киради.

Ўнинчидан, мамлакатимизда олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида соҳада рақобатбардошликни ошириш заруратидан келиб чиқмоқда. Шу туфайли олий ўқув юртларининг рақобатбардошлик тушунчасига аниқлик киритилган ҳолда уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари аниқ белгилаш лозим.

Ўн биринчидан, мамлакатимиз олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва улар таснифининг методологик асосларини ҳам ишлаб чиқиш бугунги кунда объектив заруратга айланган. Таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш орқали ички имкониятларни ториш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳам бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир.

Ўн иккинчидан, ҳозирги рақамли иқтисодиёт имконияларидан фойдаланган ҳолда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг олий ўқув юртлари томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини

баҳоловчи, уни оширишга хизмат қилувчи моделлари ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўн учинчидан, олий таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилишнинг турли йўналишлар, хусусан, демографик, ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар билан боғлиқ ташқи муҳит омиллари ҳамда кадрлар ва моддий-техник таъминот бўйича ички муҳит омиллари таъсирида шаклланадиган олий таълим тизимини операцион бошқариш жараёнини такомиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўн тўртинчидан, таълим хизматлари бозорида олий таълим иштирок этадиган тадбиркорлар соҳага йўналтирилган инвестициялар асосида инсон капитали ривожланишига сарфланган маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Ушбу ҳолатни амалга оширилса, олий таълимдан кўриладиган ички самара меъёрини баҳолаш методикасини ҳам такомиллаштириш имконияти очилди. Ушбу имкониятдан соҳадаги самарадорликни баҳолаш ва ошириш заруратини тугдиради.

Ўн бешинчидан, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни аниқлаш йўллари кўрсатиб бериш масаласи ҳам долзарб масалалар сирасига киради. Булар олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини, нафақат миқдор жиҳатидан, балки сифат нуқтаи назардан баҳолаш, таҳлил қилишга имкон беради.

Ўн олтинчидан, олий таълим дастурларини уларнинг аҳамиятига кўра табақалаштирилиши, олий таълим муассасаларини молиявий таъминлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳамда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган концепцияни шакллантириш бўйича тегишли тавсияларни ҳам ишлаб чиқиб, унинг тадбиғини тизимли равишда назорат қилиб боришни ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар, истиқболда олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга, олий ўқув юртларининг рақобатбардошлигини мустах-

камлашга хизмат қилиши бробарида соҳани самарали ривожлантириш имконияти ҳам яратилади.

8.2. Олий таълим тизимини бошқаришда таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш масалалари

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, қўлами ва моҳиятига кўра, улкан ишлар халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида катта муваффақиятларга эришишимизга замин бўлди. Юртимизда ватанпарварлик руҳи шаклланди, миллий ўзликни англашдек оламшумул натижаларга эришдик. Кечагина ҳеч ким эътироф этмайдиган Ўзбекистон бугунги кунда дунёга танилди. Жуда кўп жабҳаларда юртимиз ёшлари кўзлаган эзгу ниятларига эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишдек ишларимизга маънавий мустаҳкам замин яратди. Дунё ареналарида мамлакатимизнинг байроғи юксакларга кўтарилмоқда, юртимиз мадҳияси баралла янграмоқда.

Ушбу ютуқларнинг замирида таълим билан тарбиянинг уйғунлигини таъминланганлиги учун эришилмоқда. Мазкур масалага бугунги глобал ўзгаришлар даврида эҳтиёж янада ортиб боради. Зеро, ҳаёт шу даражада шиддат билан ўзгармоқдаки, унинг орқасидан етишнинг ўзи мушкул бўлиб қолмоқда. Аммо олий таълим шу ўзгаришларнинг орқасидан эмас, балки оддида юрадиган кишиларни тайёрлаши лозим. Ушбу ҳолат, бугунги кунда таълим олувчиларга ҳам, таълим берувчиларга ҳам, таълим воситаларига (дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа воситалар) ҳам жуда катта масъулият юкламоқда. Буларнинг ҳаммаси замон талабига жавоб бериши учун барча жараёнларга муносабатларни табдан ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Бу ўз навбатида олий таълим тизимини оқилонга бошқаришни йўлга қўйишни тақозо қилади.

Таълим ва тарбиянинг уйғунлиги ва уларнинг такомиллашиб бориши, бир томондан, таълим олувчи ва таълим берувчиларнинг масъулиятини оширса, иккинчи томондан, натижага тезроқ ва муваффақиятлироқ эришиш имкониятини яратади. Бугунги кунда таълим ва тарбия жараёнида ҳам ахборот макони кенгаймоқда. Турли мақсад ва манфаатларга йўналтирилган ҳар хил ғоя, қарашлар, уни тарғибот қилиш технологиялари, ижтимоий онг ва

тафаккурига таъсир кўрсатиши тайин. Шунинг учун бугунги таълим ва тарбия ёшларни тарбиялаш билан бирга наўрин қарашлардан қайтариш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашув шароитида миллий маънавиятимиз негизларига тўғри келмайдиган “оммавий маданият” ва “ахборот ҳуружлари”, “маънавий таҳдид” кўринишидаги турли хил ёт ва зарарли ғояларни сингдиришга ҳаракат қилаётган кучларнинг ҳам борлигини инобатга оладиган бўлсак, олий таълим соҳасида ҳам тарбия жараёнига ўта ҳушёрлик билан ёндашишга тўғри келади. Чунки, айрим ёшларда миллий-маданий мерос ва кадриятларга нисбатан беписандлик билан қараш кайфиятини уйғотишга уринишлар йўқ эмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Бизнинг миллий одатларимизга зид бўлган ғоялардан яна бири, ёшларни ва ёши улугларни бири-бирига қарши қўйишдек ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Шу туфайли тарбия жараёнида зарарли ғоявий мафкуравий мақсадларнинг олдини олишда миллий маънавиятимиз негизларига таянган ҳолда таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш, бугунги кунда ҳаётий аҳамиятга эга.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги даврда таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлигини ҳисобга олиш ва унга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгаллиги, энг аввало, охириги йилларда таълим-тарбиянинг ғоявий-мафкуравий асослари, негизлари тубдан ўзгарганлиги билан боғлиқ. Айниқса, 2020 йилни “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб номланиши билан ишлаб чиқиладиган дастурларда таълим-тарбия соҳаси тубдан ислоҳ этилади. Энди таълим эски ўзини тўлиқ оқламаган усул, принциплари, мақсад ва вазифаларидан ҳолос бўлди. Бугун, миллий ва жаҳон тараққиётига мос ҳолда таълим-тарбия амалга оширилади ва ривожланади.

Мамлакатимизда қадимдан таълим ва тарбия жараёни қўшиб олиб борилган. Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида дунёда эришилган ютуқларга, ахборот коммуникация технологияларига, педагогик технология ютуқларларига, таълим соҳасига янги инновацияларни жорий этишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Унинг ютуқларини эса дунё эътирофи этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-

маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолюқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”¹¹⁹, деб таъкидлади. Кўриниб турибдики, бу срада ҳам илм-маърифат, юксак маънавият билан ҳамоханг тарзда келтирилмокда. Шу билан бирга “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик – бу билимсизликдир!”

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”¹²⁰, деган улкан вазифани олдимизга қўйди. Зеро, таълим жараёнида, етук ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашда, янгича дунёқараш, гоё ва мафкуралар ҳилма-хиллигига асослангани шахснинг таълим даражаси ва салоҳиятини оширишда, мустақил фикрлайдиган, ижодий ёндошув маданиятига эга бўлган, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълимнинг барча босқичлари шу жумладан, олий таълим тизимида олиб бориладиган тадбирлар ҳам таълим-тарбия соҳаси муҳим ўрин тутати.

Таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш, уларни амалга ошириш, аввало, миллий маънавиятимиз негизларига таянишни тақозо этади. Бунда миллий-маънавий мерос ва қадриятларга ҳамда ҳозирги пайтда дунёда эришилаётган таълим соҳасидаги илгор ютуқларни билиш, ундан самарали фойдаланиш орқали, тегишли кўникма ва малакани эгаллаш масъулияти ва маданиятини янги авлод вакилларида қарор топтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Булар, биринчидан, янги педагогик технологияларни таълим-тарбияга жорий этиш, унинг моддий-техник базасини янгилаш, модернизациялаш орқали амалга оширилишини инобатга олиш лозим.

Иккинчидан, таълим жараёнида компьютер, ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмокда. Бу, интернет тизими, компьютер, электрон доска, электрон дарсликлар яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини бермокда. Бу ёшларда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга уларни замонавий рақамли технологиялар билан ҳам танишиб боришини таъминлайди.

Учинчидан, олий таълим тизимидаги бугунги имкониятлар хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганиш ва билишга

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисига Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.


¹²⁰ Уша жойда 3-бет.

давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда. Ушбу тилларни ўрганиш бир пайтнинг ўзида жаҳонда фан ютуқлари билан бирга турли халқлар қадриятлари ва маданиятини ҳам ўрганиш имкониятларини беради.

Тўртинчидан, таълим соҳасида билимни баҳолашнинг тест тизимига ўтилгани анча муваффақиятларга олиб келинди. Таълим соҳасида мавжуд бўлган айрим коррупция билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг ҳам олдини олиш имкониятини берди. Бу соҳада айрим эскича қараш ва ёндошувлар сакланиб қолаётган бўлса-да, бу тизимнинг афзаллигини, таълим тизимини янада янгилашга хизмат қилаётганлигини таъкидлаш билан бирга ушбу соҳани янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Чунки ёшларда ёзма ва оғзаки нутқ маҳорат кмайиб бормоқда.

Бешинчидан, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашда икки босқичли тизимга ўтилганлиги олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг яна қайта тикланганлиги бу соҳада дунё мамлакатларини эришган ютуқлари, тажрибаларини ҳаётга жорий этиш имконини бермоқда. Бу таълим соҳасини янада модернизация қилиш, уни ҳаётний эҳтиёжларга мос ҳолда риводлантириш ва такомиллаштириш заруратини туғдиради.

Хулоса қилиб айтганда, таълим ва тарбиянинг уйғунлиги малакали ва интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш орқали жамиятда кўзда тутиладиган даражадаги натижадорликни беради. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги рамда келтирилган (8.1-расм).



8.1-расм. Олий таълим тизимида таълим ва тарбиянинг уйғунлиги натижасида малакали кадрларни тайёрлаш орқали натижадорликка эришишнинг ўзаро боғлиқликлари

Ҳамиша таълим-тарбия тизимида айрим муаммолар мавжуд бўлиб келган ва бугун ҳам ундан хол эмас. Бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биричидан, таълим жараёнида бир мунча тарбияга камроқ эътибор қаратилади. Таълим жараёнида миллий маданиятимизнинг ёшлар ўртасида ишонч ва эътиқодини чуқурроқ англаши орқали, уни ҳар бир ёшнинг ишонч-эътиқодига айланиб боришига эришиш лозим бўлади. Чунки, юқорида таъкидланганидек, миллий маърифат ва ғоянинг негизларини таълим-тарбия тизимидан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бирок, битта омилни инобатга олиш лозимки, ҳамма ёшларда ҳам миллий-маданий мерос ва илм-фан ютуқларига, унинг сирларини билишга интилиш бир хилда юқори эмаслиги масаланинг ечимини бироз мураккаблаштиради.

Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, таълимни тарбиядан айри ҳолда тушунишлар мавжудлиги ҳам сир эмас. Бундай шароитда, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим омил бўлган инсон капиталини интеллектуал мулк сифатида ҳар томонлама шакллантиришга қаратиш лозим бўлади. Бунда тегишли таълим-тарбия муассасалари ва бошқа ижтимоий институтларнинг, маънавий тарғибот марказлари фаолиятида миллий маданиятимизнинг тарғиботи самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ҳам таълим билан уйғун ҳолда олиб бориш лозим бўлади.

Бугунги глобаллашув даврида таълим соҳасида дунё фан ютуқлари, технологиялардан фойдаланиш канчалик зарур бўлса, тарбия соҳаси ҳам ундан кам бўлмаган эътиборни талаб қилади ва уни миллий-маданий қадриятларга таянган ҳолда олиб боришни тақозо этади. Ушбу жараёни олий таълим тизимида тўғри бошқаришни йўлга қўйиш ҳам ўзига хос масъулиятни талаб қилади.

Маълумки, ҳозирги таълим тизимида дунёвийлик ўргатилади, тарбияда эса миллий маънавий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда диний қадриятларни ҳам қўшиб олиб боришни тақозо қилади. Айнан ушбу жараёни таълимда қўлланилаётган янги педагогик технологиялар фойдаланишда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб, айтганда таълим ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жараён бўлиб, уларнинг бирортасини устун қўйиб ҳам, инкор қилиб ҳам бўлмайди. Иккаласини бирга олиб боришни тақозо қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, таълим соҳасини ривож-лантириш ва малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бугунги кунда объектив заруриятга айланган. Ҳозир 2020 йилга мўлжалланган Давлат Дастури ишлаб чиқилмоқда ва бунда таълимни ривожлантириш тўғрисидаги фикрлар жамланмоқда. Буларни инобатга олиб, биз ҳам айрим фикрларни ва тавсияларни жамлашга қарор қилдик. Шу туфайли таълим соҳасини ривожлантириш учун тадқиқот жараёнида бир қанча хулосаларга келинди ва таклифлар шакллантирилди. Буларга:

1. Таълим инқирози, миллат инқирози. Таълим ўлган жойда миллат ўлади. Тараққиётни сўндириш керак бўлса, таълимни сўндириш керак. Таълим синса, тараққиётнинг қўш қаноти иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам синади. Қаноти синган қуш учалмаганидек, бундай ҳолатда жамиятга фақат битта йўл қолади: моддий ва маънавий инқироз. Бунинг нималарга олиб келиши ҳусусида гапиришнинг ўзи ортиқча.

2. Таълимдаги аҳвол жамиятимиздаги энг оғриқ нуқталаридан бирига айланган эди. Яқингача мактабни битирганларнинг атиги 9%и олий таълим билан қамраб олинганлиги, мактабни битирганларнинг 90% “қора меҳнат”га маҳкум қилинганлигидан далolat эди. Бу билан қандай тараққий этиш мумкин? Оқибатда, меҳнатга қобилиятли аҳолининг атиги 30% атрофида олий маълумотга эга бўлганлиги, қолган 70,0% меҳнатга қобилиятли аҳоли қаерда ишлашини тасаввур қилиш қийин эмас. Албатта бу билан юксак тараққий этган давлатлар сафига киришимиз амри маҳол.

3. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, вазиятни тўғри англаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш масаласига катта эътиборни қаратди. Бу борадаги илк самара ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси олдинги 9%дан 2019 йилда 20%гача кўтарилди. 2020 йилда 25%га ва келгусида 50-60%га оширилиши кўзда тутилган. Бу рақам келажакда муттасил ошиб боради. Чунки бунга тегишли замин яратилмоқда.

4. Охириги йилларда таълим соҳасига оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзимизнинг 6та, хорижий мамлакатларнинг 14та олий таълим муассасалари, 17та филиал янгидан ташкил қилинди. Мутахассисликлар тайёрлаш ҳам замон талабига, жаҳон стандартларига мослаштирилмоқда. Бакалавриятнинг 100 дан зиёд, магистратуранинг 94 та мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилди. Бу борадаги ислохотлар давом этмоқда.

5. Таълимни ишлаб чиқариш билан интеграция қилишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган сиртки ва кечги таълим жорий қилинди. Мамлакатимизда 10 та олий ўқув юрти ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципида ишлашга ўтди. Таълим соҳасининг барча бўғинларида хусусий таълим муассасаларининг очилишига ҳам рухсат этилди. Барча таълим муассасалари ходимларига ойлик маъоши босқичма-босқич оширилмоқда.

6. Таълим олиш учун таълим олувчида катта иштиёқ ва талаб бўлиши кераклигидан келиб чиқиб, таълим берувчи ҳам юқори малакага эга шахс бўлиши, таълимни етказиб бериш воситаси – дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳам сифатли ва етарли бўлиши кераклиги асосланган. Ҳозир илмий асарлар монографиялар тайёрланмоқда, аммо муаллиф ҳисобидан чиқарилаётганлиги туфайли, бу асарлар деярли кенг миқёсда тарқатилмасдан қолиб кетмоқда. Натижада ўзимизда яратилган илмий янгилıklarдан ҳам фақат тор доирадаги олимларгина фойдаланаётганлиги туфайли жуда кўп илмий тадқиқотчилар ва олимлар бу ишлардан беҳабар қолмоқда. Масалан, Самарқандда ўз ҳисобидан нашр қилинган илмий асар фақат шу ҳудуддагина тарқатилади. Тошкент, водий вилоятлари, Қаракўпоғистон ва Хоразм, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари беҳабарлигича қолиб кетмоқда. Мос равишда уларнинг қилган ишларидан самарқандлик олимларнинг ва илмий иш билан шуғулланадиган илмий ходимларнинг хабари йўқлигича қолмоқда. Бу ҳолат билан таълимни замон талабига мос шиддат билан ривожлантириб бўлмайди. Буларни ҳам тубдан ислоҳ қилиш керак.

7. Илмий асарларни етказиб берадиган восита – бу ахборот коммуникация технологияларидир. Бундан нечоғлиқ фойдалана-ёпмиз. Албатта бу ҳам тизимли тарзда йўлга қўйилмаган. Келажақда рақамли таълимга ўтишимиз зарурати, ушбу ишни ҳам талаб даражасига етказишни тақозо қилади.

8. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлари ва олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш, уларни тегишли моддий-техника билан (компьютер, электрон доска каби) жиҳозлашга тўлиқ эришиш лозим. Ҳозирги пайтларда кишлоқ мактаблари билан шаҳар мактабларни ўртасидаги тафовут катта. Айниқса, моддий-техника таъминоти, ахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳали кишлоқ мактабларининг кўпларида талаб даражасида ҳал қилинган эмас.

9. Ўқувчилар, талабалар ва магистрларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш учун ўқув жараёнида ва уни назорат қилиш пайтида фақат тестга таяниб қолмасдан ёзма усуллар билан бирга оғзаки

усуллардан ҳам кенг фойдаланиш бўйича меъёрий асосларини яратиш мақсадга мувофиқ. Бунга заурат нимада? Ҳозирги даврда мавжуд усуллар билан ёзма ишлар орқали назорат қилиш масаласи етарли даражада самара бермаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, ҳозирги пайтда барча талабаларда мобил телефони мавжуд. Бу орқали бир лаҳзада интернетга кириб мавжуд адабиётларни топиб, кўчириб олиш ҳоллари кўп учрамоқда. Натижада назоратнинг ёзма жавобларда саволларга жавоблар бор бўлиши мумкин, аммо талабадан оғзаки сўралганда ўзи ёзган нарсаларни етарли даражада изохлаб бера олмаслик ҳоллари, афсуски, кўп. Натижада талабаларда ёзма нутқ билан бирга оғзаки нутқ ҳам етарли даражада ривожланмасдан қолимоқда. Шу туфайли назоратнинг аксарият қисмини ёзма ва айнан шу масалани оғзаки назорат тарзида икки усулни қўшган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Профессор-ўқитувчиларга талабалар билимини назорат қилиш учун юкламасини ошириш мақсадга мувофиқ.

Аминмизки, ушбу таклиф малга оширилса, олий ўқув юртларини тугатаётган талабада ёзма ва оғзаки нутқ ривожланади, етук мутахассис бўлиб етишади. Ҳозир яхши иқтидорли йигит-қизлар олий ўқув юртларини муваффақиятли тугатишига қарамасдан, уларнинг ёзма ва оғзаки нутқида анча оқсоқлик сақланиб қолмоқда. Аммо уларда ўзларига яраша иқтидори мавжуд, фақат уларни юзага чиқарадиган усуллардан фойдаланиш лозим.

10. Профессор ўқитувчиларни рағбатлантириш механизмини, уларнинг реал хизматларига қараб янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Оддий илмий даражаси йўқ ўқитувчилар билан илмий даражаси бор ўқитувчилар ўртасида ойлик маъошда фарқ янада каттароқ (қарийб икки баробар) бўлиши керак. Шунда ёш ўқитувчиларда илмий даражаларга эга бўлишга рағбат ва мос равишда иштиёқ уйғонади.

11. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий-назарий аҳамиятга молик монография, талабалар танлови асосида тайёрланган ўқув қўлланма ва дарсликларни нашр қилишга ОЎЮ томонидан тўлиқ маблағ ажратилиши мақсадга мувофиқ. Чунки профессор-ўқитувчилар дарслик ва ўқув қўлланма-ларни ҳам ёзса, ҳам ўзи ҳисобидан нашр қилса, бундай жараёнда рағбатлантириш элементлари бўлмайди ва мос равишда ушбу йўналишда самара кам бўлади. Профессор-ўқитувчилар ўзлари ҳисобидан нашр қилганидан кейин жуда зарур ва долзарб аҳамиятга эга бўлган адабиётларнинг тарқатилиш майдони қисқа бўлади ва мос равишда, улардан кўплари хабарсиз қолади. Бу илмий натижаларнинг тарқалишига тўсиқлик қилмоқда.

12. ОўЮ тасарруфида бўш турган бинолардан таълим хизматларини ривожлантиришга йўналтириш орқали қўшимча маблағ тушуришни йўлга қўйиш лозим. Бунда ҳар бир олий ўқув юртининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, тажриба майдончаларини ташкил қилиш лозим. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тасарруфида меҳмонхона, туристик фирма, ошхона кабиларнинг бўлиши, талабаларнинг бевосита шу жойларда амалиёт билан танишиш жараёнини ташкил қилиш лозим бўлади.

13. Олий ва ЎМТВ томонидан напир қилинган ўқув қўлланмалар ва дарсликларнинг бир қисmini сотувга чиқариш орқали ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш ва қўшимча маблағ туширишга эришиш ҳам мақсадга мувофиқ.

14. Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларга фаол иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар меҳнатини ҳам рағбатлантириш масаласининг меъёрий асослари ишлаб чиқиши лозим. Чунки ушбу иш ҳозир фақат жамоатчилик асосида амалга оширилмоқда. Бунга фақат фидойи олимларгина жалб қилинган. Кўп олимларимиз жамоат ўртасига чиқиб, янгилıklar билан ўртоқлашишни хуш кўрмайди, чунки, бундан “нима фойда” қабилида иш тутиб келмоқда. Шунини инобатга олиш лозимки, мамлакат аҳолисининг ўртасида билимга, маънавий ва маърифий ишларга иштиёқ, талаб ва зарурият ҳамиша бўлган ва бу сўнмайди. Бундай талабларни қондириш учун тарғибот ишинга кўпрок профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш заруратини тўғдиради.

15. Таълим соҳасининг ҳолатини, ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиб бир қанча хулосаларга келиниш билан бирга муҳим тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Ишда келтирилган бир қанча илмий-назарий ва амалий тақлиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, муаллифлар ўзлари ҳисобидан чиқарилаётган монографиялардан ҳар бир олий ўқув юрти ва бошқа илмий ва таълим муассасаларига тарқатишни мажбурий тартибини белгилаш лозим. Бунинг харажатларини муаллифга тегишли олий ўқув юртлари қоплаб бериши лозим. Агар ҳар бир олий ўқув юрти бештадан олган тақдирда ҳам бу арзимаган пул туради. Бунга албатта таълим муассасаларининг қурби етади.

Иккинчидан, таълим йўналишлари бўйича стандартларни ва мос равишда фанлар бўйича намунавий дастурларни ишлаб чиқишни етакчи олий ўқув юртлари зиммасига юклаш тартибини бекор қилиш керак. Ҳар бир фан бўйича мамлакатимизнинг етакчи профессор-ўқитувчиларидан иборат услубий Кенгашни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу Кенгаш зиммасига тегишли таълимнинг намунавий давутирдан

тортиб, дарсликларигача қараб чиқиш ҳуқуқини бериш лозим. Чунки ҳозирги жуда кўп фанлардан намунавий дастурлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Зеро, етакчи олий ўқув юртида ушбу фан бўйича мутахассиснинг ўзи йўқ бўлса, аҳволни бундан яхши қилишнинг ўзи мураккаб.

Учинчидан, илмий адабиётларнинг нархини белгилашда нашриёт нархига яна 20,0-30,0% устама қўшиб сотиш ва устамасини муаллифларга тўлаш лозим. Чунки нашриёт калькуляцияга фақат нашр харажатлари ва нашриёт фойдасини киритади. Муаллифга гонорар тўламайди. Аммо муаллиф уни яратганча қанча маблағ ва вақтини сарф қилган. Шу харажатлар ўша устама ҳисобидан қопла-ниши лозим. Ҳар қандай ижодий меҳнат рағбатлантирилиши керак.

Тўртинчидан, мамлакатимизнинг келгуси истиқболидан келиб чиқиб қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжатларга “Рақамли таълим” тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ. Бунинг амалга оширишда унинг таърифига таяниш ва уни қуйидагича ифодалаш тавсия қилинади: “Рақамли таълим деганда, билим олиш жараёнида талаба ва ўқувчилар ахборотни қабул қилишнинг барча усулларида фойдаланган ҳолда мавжуд сезги органларини ҳаракатга келтириш орқали дарсларни эшитиш ва ҳис қилиш йўли билан енгил эсда қоладиган ҳолда ўзлаштириш имкониятларини ишга солиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация усулларида фойдаланган ҳолда, уларнинг фаолиятини тўлиқ масофадан туриб назорат қилиш мажмуининг (ота-оналар, ўқитувчилар томонидан) мавжудлиги тушунилади”.

Бешинчидан, мамлакатимизда нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар асосан нодавлат мулк асосида шахсий ташаббускорлик принципида ташкил қилинади. Шу туфайли ушбу тушунчанинг таърифини такомиллаштириш ва қуйидаги таҳрирда ифодаланиш тавсия қиламиз: “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, давлат таълим стандартлари, давлат талаблари асосида таълим-тарбия беришни кафолатлайдиган нодавлат мулкига асосланган юридик шахс мақомидагиги таълим муассасалари тушунилади”.

Олтинчидан, жадал ривожланаётган ва янгиланаётган жамиятда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг объектив зарурлигидан келиб чиқиб, унинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз ва унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик: “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни

кайта тайёрлаш деганда, касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайдиган илмий-назарий ва илгор амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган узлуксиз таълим тури тушунилади”.

Еттинчидан, мамлакатимизда объектив заруриятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат таълим муассасалари кундан кунга кўпайиб бораётганлигидан келиб чикиб, унинг ҳам таърифини қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз: “Нодавлат таълим муассасаси деганда, ваколатли давлат бошқарув органи томонидан бериладиган лицензия асосида жамият учун зарур бўлган кадрларни тайёрлашда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари доирасида таълим-тарбия беришни кафолатлайдиган таълим муассасаси тушунилади”.

Саккизинчидан, “Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари”га қуйидаги принципни қўшиш тавсия этилади:

“Таълим соҳасида шахс касбни ва таълим турини танлаш эркинлик принципига асосланади”, “Таълим тизимининг инсонпарварлик моҳиятини опшириш учун дунёвий ва диний характердаги таълимнинг уйғунлиги таъминланади”.

Ушбу тавсиялар тегишли тарзда таълим тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши лозим. Ушбу тақлифлар таълим соҳасини нафақат амалий жиҳатдан, балки назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳам такомиллаштириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 40.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1977 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги N 464-й-сонли қонуни.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда). <http://www.lex.uz/guest/doc/48401>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова: 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 38-сон, 328-модда), (4-боб, Юридик шахслар, 1-§. Умумий қоидалар, 40-модда (Юридик шахсларнинг турлари)). <http://www.lex.uz/guest/doc/111189>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <http://lex.uz/docs/4380357>. 19.06.2019 й., 07/19/4359/3309-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
9. Президент Ислам Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи (16.05.2014 й.) – “Халқ Сўзи” газетаси. – 2014 йил 17 май.
10. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон” ИМИУ, 2015. – 235 бет.

11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик ҳоидаси бўлиши керак. Тошкент – «Ўзбекистон» - 2017 й., 104 -бет

12. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир. – Т.: «Ўзбекистон» 8 декабр 2018 йил.

13. Мирзиёев Ш.М Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017 йил.- 488 бет.

14. Мирзиёев Ш.М «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» 1-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2019 йил.- 592 бет.

15. Мирзиёев Ш.М «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳо» 2-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2018 йил.- 508 бет.

16. Мирзиёев Ш.М «Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади» 3-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2019 йил.- 400 бет.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

18. Абдукаримов И.Т. “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари”. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 96 бет.,

19. Анфилатов В.С., Емельянов А.А., Кукушин А.А. Системный анализ в управлении: Учеб. пособие /Под ред. А.А.Емельянова. М.: Финансы и статистика, 2003 с.104 (с.368).

20. Атабаева К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари Манба: Молодой ученый. - 2017. - №24.1. - С. 5-7. - URL <https://moluch.ru/archive/158/44573/> (дата обращения: 18.08.2019).

21. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. «Молиявий таҳлил» Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет.,

22. Акрамов Э.А. “Анализ финансового состояния предприятия”. Т.: 2000.-169 бет.,

23. Акрамов Э.А. “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили”. Т.: Молия, 2003.- 224 бет.,

24. Бердикулов Қ. Замонавий жамиятда хизматлар соҳасининг ўрни қандай?

25. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3598-zamonaviy-zhamiyatda-khizmatlar-so-asining-rni-andaj>

26. Бихевиористика-ҳуқ-атворни табиий ва сунъий шароитларда синаб кўриш усулидир. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Бихевиоризм>

27. Большой экономический словарь. М.: Ин-т экономики, 1994. С. 313.

28. Ваҳабов А.В. ва Иброҳимов А.Т. “Молиявий таҳлил” Дарслик Т.: Шарқ, 2002.- 224 бет.,

29. Ваҳабов А.В., Иброҳимов А. ва Эшонкулов Н. «Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2005.- 480 бет.,

30. Волжин И.О., Эргашбоев В.В. «Молиявий таҳлил». Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.- 254 бет.,
31. Ергешев Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил» Дарслик. Т.: «Консаудитинформ-Нашр» нашриёти, 2005.-346 бет. ва ҳ.к.
32. Зенина А.И. РФ Фуқаролик ҳуқуқи: ўқув-методик қўлланма.-М.: МЭСИ, 1999, 8-9 б.
33. Иброҳимов А.Т. «Молиявий таҳлил» рисола. Т.: Мехнат, 1995.- 60 бет.
34. Коваленко А.И. Таълим антрепренерлиги. –М.: ООО «Маркет ДС Корпорейшн», 2004. 17-27 б.
35. Котлер Ф. «Маркетинг менеджмент», «ПИТЕР», 1998.
36. Ишмухамедов Б.Ж., Муратов Р.С., Тадбиркорлик фаолиятини асослари. Услубий қўлланма – Тошкент: «Иқтисодиёт», 2018 йил, 137 бет.
37. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати. –Т.: «Akademnashr», 2011, 76-77-б.
38. Мамасоатов Д. Олий таълимда масофавий таълимнинг аҳамияти.- Т.://«Biznes - эксперт»№6(114)-2017
39. Ниязова М.В. Проблемы оценки эффективности предпринимательской деятельности бюджетных вузов. //Журнал Университетское управление: практика и анализ. 2003, №3. <http://www.umi.ru/index.php/pub/inside/360>.
40. Ньюстром, Дж.В.; Дэвис, К. Организационное поведение. Серия: Теория и практика менеджмента Издательство: СПб: «Питер»,-2000. 448 с.
41. Панкрухин А.П. «Философские аспекты маркетингового подхода к образованию», Alma Mater, № 1, 1997.
42. Пардаев М.Қ. «Молиявий таҳлил методологияси». Самарканд, СамКИ, 1996.- 155 бет.,
43. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. «Молиявий таҳлил». Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.- 356 бет.,
44. Пардаев М.Қ. «Иқтисодий таҳлил назарияси» Дарслик . Т.: «Фан ва технология» нашриёти. 2019.- 572 бет.,
45. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. «Бошқарув таҳлили». Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.
46. Попов Е.Н. «Услуги образования и рынок», Российский экономический журнал, № 6, 1992.
47. Предпринимательская деятельность. <http://www.vedomosti.ru/glossary>.
48. Российский статистический ежегодник. 2018: Стат.сб./Росстат. – Р76. – Табл.7.28. –М., 2018 – 694 с.
49. Русча – ўзбекча лугат. 2 томлик. I-том. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1983. – Б. 667.
50. Саидов М.Х., Қуролов К.К. Иқтисодий таълим минтақавий марказларини ривожлантириш. Монография. ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. –Т.: Алишер

навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 12-13 б. (252 б.)

51. Сагдуллаева. З.А., Рашидова Ш.А., Ишанкулов Н.Ф. «Управленческий и финансовый анализ». Масалалар тўпламини, Т.: ТФИ, 2004. - 73 бет.,

52. Скрипак Е.И. «К вопросу о понятии «образовательная услуга», интернет-сайт Кемеровского государственного университета www.history.kemsu.ru

53. Стиглиц Дж., «Экономика государственного сектора», Инфра-М, Москва, 1997.

54. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика», «Дело», Москва, 1993.

55. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Ижтимоий одоблар. – Т.: “Нихол-Нашр”, 2013. – 356 бет.

56. Шеров А. Олий таълим муассасаларига бюджетдан тапқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/46903>. №3(111)-2017.

57. Щетинин В. «Рынок образовательных услуг в современной России», Школа, №3, 1997.

58. Щетинин В.П. «Своеобразие российского рынка образовательных услуг», Мировая экономика и международные отношения, №11, 1997.

59. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-П. Е-М./Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 216.

60. Ta'lim portali. Ziyonet

61. www.Stat.uz.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030
ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА¹²¹**

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қўйидагилар назарда тутилсин:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан камров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чикиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар қўламини кенгайтириш ва бонка бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалавриат ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, пунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган беппта таълаббусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш;

б) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгашини (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усуллариининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасаларида шаффофлик, ҳолислик ва объективликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, кўнма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шакллариини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгашнинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилга камида икки марта Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади;

Кенгаш томонидан тайёрланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таркибида олий таълим

муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, улар Кенгашга вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар;

Кенгаш фаолияти натижалари, олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида давлат олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашга амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019 йил 1 декабрь кунига қадар 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган «Йўл харитаси» бажариши якунларини пухта ўрганиш асосида Концепцияни келгуси йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Йўл хариталари»нинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб бурсин.

7. Куйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимовга — масъул вазирликлар ва идораларнинг Концепция ҳамда «Йўл хариталари»ни бажариш бўйича фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, «Йўл хариталари» бажарилишини мониторинг қилиш давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция ва «Йўл хариталари»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидовга — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва тематик кўрсатувлар ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2019 йил 8 октябрь,

ПФ-5847-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача
ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қондалар

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали таъкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узок муддатли истикболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

2-боб. Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали таъкил этилди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртки таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни таъкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил оломқдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича тахсил олмоқдалар.

2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилмоқда (2017 йилда 48 та). Сўнгги 3 йилда 1 693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини химоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9 636 нафарга етди (шундан 2 130 нафари фан доктори (DSc), 7 506 нафари фан номзоди (PhD) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди.

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди.

«Эн-юрт умиди» жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди.

2017 — 2019 йилларда таълим жараёнига 1 154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар).

Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини қутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан:

- а) олий таълим билан камров ва таълим сифатини таъминлаш соҳасида: олий таълим билан камров даражаси пастлигича қолмоқда;

амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган, ўқув режаларида номутахассислик фанлари улуши юқорилигича қолмоқда;

олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас;

талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган;

ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди;

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда;

ўқув адабиётлари етишмовчилиги сақланиб қолиб, мавжудларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермайди, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган;

олий таълим муассасаларида фан олимпиадаларини ўтказишнинг шаффоф механизмлари жорий этилмаган, олимпиадалар ғолиблари билан ишлаш тизимли равишда йўлга қўйилмаган;

иктидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас;

педагог ходимларнинг малака ошириш тизими самарали ташкил этилмаган, жумладан малака ошириш муассасаларида ўқув машғулотлари ўтказиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинмаган, малака оширишга жалб этишда тингловчиларнинг салоҳияти инобатга олинмайди;

олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий кадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш зарурати мавжуд;

б) илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида:

олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболларидан келиб чиқиб ташкил этилмаган, таҳлиллар асосида инновацион ривожланишни прогноزلаштириш фаолияти йўлга қўйилмаган;

инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаган;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти атиги 36,4 фоизни ташкил этмоқда;

илмий даражага эга ходимларнинг ўртача ёши 49 бўлиб (фан докторлари — 56 ёш, фалсафа докторлари ва фан номзодлари — 43 ёш), юқорилигича қолмоқда, фан докторлари орасида нафақа ёшидагиларнинг улуши 45 фоизни ташкил этмоқда;

илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилмаган;

сўнгги йилларда нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони камаймоқда;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари яратилмаган;

в) олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш соҳасида:

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қувватлари мавжуд эҳтиёжни қаноатлантирмайди, уларнинг аксарият қисмида бүгунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилмаган;

олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув ва илмий лабораториялар билан жиҳозланиш даражаси етарли эмас, халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув лаборатория ускуналарининг салмоғи атиги 10 фоизни ташкил этади, шу билан бирга ўқув жараёни лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан етарлича таъминланмайди;

олий таълим муассасалари молиявий харажатларининг асосий қисми иш ҳақиға сарфланиб, ўқув ва илмий лабораторияларни янгилашга, бино ва иншоотларни таъмирлашга етарлича маблағ йўналтирилмаяпти;

г) олий таълимнинг жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардошлиқни таъминлаш соҳасида:

республика олий таълим муассасалари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари Webometrics халқаро рейтингининг 1 000 талик рўйхатига кирмаган;

таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмаган;

мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаган;

хорижий фуқароларни мамлакатимизда таълим олишга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот ишлари, жумладан PR-лойиҳалар (Ўзбекистон олий таълим муассасалари кунларини ташкил қилиш, тақдимотлар ўтказиш ва бошқалар) етарли даражада ташкил қилинмаган, бу борада интерактив виртуал платформа мавжуд эмас.

3-боб. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари

Олий таълим тизимининг ривожланиши мазкур Концепция идовасида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади.

Қуйдагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қили оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш қуйдаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усуллари жорий этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

олий таълим тизимининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

1-§. Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича қуйдаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш;

халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан маркази — Президент университетини ташкил этиш;

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги технологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптимallasштириш, бунда STEAM йўналишларини (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, ижодий санъат ва математика) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

хотин-қизларнинг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, таълим олишда гендер тенглиги тамойиллари устуворлигини таъминлаш, маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мунтазам равишда хотин-қизларни олий таълимга кенг жалб қилишга йўналтирилган кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш;

олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш;

индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида

компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва ҳолисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб бориш;

фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

ўқув режаларида фанлар сонини номутахассислик фанлари ҳисобига босқичма-босқич камайитириш ҳамда тутаиликдаги фанларни танлов фанлари рўйхатига киритиш;

гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илгор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш;

илгор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасаларида ўқув-услубий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

магистратура талабаларининг юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий ўқув адабиётларини яратиш тартибини соддалаштириш, энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини жадаллаштириш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни кенгайтириш, кутубхоналар фондларини мунтазам равишда янгилаб бориш;

танлов асосида аниқланган ва ўқув адабиётларига муаллифлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламасини тақсимлаш механизмини такомиллаштириш, бунда уларнинг умумий йиллик юкламаларида ўқув адабиётларини яратиш учун ажратилган вақтни дарс ўтиш юкламаси вақти ҳисобидан оширишни назарда тутиш;

имконияти чекланган талабаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, таълимда инклюзив жараёнларни ривожлантириш, адаптив технологияларни жорий этиш;

барча олий таълим муассасаларида дарс маълумотлари бўйича талабалар фикрини ўрганиш (feedback) ҳамда ўзаро таъриф (peer review) тизимини ривожлантириш асосида талабаларга таълим хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш;

фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тўқторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш;

хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили республика миқёсида миллий сўров ўтказиш;

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, қўрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимларни таълим жараёнига жалб қилишнинг самарали механизмларини яратиш, муайян кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларида миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар ва талабалар улушини тизимли равишда ошириб бориш;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси қўмағида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

ижтимоий соҳа ва иқтисодийётнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

олий таълим муассасаларида талабаларнинг ишдан ажралмаган ҳолда ўқишини таъминлаш мақсадида сиртқи ва кечки таълим шаклларида кадрлар

тайёрлашни ривожлантириш, бунда рақамли технологияларга асосланган замонавий таълим технологияларини жорий этиш;

иктисодиётнинг замонавий талабларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг ишлаб чиқариш, малакавий ва бошқа турдаги амалиётларини мазмунли ташкил этиш учун услубий базани ишлаб чиқиш ва ривожлантириб бориш;

республика олий таълим муассасалариаро ички академик мобиллик дастурларини, ўзаро тажриба алмашиш механизмларини амалиётга татбиқ этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида профессор-ўқитувчилар ва докторантлар академик мобиллиги дастурларини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларига қабул жараёниларида битирувчиларнинг аттестатидаги ўртача баҳони инобатга олган ҳолда, таълим йўналишларига мос бўлган фанлардан миллий ва халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тажрибасини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

миллий баҳолаш тизими сертификатлари тақдим этиладиган фанлар рўйхатини кенгайтириш, бундай хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат муассасалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасалари фан олимпиадаларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, баҳолаш механизмларини халқаро олимпиада ва танловлар мезонларига мослаштириш.

2-§. Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усуллари жорий этиш

Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усуллари жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

рақамли иктисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуallasштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сакловчиларга юкловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишнинг йўлга қўйилш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш;

миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

олий таълим муассасасининг конференция материаллари, битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларидан иборат илмий-техник маълумотлар электрон базасини яратиш, келгусидаги илмий-техник маълумотлар янгилигини таъминлаш мақсадида антиплагиат тизимидан фойдаланишни кенг жорий этиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш;

олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланимасини электронлаштиришни таъминловчи «Электрон университет» платформасига босқичма-босқич ўтиш, таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий этиш;

олий таълим муассасалари педагог ходимлари, бакалаврият, магистратура талабалари ва докторантларига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб боровчи электрон база (Student Record System) юритилишини йўлга қўйиш асосида унинг миллий тизимини яратиш;

халқаро молия ташкилотлари қўмағида олий таълим соҳасидаги ўқув-услубий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек давлат интерактив хизматлари кўрсатишга доир маълумотларни ўзида мужассам этган ва мунтазам янгиланиб турадиган олий таълимнинг ягона ахборот платформаси — «Олий таълим бошқаруви ахборот тизими»ни ишга тушириш, унда вақант ўринларга ўтказилаётган танловларга оид эълонларни ҳамда аризаларни онлайн қабул қилиш имкониятларини назарда тутиш.

3-§. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар қўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармок, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогноزلаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалавриат талабаларини ташкил этиладиган технопаркларда илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи «spin-off» ва «spin-out» корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш;

халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илгор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш;

нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;

олий таълим муассасалари илмий журналларининг Scopus, ScienceDirect ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мақолабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иктидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;

халқаро илмий-техник маълумотлар базасига кирувчи нуфузли илмий нашрларда мақолалар эълон қилиш орқали фаолиятининг илмий натижалари халқаро даражада тан олиншини белгиловчи кўрсаткич «Хирш» индекси (h-индекс) юқори бўлган олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ёш илмий

изланувчиларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб бориш тизimini жорий этиш;

олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини кўтариш, уларни статистик, техник ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш механизмларини яратиш, бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий даража ва унвонларга эга ходимлар ёши нуқтани назаридан оптимал нисбатига эришиш;

илмий-тадқиқот муассасалари олимларини таълим жараёни ва илмий раҳбарликка жалб қилиш, магистратура ва докторантура босқичларидаги илмий ишларни мазкур илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилиши ҳамда ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жаҳон илмий тадқиқотлар бозори тенденцияларидан келиб чиқиб, ҳар бир олий таълим муассасасида (факультет, кафедра ва лабораториялар кесимида) илмий тадқиқотларни тор ва фанлар туташлигидаги соҳаларга ихтисослаштириш, уларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий ривожланиш эhtiёжларига мослаштириш, қиёсий устунликка эга бўлган истиқболли илмий йўналишларни белгилаш, ушбу йўналишларда юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва талабалар салмоғини ошириш;

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ҳамда Урганч давлат университети ҳузуридаги «Хоразм» инновацион технопаркининг фаолияти самарадорлигини ошириш;

халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш орқали инновацион фаолият инфратузилмасини тақомиллаштириш мақсадида «Хужайра ва молекуляр биотехнология», «Тиббий генетика», «Экофизиология», «Материалшунослик», «Энергия тежовчи технологиялар, назорат-ўлчов ва автоматлаштирилган тизимлар», «Қурилиш материаллари» ҳамда «Озик-овқат маҳсулотлари ва технологияси» йўналишлари бўйича 7 та олий таълим муассасалариаро илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш;

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказида замонавий илмий-тадқиқотлар амалга оширилишини таъминлаш ва ривожлантириб бориш;

илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли институтлари ҳамда нуфузли хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан етакчи маҳаллий олий таълим муассасаларининг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бунда менторлик моделидан кенг фойдаланиш;

профессор-ўқитувчилар томонидан юритилиши лозим бўлган турли журнал ва ўқув-услудий ҳужжатлар сонини қатъий қисқартириш орқали уларнинг илмий фаолиятини жадаллаштириш;

илмий-тадқиқот ишларини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги, шу жумладан ҳудудий миқёсдаги мавжуд муаммоларнинг инновацион ечимига қаратиш, фанлар туташлигидаги муаммоларни кенг тадқиқ этиш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш, академик лицейларга жалб қилиш, олий таълим муассасаларига саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш, илмий фаолиятга бўлган қизиқишини ошириш, «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш, бу борадаги маълумотлар электрон базасини яратиш;

олий таълим муассасаларининг Ёшлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш;

олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини ошириш, мақсадли докторантура орқали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий даража дастурларини ишлаб чиқиш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари фаолиятини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, илмий кенгашлар ва ҳимоялар тизимини халқаро тажрибага мувофиқлаштириш;

илмий даражалар ва унвонлар бериш ваколатини босқичма-босқич олий таълим муассасаларига бериш;

докторантурага қабул қилиш шартларини белгиланда олий таълим муассасаларига эркинлик бериш, талабгорларни саралаб олишда уларнинг илмий ютуқларига алоҳида эътибор қаратиш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар мажлисларини ҳудудлардаги олий таълим муассасаларидан туриб онлайн кузатиш платформасини яратиш.

4-§. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта таълаббўсуни амалиётга татбиқ этиш, жумладан талаба-ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш, китобхонликни

кенг тарғиб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривож-лантириш;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш тўғриси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юртпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш, бу борада янгича ёндашувларни талаб этадиган таълим-тарбия усулларида фойдаланиш;

олий таълим муассасаларида спортни кадрият сифатида ривожлантириш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни қамол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш;

имконияти чекланган талабаларнинг ижтимоий мослашуви учун кенг шароитлар яратиш, инклюзивлик гояларини тарғиб қилиш;

ёшлар тарбиясида ота-оналар, маҳаллалар ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини тизимли ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида социологик ва педагогик-психологик хизмат гуруҳлари ишيني такомиллаштириб бориш, талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот ишларини кучайтириш;

талаба-ёшларни хунар ўрганиш, янги билим эгаллаш, ўз устида ишлаш, замонавий технология ютуқларидан мақсадли фойдаланиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ундаш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун таълим муассасаларида шарт-шароитлар яратиш;

талаба-ёшларни турли ахборот хуружлари, ёт гоялар таъсирига тушиб қолиши, улар томонидан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш, Ватанимиз истиқболи йўлида бирлаштириш мақсадида таълим-тарбиянинг таъсирчан усуллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маънавий-маърифий

тадбирларни ташкил этишда уларнинг қизиқишини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

«Мактаб — маънавият ва маърифат ўчоғи» концепцияси доирасида олий таълим муассасаларининг умумтаълим мактаблари билан ўқувчи-ёшларни маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касбга йўналтириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш каби масалаларда менторлик модели асосида ҳамкорлигини ривожлантириш.

5-§. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни ҳамда мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимотини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўниги ютуқлари асосида шакллантириш;

битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини иқтисодиётнинг реал сектори, шунингдек ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла, ҳудудий объект) муаммолардан келиб чиқиб шакллантириш ҳамда мавзуларни тор қамровда чуқур тадқиқ қилишга ўтиш;

олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш;

ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлар ва иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш;

талабаларнинг тегишли соҳа бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда таълим жараёнидан ташқари вақтда меҳнат фаолияти олиб боришларига шарт-шароит яратиш;

илмий-техник буюртма ва грантларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларга янгича ечим топиш, тажрибали амалиётчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш, таълимда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва амалий мисоллардан кенг фойдаланиш каби йўналишларда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассислик кафедралари филиаллари, олий таълим муассасалари ҳузурида ишлаб чиқариш корхоналари таркибий бўлинмаларини, технопарклар, бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлари фаолиятини ташкил этиш, технологиялар трансферини амалга ошириш орқали таълимнинг ишлаб чиқариш билан самарали ҳамкорлигини рағбатлантириш;

педагог ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида малака ошириш тизимини жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга, бироқ илмий даражаси бўлмаган мутахассисларни таълим жараёнига, жумладан тақлиф этилган ва фахрий ўқитувчи сифатида жалб этишнинг таъсирчан

механизмларини амалиётга татбиқ этиш, бунда ушбу мутахассисларни муайян соҳадаги стажига мувофиқ тегишли лавозимларга ишга қабул қилиш;

ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулотлари ва талабалар амалиётини самарали ташкил этиш тартибини такомиллаштириш, бунда амалий кўникмаларни тасдиқловчи сертификатлар бериш тизимини жорий этиш;

кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш йўли билан мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмларини яратиш;

олий таълим муассасалари тузилмасини ислоҳ қилиш асосида фаолияти талабалар амалиёти ва ишга жойлаштиришга ҳар томонлама қўмаклашиш, потенциал иш берувчилар рўйхатини шакллантириб бориш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек аввалги битирувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланишга қаратилган «Карьера марказлари»ни ташкил этиш;

олий таълим муассасалари битирувчиларининг билим ҳамда кўникмаларини баҳоловчи марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштириш каби масалаларда кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини ривожлантириш, мазкур масалаларда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;

докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга тезкор жорий этилишини таъминлаш, ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқишларини ошириш ва рағбатлантириш, илмий фаолият нуфузини кўтариш мақсадида докторлик (таянч докторлик) илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) ҳимоялар тизимини жорий этиш;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар танловларида илмий натижаларнинг тижоратлаштирилиши, уларнинг амалиётга жорий этилиши муддатидан келиб чиққан ҳолда грантлар миқдори ва давомийлигини белгилаш;

васийлик кенгашлари таркибини кадрлар буюртмачилари, йирик иш берувчилар, жамоат арбоблари ва тегишли соҳада катта ютуқларга эришган тадбиркорлар ҳисобидан шакллантириш;

битирувчилар малакасининг ишлаб чиқариш талабларига мос келишини аниқлаш, кадрлар тайёрлашда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш мақсадида ҳар йили республика миқёсида кадрлар буюртмачилари ўртасида мишлий сўровлар ўтказиш анъанасини йўлга қўйиш.

6-§. Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш

Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш;

иктисодий тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтингига ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш;

қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ушбу жараёнда инновацион технологияларга асосланган, ресурстежамкор ва тез барпо этиладиган конструкция ва материаллардан фойдаланиш бўйича илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллаш;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, ўқув ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан мунтазам равишда зарур миқдорларда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устаконалари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

имконияти чекланган талабаларга олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойлари биноларида қўшимча шароитлар яратиш, улар учун таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

олий таълим муассасаларида хорижий фуқароларнинг истиқомат қилиши ва таълим олиши бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондиди янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасаларида ҳомийлик ва илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлантиришдан тушган, мақсадли капитал ва бошқа маблағлар

хисобига молиялаштириладиган эндаумент жамғармаларини (endowment fund) ташкил этиш.

7-§. Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш

Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

а) кадрлар тайёрлаш сифати ва кўламини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаларини қуйидаги тоифаларга ажратиш ва уларни ривожлантириш стратегияларини белгилаш:

биринчи тоифа — флагман университетлар (Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети);

иккинчи тоифа — илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи ҳудудий олий таълим муассасалари;

учинчи тоифа — соҳалар учун таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича таянч муассасалар ролини бажарувчи тармоқ олий таълим муассасалари;

б) институт мақомидаги олий таълим муассасалари фаолияти кўламини кенгайтириш ва институционал салоҳиятини кучайтириш орқали уларни университетга айлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

в) олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб босқичма-босқич йириклаштириб бориш;

г) тажриба тариқасида давлат улушининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда айрим давлат олий таълим муассасаларини (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш;

д) олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда Республика олий таълим кенгаши нуфузи ва фаолиятини ошириш, масъулиятини кучайтириш, олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш;

е) олий таълим тизимида бошқарув жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида оптималлаштириш, давлат интерактив хизматлари кўламини кенгайтириш;

ж) олий таълим муассасаларини ривожлантиришда стратегик режалаштириш тамойилларини жорий этиш, бунда васийлик кенгашлари масъулияти ва ролини ошириш;

з) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси функцияларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, бунда таълим сифатини баҳолашнинг янги механизмларини жорий этиш, кадрлар буюртмачилари ва талабалар ўртасида ўтказилган миллий сўров натижаларини чуқур тадқиқ қилиш

орқали муаммоларни бартараф этиш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини таъсирчан инструментлар ёрдамида назорат қилиб бориш, битирувчилар сифати ва уларнинг ихтисослиги бўйича ишга жойлаштиш масалаларига эътибор қаратиш;

и) таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш;

й) олий таълим муассасаларида ишга қабул қилиш ва юқори лавозимларга тайинлашда олий таълим тизими ривож учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшувчи кадрларни танлаш, уларнинг фаолияти, профессионал хусусиятлари, соҳа олдидagi алоҳида хизматларини адолатли ва ҳолисона баҳолашни назарда тутувчи меритократия тамойилларини қўллаш, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда гендер тенглиги тамойилларига қатъий риоя қилиш;

к) олий таълим муассасалари раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантириш, мақсадли ўқитиш ва тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

л) олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ротация қилиш механизминини жорий қилиш.

8-§. Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни

таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш

Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш;

олий таълим муассасаларини тажрибали, ҳалқл, пок виждонли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш;

олий таълим муассасаларининг жамият олдидagi ҳисобдорлиги ва таълим сифатини таъминлашдаги масъулиятини ошириш, кенг жамоатчиликни шаффофлик ва ҳолислик тамойиллари асосида таълим хизматлари сифати нўтрисидаги маълумотлар билан хабардор қилиб бориш;

профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билиминини баҳолашда адолатни таъминлаш;

абитуриентлар ва магистратурада таълим олиш учун талабгорлар ҳужжатларини қабул қилиш, барча касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш, уларнинг билиминини баҳолаш, ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш жараёнларида суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш, шаффофликни таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ушбу касб жозибadorлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жамоатчиликка ахборот тақдим этишнинг тезкор ва замонавий шакллари жорий этиш;

малака ошириш, илмий-тадқиқот ишларини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш, назорат-мониторинг, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тизимдаги бошқа жараёнларда шаффофликни таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини оптималлаштириш, касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

олий таълим тизимида педагог кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишда адолат ва очикликни таъминлаш, ўқув йили якунлари бўйича педагог кадрлар фаолиятига баҳо бериш, бу борада жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этиш;

олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиниши, харажатлар сметаларини шакллантириш тартибига амал қилиш ва ички молиявий тафтиш ишларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда коррупцияга оид ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этилишини таъминлаш;

олий таълим тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

9-§. Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш

Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ошишидаги ишгиросикини ва мамлакат ижобий халқаро имиджини шакллантиришдаги ролини ошириш;

республика олий таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириш, илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида таълим дастурларини жаҳонда тан олинган халқаро стандартлар талабларига мослаштириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим тўлиқ хорижий тилларда олиб бориладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, факультетлар салмоғини ошириб бориш;

хорижий фуқароларни олий таълим муассасаси томонидан белгиладиган тартибда ўтказиладиган суҳбат асосида магистратура ва докторантурага қабул қилиш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

таълим хизматлари экспортини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар билан таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш;

«Study in Uzbekistan» («Ўзбекистонда таҳсил ол») лойиҳасини амалга ошириш, мамлакат таълим жозибадорлигини тарғиб қилувчи махсус веб-портал яратиш ва уни барча олий таълим муассасалари бўйича батафсил ва ишончли маълумотлар билан тўлдириб бориш;

таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имижини шакллантириш стратегияси бўйича дастур қабул қилиш;

олий таълим муассасалариаро халқаро фан олимпиадаларини ташкил этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорликда ўтказиладиган илмий конференциялар ва семинарлар сонини кўпайтириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш;

ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда халқаро қўшма илмий журналлар, шунингдек таълим форумлари, ректорлар конференциялари ва бошқа анжуманлар ташкил этиш;

олий таълим муассасалари расмий веб-сайтларини Webometrics ташкилоти рейтинг тизимида эгаллаган ўринларини яхшилаб бориш, шу жумладан олий таълим муассасалари томонидан етакчи ташкилотлар ва корхоналарда битирувчиларнинг ишга жойлашиши ҳақидаги маълумотлар, таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, илмий-техник салоҳияти, профессор-ўқитувчилар, инфратузилмаси, эришган ютуқлари каби асосий маълумотларни веб-сайтларда мунтазам равишда эълон қилиб бориш;

хорижий мамлакатларда маҳаллий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида таълим олиш учун хорижий фуқароларни жалб этиш бўйича маҳаллий ва хорижий агентликлар томонидан консалтинг хизматлари кўрсатилишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

республика олий таълим тизимининг халқаро имижини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, хорижий мамлакатлардаги элчихоналар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, замонавий PR-лойиҳаларни амалга ошириш;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада мамлакат таълим тизими манфаатларига мос келувчи инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантиришда куйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасасалари, шу жумладан нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланади, соҳада рақобат муҳити яратилади;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантирилади;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасаси халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education eки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетининг биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киришига эришилади;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилади, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллиги таъминланади;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепцияси босқичма-босқич жорий этилади;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар қўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилади ҳамда улар тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ этувчи ва прогностлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқилади;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этилиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналлари халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши таъминланади;

Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантирилади;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлиги оширилади, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилади;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус асосида ривожлантирилади;

олий таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базаси, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшиланади, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилади ва молиявий барқарорлиги таъминланади;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражаси оширилади, улар учун инфратузилмага оид шароитлар яхшиланади.

3-ИЛОВА.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача
ривожлантириш концепциясига

ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача
ривожлантириш концепциясининг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/ р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида					Маъсул ижрочилар
			2019	2020	2023	2025	2030	
1.	Олий таълим билан қамраб олин даражаси	Фоизда (жами битирувчилар сонига нисбатан)	20	25	30	35	50	О ва ЎМТВ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги
2.	Нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида	нодавлат олий таълим муассасалари сони	5	10	20	28	35	О ва ЎМТВ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги
3.	Хорижий олий таълим муассасалари дастурлари асосида ўқитилишни ташкил қилиш (қўшма таълим дастурлари бундан мустасно)	хорижий дастурлар асосида ташкил этилган олий таълим муассасалари сони	23		31	36	45	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

4.	Муҳандислик-техник таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар улуши	фоизда (жами талабалар сонига нисбатан)	25	28	35	40	50	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, О ва ЎМТВ, Молия вазирлиги
5.	Бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларида н магистратура мутахассисликларига қабул қилинган талабалар	фоизда (бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига нисбатан)	7	10	15	17	22	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги
6.	Хорижда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар улуши	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	2	4	10	15	20	О ва ЎМТВ, Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси
7.	Республика олий таълим муассасаларига жалб қилинган хорижий профессор-ўқитувчилар улуши (хорижий олий таълим муассасалари бундан мустасно)	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	1	2	5	8	12	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси
8.	Малака ошириш курсларида дарс берувчи хорижда малака оширган профессор-ўқитувчилар улуши	фоизда (малака ошириш курслари профессор-ўқитувчилари сонига нисбатан)	5	15	40	60	80	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси
9.	Кредит-модуль	фоизда	2	5	16	57	85	О ва ЎМТВ,

	тизими жорий этиладиган олий таълим муассасалари	(олий таълим муассасалари сонига нисбатан)						Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
10.	Ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий мапугулотлар улуши	фоизда (мапугулотлар сонига нисбатан)	35	45	55	70	80	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
11.	Ўқув ва илмий адабиётларнинг электрон шаклда мавжудлиги	фоизда (ўқув ва илмий адабиётлар сонига нисбатан)	20	30	50	70	90	О ва ЎМТВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
12.	Олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимининг жорий этилиши	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	20	30	80	100	100	О ва ЎМТВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
13.	Таълим сифатини таъминлаш жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорат қилиш	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	мавжуд эмас	20	50	100	100	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
14.	Ўқитишда рақамли технологиялар, шу жумладан «E-MINBAR»	фоизда (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	мавжуд эмас	10	40	80	100	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот

	электрон платформаси, онлайн, вебинар технологиялар жорий этилган олий таълим муассасалари							технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
15.	Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти (илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши)	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	36	38	40	60	70	О ва ЎМТВ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий аттестация комиссияси
16.	Магистратура мутахассислиги битирувчиларини илмий фаолиятга йўналтириш	фоизда (магистратура мутахассислиги битирувчилари сонига нисбатан)	15	29	32	38	45	О ва ЎМТВ, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги
17.	«Scopus», «ScienceDirect», «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналлардаги мақолалар	Индексланувчи журналлардаги мақолалар сони	750	1 200	2 500	4 000	7 000	О ва ЎМТВ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси
18.	«Scopus», «ScienceDirect», «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритилган олий таълим муассасалари илмий	илмий журналлар сони	мавжуд эмас	2	10	25	35	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги

	журналилари							
19.	Олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган «Хирш» индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар	профессор-ўқитувчилар сони	142	17 1	29 5	46 0	90 0	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги
20.	Хорижий талабаларнинг улуши	фоизда (жами талабалар сонига нисбатан)	1	3	6	10	15	О ва ЎМТВ, Ташқи ишлар вазирлиги

Изоҳ: юқоридаги кўрсаткичларга эришиш учун таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳам масъул ҳисобланадилар, шунингдек бошқа манфаатдор давлат органлари ўзларининг ваколатлари доирасида амалий ёрдам кўрсатадилар.

4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига

2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
1.	Хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш.	1. Хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш тартибини белгилловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

		Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		
2.	Нодавлат олий таълим муассасалари томонидан, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш.	1. Нодавлат, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган шахсларга ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатиш. 2. Нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш.	2019 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
3.	Ўзгарувчан ўқув режалари ва дастурларини жорий этиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари инobatга олган ҳолда махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш.	1. Ўзгарувчан ўқув режалари ва дастурлари, махсус таълим дастурлари бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш. 2. Хорижий тажрибалар асосида ўзгарувчан ўқув режалари ва таълим дастурлари, махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурларини синовдан ўтказиш учун олий таълим муассасалари ва таълим йўналишларини белгилаш.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
4.	Табиий ва муҳандис-техник соҳаларда кадрлар тайёрлашни кенгайтириш.	1. Табиий ва муҳандис-техник соҳалари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 2. Табиий ва муҳандис-	2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Иқтисодиёт ва

		техник соҳалар бўйича 2020/2021 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш.		саноат вазирлиги (Б. Ходжаев), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)
5.	Кундузги ўқиш шакли бўйича бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини қайта кўриб чиқиш.	1. Ўқув режалари ва таълим дастурларини хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш орқали кундузги ўқиш шакли бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятидан келиб чиқиб 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:12 нисбатда белгилаш ва келгусида 1:16 нисбатга босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда олий таълим муассасаси кенгашларига зарур ҳолатда мазкур нисбатни 50 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқини берувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2019 йил октябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Н.Маджидов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Ходжаев)
6.	Таълим жараёнига рақамли	1. «E-MINBAR» электрон платформаси,	2019 йил октябрь	Олий ва ўрта махсус таълим

	технологияларни жорий этиш.	онлайн, вебинар технологияларни татбиқ этиш соҳасида хорижий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларини ўрганиш. 2. Олий таълим муассасаларида «E-MINBAR» электрон платформасини яратиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш.	2019 йил декабрь	вазирлиги (И.Маджидов), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Д. Ли), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва
7.	Республика олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ролини ошириш.	1. Республика олий таълим муассасалари васийлик кенгашларини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижасига кўра, олий таълим муассасалари васийлик кенгашлари бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига кирит.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
8.	Олий таълим муассасаларининг замонавий бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш, раҳбарлик лавозимларига муносиб номзодларни тайёрлаш ҳамда уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириб бориш тизимини такомиллаштириш.	Қуйидагиларни назарда tutувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: олий таълим муассасалари бошқарув кадрлари захирасига киритиладиган номзодларга қўйиладиган профессионал компетенцияларга оид талаблар; номзодларнинг интеллектуал, психологик барқарорлик, ташкилотчилик маҳорати ва бошқарув салоҳияти даражасини аниқлаш,	2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Давлат бошқарув академияси (Х. Ализов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

		уларни социометрик сўров элементларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш тартиби; раҳбарлик лавозимларига тавсия этиладиган номзодларни мақсадли ўқитиш, уларнинг профессионал компетенцияларини ривожлантириш ва тегишли соҳалардаги билимларини ошириш механизмлари.		
9.	Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари — КРІ асосида олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.	1. Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари — КРІ асосида олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш. 2. Республика олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
10.	Нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш чораларини кўриш.	1. Нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига киришга салоҳияти юқори бўлган олий таълим муассасалари илмий журналларини аниқлаш ва уларни мазкур базаларга кириштириш бўйича ташкилий ишларни амалга	2019 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

		ошириш. 2. Нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида олий таълим муассасалари ва профессор-ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотларни хатловдан ўтказиш, рўйхатдан ўлмаган республика олий таълим муассасалари ҳақида маълумотлар киритиш, уларнинг ресурсларини шакллантириш. 3. Олимлар томонидан чоп этиладиган мақолаларнинг соҳаларга тақсимланишидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари илмий журналларини нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига киритиш учун мақсадли йўналтириш.		
11.	Олий таълим муассасалари талабалари амалиётини самарали таъкил этиш.	1. Талабалар амалиётини кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотларда самарали таъкил этиш, амалиёт ўташ учун шарт-шароитлар яратиш ва ушбу жараёни такомиллаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқи. 2. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазир-	2019 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

		лар Маҳкамасига кирит.		
12.	Олий таълим муассасалари фаолияти тўғрисида фуқаролар хабардорлигини ошириш, жумладан ёшларни қизиқишлари бўйича олий таълим муассасаларида таълим олишга жалб қилиш.	1. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, илмий-техник салоҳияти, профессор-ўқитувчилар, инфратузилмаси, эришган ютуқлари каби доимий равишда янгиланиб бориладиган маълумотларни мужассам этган веб-портал яратиш. 2. Олий таълим муассасалари томонидан умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида таълим йўналишлари, ўқув-лаборатория базалари ва бошқа шароитлар тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш, олий таълим муассасалари ҳузурида «Ёзги мактаб»лар фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирларини тасдиқлаш.	2019 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
13.	Олий таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш.	1. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ҳолатини таҳлил қилиш. 2. Кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда битирувчи-ларни	2019 йил октябрь 2019 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

		мутахассислиги бўйича ишга йўналтиришга қаратишган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.		
14.	Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш.	1. Талабаларни адабиёт, санъат ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларда эстетик дид ва касбий этика, ахборот таҳлили маданиятини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидо-йилик ҳиссини қарор топти-риш бўйича маънавий-маъри-фий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва барча олий таълим муассасаларида мазкур чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш. 2. Талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни амалий касб эгаси сифатида тайёрлаш ишларини ташкил қилиш ва тизимли равишда олиб бориш.	2019 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Таълим хизматларини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва уни амалга оширишнинг концептуал йўналишлари	
1.1. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	6
1.2. Таълим хизматларини ривожлантириш – аҳоли яшаш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим омили.....	19
1.3. Таълим хизматлари ривожланишининг халқаро миқёсдаги қиёсий таҳлили.....	25
II боб. Таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш ва рақобатбардор кадрларни тайёрлаш масалалари	
2.1. Таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишнинг йўналишлари.....	31
2.2. Олий ўқув юртларида таълим хизматлари самарадорлигини ошириш ва рақобат муҳитини яратиш масалалари...	38
2.3. Таълим хизматлари бўғинлари ва уларни ривожлантириш йўллари.....	47
2.4. Таълим хизматларини ривожлантиришда малакали кадрларнинг роли ва аҳамияти.....	52
III боб. Фан ва таълим интеграцияси мамлакат тараққиётининг муҳим омили	
3.1. Фан ва замонавий таълим интеграциясининг интеллектуал мулкнинг шаклланишидаги роли.....	56
3.2. Таълимнинг ривожланишида илмий мактабларнинг роли ва ўрни: Самарқанд иқтисодиёт мактабининг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришдаги хизматлари.....	66
IV боб. Таълим хизматлари инсон капитали ва интеллектуал мулкни шакллантириш омили	
4.1. Таълим хизматлари - ўзининг қиймати ва бозорига эга бўлган интеллектуал мулкни шакллантириш омили.....	79
4.2. Таълим хизматлари орқали инсон капитали ва маънавиятини юксалтириш йўллари.....	86
4.3. Таълим бизнеси ва интеллектуал тадбиркорликни шакллантириш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили	89
4.4. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўрсатиладиган таълим хизматлари, уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.....	94

V боб. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари

5.1.	Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти ҳамда улар самарадорлигининг иктисодий мазмуни ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари.....	97
5.2.	Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг иктисодий мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	116
5.3.	Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишлари.....	131

VI боб. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари

6.1.	Олий ўқув юрлари самарадорлигини оширишда таълим хизматларини оптимallasштириш масалалари	153
6.2.	Таълим хизматларини ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш истиқболлари.....	161
6.3.	Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.....	174
6.4.	Олий таълим тизимида даромадлар ва харажатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	176

VII боб. Олий таълимни такомиллаштириш борасидаги ўзгаришлар ҳусусида айрим мулоҳазалар

7.1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Олий таълимни такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалари.....	182
7.2.	Рақамли таълимни жорий қилиш орқали “Коррупциясиз олий таълим”ни шакллантириш механизмлари.....	185
7.3.	“Ҳалоллик вакцинаси”нинг таркиби ва у билан эмлаш йўллари.....	188
7.4.	Олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар.....	192

VIII боб. Олий таълим тизимини бошқариш билан боғлиқ айрим масалалар

8.1.	Олий таълим тизимини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар.....	198
8.2.	Олий таълим тизимини бошқаришда таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш масалалари.....	203
	Хулосалар.....	208
	Фойдаланилган адабиётлар	214
	Иловалар	218

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2020

Мухаррир:	Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир:	А.Мойдинов
Мусаввир:	А.Шушунов
Мусахҳиҳа:	Ш.Мирқосимова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Рахматуллаева

**E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 71-245-57-63, 71-245-61-61.
Нашр.лиц. АЛ№009, 20.07.2018. Босишга рухсат этилди 19.08.2020.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 16,0. Нашр босма табоғи 16,25.
Тиражи 200. Буюртма № 83.**

**«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**

